

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



К.Б. Уразов, Н.У. Худайбердиев, М.С. Тулаев,
С.А. Салохидинов, И.Р. Ибрагимова

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ

Ўқув қўлланма

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан
5610200-Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш
бакалаврият таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ–ИҚТИСОДИЁТ – 2020

УО'К: 347.214.21(075)

КВК: 65.261 (02)

К.Б. Уразов, Н.У. Худайбердиев, М.С. Тулаев, С.А. Салохидинов,
И.Р. Ибрагимова. «Туризм ва меҳмонхона хўжалигида бухгалтерия
ҳисоби ва молия»: Ўқув қўлланма.–Т.: «ИҚТИСОДИЁТ», 2020. – 393 б.

Мазкур ўқув қўлланма туризм ва меҳмонхона хўжалигининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар, туризм харажатларини таснифланиши, уларнинг бошқа тармоқ корхоналаридан фарқланиш хусусиятлари ва молиясига оид масалалар ёритиб берилган. Ўқув қўлланмада туризм корхоналари бухгалтерия ҳисоби ва молиясининг назарий асослари ва механизмлари ёритиб берилган ва у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгаш томонидан 5610200-Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш бакалаврият таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

В этом руководстве описываются процессы, связанные с финансово-хозяйственной деятельностью туризма и гостиничного бизнеса, классификацией расходов на туризм, а также отличающие характеристике учета и финансами от других отраслей. Пособие содержит информацию о принципах и механизмах учета и финансирования туристических предприятий, а также рекомендуется от ученого совета Ташкентского государственного экономического университета, Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, как учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности бакалавр по организации и управлению 5610200-Гостиничная экономика.

This textbook describes the process of examination of the financial and economic activities of tourism and hotel business, the classification of expenditures on tourism, as well as distinguishing the characteristics of accounting and finance from other industries. The manual contains information on the principles and mechanisms of accounting and financing of tourism enterprises, and is also recommended from the academic council of the Tashkent State Economic University, the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan, as a textbook for students studying in the specialty Bachelor in Organization and Management economy.

ISBN 978-9943-05-691-6

УО'К: 347.214.21(075)

КВК: 65.261 (02)

© «ИҚТИСОДИЁТ», 2020.
© К.Б. Уразов, Н.У. Худайбердиев,
М.С. Тулаев, С.А. Салохидинов,
И.Р. Ибрагимова, 2020.

КИРИШ

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий қурилиш тараққиётини таъминлашда, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятларига аъзо бўлишида, ҳалқимизнинг кўхна ва бой маданияти, илми ва анъаналарини бутун дунёга таништиришда муҳим ўрин тутадиган соҳалардан бири бўлиб туризм ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда 408 та тур операторлар фаолият кўрсатмоқда, улар орқали республикамизга ҳар йили 1 миллионга яқин туристлар ташриф буюрмоқда, туристларга 168 та энг замонавий меҳмонхоналар хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг гўзал географик ва табиий шароитлари, кўриқхона ва боғларнинг мавжудлиги туризмда янги йўналишларни, чунончи экологик ва табиатшунослик туризмни ривожланишига имкониятлар яратмоқда.¹ Буларнинг барчаси мамлакатимизда туризмни истиқболли соҳалардан бири эканлигидан дарак беради.

Республикамиз худудларида туризм фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сонининг кун сайин кўпайиб бориши, улар томонидан республикамизга жалб қилинаётган туристларнинг кўпайиши, туристик хизматлардан олинаётган даромадларни ошиб бориши бунинг ёрқин мисолидир. Чунончи, биргина Самарқанд вилоятида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг 2000 ўринга эга 2 та, бошқа вазирлик ва бошқаларга қарашли 211 ўринга эга 2 та, хусусий секторнинг 923 ўринга эга 16 та меҳмонхоналари ҳамда 40 дан ортиқ туристик фирмалари туризм фаолияти билан шуғулланмоқдалар, уларнинг ҳар бири йилига 100 мингдан 400 минггача туристларга хизмат кўрсатмоқда.

Туризмни янада ҳам ривожлантириш, уни катта миқдорда маблағ келтирувчи соҳага айлантириш имкониятлари бугунги кунда республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд.

Туризм фаолиятини раванг топиши ушбу фаолиятни олиб боровчи корхоналарда бошқарувнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисобини ҳам бугунги кун талабларига мос равишда ташкил қилишни, ушбу соҳада унинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи яхлит ҳисоб тизимини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Чунончи, туризм соҳаси корхоналари олиб бораётган фаолиятнинг турлари ва таркиби, уларга доир даромадлар, харажатлар, миллий ва чет эл валютасидаги

молиявий муносабатлар, солиқ тўловлари ва бошқа ҳисоб объектларининг ўзига хос хусусиятлари ушбу масалаларни соҳа бўйича яхлит тарзда тартибга солиб турувчи махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш талабини қўймоқда.

Охирги йилларда республикамизнинг иқтисодий соҳасига кадрлар етиштириб берувчи олий таълим муассасалари ўқув режаларига туризм бизнеси соҳасида бухгалтерия ҳисоби масалаларини тадқиқ этувчи махсус курслар киритилди.

Ушбу ўқув қўлланмада бухгалтерия ҳисобнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи, бухгалтерия ҳисобининг предмети, объектлари, услуби ва усулларининг мазмуни, узоқ ва қисқа муддатли активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари ва охирги молиявий натижалари кўрсаткичларини ҳисобга олиш ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш тартиби қабул қилинган миллий стандартларга мувофиқ очиб берилган.

Ўқув қўлланмада барча мавзулар бўйича таянч иборалар ва атамаларнинг моҳияти очиб берилган, талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилишлари учун тест савол-жавоблари берилган. Мавзуларни ёритишда талабаларга эслаб қолишга ўнғай ва осон бўлишлиги учун таснифлашлар, баҳолаш усуллари, амалий мисоллар ва ҳужжатлар чизмалар, жадваллар ва иловалар кўринишида келтирилган.

¹ Ш.Мирзиёев. Парламентга мурожаатномасидаги нутқидан. Тошкент, 2019 йил 28 декабрь

I-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА МОЛИЯ ФАНИГА КИРИШ

1.1. Ҳисоб тушунчаси, унинг турлари ва бошқарувда тутган ўрни

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши уни бошқаришни тақозо этади. Бошқариш, ўз навбатида, жамиятнинг турли тармоқ ва соҳаларида юз берган ва бераётган жараёнлар, хўжалик фаолиятини олиб бораётган субъектларнинг маблағлари, уларни ташкил этиш манбалари, эришаётган натижалари ва бошқа жиҳатлари тўғрисидаги ахборотларни мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бундай ахборотларни ўзида мужассамлаштирувчи восита бўлиб хўжалик ҳисоби ҳисобланади.


Хўжалик ҳисоби негизда, кўриниб турибдики, «хўжалик» ва «ҳисоб» сўзлари ётади.

«Хўжалик» деганда маълум мақсадларга йўналтирилган, ўзининг базиси ва устқурмасига эга бўлган субъектлар тушунилади. Хўжалик сифатида қараладиган субъектлар бўлиб бир бутун мамлакатнинг ўзи ва унинг турли таркибий бўлинмалари, масалан, тармоқлари, соҳалари, минтақалари, ҳудудлари, вазирликлар, бирлашмалар, корхоналар ҳисобланади. Мамлакат доираидаги хўжалик халқ хўжалиги, унинг энг кўйи бўғинидаги хўжалик корхона хўжалиги деб аталади. Иқтисодиётнинг юқори ва кўйи бўғинлари ўртасидаги хўжаликларга тармоқлар, соҳалар, бирлашмалар, вилоятлар, туман ва шаҳарлар хўжаликлари киради.

«Ҳисоб» - бу хўжаликда юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизими. Демак, ҳисобнинг асосий маҳсули бўлиб ахборот, ҳисоб юритишнинг асосий мақсади бўлиб, бу ахборотларни аниқ, тўлиқ ва ўз вақтида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш ҳисобланади.

Шундай қилиб, икки сўз йиғиндисидан ташкил топган «хўжалик ҳисоби» халқ хўжалигининг турли бўғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини соний ва сифат жиҳатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизимидир.

Хўжалик ҳисобини қуйидаги турларга ажратиш мумкин (1-расм).



1.1-расм. Хўжалик ҳисобининг турлари.

Оператив-техник ҳисоб деганда хўжалик бўлимлари томонидан у ёки бу мақсадда юритиладиган тезкор ҳисоб тушунилади. Кадрлар бўлимининг ходимларни ишга ўз вақтида келиши ва кетишининг оператив ҳисоби, смена бошлиғини ёки мастерининг станокларни иш ҳолати ҳисоби ва бошқалар оперативтехник ҳисобга мисол бўла олади.

Статистика ҳисоби деганда жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ҳодиса ва жараёнларни соний акс эттирадиган ва сифат жиҳатдан изоҳлайдиган ҳисоб тизими тушунилади. Статистика ҳисобининг асосий маҳсули бўлиб статистик ҳисоботлар ҳисобланади. Статистик ҳисоб маълумотларни туман, вилоят ва яхлит мамлакат доирасида жамлайди. Статистик ҳисоб давлат томонидан стратегик бошқарувни олиб боришга асос ҳисобланади.

Молиявий ҳисоб деганда хўжалик молиявий фаолияти тўғрисидаги ахборотларни асосан ташқи фойдаланувчилар учун тақдим этувчи ҳисоб тизими тушунилади

Бошқарув ҳисоби – бу хўжалик раҳбарияти талабларига кўра бошқарувга тегишли қарорларни қабул қилиш мақсадида батафсил (аналитик) тарзда юритиладиган ҳисоб тизими. Бундай ҳисобни хўжаликнинг ҳамма бўлимлари олиб боришлари мумкин.

Хўжалик ҳисобининг бошқарувда тутган ўрни асосан у бажарадиган ахборот бериш ва назорат қилиш функцияларида ёрқин намоён бўлади.

Ахборот бериш функцияси – бу ички ва ташқи фойдаланувчиларни хўжалик фаолияти, унинг маблағлари, маблағларни ташкил топиш манбалари, фаолият натижалари тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш. Фойдаланувчиларга бериладиган ахборотлар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Реаллик – бериладиган ахборотларни аниқ бошланғич ҳужжатларга асосланганлиги;
- Ўз вақтидалилик – ахборотларни фойдаланувчиларга керакли вақтда етказиш;
- Батафсиллик- ахборотларни фойдаланувчиларга уларнинг талабларини қониқтирадиган мазмунда бериш;
- Нейтраллик – ахборотларни фойдаланувчиларга бир-бирини ҳуқуқларига путур етказмасдан бериш;

Хўжалик ҳисоби берадиган ахборотлар халқ хўжалигининг барча бўғинларини стратегия ва тактика бошқариш воситаси, ўтқазиладиган иқтисодий таҳлил ва аудитнинг асосий манбаи, назорат қилиш курали ҳисобланади.

Назорат – бу юз берган, бераётган ва берадиган ходиса ва жараёнларни қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш. Хўжалик ҳисоби томонидан олиб бориладиган назоратни асосан учта турга бўлиш мумкин:

- Дастлабки назорат
- Жорий назорат
- Кейинги назорат

Дастлабки назорат – хўжаликда юз берган ва берадиган ходиса ва операцияларни қонунийлиги, улар бўйича тайёрланган бошланғич ҳужжатларни тўғрилигини уларни имзолаш чоғида текшириш.

Жорий назорат – юз берган жараён ва операцияларни улар бўйича тузилган ҳисоботларни қабул қилиш чоғида текшириш.

Кейинги назорат – хўжаликда юз берган жараён ва операцияларни, маблағлар ҳолатини инвентаризация қилиш, тафтиш ўтказиш, таққослама далолатномаларни тузиш йўллари билан текшириш.

1.2. Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объектлари

Бухгалтерия ҳисоби ҳам фаолият, ҳам махсус фан сифатида ўзининг предметиغا эга.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда умуман олганда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар ва уларни юритилишини таъминловчи маблағлар, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, шунингдек хўжалик фаолиятининг натижалари тушунилади.

Юқоридаги таърифга асосан бухгалтерия ҳисоби предмети ифодаловчи объектларни қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:

- Хўжалик фаолияти;
- Хўжалик активлари;
- Хўжалик активларининг манбалари;
- Хўжалик фаолиятининг натижалари

2-расмда бухгалтерия ҳисоби предмети ташкил қилувчи объектларнинг таснифи ва таркиби кўргазмали тарзда келтирилган. Қуйида уларнинг моҳиятига тўхталамиз.

Хўжалик фаолияти. Хар қандай корxonанинг хўжалик фаолияти деганда унда юз берадиган *таъминот, ишлаб чиқариш* ва *сотиш жараёнларининг* мажмуаси тушунилади.

Корхона фаолият кўрсатиши учун унга меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа таъминотлар керак бўлади.

Таъминот деб аталмиш бу жараённи, одатда, корxonанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб борадилар. Ушбу жараёнсиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари, яъни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун корхона нинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узликсизлигига бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёни деганда ишчи кучи ва меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметларидан янги маҳсулотлар яратиш тушунилади. Ушбу жараён ўз ичига турли технологик операцияларни олади, бу операцияларни бажариш эса турли харажатларни амалга оширишни таъқоза этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси бўлиб тайёр маҳсулот ҳисобланади. Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар,


меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш воситаларининг амортизация харажатлари ва бошқа ушбу жараёнга тегишли харажатлар ишлаб чиқариш харажатларини, яратилган маҳсулот қийматига киритилган харажатлар эса тайёр маҳсулотнинг таннархини ташкил қилади. Шунинг таъкидлаш жоизки корхона томонидан бажарилган ишлар, масалан курилиш-монтаж ишлари, кўрсатилган хизматлар, масалан туристларга кўрсатилган ётоқхона ва бошқа хизматлар ёки аудиторлик хизмати ҳам ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Бундай ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси бўлиб бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат ҳажми ҳисобланади, уларга сарфланган харажатлар бажарилган иш ёки хизматнинг таннархини ташкил қилади.

Сотиш жараёни деганда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган тайёр маҳсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш тушунилади. Ушбу жараёнда тайёр маҳсулот, иш, хизмат пулга айланади, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзлар вужудга келади. Сотиш жараёнида корхонанинг ялпи тушуми, сотиш таннархи, сотишдан олинган фойда ёки зарари, сотиш жараёнининг харажатлари, унга доир солиқлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисобининг биринчи гуруҳи объектлари бўлиб ҳисобланган хўжалик фаолияти фақатгина уни ташкил этувчи жараёнларни доимий ва узликсиз равишда амалга ошириб борган ҳолда мавжуд бўлади. Бу жараёнларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунончи таъминотсиз ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришсиз эса сотиш жараёни амалга ошмайди. Сотиш бўлмаса корхонага пул келиб тушмайди, пулсиз эса таъминот, ишлаб чиқариш жараёнларини янгидан такрорлаб ва ривожлантириб бўлмайди.

Бундан хулоса қилса бўладики, хўжалик фаолияти маблағларни усликсиз айланишидан ва қўпайиб боришидан иборатдир.

Хўжалик фаолиятининг барча жараёнлари бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир жараёнда юз берган операциялар бухгалтерия ҳисобида ўзининг соний ўлчовини ва сифат тавсифини топади.



1.2-расм. Бухгалтерия ҳисобининг предметини ташкил қилувчи объектлар

Хўжалик активлари. Ўз фаолиятини юритиш учун ҳар қандай корхона хўжалик активларига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда 475-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»га мувофиқ (39- модда) **активлар** деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий , шунингдек номоддий мулк тушунилади.

Актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Қийматга эга бўлиши ва бу қиймат баҳоланадиган бўлиши керак.
- Эғалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши лозим.
- Келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса кўшиши керак.
- Юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши керак, масалан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг натижасидир.

Корхонаа активлари корхона фаолиятидаги иштирокига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

- Узоқ муддатли активлар
- Қисқа муддатли активлар

1. Узоқ муддатли активлар – 1 йилдан кўп муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган моддий ва номоддий маблағлари:

- **Асосий воситалар**– бинолар, иншоотлар, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, мебел ва бошқалар.
- **Номоддий активлар** – лицензия, патент, савдо маркаси, товар белгиси, гудвил, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар.
- **Молиявий инвестициялар** - сотиб олинган қимматли қоғозлар, берилган кредит ва қарзлар, киритилган пай ва бадаллар.

• **Капитал инвестициялар** - тугалланмаган қурилишларга, ҳаракатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга сарфланган, шунингдек янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жиҳозлар.

2. Қисқа муддатли активлар – 1 йилгача муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган маблағлар:

• **Ишлаб чиқариш захиралари** – хом-ашё ва материаллар, ёқилғи, тара ва тара материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

• **Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари** – тайёр ҳолга етмаган маҳсулотларларга тўғри келадиган харажатлар, ярим маҳсулотлар.

• **Тайёр маҳсулотлар** – оморларга қабул қилинган тайёр буюмлар.

• **Товарлар** - магазин ва оморларда сақланаётган истеъмол буюмлари.

• **Келгуси давр харажатлари** - ҳисобот йилида келгуси даврлар учун қилинган харажатлар, масалан обуна тўловлари, ижара тўловлари.

• **Муддати узайтирилган харажатлар** - ҳисобот йилида келгуси даврда ҳисобига тўланган солиқлар ва бошқа харажатлар.

• **Пул маблағлари** – кассадаги, йўлдаги ва банклардаги миллий ва чет эл валюталари.

• **Пул эквивалентлари** – пулли чеклар, йўлланмалар, чипталар, талонлар, маркалар ва бошқалар.

• **Олинadиган счёtlар** - бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидagi дебиторлик қарзлари.

Барча хўжалик активлар корхонада юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари ҳисобланади, уларни ҳар бирининг ҳолати, кўпайиши ва камайиши бухгалтерия ҳисобида ҳужжатли асосда акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида корхона активлари бошқарилади, таҳлил этилади ва назорат қилинади.

Хўжалик активларининг манбалари. Корхона ихтиёридаги барча активлар икки манбадан ташкил топади:

- **Хусусий капитал**
- **Мажбуриятлар**

Мулкга эғалик қилиш ҳуқуқига мувофиқ активлар ва уларнинг манбалари қуйидаги тенглик кўринишида ифодаланади:

$$\text{АКТИВ} = \text{ХУСУСИЙ КАПИТАЛ} + \text{МАЖБУРИЯТЛАР}$$

$$A = XK + M$$

Хусусий капитал – бу корхонанинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активларидир. Юқоридаги тенгликга мувофиқ:

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ = АКТИВ - МАЖБУРИЯТЛАР

$$ХК = А - М$$

Корхоналарнинг хусусий капиталини шаклланишининг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• **Устав капитали (УК)** – бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси.

• **Қўшилган капитал (ҚК)** – бу акцияларни сотиш ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарқлар суммаси.

• **Резерв капитали (РК)** – бу корхонанинг соф фойдасидан ташкил этилган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан олинган қўшимча қиймат ва бепул келиб тушган мулклар қийматининг мажмуаси.

• **Тақсимланмаган фойда(ТФ)** – бу корхонанинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмай қолган соф фойдасининг суммаси.

• **Резервлар (Р)** – бу турли жорий тўловларни амалга ошириш учун ҳисобот давр даромадлари эвазига шаклланган захира суммаси, масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, меҳнат таътили ҳақларини тўлаш учун ва шу кабилар.

• **Мақсадли тушумлар (МТ)** – корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар).

• **Грантлар (Г)** -- бу корхонага қайтариб олинмаслик шarti билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина қатъий мақсадларга ишлатилиши лозим.

• **Субсидиялар (С)** – бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан берилган ёрдам ва имтиёзлар суммаси.

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари. Мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• **Олинган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар** – бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга бошқа юридик шахслардан вақтинчалик молиявий ёрдам сифатида олинган маблағларни қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

• **Олинган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар** - бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга банклардан кредит шартномалари асосида олинган кредит ресурсларини қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

• **Таъминотчиларга тўланадиган сче́тлар** – бу олинган товар-моддий бойликлар учун таъминотчиларга ўтказилмай қолинган қарз суммаси.

• **Харидорлардан олинган аванслар** - бу харидорлардан товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун олдиндан келиб тушган пуллар бўйича қарз суммаси.

• **Муддати кечиктирилган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар** – бу солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича муддати мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача бўлган даврга узайтирилган қарз суммаси.

• **Бюджет олдидаги қарзлар** – бу ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда бюджетга ўтказиб берилмаган солиқ ва тўловлар бўйича қарз суммаси.

• **Ижтимоий суғурта бўйича қарзлар** – бу ижтимоий суғурта бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда тегишли суғурта органларига ўтказиб берилмаган қарз суммаси.

• **Иш ҳақи бўйича қарзлар** – бу корхонанинг ходимларига ҳисобланган ва вақтинча сақланаётган иш ҳақларини тўланмай қолинган қисми.

• **Таъсисчилар олдидаги қарзлар** – бу таъсисчиларга ҳисобланган, лекинда тўланмаган дивидендлар бўйича корхонанинг қарзи, шунингдек таъсисчилар сафидан чиқиб кетган шахсларнинг устав капиталидаги ҳиссасини қайтарилмаган қисми.

• **Бошқа кредиторлар олдидаги қарзлар** – бу турли хизматлар, фонслар, камомадлар, даъволар ва бошқа тўловлар бўйича корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олидаги қарзи.

Бухгалтерия ҳисоби ахборот бериш на назорат қилиш воситаси сифатида корхона активларининг ташкил топиш манбалари бўйича маълумотларни жамлайди, улар асосида корхонанинг молиявий қуввати кўрсаткичлари таҳлил этилади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида корхонанинг хусусий капитали, қарзлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот фойдаланувчиларига етказилади.

Хўжалик фаолиятининг натижалари. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятининг натижалари бўлиб у олган фойда ёки кўрган зарари ҳисобланади.

Фойда(Ф) – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари(Х) ўртасидаги ижобий фарк, яъни

$$\Phi = Д > Х.$$

Демак, қанчалик даромад кўп бўлиб, харажат кам бўлса, корхонанинг фойдаси шунчалик кўп бўлади.

Зарар – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарк, бошқачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши, яъни:

$$З = Д < Х$$

Демак, корхона даромадга қанчалик кўп харажат билан эришса, унинг зарари шунчалик кўп бўлади.

Корхонанинг фаолият натижалари кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг энг маъсулиятли бўлими, чунки ушбу кўрсаткичларнинг миқдори уларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлигига ва жамланганлигига, ҳисоботларни тўғри тузилганлигига бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объектларини ташкил этувчи иқтисодийнинг қуйи бўғини бўлган корхоналар фаолиятини аниқ, батафсил маълумотларда ифодалаб, уларни бошқарув органларига, мулкдорларга ва бошқа қизиқувчиларга ўз вақтида етказиб бериш ушбу соҳа ходимларининг жамиятда туган ўрнини янада ҳам ошишининг муҳим гаровидир.

1.3.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бевосита улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, сотиладиган турмаҳсулотлар, бошқа фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Ушбу хизматларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ олиб борилганлиги, бунда белгиланган меъёр ва тартибларга амал қилинганлигини назорат қилиш, кўрсатилган хизматлардан тушумлар, уларга кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш, кўрсатилган хизматларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини тизимли юритиш, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошишини таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида турган энг муҳим вазифалардир.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг хусусиятлари, уларнинг мулки ҳамда бу мулкни ташкил қилиш манбалари ҳисоби олдида ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Жумладан, ҳисоб ва ҳисобот тизими туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари мижозларга сервис хизматларни кўрсатишга имкон берувчи жуда ҳам бежирим меҳмонхоналар, овқатлантириш заллари, катта ва микро автобуслар, хўжалик инвентарлари, маҳсул хордиқ олишга имкон берувчи жиҳозлар, аппаратлар, асбоб ускуналар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа шу каби зарур асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати, уларнинг иш фаолияти, амортизацияланиши ва бошқа жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумотларни бериши лозим.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан мижозларга кўрсатилиши лозим бўлган сервис хизматлар уларнинг овқатланиш ҳамда хордиқ чиқариш бўлинмаларига (ресторан, бар, кафе, буфетларда) тегишли истеъмол товарларини, масаллик, маҳсулотлар, хўжалик буюмларини ўз вақтида келиб тушишига, уларнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари келиб тушаётган товар-моддий бойликлар қийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар ҳисобини баҳолашнинг у ёки бу усулда юритилиши кўрсатилган хизматлар таннархига, уларни кўрсатишдан олиннадиган даромадлар ва тўланадиган солиқларга, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг соф фойдасига бевосита таъсир кўсатади. Буларнинг барчаси туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бухгалтерия ҳисоби олдида товар-моддий бойликлар қийматини тўғри баҳолаш, улар кирими ва чикимида доир ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини белгиланган тартибда юритишдек муҳим вазифани қўяди.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатиладиган турли хизматларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши уларда молиялаштирилиш манбаларининг мавжудлигига бевосита боғлиқдир. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатиладиган турли хизматлар, одатда, буюртмачилардан олинган олдиндан тўлов ва кейинги тўловлар, шунингдек туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўз маблағлари ёки улар томонидан олинган банк кредитлари эвазига амалга оширилади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларини молиялаштирилишининг ушбу хусусиятлари уларда етарлича пул маблағларига

эга бўлишлигини, пул маблағларидан оқилона фойдаланишни, олдиндан тўлов ва кейинги тўлов суммаларини буюртмачилардан ўз вақтида келиб тушишини, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағларни олиш ва қайтариш муомалаларини усликсиз назорат қилишни, уларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришни, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда олиб боришни тақозо қилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатиладиган турли хизматларнинг хусусиятларидан яна бири шундаки, улар, бир томондан, эскурсовод, хоналарга хизмат қилувчи бекалар, санитария ходимларининг якка меҳнатига таянади, иккинчи томондан эса, айрим хизмат турлари, масалан, туристларни овқатлантириш меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли кенг қўллашни тақозо этади. Шу боис ҳам, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ходимларга ҳақ тўлашда меҳнатнинг якка ҳамда бригада шакллари қўлланилади. Бу, ўз навбатида, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида меҳнатга ҳақ тўлашни бригада аъзолари бўйича ҳисоб-китоб қилишни, ҳисобланган иш ҳақини бригада аъзолари ўртасида тақсимлашни, шунингдек якка тартибда ишловчи ходимларга иш ҳақини турли тизимлар асосида амалга ошириш ва ҳисобини юритиш вазифасини қўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг, улар инвесторлари, таъсисчиларининг пировард мақсади бўлиб фойда олиш ҳисобланади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳисоб тизими фойда кўрсаткичларини ҳар бир фаолият тури бўйича, уларнинг жавобгарлик марказлари бўйича миллий пул бирлигида реал аниқлаш имконини бериши ва ақс эттириши лозим.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

«Хўжалик ҳисоби» - халқ хўжалигининг турли бўғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини соний ва сифат жиҳатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизимидир.

Оператив-техник ҳисоб деганда хўжалик бўлимлари томонидан у ёки бу мақсадда юритиладиган тезкор ҳисоб тушунилади.

Статистика ҳисоби деганда жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ҳодиса ва жараёнларни соний ақс эттирадиган ва сифат жиҳатдан изоҳлайдиган ҳисоб тизими тушунилади.

Молиявий ҳисоб деганда хўжалик молиявий фаолияти тўғрисидаги ахборотларни асосан ташқи фойдаланувчилар учун тақдим этувчи ҳисоб тизими тушунилади

Бошқарув ҳисоби – бу хўжалик раҳбарияти талабларига кўра бошқарувга тегишли қарорларни қабул қилиш мақсадида батафсил (аналитик) тарзда юритиладиган ҳисоб тизими.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда умуман олганда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар ва уларни юритилишини таъминловчи маблағлар, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, шунингдек хўжалик фаолиятининг натижалари тушунилади.

Активлар - хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий , шунингдек номоддий мулки.

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари.

Хусусий капитал – бу корхонанинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активларидир **Фойда(Ф)** – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари(Х) ўртасидаги ижобий фарқ,

Зарар – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқ, бошқачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши

Мавзу бўйича назорат саволлари

- 1.Хўжалик деганда нимани тушунаси?
- 2.Ҳисоб деганда нимани тушунаси?
3. Хўжалик бирламчими ёки ҳисоб бирламчими?
- 4.Ҳисоб ким учун керак?
- 5.Ҳисоб юритишда қандай ўлчов бирликлари қўлланилади?
- 6.Хўжалик ҳисобининг қандай турларини биласиз?
7. Хўжалик ҳисобини нимасига қараб турларга ажратиш мумкин?

8. Ҳисоб турлари нимаси билан бир-бирдан фарқланади?
9. Бухгалтерия ҳисоби нима ва у ким учун мўлжалланган

Мавзу бўйича тест савол-жавоблари

1. Хўжалик ҳисоби қандай турларга бўлинади

а) «Хўжалик ҳисоби» халқ хўжалигининг турли буғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини фақат сифат жиҳатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизимидир.

б) «Хўжалик ҳисоби» халқ хўжалигининг турли буғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини фақат сон жиҳатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизимидир.

в) «Хўжалик ҳисоби» халқ хўжалигининг турли буғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини сон ва сифат жиҳатдан характерловчи ахборотларни узатиш тизимидир.

г) «Хўжалик ҳисоби» халқ хўжалигининг турли буғинларида юз берган ва бераётган ҳодиса ва жараёнлар, уларни натижаларини сон ва сифат жиҳатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва узатиш тизимидир.

2. Хўжалик ҳисоби қандай турларга бўлинади

- а) Оператив-техник, статистик ва аналитик ҳисобларга
б) Молиявий, бошқарув ва статистик ҳисобларга
в) Молиявий, статистик ва оператив-техник ҳисобларга
г) Бухгалтерия, статистик ва оператив-техник ҳисобларга

3. Бухгалтерия ҳисоби қандай турларга бўлинади?

- а) Оператив ва аналитик ҳисоб
б) Молиявий ва бошқарув ҳисоби
в) Молиявий ва статистик ҳисоб
г) Бошқарув ва техник ҳисоб

4. Ўзбекистон республикасида қуйидаги ҳисоб тури регламентлаштирилган

- а) Оператив –техник ҳисоб
б) Муҳандислик ҳисоби
в) Бошқарув ҳисобида
г) Молиявий ҳисоб

5. Хўжалик фаолиятини таъмин этувчи объектларга нималар киради?

- а) Хўжалик жараёнлари
б) Хўжалик активлари
в) Хўжалик активларининг ташкил топиш манбалари
г) Технологик жараёнлар

6. Қуйидагиларнинг қайси бири бухгалтерия ҳисоби объекти эмас.

- а) Иш хақи
б) Транспорт
в) Технологик чизмалар
г) Капитал

7. Қуйидагиларнинг қайси бири бухгалтерия ҳисоби объекти.

- а) Хусусий капитал
б) Бозордаги нарх
в) Технологик чизмалар
г) Одамлар ўртасидаги муносабатлар

8. Корхона ходимлари киради:

- а) Капитал инвестицияларга
б) Жорий активларга
в) Ҳеч қайсисига
г) Узоқ муддатли мажбуриятларга

II-БОБ. МЕХМОНХОНА БИЗНЕСИ ВА ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ


2.1. Бухгалтерия ҳисобининг услуги ва унинг элементлари

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолияти жараёнлари, активлар, уларнинг манбалари ва охириги молиявий натижаларни акс эттиришни макон ва замонда, диалектик ҳаракатда амалга оширади. Айнан шундай ёндашиш бухгалтерия ҳисобининг услуги ифодалади.

Бухгалтерия ҳисобининг **услуги** деганда унинг объектларини ўрганиш ва акс эттиришда қўлланиладиган усуллар мажмуаси тушунилади.

Усулларининг ҳар бири алоҳида бухгалтерия ҳисоби услубининг элементлари деб аталади.

Бухгалтерия ҳисоби услубининг моҳияти унда қўлланиладиган усулларда ёрқин намоён бўлади. Бухгалтерия ҳисоб услуги ташкил қилувчи асосий усулларга қуйидагилар киради. **(3-расмга қаранг)**



2.1-расм. Бухгалтерия ҳисоби услуги элементлари

1.Хужжатлаштириш – бу хўжалик операцияларини маълум бир хужжатлар билан расмийлаштириш усули.

2. Инвентаризация – бу бухгалтерия ҳисобида унинг маълумотларини тўғрилигини, корхона активларини ҳақиқий ҳолатини, моддий жавобгар шахсларнинг ўз функцияларини сидқидилдан виждонан бажараётгалигини, мулкни талон-тарож қилинмаганлигини билиш мақсадида ўтказиладиган қайта ҳисоб-китоб қилиш усули.

3.Баҳолаш – бу корхона активларининг қийматини пулда ифодалаш усули.

4.Калькуляция –бу хўжалик активларининг сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш қийматларини ҳисоблаб топиш усули.

5.Бухгалтерия ҳисоби счетлари - бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини ҳисобот давридаги ҳолати (бошланғич ва охириги), шунингдек уларнинг шу даврдаги ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

6.Бухгалтерия ҳисоби счетларига икки ёқлама ёзув - бу юз берган операциянинг суммасини икки марта, яъни бир счетнинг дебетига ва бошқа бир счётнинг кредитига ёзиш усули.

7.Бухгалтерия баланси – корхона активлари ва уларни ташкил топиш манбаларининг маълум бир санадаги ҳолатини пул ифодасида акс эттириш усули.

8.Молиявий ҳисобот - – бу маълум даврдаги молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини пулда белгиланган шакл ва мазмунда ифодалаш усули.

2.2.Хужжатлаштириш ва инвентаризация.

Бухгалтерия ҳисобининг бошқа ҳисоб турларидан яна битта фарқи хусусияти шундаки, унда акс эттирилган хўжалик операциялари қатъий хужжатлаштирилган бўлади, яъни ҳисобда акс эттирилган маълумотлар хужжатли асосга эга бўлади. Бу ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини муҳимлигини, ишонарлигини, юридик кучга эга эканлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам хужжатлаштириш бухгалтерия ҳисобининг муҳим усули ҳисобланади.

Хужжатлаштириш - бу хўжалик операцияларини маълум бир хужжатлар билан расмийлаштириш усули.

Хужжат – бу хўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи ёки уларни келгусида юз беришига асос бўлувчи ёзма гувоҳнома. Масалан, товар-моддий бойликларни ҳақиқатда сотилганлиги ёки олинганлигига счет-фактуралар, пулни кассага олинганлигига кирим касса ордери гувоҳ ҳисобланади. Бошқа бир хужжатлар хўжалик операцияларини келгусида юз беришига асос бўлади, масалан берилган ишончнома шу шахс томонидан бошқа корхонадан товар-моддий бойликларни қабул қилиб олишига, чек эса кассирга пулни банкдан нақд олишга ҳуқуқ беради.

Бухгалтерия ҳисобида жуда кўп турдаги хужжатлар ишлатилади. Уларни турли белгиларига қараб таснифлаш мумкин (**4-расмга қаранг**).


Мақсадига кўра бухгалтерия хужжатлари гувоҳлик берувчи, фармойиш берувчи, фармойиш ва гувоҳлик берувчи, бухгалтерлик ҳисоб-китобларини акс эттирувчи турларга бўлинади.

Гувоҳлик берувчи хужжатлар деганда, юқорида айтиб ўтганимиздек, хўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи хужжатлар тушунилади.

Фармойиш берувчи хужжатлар деганда у ёки бу ҳаракатни келгусида амалга оширишга фармойиш берувчи хужжатлар тушунилади. Масалан, инвентаризация ўтказиш тўғрисида фармойиш, товарни олиб келуш учун берилган ишончнома ва шу кабилар.

Фармойиш ва гувоҳлик берувчи хужжатлар деганда бир вақтнинг ўзида хўжалик операциясини амалга оширишга берилган фармойишни ифодаловчи, ҳам бу фармойиш асосида ҳақиқатда юз берган хўжалик операциясига гувоҳлик берувчи хужжатлар тушунилади. Масалан, касса чиким ордери бир вақтнинг ўзида пулни берилиши учун тузилган раҳбариятнинг фармойишини, шунингдек шу фармойиш асосида пулни ҳақиқатда кимгадир берилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи хужжат ҳисобланади. Пул чеки ҳам худди шундай хужжат ҳисобланади.

Бухгалтерлик ҳисоб-китобларини акс эттирувчи хужжатлар деганда бевосита юз берган хўжалик операциясини акс эттирмайдиган, лекин у ёки бу кўрсаткични, қарзни топиш учун бухгалтер томонидан тузилган хужжатлар тушунилади. Бундай хужжатларга мисол қилиб солиқлар ҳисоб-китобларини,



2.2-расм. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган хужжатларнинг таснифи

мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобларини, амортизацияни аниқлаш ҳисоб-китобларини келтириш мумкин

Тузиш тартибига кўра бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган хужжатлар бошланғич ва йиғма хужжатларга бўлинади.

Бошланғич хужжатлар деб хўжалик операцияси содир бўлган вақтда тузилган хужжатлар тушунилади. Барча гувоҳлик берувчи хужжатлар бошланғич хужжатлар ҳисобланади.

Йиғма хужжатлар деганда бошланғич хужжатлар асосида тузилган ва уларнинг маълумотларини маълум давр учун жамлаб берадиган хужжатлар тушунилади. Бундай хужжатларга моддий ҳисоботлар, аванс ҳисоботлари, товар-пул ҳисоботлари, банк кўчирмалари ва бошқалар қиради.

Акс эттириш усулларига кўра бухгалтерия ҳужжатлари бир маротаба юз берган ва кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирадиган ҳужжатларга бўлинади.

Бир маротаба юз берган операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар деганда фақат битта операцияни у юз берган вақтда акс эттирувчи ҳужжатлар тушунилади, масалан, пулни кассага кирим қилганда тузилган кирим касса ордери, товар жўнатилганда тузилган счёт- фактура ва шу каби ҳужжатлар.

Кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар деганда бир хил мазмундаги ва кўп такрорланиб тутувчи ҳужжалик операцияларни маълум бир даврда (масалан ҳафта , ўн кунлик, бир ой ичида) битта ҳужжат билан расмийлаштирувчи ҳужжатлар туқунилади, масалан омбордан ишлаб чиқаришга хар куни бериладиган материаллар бир ҳафта, ўн кун ёки бир ойга очилган битта забор листи билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай ҳужжатлар бошланғич ҳужжатлар сонини камайишига, уларни тузиш ва ишловига кетадиган вақтни анчагина тежалишига олиб келади.

Тузилган жойига кўра ҳужжатлар ички ва ташқи ҳужжатларга бўлинади.

Ички ҳужжатлар деб корхонанинг ўзида тузилган, **ташқи ҳужжатлар** деб эса корхонага четдан келиб тушган ҳужжатлар тушунилади. Масалан, тайёр маҳсулотни жўнатишда тузилган счёт-фактура ички, материалларни таъминотчилардан келиб тушганлигини кўрсатувчи счёт-фактура эса ташқи ҳужжат ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳужжати деб тан олинishi учун ҳужжат маълум талабларга жавоб бериши лозим. Бу талабларга қуйидагилар киради:

1. Ҳужжат аниқ реквизитларга эга бўлиши ва бу реквизитлар тўлиғича кўрсатилган бўлиши керак. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳужжатларнинг асосий реквизитларига қуйидагилар киради:

- Ҳужжатнинг номи;
- Ҳужжатнинг тартиб рақами
- Ҳужжатнинг тузиш санаси
- Операцияда қатнашувчи томонларнинг номи, адреси, телефони, банк реквизитлари, солиқ тўловчи сифатидаги идентификацион рақами (СТИР);
- Юз берган операциянинг мазмуни;
- Раҳбар ва бош ҳисобчининг фамилияси, исми – шарифи;

• Операцияга асос бўлган ҳужжат (масалан, ишончноманинг номери ва санаси);

• Операцияда бевосита қатнашган шахсларнинг фамилияси, исми-шарифи.

2. Ҳужжат имзоланган бўлиши керак (раҳбар, бош ҳисобчи ва операцияларда қатнашган бошқа шахслар томонидан).

3. Ҳужжат корхонанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

4. Ҳужжат қалам билан тузилмаган бўлиши керак;

5. Ҳужжатнинг барча нусхалари бир хил бўлиши лозим.

Ушбу талабларнинг биронтасига амал қилинмай тузилган ҳужжат тўлиқ юридик кучга эга бўлмайди.

Бухгалтерия ҳисобида жуда кўп номдаги ва сондаги ҳужжатлар тузилади. Шунинг учун ҳужжатлар айланишини тўғри ташкил этиш, уларни белгиланган муддатларда корхонада сақлаш ва давлат архивига белгиланган тартибларда топшириш ўта муҳим ҳисобланади.

Инвентаризация – бу бухгалтерия ҳисобида унинг маълумотларини тўғрилигини, корхона активларини ҳақиқий ҳолатини, моддий жавобгар шахсларнинг ўз функцияларини сидқидилдан виждонан бажараётгалигини, мулкни талон-тарож қилинмаганлигини билиш мақсадида ўтказиладиган қайта ҳисоб-китоб қилиш усули.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоб объектларини инвентаризация қилиш тартиби махсус 19- сон БХМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» билан регламентлаштирилган. Ушбу стандартга мувофиқ инвентаризациянинг қуйидаги турлари мавжуд:

• **Режали инвентаризация** – бу корхонанинг моддий жавобгар шахсларни навбатдаги меҳнат таътилига чиқариш режасига кўра ўтказиладиган инвентаризация.

• **Режадан ташқари инвентаризация** – бу кўзда тутилмаган ҳолларда, масалан фавкулотдаги ҳодисалар юз берганда (ўғрилиқ, тошқин ва шу каби ҳодисалар содир бўлганда) ўтказиладиган инвентаризация.

Инвентаризациянинг характерли хусусиятлари:

• Инвентаризация тўсатдан ўтказилади, яъни моддий жавобгар шахс уни ўтказилиши тўғрисида олдиндан хабар топмаслиги лозим.

- Инвентаризация раҳбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан тасдиқланган доимий ҳаракатдаги ва ишчи инвентаризация комиссиялари томонидан ўтказилади, ушбу комиссияга моддий жавобгар шахс албатта киритилади.

- Инвентаризация маълум муддатга ўтказилади, унинг бошланиш ва тугаш вақти буйруқда ёки фармойишда кўрсатилган бўлиши керак.

- Инвентаризацияни ўтказиш белгиланган тартибда ва усулларда амалга оширилади.

- Инвентаризация натижалари махсус санок ва такқошлар далолатномалари билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг БХМСларига мувофиқ корхона активларини режали инвентаризация қилишда қуйидаги муддатлар белгиланган

<i>. Инвентаризация объекти</i>	<i>Инвентаризацияни ўтказиш муддатлари</i>	<i>Қайси БХМСга мувофиқ</i>
Асосий воситалар	Икки йилда бир марта йиллик ҳисобот олдидан	5- сон БХМС, 19-сон БХМС
Кутубхона фонди	Беш йилда бир марта	5- сон БХМС, 19-сон БХМС
Товар-моддий бойликлар (ёқилги, озик –овқатлар, қимматбаҳо металлдан ташқари)	Йилига камида бир марта	4-сон БХМС, 19-сон БХМС
Ёқилги, озик –овқатлар	Хар чоракда	4 –сон БХМС 19-сон БХМС
Қимматбаҳо металллар	Тармоқ йўриқномасига мувофиқ белгиланган муддатларда	Махсус йўриқнома
Пул маблағлари, Пулли эквивалентлар ва ҳужжатлар	Хар ойда бир марта	12- сон БХМС 19-сон БХМС
Ҳисоб-китоблар	Бир марта йиллик ҳисобот олдидан	19-сон БХМС

Инвентаризациянинг натижасида ҳисоб маълумотларидан четланишлар аниқланиши мумкин. Бундай четланишлар бўлиб камомад ва ортиқчалар ҳисобланади. Аниқланган камомадларнинг белгиланган меъёрлардан ташқариси моддий жавобгар шахслардан қонун доирасида ўндирилиб олинади. Аниқланган ортиқчалар корхонанинг даромадига олинади.

2.3. Бухгалтерия ҳисоби счётлари ва счётларга икки ёқлама ёзув.

Корхона активлари ва уларнинг манбалари ҳолати ҳамда ҳаракатини акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобида «счётлар» деб ном олган усул қўлланилади.

Счётлар – бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини ҳисобот давридаги ҳолати (бошланғич ва охири), шунингдек уларнинг шу даврдаги ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

Счётлар режаси. Счётлар режаси - бу корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда қўлланиладиган счётларнинг тартиблаштирилган тизими. Ўзбекистон Республикасида счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома давлат аҳамиятига молик меъерий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу меъерий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш Молия Вазирлигига юклатилган.

Республикада ҳалқ хўжалиги тармоқларида уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ва ўзида мужассамлаштирган қуйидаги учта турдаги счётлар режаси қўлланилади:

- Давлат бюджетидagi муассасалари молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.

- Банклар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.

- Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.

Қуйида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига тўхталиб ўтамыз.

Молия Вазирлиги томонидан «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» 21- сонли БХМС сифатида биринчи марта 2000 йил 30 мартда 37- сон буйруқ билан тасдиқланди. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон буйруқ билан Молия Вазирлиги ушбу БХМС ни янги таҳрирда қайта тасдиқлади, у Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтди.

21- сон БХМС сифатида тасдиқланган счётлар режаси олтига қисм, ўнга бўлимдан иборат, у ўз ичига 208 та баланс счётларини, 40 та молиявий натижалар ҳисоботини тузишга мўлжалланган счётларни ва 14 та балансдан ташқари счётларни олади. Счётлар режасида бухгалтерия ҳисоби счётлари молиявий ҳисоботнинг шакллари бўлган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг таркибий элементларига мос равишда қуйидаги қисм ва бўлимларга ажратилган.

21- сон БХМС га мувофиқ счётлар режасининг таркибий тузилиши

Қисмларнинг номи	Бўлимларнинг номи	Счётлар серияси
<i>I. Узоқ муддатли активлар</i>	1. Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активлар	01- 09
<i>II. Жорий активлар</i>	2. Товар-моддий захиралар	10 – 29
	3. Келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар – жорий қисми.	30 – 39
	4. Олинадиган счётлар	40 – 49
	5. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар	50 – 59
<i>III. Мажбуриятлар</i>	6. Жорий мажбуриятлар	60 – 69
	7. Узоқ муддатли мажбуриятлар	70 – 79
<i>IV. Ҳусусий капитал</i>	8. Капитал, фойда ва резервлар	80 – 89
<i>V. Молиявий натижаларни шаклланиши ва шилатилиши</i>	9. Даромадлар ва харажатлар	90 – 99
<i>VI. Балансдан ташқари счётлар</i>		001- 014

Бухгалтерия ҳисоби счётларининг тузилиши ва юритилиши. Амалиётда бухгалтерия ҳисоби счётлари китоблар, журналлар, мемориал-ордерлар, ведомостлар, карточкалар кўринишида қўлда ёки замонавий компьютерларнинг экранларида юритилади. Ушбу ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби счётларининг регистрлари ҳисобланади. Регистрлар кўринишида юритиладиган бухгалтерия ҳисоби счётлари ёзувларни тартиб билан тизимлаш

учун икки томонга ажратилади – чап ва ўнг томонларга. Счётларнинг чап томони «дебет», ўнг томони эса – «кредит» деб аталади.² Ҳар бир счёт ички томондан тўртта элементни ўз ичига олади:

• **Бош қолдиқ** - бу счёт бўйича ҳисобот даври бошидаги қолдиқ сумма. Бухгалтерлар тилида уни «**бош сальдо**» ҳам деб атайдилар.

• **Дебет оборот** - бу счётнинг дебет тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага кўпайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага камайганлигини билдиради.

• **Кредит оборот** - бу счётнинг кредит тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага камайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - ҳисобот даврида счётнинг бош қолдиғи суммасини жами қанчага кўпайганлигини билдиради.

• **Охириги қолдиқ** - бу счёт бўйича ҳисобот даври охириги қолдиқ сумма. Бухгалтерлар тилида уни «**охирги сальдо**» ҳам деб атайдилар.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби счётларини график кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин.

АКТИВ СЧЁТ		ПАССИВ СЧЁТ	
Бош қолдиқ (Бқ)			Бош қолдиқ (Бқ)
Кўпайиши (+)	Камайиши (-)	Камайиши (-)	Кўпайиши (+)
Дебет оборот (До)		Дебет оборот (ДО)	Кредит оборот (Ко)
Охириги қолдиқ (Оқ)			Охириги қолдиқ (Оқ)

Актив ва пассив счётларда давр охиридаги қолдиқ сумма қуйидаги математик алгоритмлар ёрдамида топилади:

² Дебет – у қарздор, кредит – у ишонади деган маънони билдиради.

Актив счётларда	Пассив счётлар
$Оқ = Бқ + До - Ко$	$Оқ = Бқ + Ко - До$

Бухгалтерия ҳисоби счётлари, одатда, ҳисобот даврининг бошига очилади, ҳисобот давр давомида уларга ёзувлар ўтказиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида ёпилади.

Счётларнинг очилиши деганда уларнинг бош қолдиғини мос равишда дебет ва кредитга кўрсатиш тушунилади.

Счётларга ёзиш деганда юз берган операция суммасини уларнинг дебет ва кредит томонларида акс эттириш тушунилади.

Счётларнинг ёпилиши деганда уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммаларини ҳисоблаш ва охириги қолдиқ суммаларини топиш тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобида унинг ҳар бир объектини акс эттириш учун алоҳида счётлар кўзда тутилади. Ҳар бир счёт ўзининг тартиб рақамига ва аниқ номига эга бўлади. Одатда, счётнинг номи объектнинг номи билан бир хил бўлади. Мисол учун, асосий воситаларни акс эттириш учун айнан шундай номдаги № 0100, кассадаги пул маблағларини акс эттириш учун «Кассадаги пул маблағлари» номли № 5000 - счёт ва бошқа шу каби счётлар кўзда тутилади. Барча қўлланиладиган счётларнинг тартиб рақамлари ва аниқ номлари махсус счётлар режасида ўз аксини топади.


21- сон БХМС га мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган счётлар куйидаги белгилари бўйича таснифланади (**5- расмга қаранг**).

Доимийлигига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари доимий ва транзит счётларга бўлинади.

Доимий счётлар- деганда ҳисобот даврининг охирида қолдиққа эга бўладиган ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар тушунилади.

Транзит счётлар деганда ҳисобот даврида корxonанинг даромад ва харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилиб, ҳисобот даврининг охирида ёпилиб кетадиган ва қолдиққа эга бўлмайдиган счётлар тушунилади.

Балансда жойлашишига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари актив, контрактив, пассив, контрпассив счётларга бўлинади.



2.3-расм. Бухгалтерия ҳисоби счётларини таснифлаш асослари

Актив счётлар - корхона активларини акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Пассив счётлар - корхона активларини ташкил топиш манбаларини кўрсатувчи хусусий капитал ва мажбуриятларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Контрактив счётлар – корхона активларининг соф қийматини топишда чегириб ташланадиган суммаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Контрпассив счётлар – корхонанинг хусусий капитали ва мажбуриятларининг соф қийматини топишда чегириб ташланадиган суммаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Балансга суммаси киритилишига кўра бухгалтерия ҳисоби счётлари баланс ва балансдан ташқари счётларга бўлинади.

Баланс счёта –бу қолдиқлари балансга киритиладиган счёта. Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални акс эттиришга мўлжалланган барча счёта баланс счёта хисобланади.

Балансдан ташқари счёта – корхонада вақтинчалик сақланаётган, фойдаланилаётган, лекин унга тегишли бўлмаганлиги учун балансга киритиб бўлмайдиган активларни, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларни акс эттиришга мўлжалланган счёта.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра бухгалтерия хисоби счёта синтетик ва аналитик счётага бўлинади.

Синтетик счёта – бу маълумотларни фақат пул ифодасида қайд этиб ва жамлаб берувчи счёта. Улар асосида юритиладиган хисоб **синтетик хисоб** деб аталади. 21- сон БХМСда кўрсатилган барча счёта синтетик счёта хисобланади. Демак, давлат томонидан фақат синтетик счёта регламентлаштирилади.

Аналитик счёта – бу маълумотларни турли батафсилликларда ва турли ўлчов бирликларида қайд этиб ва жамлаб берувчи счёта. Ушбу счёта асосида юритиладиган хисоб **аналитик хисоб** деб аталади. Аналитик счёта корхоналар томонидан мустақил равишда очилади ва юритилади. Аналитик счёта суммаларининг йиғиндиси синтетик счёта суммасига тенг бўлиши лозим. Масалан, корхонанинг № 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёта» синтетик счётага акс эттирилган жами қарзларининг суммаси ушбу счётага очилган аналитик счёта (ушбу ҳолда алоҳида таъминотчилар)нинг қарзлари суммасининг йиғиндисидан иборат бўлиши керак.

Бухгалтерия хисоби счётага икки ёқлама ёзув. Бухгалтерия хисобининг бошқа хисоб турларидан фарқ қиладиган жиҳатларидан бири шундаки, юз берган операциянинг суммаси унда икки марта, яъни бир счётанинг дебетига, бошқа бир счётанинг кредитига ёзилади. Бундай ёзувга икки ёқлама ёзув усули деб аталади.

Счётага икки ёқлама ёзувни, бошқачасига, бухгалтерия ёзуви, бухгалтерия ўтқазмаси деб ҳам атайдилар.

Бухгалтерия ўтқазмалари **оддий ва мураккаб** турларга бўлинади.

Оддий бухгалтерия ўтқазмаси деганда иккита счёта қатнашган, шундан бири дебетланган ва бошқаси кредитланган ўтқазмага айтилади.

Мураккаб ўтқазмалар – бу уч ва ундан кўп счёта қатнашиб тузилган ўтқазмаларга айтилади. Бундай ўтқазмаларда битта счёта дебетланиб, икки ва ундан кўп бошқа счёта кредитланади ёки шунинг тескараси бўлади.

Бухгалтерия ўтқазмаларини турли усулларда горизонтал, вертикал, счёта схемаси кўринишида бериш мумкин:

Горизонтал усул: асосан оддий бухгалтерия ўтқазмаларини беришда қўлланилади ва тахминан қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Дебет	Кредит	Сумма
1010	6010	1000000

Вертикал усул оддий ва мураккаб бухгалтерия ёзувларида қўлланилади ва қуйидаги кўринишда берилади:

•Оддий ўтқазмада

Дебет	1010	1000000
Кредит	6010	1000000

•Мураккаб ўтқазмада

Дебет	1010	1800000	Дебет	2010	600000
Кредит	6010	1000000	Дебет	2310	200000
Кредит	2810	500000	Дебет	2510	300000
Кредит	4610	300000	Кредит	1010	1100000

Амалиётдаги счёталарнинг хисоб регистрларида асосан мураккаб бухгалтерия ўтқазмалари қўлланилади.

Счёта схемаси усулида юқоридаги бухгалтерия ўтқазмалари қуйидагича акс эттирилади:

1010	6010	4610	2810
1800000	1000000	300000	500000

Бухгалтерия ўтқазмаларини беришда қуйидаги кетма-кетликга амал қилиниши лозим.

1.Юз берган операциянинг мазмунига кўра унда қатнашган счёта аниқланади.

2.Операцияда қатнашаётган счёталарнинг актив ёки пассив счёта эканлиги аниқланади.

3. Актив ва пассив счетларда кўпайиш ва камайишларни уларнинг қайси тарафида акс эттирилиши тартибига кўра уларнинг бири дебетланади, иккинчиси эса кредитланади.

Юқоридаги келтирилган бухгалтерия ўтказмаларига шарҳ:

1. Таъминотчидан 1000000 сумлик материаллар келиб тушган, операцияда 1010 «Материаллар» ва 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетлари қатнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 6010 –счет пассив счет ҳисобланади, унда ҳам кўпайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

2. Таъсисчилардан уларнинг ҳиссаси сифатида 300000 сумлик материаллар келиб тушди. Операцияда 1010 «Материаллар» ва 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзлари» счетлари қатнашади. 1010-счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 4610 –счет ҳам актив счет ҳисобланади, унда камайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

3. 500000 сумлик тайёр маҳсулот материаллар счега ўтказилди. Операцияда 1010 «Материаллар» ва 2810 « Тайёр маҳсулотлар» счетлари қатнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 2810 –счет ҳам счет ҳисобланади, унда камайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

Бухгалтерия ҳисоби счетларига икки ёқлама ёзув катта назорат аҳамиятига эга. Унда, бир томондан балансдан ташқари барча счетларнинг ўзаро алоқалари, счетларнинг оборот ва қолдиқ суммаларини тенглиги, пировардида счетларнинг бухгалтерия баланси билан узвий боғлиқлиги ёрқин намоён бўлади.

2.4. Баҳолаш ва калькуляция

Баҳолаш – бу бухгалтерия ҳисоби объектлари қийматини пулда ифодалаш усули.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолашда унинг ҳақиқий қиймат, режали ёки меъёрий қиймат, номинал қиймат, дисконтланган қиймат, бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, соф сотиш қиймати каби турлари қўлланилади.

Ҳақиқий қиймат – бу корхона активлари ва улар манбаларининг ҳисобот даври охиридаги ҳужжатли асосда шакллантирилган қиймати. Ҳақиқий қиймат сифатида бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, соф сотиш қиймати асос қилиб олинади.

Бошланғич қиймат – бу активларни сотиб олиш, куриш, ишлаб чиқариш ва бошқа йўллар билан келиб тушган вақтида шаклланган қиймати. У ўз ичига активларни сотиб олишга, куришга ва ишлаб чиқаришга кетган барча харажатларни олади. Бепул келиб тушган активларнинг бошланғич қиймати комиссия томонидан эксперт йўли билан топилади. Бу қийматни, бошқачасига, **тарихий қиймат** деб ҳам атайдилар.

Қолдиқ қиймат – бу активларнинг бошланғич қийматидан фойдаланиш даврида жамланган эскириш суммасини чегиришдан кейин қолган қиймати.

Соф сотиш қиймати - бу активнинг сифати, ҳолати, шунингдек бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шаклланган қиймати. Ушбу қиймат юқорида келтирилган қиймат турларидан кам ҳам, кўп ҳам бўлиши мумкин. Ушбу қийматни, бошқачасига, **бозор қиймати** ҳам деб атайдилар.

Режа ёки меъёрий қиймат- бу активларнинг режа ёки меъёрий калькуляция асосида шакллантирилган қиймати.

Номинал қиймат – қимматли қоғозларнинг олдидан белгиланган ва босма усулда улар устида ёзиб қўйилган қиймати.

Дисконтланган қиймат - бу активлар ва мажбуриятларнинг келгуси қиймати бўлиб, у жорий қийматни пулнинг келгусидаги вақтинчалик қиймати коэффициентига кўпайтириш йўли билан топилади.

Корхона активлари балансда уларнинг энг кам бўлган қиймати бўйича акс эттирилади. Энг кам қиймат бўлиб таннарх ёки соф сотиш қийматларининг энг кам бўлгани ҳисобланади.

Таннарх – бу активларни ишлаб чиқариш харажатлари ёки уларни сотиб олишга кетган барча сарфлар мажмуаси.

Корхоналарнинг ўз маҳсулотлари, товарлари, иш ва хизматларни сотишга, шунингдек бошқариш ва молиявий фаолиятга оид харажатлари таннархга киритилмайди. Бундай харажатлар корхоналарнинг сотишдан олган фойдасидан қопланади.

Товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришда турли баҳолаш усуллари қўлланилади. Уларнинг асосий сирасига ФИФО, ЛИФО ва АВЭКО усуллари киради.

ФИФО – бу кирим қилинган товар-моддий бойликларни уларнинг кирим кетма-кетлигида ҳисобдан чиқариш усули, яъни ушбу усулда биринчи кирим қилинган товар-моддий бойлик биринчи чиқим қилинади.

ЛИФО – бу кирим қилинган товар-моддий бойликларни уларнинг охириги кирим баҳосидан бошлаб ҳисобдан чиқариш усули, яъни ушбу усулда охириги кирим қилинган товар-моддий бойлик биринчи чиқим қилинади.

АВЭКО – бу кирим қилинган товар-моддий бойликларни уларнинг ўртача қийматда ҳисобдан чиқариш усули, яъни ушбу усулда кирим қилинган товар-моддий бойлик ўртача сотиб олиш (ишлаб чиқариш) қийматида чиқим қилинади.

Калькуляция – бу хўжалик активларининг сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш қийматларини ҳисоблаб топиш усули.

Сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга кетган харажатлар активларнинг таннархини ташкил этади.

$$\text{Сотиш қиймати} = \text{таннарх} + \text{фойда}$$

Калькуляциянинг турлари:

- режали таннарх калькуляцияси;
- меъёрий таннарх калькуляцияси
- ҳақиқий таннарх калькуляцияси
- жараёнли калькуляция
- индивидуал калькуляция
- буюртмали калькуляция

Калькуляция объекти бўлиб тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларнинг бир бирлиги олинади.

Бир бирлик маҳсулот, товар, иш ва хизмат деганда аниқ бир ўлчов бирлигида ифода этиладиган объект тушунилади, масалан 1 погон метр материал, 1 центр пахта, 1 соатлик иш, 1 кв. м., 1 порция овқат ва ҳақозалар.

Норматив (режали) калькуляцияда қабул қилинган маҳсулот (иш, хизмат) бирлигининг таннархи махсус тасдиқланган рецептуралар асосида сарфланадиган харажатлар суммасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот(иш, хизмат)нинг сонига бўлиш йўли билан топилади. Масалан, 100

порция палов (250 граммлик) тайёрлаш учун рецептурада куйидаги харажатлар кўзда тутилган дейлик: гўшт –6 кг, гуруч –25 кг, ёғ –8 кг, сабзи –20 кг, пиёз –3 кг, туз ва зироворлар - 1 порцияга 5 сўм миқдориди. Ишлатиладиган масалликлар бозордан сотиб олинади. Ушбу шартли маълумотларга кўра 1 порция паловнинг норматив(режали) таннархини калькуляцияси куйидагича бўлади.

1 порция паловнинг норматив (режали) таннархнинг калькуляцияси

100 порция паловга кетадиган харажатлар	Сумма
1. Гўшт 6 кг *17000 сўм	102000
2. Гуруч 20 кг *3000 сўм	60000
3. Ёғ 8 кг *5000 сўм	40000
4. Сабзи 20 кг*1000 сўм	20000
5. Пиёз 3 кг *1000 сўм	3000
6. Туз ва зироворлар	3000
7. Жами харажатлар	228000
1 порция паловнинг ўртача норматив таннархи	2280-00

Активлар қийматини белгилаш воситаси бўлган калькуляция корхоналарнинг ички иши ҳисобланади. Режали (норматив) калькуляция, одатда, иқтисодчилар томонидан тузилади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Бухгалтерлар ҳисоб маълумотлари асосида активларнинг ҳақиқий таннархини калькуляция қиладилар (аниқлайдилар).

2.5. Баланс тушунчаси, унинг моҳияти, тулари.

Бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини ифодаловчи

$$\text{Актив} = \text{Хусусий капитал} + \text{Мажбуриятлар}$$

математик тенгликни ҳамма вақт таъминлаб бериш ва сақлаш ҳисобланади.

Ушбу тенгликни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисоби одатда, маълум бир даврнинг бошида актив, хусусий капитал ва мажбуриятларнинг бошланғич ҳолатини билишдан бошланиб, шу даврнинг охирида уларнинг

охирги ҳолатини билиш билан яқунланади. Бундай ахборотларни олиш усули бўлиб бухгалтерия баланси ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси – корхона активлари ва уларни ташкил топиш манбаларининг маълум бир санадаги ҳолатини пул ифодасида акс эттириш усули.

Бухгалтерия баланси негизда «баланс» сўзи ётади. Бу сўз лотинча «**bis**», яъни «**иккита**» ва «**lanx**», яъни «**тарози палласи**» сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро тенглик, бир хиллик рамзи ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида «баланс» сўзи на фақат тенглик мазмунида, балким давлат аҳамиятига молик муҳим бухгалтерия ҳисоби ҳужжати сифатида ҳам талкин этилади. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг шакли, таркиби ва тузиш тартиби Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140- сон буйруқ билан тасдиқланган « Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш Қоидалари» билан, балансни тақдим этиш тартиби эса Молия Вазирлигининг 2000 йил 15 июндаги 47- сон буйруғи билан тасдиқланган « Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида Низом» да белгиланган.

Бухгалтерия балансининг турлари. Корхоналар томонидан тузиладиган бухгалтерия балансини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин, масалан тузилган санасига қараб, маълумотларни жамлаш ҳажмига қараб, субъектларни молиялаштирилишига қараб, регулировка счетлари қолдиқлари ҳисобга олинганлигига қараб ва бошқа белгилари бўйича **(6-расмга қаранг)**.

Тузилган санасига кўра бухгалтерия балансини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: кириш (ёки таъсис) баланси; бошланғич ва ҳисобот баланси; тугатиш баланси; бирлаштириш ва ажратиш баланси.

Кириш ёки таъсис баланси деганда корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасига, яъни таъсис этилган кунига тузилган баланс тушунилади. Одатда ушбу санага тузилган балансининг активида фақат таъсисчиларнинг янги ташкил этилган корхона олдидagi қарзи, баланснинг пассивида эса эълон қилинган устав капиталининг миқдори кўрсатилади.

Бошланғич баланс деганда ҳисобот даври бошига, **ҳисобот баланси** деганда эса ҳисобот даврининг охирига тузилган баланс тушунилади. Ҳисобот баланси кейинги давр учун бошланғич баланс бўлиб ҳисобланади.

Тугатиш баланси – корхона тугатилиши санасига тузилган баланс.

Бирлаштириш баланси – икки ва ундан ортиқ корхоналар бир бири билан қўшилганда қўшилиш санасига тузилган баланс.

Ажратиш баланси – бу корхона ихтиёридан мустақил бошқа корхона ажралиб чиқганда бир – бирига маблағларни топшириш ва қабул қилиш санасига тузилган баланс.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра баланс йиғма ва алоҳида баланс турларига бўлинади.

Йиғма баланс - бу бир тизим корхоналари баланслари моддаларини горизонтал ҳолда жамлаш натижасида тузилган баланс, масалан трест, концерн, компания, вазирлик ва шу каби юқори органлар томонидан тузилган баланс.

Алоҳида баланс –бу ҳар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан тузилган баланс.

Ўз қарамоғида шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлган бош корхоналар **консолидациялаштирилган баланс** тузадилар. Бу балансни моҳияти ва тузиш тартибига кейинги маърузаларда тўхталамиз.


Субектларни молиялаштирилишига қараб баланс бир бирдан тубдан фарқ қиладиган давлат бюджетидagi муассасалар баланси ва хўжалик юритувчи субъектлар балансига бўлинади.

Ҳисоб маълумотларини жамлаш циклларига кўра синов баланси, тузатилган синов баланси ва охириги якуний баланс турларини ажратиш мумкин.

Синов баланси – бу вақтинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган, шунингдек 1 январгача айрим счетлар бўйича ҳисоб-китоблар маълум сабабларга кўра охиригача амалга оширилмаган ҳолда тузилган дастлабки баланс.

Тузатилган синов баланси - мавжуд камчиликлар тузатилгандан сўнг, лекин вақтинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган баланс.

Якуний баланс – бу вақтинчалик счетлар ёпилгач, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва тақсимланмаган файда тўғрисидаги ҳисоботларнинг маълумотлари эътиборга олинаиб тузилган баланс.



2.4-расм. Бухгалтерия балансини таснифлаш асослари

Регулировка счётов колдикларини ҳисобга олиб баланс-брутто ва баланс-нетто тузилиши мумкин.

Баланс- брутто - бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташламасдан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этмайди.

Баланс-нетто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташлаш йўли билан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этади.

2.6.Бухгалтерия балансининг таркибий тузилиши

Ҳам тенглик, ҳам ҳужжат сифатида эътироф этиладиган бухгалтерия баланси икки томонли, яъни чап ва ўнг томонли, жадвал кўринишига эга бўлади. Жадвалнинг чап томони «Актив», ўнг томони эса – «Пассив» номи билан аталади. Жадвалнинг «Актив» томонида корxonанинг хўжалик активлари турлари бўйича, жадвалнинг «Пассив» томонида эса хўжалик активлари ташкил топиш манбалари бўйича акс эттирилади. «Актив» ва «Пассив» томонларда кўрсатилган активлар ва уларнинг ташкил топиш манбалари суммаларининг йиғиндиси бир бирига тенг келади, айнан шу тенглик «баланс» дейилади.

Жадвал кўринишидаги бухгалтерия баланси ички томондан бўлимлардан, бўлимлар эса- алоҳида моддалардан иборат бўлади.

Баланс бўлими деганда корхона активларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи моддалар суммасини у ёки бу белгисига қараб жамлаш усули тушунилади.

Баланс моддаси деганда балансининг ҳар бир қатори тушунилади, ҳар бир қатор эса ўз навбатида битта ёки бир нечта бухгалтерия ҳисоби счётовини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам балансининг тасдиқланган шаклида ҳар бир модда бўйича қавс ичида тегишли счётовларнинг тартиб рақамлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган бухгалтерия балансининг «Актив» томони хўжалик активларини хизмат муддатига кўра қуйидаги икки бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. «Узоқ муддатли активлар». Ушбу бўлимда 1 йилдан кўп муддатда оборотда бўладиган асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, шунингдек узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. «Жорий активлар». Ушбу бўлимда 1 йилга оборотда бўладиган ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари, тайёр маҳсулотлар ва товарлар, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар ва бошқа жорий активларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

Баланснинг «Пассив» томони хўжалик активларини ташкил топиш манбаларини турига қараб қуйидаги икки бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. «Ўз маблағларининг манбаи». Ушбу бўлимда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва хусусий капиталнинг бошқа элементларининг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. «Мажбуриятлар». Ушбу бўлимда корхонанинг юридик ва jisмоний шахслар олдидаги қарзларининг қолдиқ суммаси кўрсатилади.

Бухгалтерия балансида бўлимлар бўйича маълумотлар алоҳида қаторда, иккала бўлим суммаларининг йиғиндиси алоҳида қаторда акс эттирилади.

Айрим моддалар бўйича қавс ичида ўзаро айирмалар кўринишида кўрсатилган ҳисоблар уларнинг биринчисини суммасидан иккинчисини суммасини айириб ташлагандан кейин қоладиган суммани шу қаторга ёзишни билдиради. Бундан ташқари бухгалтерия балансида маълумотлар мос равишда ҳисобот давр бошига ва ҳисобот давр охирига алоҳида устунларда кўрсатилади. Бу баланс моддаларидаги ўзгаришларни визуал назорат қилиб бориш имконини беради (2-иловага қаранг).

Бухгалтерия баланси тўғрисида тасаввурни равшанлаштириш учун қуйида унинг қисқартирилган шакли ва таркиби шартли маълумотлар билан келтирилган.

«Баҳор» хусусий корхонасининг бухгалтерия баланси

(минг сум ҳисобида)

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1- бўлим. Узоқ муддатли активлар		1-бўлим. Ўз маблағларининг манбаи	
Асосий воситалар	2 000	Устав капитали	5 000
Номоддий активлар	100	Тақсимланмаган фойда	1 000
Молиявий инвестициялар	500	Резервлар	200
1-бўлим бўйича жами	2 600	1-бўлим бўйича жами	6 200
2-бўлим. Жорий активлар		2-бўлим. Мажбуриятлар	
Ишлаб чиқариш захиралари	4 500	Қисқа муддатли кредитлар	1 000
Тайёр маҳсулотлар	1 500	Тўланадиган ҳисоблар	600
Товарлар	1 300	Олинган аванслар	1 400
Пул маблағлари	200	Бюджет олдидаги қарзлар	600
Дебиторлик қарзлар	500	Иш ҳақи бўйича қарзлар	500
		Сугурта бўйича қарзлар	200
		Бошқа қарзлар	100
2- бўлим бўйича жами	8 000	2- бўлим бўйича жами	4 400
БАЛАНС	10 600	БАЛАНС	10 600

2.7.Хўжалик операциялари таъсирида бухгалтерия балансида содир бўладиган ўзгаришлар


Фаолият кўрсатаётган корхонанинг баланси ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас, чунки содир бўлган хўжалик жараёнлари ва операциялари албатта активлар ва уларни ташкил топиш манбаларининг давр бошидаги ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Мисол учун, корхона ўз устав капиталини кўпайтирса ёки камайтирса –бу албатта ҳам активга, ҳам пассивга таъсир ўтказди. Ёки омордан материал ишлаб чиқаришга берилса активларнинг таркибида ўзгариш юз беради, иш ҳақидан даромад солиғи ушланса,

активларни ташкил топиш манбалари таркибида ички ўзгариш юз беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демак, юз берган операциялар натижасида балансда турли ўзгаришлар бўлиб туради. Ушбу ўзгаришларни тўртга типга ажратиш мумкин:

ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ТАЪСИРИДА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИДА БЎЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

АКТИВ		ПАССИВ	
Хўжалик маблағлари		Хўжалик маблағлари манбаи	
Актив счётлар		Пассив счётлар	
Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Кўпайиш	Камайиш	Камайиш	Кўпайиш



Биринчи тип ўзгариш фақат баланснинг активида юз беради, яъни бир актив кўпаяди, иккинчиси эса камаяди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз қолади

Иккинчи тип ўзгариш фақат баланснинг пассивида юз беради, яъни бир манба кўпаяди, иккинчиси эса камаяди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз қолади

Учунчи тип ўзгариш ҳам активда, ҳам пассивда юз беради, фақатгина кўпайиш томонга, яъни операция натижасида актив ҳам, пассив ҳам бир хил суммага кўпаяди

Тўртинчи тип ўзгариш ҳам активда, ҳам пассивда юз беради, фақатгина камайиш томонга, яъни операция натижасида актив ҳам, пассив ҳам бир хил суммага камаяди, шу суммага баланс суммаси ҳам камаяди.

Мисол учун:

1-тип ўзгаришга мисол. Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бериш учун 500,0 минг сўм келтирилди

КОРХОНА БАЛАНСИ

АКТИВ	Сумма	Ўзгар иш	Сумма	ПАССИВ	Сумма	Ўзгар иш	Сумма
А/В қолдик қиймати	28000		28000	1. Устав капитали	31900		31900
Номоддий активлар	900		900	2. Захира капитали	500		500
Ишлаб чиқариш захиралари	10350		10350	3. Тақсимланмаган фойда	2000		2000
Тайёр маҳсулотлар	2540		2540	Таъминотчилар ва пудратчиларга қарзлар	8076		8076
Ҳисоб-китоб счёти	1046	-500	546	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	450		450
Дебитор қарзлар	1490		1490	Буджетдан қарзлар	1400		1400
Касса		+500	500				
ЖАМИ-БАЛАНС	44326		44326	ЖАМИ-БАЛАНС	44326		44326

2-тип ўзгаришга мисол. Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ушланди - 20,0 минг сўм.

КОРХОНА БАЛАНСИ

АКТИВ	Сумма	ўзгар иш	Сумма	ПАССИВ	Сумма	ўзгар иш	Сумма
А/В қолдик қиймати	28000		28000	1. Устав капитали	31900		31900
Номоддий активлар	900		900	2. Захира капитали	500		500
Ишлаб чиқариш захиралари	10350		10350	3. Тақсимланмаган фойда	2000		2000
Тайёр маҳсулотлар	2540		2540	Таъминотчилар ва пудратчиларга қарзлар	8076		8076
Ҳисоб-китоб счёти	546		546	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	450	-20	430
Дебитор қарзлар	1490		1490	Буджетдан қарзлар	1400	+20	1420
Касса	500		500				
ЖАМИ-БАЛАНС	44326		44326	ЖАМИ-БАЛАНС	44326		44326

3-тип ўзгариш мисол. Таъминотчилардан 2007 йил 10 январда №11 сон счёт-фактура орқали 1000,0 минг сўмлик хом ашё келтирилди.

КОРХОНА БАЛАНСИ

АКТИВ	Сумма	ўзгар иш	Сумма	ПАССИВ	Сумма	ўзгар иш	Сумма
А/Влар қолдиқ қиймати	28000		28000	1.Устав капитали	31900		31900
Номоддий активлар	900		900	2.Заҳира капитали	500		500
Ишлаб чиқариш захиралари	10350	+1000	11350	3.Тақсимланмаган фойда	2000		2000
Тайёр маҳсулотлар	2540		2540	Таъминотчилар ва пудратчиларга қарзлар	8076	+1000	9076
Ҳисоб-китоб счёти	546		546	Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	430		430
Дебитор қарзлар	1490		1490	Буджетдан қарзлар	1420		1420
Касса	500		500				
ЖАМИ-БАЛАНС	44326	+1000	45326	ЖАМИ-БАЛАНС	44326	+1000	45326

4-тип ўзгариш. Таъминотчиларга 2014 йил 12 январда №14 сон тўлов топшириқномасига асосан кредиторлик қарз ҳисобидан 800,0 минг сўм ўтказилди.

КОРХОНА БАЛАНСИ

АКТИВ	Сумма	ўзга риш	Сумма	ПАССИВ	Сумма	ўзгар иш	Сумма
А/Влар қолдиқ қиймати	28000		28000	1.Устав капитали	31900		31900
Номоддий активлар	900		900	2.Заҳира капитали	500		500
Ишлаб чиқариш захиралари	11350		11350	3.Тақсимланмаган фойда	2000		2000
Тайёр маҳсулотлар	2540		2540	Таъминотчилар ва пудратчиларга қарзлар	9076	-500	8576
Ҳисоб-китоб счёти	546	-500	46	Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	430		430
Дебитор қарзлар	1490		1490	Буджетдан қарзлар	1420		1420
Касса	500		500				
ЖАМИ-БАЛАНС	45326	-500	45826	ЖАМИ-БАЛАНС	45326	-500	44826

Юқоридаги жадваллардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

• 1. I- ва II- типдаги ўзгаришлар олдинги баланс суммасини ҳеч қачон ўзгартрмайди.

• III- ва IV –типдаги ўзгаришлар албатта олдинги баланс суммасини ўзгаришига олиб келади, жумладан учинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини ошишига, тўртинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини камайишига сабаб бўлади.

• Ҳеч қачон балансдаги ўзгариш типлари бир вақтнинг ўзида активни бир суммага ошириб, пассивни эса ўша суммага камайтириши мумкин эмас.

• Ҳеч қачон балансдаги ўзгариш типлари активни бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга), пассивни эса бошқа бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга) олиб келиши мумкин эмас.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Ҳужжат – бу ҳўжалик операцияларини ҳақиқатда юз берганлигига гувоҳ берувчи ёки уларни келгусида юз беришига асос бўлувчи ёзма гувоҳнома.

Ҳужжатлаштириш – бу ҳўжалик операцияларини маълум бир ҳужжатлар билан расмийлаштириш усули.

Инвентаризация – бу бухгалтерия ҳисобида унинг маълумотларини тўғрилигини, корхона активларини ҳақиқий ҳолатини, мулкни талон-тарож қилинмаганлигини билиш мақсадида ўтказиладиган қайта ҳисоб-китоб қилиш усули.

Баҳолаш – бу корхона активларининг қийматини пулда ифодалаш усули.

Калькуляция –бу ҳўжалик активларининг сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш қийматларини ҳисоблаб топиш усули.

Таннарх – бу активларни ишлаб чиқариш харажатлари ёки уларни сотиб олишга кетган барча сарфлар мажмуаси.

ФИФО – бу биринчи киримни биринчи чиқим қилиниши.

ЛИФО – бу охириги киримни биринчи чиқим қилиниши.

АВЭКО – бу кирим қилинган товар-моддий бойликни ўртача сотиб олиш (ишлаб чиқариш) қийматида чиқим қилиниши.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари - бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини ҳисобот давридаги

ҳолати (бошланғич ва охири), шунингдек уларнинг шу даврдаги ҳаракати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

Бухгалтерия ҳисоби счетларига икки ёқлама ёзув - бу юз берган операциянинг суммасини икки марта, яъни бир счетнинг дебетига ва бошқа бир счётнинг кредитига ёзиш усули.

Бухгалтерия баланси – корхона активлари ва уларни ташкил топиш манбаларининг маълум бир санадаги ҳолатини пул ифодасида акс эттириш усули.

Баланс бўлими деганда корхона активларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи моддалар суммасини у ёки бу белгисига қараб жамлаш усули тушунилади.

Баланс моддаси деганда баланснинг ҳар бир қатори тушунилади.

Балансдаги ўзгаришлар- бу хўжалик операциялари таъсирида баланснинг ички моддаларида ва умумий суммасида юз берадиган ўзгаришлар.

Молиявий ҳисобот - - бу маълум даврдаги молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини пулда белгиланган шакл ва мазмунда ифодалаш усули.

Мавзу бўйича назорат саволлари

- 1.Хужжатлаштириш, хужжат нима
- 2.Қандай хужжатларнинг турларини биласиз?
- 3.Хужжатлар айланиши деганда нимани тушунаси?
- 4.Счёт деганда нимани тушунаси ва уларнинг қандай турларини биласиз?
- 5.Счётлар таркибан қандай тузилган?
- 6.Қандай счётлар актив, қандай счётлар пасив ҳисобланади?
- 7.Бухгалтерия ўтказмаси нима?
- 8.Бухгалтерия ҳисоби счётларига ёзувлар қандай ўтказилади?
- 9.Бухгалтерия ёзувларини қандай турларини биласиз?
- 10.Бухгалтерия ҳисоби счётлари маълумотлари қандай умумлаштирилади?
- 11.Баҳолаш нима ва ҳисоб объектлари қандай баҳоланади?
- 12.Калкуляция нима, у қачон ва ким томонидан тузилади?
- 13.Баланс сўзи нимани англатади?
- 14.Бухгалтерия баланснинг бош мақсади нима?
- 15.Бухгалтерия баланснинг қандай турларини биласиз?

- 16.Бухгалтерия баланси таркибий тузилиши ва элементларини биасизми?
- 17.Балансдаги ўзгариш деганда нимани тушунаси?
- 18.Бухгалтерия баланснинг активдаги ўзгаришлар нимага олиб келади?
- 19.Бухгалтерия баланснинг пасивдаги ўзгаришлар нимага олиб келади?
20. Бухгалтерия баланснинг умумий суммаси қандай ҳолларда кўпаяди ва камаяди?

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1. Бажарадиган вазифасига кўра хужжатлар неча гуруҳга бўлинади?
а) 1 та б) 2 та в) 3 та г) 4 та
2. Қуйидагиларнинг қайси бири хужжатнинг мажбурий реквизитига кирмайди?
а) Номини б) Рақами в) Баланс моддаси рақами г) Тузилган санаси
3. Хужжатлар айланишини тўғри ташкил этилганлигига ким жавобгар?
а) Раҳбар б) Раҳбар муовини в) Бош бухгалтер г) Кассир
4. Тўлов талабномаси қайси гуруҳ хужжатларга кириди
а) Гувоҳлик берувчи хужжатларга
б) Фармойиш берувчи хужжатларга
в) Бухгалтерлик ҳисоб-китобларини акс эттирувчи хужжатларга
г) Йиғма хужжатларга
5. Чиким касса ордери қайси гуруҳ хужжатларига кириди?
а) Йиғма хужжатларга в) Камбинациялаштирилган
б) Фармойиш берувчи хужжатларга г) Ҳеч қайсига
6. Ҳаридор томонидан ёзилган ишонч қоғози тузилган жойи бўйича қайси гуруҳ хужжатларга кириди?
а) Ички в) Ташқи б) Бухгалтерияда тузилган г) Омборда тузилган

7. Ёнғин натижаларини аниқлаш учун инвентаризация ўтказилди, бу инвентаризация ўтказишнинг қайси турига киради?

- а) Режали б) Режадан ташқари в) Тўлик г) Қисман

8. Корхона кассасида тасдиқланган режа бўйича инвентаризация ўтказиш муддати

- а) Хар ойда б) Хар уч ойда бир марта
в) Хар олти ойда бир марта. г) Хар йилда бир марта

9. Бир йилда моддий жавобгар шахслар икки марта алмашди, бу уларнинг меҳнат таътилига тааллуқли эмас. Қандай инвентаризация тури ўтказилган?

- а) Режали б) Режадан ташқари в) Фавкулотдаги г) Мажбурий

10. Инвентаризация олдиан омбор мудирига уни ўтказилиши тўғрисида бир кун олдин хабар топди. Инвентаризацияни ўтказишнинг қайси хусусияти бузилган?

- а) Этика б) Тўсатдан ўтказилиши
в) Раҳбарлик хусусияти г) Қариндошлик хусусияти

11. Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқчани бухгалтер қандай сўтга олиб бориши керак эди?

- а) Харажатлар сўтига б) Даромадлар сўтига
в) Активлар сўтига г) Мажбуриятлар сўтига

12. Ходимларга берилган аванслар ва қарзларни акс эттирувчи сўтлар –бу

- а) Пассив сўтлар б) Актив сўтлар
в) Транзит сўтлар г) Контрпассив сўтлар

13. Корхонанинг қарзларини кўрсатувчи сўтлар баланснинг қайси бўлимига тегишли

- а) Активларга б) Хусусий капиталга
в) Мажбуриятларга г) Ҳеч қайсисига

14. Қуйидагиларнинг қайси бири транзит сўт эмас:

- а) Даромадлар сўти
б) Келгуси давр харажатлари сўти
в) Молиявий фаолият бўйича харажатлар сўти
г) Фавкулотдаги зарарлар сўти

15. Қуйидагиларнинг қайси бири контрактив сўт ?

- а) Даромад сўтлари б) Эскиришни ҳисоблаш сўтлари
в) Харажат сўтлари г) Пул маблағлари сўтлари

16. Қуйидаги сўтларнинг қайси бири охири қолдиқга эга бўлмайди?

- а) Касса сўти
б) Ишлаб чиқариш сўти
в) Тўланадиган сўтлар сўти
г) Сотиш таннари сўти

17. Сўтларга икки ёқлама ёзувни биринчи бор илмий асослаган олим

- а) Чербони б) Пачоли в) Соколов г) Бобожонов

18. Сўтларга икки ёқлама ёзув қачон пайдо бўлган?

- А) XI – асрда б) XY - асрда в) XYII- асрда г) XIX- асрда

19. Қуйидаги мураккаб ўтказма нечта оддий ўтказмадан иборат:
Дебет 5010 Кредит 5110, 4010, 4810, 9020

- а) Битга б) Иккита в) Тўртта г) Учта

20. Баланс –бу

- а) Актив ва мажбуриятларнинг тенглиги
б) Актив ва хусусий капиталнинг тенглиги
в) Бир томондан активлар, иккинчи томондан хусусий капитал ва мажбуриятларнинг маълум санага тенглиги
г) Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг тенглиги

21.Бўлиши мумкин эмас:

- а) Актив = Хусусий капитал+ Мажбуриятлар
- б) Актив = Хусусий капитал – Мажбуриятлар
- в) Хусусий капитал= Актив - Мажбуриятлар
- г) Мажбуриятлар = Ҳисобланган ва тўланган тўловлар ўртасидаги фарк

22.Харидорлардан олинган аванслар кирди:

- а) Активларга б) Хусусий капиталга
- в) Мажбуриятларга г) Ҳеч қайсисига

23. Қачон Актив хусусий капитал суммасига тенг бўлиши мумкин ?

- а) Ҳеч қачон
- б) Корхона таъсис этилган кунга
- в) Корхона банкротга учраган кун
- г) Корхона бошқа корхонага қўшилган кун.

24. Баланс активининг 1 бўлими = Баланс пассивининг 1-бўлими

- а) Ҳамма вақт б) Ҳеч қачон в) Баъзан г) Эришиш мумкин

25. Кассадан 100000 сўм бўнак, 500000 сум иш ҳақи берилди ва 2000 сўм камомад чиқса, балансда қандай ўзгариш юз беради.

- а) Баланс 400000 сумга камаяди
- б) Баланс 398000 сумга камаяди
- в) Баланс 402000 сумга камаяди
- г) Баланс 500000 сумга камаяди

26.Таъминчилардан 1000000 сумлик материал олинса, 500000 сумдик материал ишлабчиқаришга берилса, 10000 сумлик материал камомадга олиб борилса баланс неча сўмга ўзгаради?

- а) 1000000 сўмга кўпаяди
- б) 510000 сўмга камаяди
- в) 500000 сўмга камаяди
- г) ўзгариш бўлмади

III-МАВЗУ: ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ

3.1.Бухгалтерия ҳисобининг предмети.

3.2. Бухгалтерия ҳисобининг субъекти ва объектлари

Бухгалтерия ҳисоби ҳам фаолият, ҳам махсус фан сифатида ўзининг предметига эга.

Бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда умуман олганда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар ва уларни юритилишини таъминловчи маблағлар, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, шунингдек хўжалик фаолиятининг натижалари тушунилади.

Юқоридаги таърифга асосан бухгалтерия ҳисоби предметини ифодаловчи объектларни **қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш** мумкин:

- Хўжалик фаолияти;
- Хўжалик активлари;
- Хўжалик активларининг манбалари;
- Хўжалик фаолиятининг натижалари

1.2-расмда бухгалтерия ҳисоби предметини ташкил қилувчи объектларнинг таснифи ва таркиби кўргазмалари тарзда келтирилган. Қуйида уларнинг моҳиятига тўхталамиз.

Хўжалик фаолияти. Хар қандай корхонанинг хўжалик фаолияти деганда унда юз берадиган **таъминот, ишлаб чиқариш** ва **сотиш жараёнларининг** мажмуаси тушунилади.

Корхона фаолият кўрсатиши учун унга меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа таъминотлар керак бўлади.

Таъминот деб аталмиш бу жараённи, одатда, корхонанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб борадилар. Ушбу жараёнсиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари, яъни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун корхона нинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узликсизлигига бевосита боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёни деганда ишчи кучи ва меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметларидан янги маҳсулотлар яратиш тушунилади. Ушбу жараён ўз ичига турли технологик операцияларни олади, бу операцияларни бажариш эса турли харажатларни амалга оширишни таъқоза этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси бўлиб тайёр маҳсулот ҳисобланади. Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар,

меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш воситаларининг амортизация харажатлари ва бошқа ушбу жараёнга тегишли харажатлар ишлаб чиқариш харажатларини, яратилган маҳсулот қийматига киритилган харажатлар эса тайёр маҳсулотнинг таннархини ташкил қилади.

3.2-расм. Бухгалтерия ҳисобининг предметини ташкил қилувчи объектлар

Шуни таъкидлаш жоизки корхона томонидан бажарилган ишлар, масалан қурилиш-монтаж ишлари, кўрсатилган хизматлар, масалан туристларга кўрсатилган ётоқхона ва бошқа хизматлар ёки аудиторлик хизмати ҳам ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Бундай ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси бўлиб бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат ҳажми ҳисобланади, уларга сарфланган харажатлар бажарилган иш ёки хизматнинг таннархини ташкил қилади.

Сотиш жараёни деганда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган тайёр маҳсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш тушунилади. Ушбу жараёнда тайёр маҳсулот, иш, хизмат пулга айланади, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзлар вужудга келади. Сотиб жараёнида корхонанинг ялпи тушуми, сотиш таннархи, сотишдан олинган фойда ёки зарари, сотиш жараёнининг харажатлари, унга доир солиқлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти бўлиб ҳисобланган хўжалик фаолияти фақатгина уни ташкил этувчи жараёнларни доимий ва узликсиз равишда амалга ошириб борган ҳолда мавжуд бўлади. Бу жараёнларни бир бирисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунончи таъминотсиз ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришсиз эса сотиш жараёни амалга ошмайди. Сотиб бўлмас корхонага пул келиб тушмайди, пулсиз эса таъминот, ишлаб чиқариш жараёнларини янгидан такрорлаб ва ривожлантириб бўлмайди.

Бундан хулоса қилса бўладики, хўжалик фаолияти маблағларни усликсиз айланишидан ва кўпайиб боришидан иборатдир.

Хўжалик фаолиятининг барча жараёнлари бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир жараёнда юз берган операциялар бухгалтерия ҳисобида ўзининг соний ўлчовини ва сифат тавсифини топади.

Хўжалик активлари. Ўз фаолиятини юритиш учун ҳар қандай корхона хўжалик активларига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда 475-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»га мувофиқ (39- модда) **активлар** деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул

маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий , шунингдек номоддий мулки тушунилади.

Актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Қийматга эга бўлиши ва бу қиймат баҳоланадиган бўлиши керак.

- Эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши лозим.

- Келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшиши керак.

- Юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши керак, масалан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг натижасидир.

Корхонаа активлари корхона фаолиятидаги иштирокига кўра куйидаги икки гуруҳга бўлинади:

- Узоқ муддатли активлар

- Қисқа муддатли активлар

1. **Узоқ муддатли активлар** – 1 йилдан кўп муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган моддий ва номоддий маблағлари:

- **Асосий воситалар**- бинолар, иншоотлар, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, мебел ва бошқалар.

- **Номоддий активлар** – лицензия, патент, савдо маркаси, товар белгиси, гудвил, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар.

- **Молиявий инвестициялар** - сотиб олинган қимматли қоғозлар, берилган кредит ва қарзлар, киритилган пай ва бадаллар.

- **Капитал инвестициялар** - тугалланмаган қурилишларга, ҳаракатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга сарфланган, шунингдек янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жиҳозлар.

2. **Қисқа муддатли активлар** – 1 йилгача муддатда хизмат қиладиган ва оборотда бўладиган маблағлар:

- **Ишлаб чиқариш захиралари** – хом-ашё ва материаллар, ёқилғи, тара ва тара материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

- **Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари** – тайёр ҳолга етмаган маҳсулотларларга тўғри келадиган харажатлар, ярим маҳсулотлар.

- **Тайёр маҳсулотлар** – оморларга қабул қилинган тайёр буюмлар.

- **Товарлар** - магазин ва оморларда сақланаётган истеъмол буюмлари.

• **Келгуси давр харажатлари** - ҳисобот йилида келгуси даврлар учун қилинган харажатлар, масалан обуна тўловлари, ижара тўловлари.

• **Муддати узайтирилган харажатлар** - ҳисобот йилида келгуси даврда ҳисобига тўланган солиқлар ва бошқа харажатлар.

• **Пул маблағлари** – кассадаги, йўлдаги ва банклардаги миллий ва чет эл валюталари.

• **Пул эквивалентлари** – пулли чеклар, йўлланмалар, чипталар, талонлар, маркалар ва бошқалар.

• **Олинadиган счётлар** - бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзлари.

Барча хўжалик активлар корхонада юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари ҳисобланади, уларни ҳар бирининг ҳолати, кўпайиши ва камайиши бухгалтерия ҳисобида ҳужжатли асосда акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида корхона активлари бошқарилади, таҳлил этилади ва назорат қилинади.

Хўжалик активларининг манбалари. Корхона ихтиёридаги барча активлар икки манбадан ташкил топади:

• **Хусусий капитал**

• **Мажбуриятлар**

Мулкга эгаллик қилиш ҳуқуқига мувофиқ активлар ва уларнинг манбалари қуйидаги тенглик кўринишида ифодаланади:

АКТИВ = ХУСУСИЙ КАПИТАЛ + МАЖБУРИЯТЛАР

$$A = XK + M$$

Хусусий капитал – бу корxonанинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активларидир. Юқоридаги тенгликга мувофиқ:

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ = АКТИВ - МАЖБУРИЯТЛАР

$$XK = A - M$$

Корхоналарнинг хусусий капиталини шаклланишининг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• **Устав капитали (УК)** – бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси.

• **Қўшилган капитал (КК)** – бу акцияларни сотиш ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарқлар суммаси.

• **Резерв капитали (РК)** – бу корxonанинг соф фойдасидан ташкил этилган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан олинган қўшимча қиймат ва бепул келиб тушган мулклар қийматининг мажмуаси.

• **Тақсимланмаган фойда(ТФ)** – бу корxonанинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмай қолган соф фойдасининг суммаси.

• **Резервлар (Р)** – бу турли жорий тўловларни амалга ошириш учун ҳисобот давр даромадлари эвазига шаклланган захира суммаси, масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, меҳнат таътили ҳақларини тўлаш учун ва шу қабилар.

• **Мақсадли тушумлар (МТ)** – корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар).

• **Грантлар (Г)** -- бу корхонага қайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина қатъий мақсадларга ишлатилиши дозим.

• **Субсидиялар (С)** – бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан берилган ёрдам ва имтиёзлар суммаси.

Мажбуриятлар – бу корxonанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари. Мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• **Олинган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар** – бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга бошқа юридик шахслардан вақтинчалик молиявий ёрдам сифатида олинган маблағларни қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

• **Олинган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар** - бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга банклардан кредит шартномалари асосида олинган кредит ресурсларини қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

• **Таъминотчиларга тўланадиган счётлар** – бу олинган товар-моддий бойликлар учун таъминочиларга ўтказилмай қолинган қарз суммаси.

• **Харидорлардан олинган аванслар** - бу харидорлардан товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун олдиндан келиб тушган пуллар бўйича қарз суммаси.

• **Муддати кечиктирилган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар** – бу солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича муддати мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача бўлган даврга узайтирилган қарз суммаси.

• **Бюджет олдидаги қарзлар** – бу ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда бюджетга ўтказиб берилмаган солиқ ва тўловлар бўйича қарз суммаси.

• **Ижтимоий суғурта бўйича қарзлар** – бу ижтимоий суғурта бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда тегишли суғурта органларига ўтказиб берилмаган қарз суммаси.

• **Иш ҳақи бўйича қарзлар** – бу корхонанинг ходимларига ҳисобланган ва вақтинча сақланаётган иш ҳақларини тўланмай қолинган қисми.

• **Таъсисчилар олдидаги қарзлар** – бу таъсисчиларга ҳисобланган, лекинда тўланмаган дивидендлар бўйича корхонанинг қарзи, шунингдек таъсисчилар сафидан чиқиб кетган шахсларнинг устав капиталидаги ҳиссасини қайтарилмаган қисми.

• **Бошқа кредиторлар олдидаги қарзлар** – бу турли хизматлар, фоизлар, камомадлар, даъволар ва бошқа тўловлар бўйича корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олидаги қарзи.

Бухгалтерия ҳисоби ахборот бериш на назорат қилиш воситаси сифатида корхона активларининг ташкил топиш манбалари бўйича маълумотларни жамлайди, улар асосида корхонанинг молиявий қуввати кўрсаткичлари таҳлил этилади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида корхонанинг хусусий капитали, қарзлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот фойдаланувчиларига етказилади.

Хўжалик фаолиятининг натижалари. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятининг натижалари бўлиб у олган фойда ёки кўрган зарари ҳисобланади.

Фойда(Ф) – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари(Х) ўртасидаги ижобий фарк, яъни

$$Ф = Д > Х.$$

Демак, қанчалик даромад кўп бўлиб, харажат кам бўлса, корхонанинг фойдаси шунчалик кўп бўлади.

Зарар – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарк, бошқачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши, яъни:

$$З = Д < Х$$

Демак, корхона даромадга қанчалик кўп харажат билан эришса, унинг зарари шунчалик кўп бўлади.

Корхонанинг фаолият натижалари кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг энг маъсулиятли бўлими, чунки ушбу кўрсаткичларнинг миқдори уларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлигига ва жамланганлигига, ҳисоботларни тўғри тузилганлигига бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объектларини ташкил этувчи иқтисодийнинг куйи бўғини бўлган корхоналар фаолиятини аниқ, батафсил маълумотларда ифодалаб, уларни бошқарув органларига, мулкдорларга ва бошқа кизиқувчиларга ўз вақтида етказиб бериш ушбу соҳа ходимларининг жамиятда тутган ўрнини янада ҳам ошишининг муҳим гаровидир.

Туристтик фирма ва меҳмонхоналарда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бевосита улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, сотиладиган турмаҳсулотлар, бошқа фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Ушбу хизматларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ олиб борилганлиги, бунда белгиланган меъёр ва тартибларга амал қилинганлигини назорат қилиш, кўрсатилган хизматлардан тушумлар, уларга кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш, кўрсатилган хизматларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини тизимли юритиш, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошишини таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида турган энг муҳим вазифалардир.

Туристтик фирма ва меҳмонхоналар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг хусусиятлари, уларнинг мулки ҳамда бу мулкни ташкил қилиш манбалари ҳисоби олдида ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Жумладан, ҳисоб ва ҳисобот тизими туристтик фирма ва меҳмонхоналар миқдорларга сервис хизматларни кўрсатишга имкон берувчи жуда ҳам бежирим меҳмонхоналар, овқатлантириш заллари, катта ва микро автобуслар, хўжалик инвентарлари, махсус хордиқ олишга имкон берувчи жиҳозлар, аппаратлар, асбоб ускуналар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа шу каби зарур асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати, уларнинг иш фаолияти, амортизацияланиши ва бошқа жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумотларни бериши лозим.

Туристтик фирма ва меҳмонхоналар томонидан миқдорларга кўрсатилиши лозим бўлган сервис хизматлар уларнинг овқатланиш ҳамда хордиқ чиқариш бўлинмаларига (ресторан, бар, кафе, буфетларда) тегишли истеъмол товарларини, масаллик, маҳсулотлар, хўжалик буюмларини ўз вақтида келиб тушишига, уларнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари келиб тушаётган товар-моддий бойликлар қийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар ҳисобини баҳолашнинг у ёки бу усулда юритилиши кўрсатилган хизматлар таннархига, уларни кўрсатишдан олиннадиган даромадлар ва тўланадиган солиқларга, туристтик фирма ва меҳмонхоналарнинг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси туристтик фирма ва меҳмонхоналарда бухгалтерия ҳисоби олдида товар-моддий бойликлар қийматини тўғри баҳолаш, улар кирими ва чиқимига доир ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини белгиланган тартибда юритишдек муҳим вазифани қўяди.

Туристтик фирма ва меҳмонхоналар томонидан кўрсатиладиган турли хизматларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши уларда молиялаштирилиш манбаларининг мавжудлигига бевосита боғлиқдир. Туристтик фирма ва

меҳмонхоналар томонидан кўрсатиладиган турли хизматлар, одатда, буюртмачилардан олинган олдиндан тўлов ва кейинги тўловлар, шунингдек туристик фирма ва меҳмонхоналарнинг ўз маблағлари ёки улар томонидан олинган банк кредитлари эвазига амалга оширилади. Туристик фирма ва меҳмонхоналарни молиялаштирилишининг ушбу хусусиятлари уларда етарлича пул маблағларига эга бўлишлигини, пул маблағларидан оқилона фойдаланишни, олдиндан тўлов ва кейинги тўлов суммаларини буюртмачилардан ўз вақтида келиб тушишини, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағларни олиш ва қайтариш муомалаларини усликсиз назорат қилишни, уларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришни, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда олиб боришни тақозо қилади.

Туристик фирма ва меҳмонхоналар томонидан кўрсатиладиган турли хизматларнинг хусусиятларидан яна бири шундаки, улар, бир томондан, эскурсовод, хоналарга хизмат қилувчи бекалар, санитария ходимларининг яқка меҳнатига таянади, иккинчи томондан эса, айрим хизмат турлари, масалан, туристларни овқатлантириш меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли кенг қўллашни тақозо этади. Шу боис ҳам, туристик фирма ва меҳмонхоналарда ходимларга ҳақ тўлашда меҳнатнинг яқка ҳамда бригада шакллари қўлланилади. Бу, ўз навбатида, туристик фирма ва меҳмонхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни бригада аъзолари бўйича ҳисоб-китоб қилишни, ҳисобланган иш ҳақини бригада аъзолари ўртасида тақсимлашни, шунингдек яқка тартибда ишловчи ходимларга иш ҳақини турли тизимлар асосида амалга ошириш ва ҳисобини юритиш вазифасини кўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида туристик фирма ва меҳмонхоналарнинг, улар инвесторлари, таъсисчиларининг пировард мақсади бўлиб фойда олиш ҳисобланади. Туристик фирма ва меҳмонхоналар ҳисоб тизими фойда кўрсаткичларини ҳар бир фаолият тури бўйича, уларнинг жавобгарлик марказлари бўйича миллий пул бирлигида реал аниқлаш имконини бериши ва акс эттириши лозим.

IV-МАВЗУ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

- 4.1. Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши
- 4.2. Бухгалтерия баланснинг турлари
- 4.3. Счетлар тизими ва бухгалтерия баланси моддаларининг ўзаро боғлиқлиги.
- 4.4. Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгаришлар
- 4.5. Республикамиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик.


Таянч иборалар: Баланс, актив, пассив, маблағ, манба, маблағ, манба, узок муддатли актив, жорий актив, ўз маблағлари манбаси, мажбуриятлар.

4.1. Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум бир даврга молиявий ҳолати қай даражада эканлигини, улар маблағларининг жойлашиши, ишлатилиши қандай олиб борилаётганлигини ва умуман корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, назорат этиш, текшириб бориш зарур. Бу зарурият корхонанинг бошқарув ходимларига ҳамда ташқи фойдаланувчиларга, банк, солиқ инспекцияси, кредиторлар ва инвесторларга керакдир. Уларнинг бу масала юзасидан талабини корхонанинг баланси қондиради. Баланс молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли бўлиб, корхона фаолият турига қараб ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йил охирида бўлиши мумкин.

Бухгалтерия баланси корхоналарнинг кўзгуси бўлиб, унда корхонанинг маблағлари ва уларнинг келар манбаси ҳақиқий ҳолати акс эттирилади, маълум бир санага тузилади.

Баланс сўзи (французча balance-торози) – «тенглик», «тарозининг икки палласи» деган маъноларни билдиради.




3.1-расм. Бухгалтерия балансининг маълумот олишдаги аҳамияти

У доимо ўзгариб турадиган, ўзаро алоқада бўлган ҳолатини таърифловчи кўрсаткичлар тизимининг тенглиги. Баланс қандайдир воқеани таърифлаб, унинг қисмларга муносабатини кўрсатади. Баланс алоҳида корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси (бухгалтерия баланси, корхонанинг даромад ва харажатлар баланси) ёки халқ хўжалиги (аҳолининг даромад ва харажат баланси, тўлов баланси, савдо баланси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баланси ва ҳ.к.) масштабида тузилади.

Актив томони икки бўлимдан иборат бўлиб, I - бўлим «Узоқ муддатли активлар» деб номланиб, қуйидагилар қиради: асосий воситалар, лизингга олинган асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий қўйилмалар, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қўйилмалар, узоқ муддатли дебиторлик суммалари.

II - бўлим «Жорий активлар» деб номланиб, қуйидагилар қиради: ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик суммалари ва бошқалар.

Балансининг пассив томони ҳам икки бўлимдан иборат бўлиб, I - бўлим «Ўз маблағларининг манбалари» деб номланиб, қуйидагилар қиради: устав капитали, захира капитали, тақсимланмаган фойда, келгуси давр даромадлари ва ҳоказолар.



3.2-расм. Бухгалтерия балансининг таркибий тузилиши

II - бўлим «Мажбуриятлар» деб номланиб, қуйидагилар қиради: банкдан олинган кредитлар, банкдан ташқари корхоналардан олинган қарзлар, олинган аванслар ва кредиторлик мажбуриятлари.

Бухгалтерия баланси икки ҳисобот давридаги фойда ва зарарни намоён қиладиган оралиқ ҳисоботдир. Баланс ўзида келгуси ҳисобот даври маълумотларини эмас, балки ҳисоб жараёнининг охириги ҳисоб маълумотларини акс эттиради.³

4.2. Бухгалтерия балансининг турлари

Баланс икки қисмдан иборат бўлиб, бир томони актив, иккинчи томони пассив деб юртилади: актив ва пассив.

Баланс иккала қисмининг жами суммалари тенг бўлиши шарт. Бу тенглик активда хўжалик маблағлари, пассивда эса шу маблағларнинг манбалари акс эттирилиши билан изоҳланади.

Дастлабки баланс, ҳисобот баланси, тугатиш баланси каби турлари эса унинг корхона фаолиятининг қай ҳолатида тузилаётганлигини билдиради.

Дастлабки баланс корхонанинг ташкил топаётган вақтида тузилади. Ҳисобот баланси эса корхона фаолияти давомида тузилади.


Тугатиш баланси эса корхона, ташкилот, муассасанинг тугатилаётган муддатдаги хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари қай ҳолатда эканлиги ҳақида маълумот беради. Балансдаги маълумот қуйидагича йиғилган бўлади. Ҳар бир жараён рўй бериши натижасида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари миқдорий ва таркибий жиҳатдан ўзгариб боради.

³ Eldon S. Hendriksen Michael F. Van Breda. Accounting theory. Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2011. — 289 с.



3.3-расм. Бухгалтерия балансининг турлари

Бу ҳолат дастлабки ҳужжатларда акс эттирилиб, сўнгра бухгалтерияда синтетик ҳисоб юритилади ва счётларда икки ёқлама ёзув орқали акс эттирилади. Ой охирида эса ҳар бир счётлар бўйича қолдиқ суммалар аниқланади. Баъзи счётлар эса бекитилади. Бу ҳақда келгуси мавзуларда кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Счётлардаги охириги қолдиқлардаги маълумотлар бош китобга кўчирилади ва балансга ўрнатилган тартибда акс эттириб чиқилади.



Балансининг актив ва пассив томонлари ўз моддаларига эга ҳамда уларда ҳўжалик маблағлари ва ҳўжалик маблағларининг келар манбаларининг охириги қолдиғи кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини ифодаловчи

$$\text{Актив} = \text{Ҳусусий капитал} + \text{Мажбуриятлар}$$

математик тенгликни ҳамма вақт таъминлаб бериш ва сақлаш ҳисобланади.

Ушбу тенгликни таъминлаш учун бухгалтерия ҳисоби одатда, маълум бир даврнинг бошида актив, ҳусусий капитал ва мажбуриятларнинг бошланғич ҳолатини билишдан бошланиб, шу даврнинг охирида уларнинг охириги ҳолатини билиш билан яқунланади. Бундай ахборотларни олиш усули бўлиб бухгалтерия баланси ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси – корхона активлари ва уларни ташкил топиш манбаларининг маълум бир санадаги ҳолатини пул ифодасида акс эттириш усули.

Бухгалтерия баланси негизда «баланс» сўзи ётади. Бу сўз лотинча «bis», яъни «**иккита**» ва «lanx», яъни «**тарози палласи**» сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро тенглик, бир хиллик рамзи ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида «баланс» сўзи на фақат тенглик мазмунида, балким давлат аҳамиятига молик муҳим бухгалтерия ҳисоби ҳужжати сифатида ҳам талқин этилади. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия баланси ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг шакли, таркиби ва тузиш тартиби Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140- сон буйруқ билан тасдиқланган « Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш Қоидалари» билан, балансни тақдим этиш тартиби эса Молия Вазирлигининг 2000 йил 15 июндаги 47- сон буйруғи билан тасдиқланган « Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида Низом» да белгиланган.

Бухгалтерия балансининг турлари. Корхоналар томонидан тузиладиган бухгалтерия балансини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин, масалан тузилган санасига қараб, маълумотларни жамлаш ҳажмига қараб, субъектларни молиялаштирилишига қараб, регуляровка счётлари қолдиқлари ҳисобга олинганлигига қараб ва бошқа белгилари бўйича (**2.2-расмга қаранг**).

Тузилган санасига кўра бухгалтерия балансини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: кириш (ёки таъсис) баланси; бошланғич ва ҳисобот баланси; тугатиш баланси; бирлаштириш ва ажратиш баланси.

Кириш ёки таъсис баланси деганда корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасига, яъни таъсис этилган кунига тузилган баланси тушунилади. Одатда ушбу санага тузилган балансининг активида фақат таъсисчиларнинг янги

ташқил этилган корхона олдидаги қарзи, балансинг пассивида эса эълон қилинган устав капиталининг миқдори кўрсатилади.

Бошланғич баланс деганда ҳисобот даври бошига, **ҳисобот баланси** деганда эса ҳисобот даврининг охирига тузилган баланс тушунилади. Ҳисобот баланси кейинги давр учун бошланғич баланс бўлиб ҳисобланади.

Тугатиш баланси – корхона тугатилиши санасига тузилган баланс.

Бирлаштириш баланси – икки ва ундан ортиқ корхоналар бир бири билан қўшилганда қўшилиш санасига тузилган баланс.

Ажратиш баланси – бу корхона ихтиёридан мустақил бошқа корхона ажралиб чиқганда бир – бирига маблағларни топшириш ва қабул қилиш санасига тузилган баланс.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра баланс йиғма ва алоҳида баланс турларига бўлинади.

Йиғма баланс - бу бир тизим корхоналари баланслари моддаларини горизонтал ҳолда жамлаш натижасида тузилган баланс, масалан трест, концерн, компания, вазирлик ва шу каби юқори органлар томонидан тузилган баланс.

Алоҳида баланс –бу ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект томонидан тузилган баланс.

Ўз қарамоғида шўъба ҳўжалик жамиятларига эга бўлган бош корхоналар **консолидациялаштирилган баланс** тузадилар. Бу балансни моҳияти ва тузиш тартибига кейинги маърузаларда тўхталамиз.

Субектларни молиялаштирилишига қараб баланс бир бирдан тубдан фарқ қиладиган давлат бюджетидаги муассасалар баланси ва ҳўжалик юритувчи субъектлар балансига бўлинади.

Ҳисоб маълумотларини жамлаш циклларига кўра синов баланси, тузатилган синов баланси ва охириги якуний баланс турларини ажратиш мумкин.

Синов баланси –бу вақтинчалик ҳисоблар ёпилмасдан тузилган, шунингдек 1 январгача айрим ҳисоблар бўйича ҳисоб-китоблар маълум сабабларга кўра охиригача амалга оширилмаган ҳолда тузилган дастлабки баланс.

Тузатилган синов баланси - мавжуд камчиликлар тузатилгандан сўнг, лекинда вақтинчалик ҳисоблар ёпилмасдан тузилган баланс.

Якуний баланс – бу вақтинчалик ҳисоблар ёпилгач, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисоботларнинг маълумотлари эътиборга олиниб тузилган баланс.

Регулировка ҳисоблари қолдиқларини ҳисобга олиб баланс-брутто ва баланс –нетто тузилиши мумкин.

Баланс- брутто - бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташламасдан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этмайди.

Баланс-нетто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубҳали қарзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташлаш йўли билан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал қийматини ифода этади.

Бухгалтерия баланси икки томонли, яъни чап ва ўнг томонли, жадвал кўринишига эга бўлади. Жадвалнинг чап томони «Актив», ўнг томони эса – «Пассив» номи билан аталади. Жадвалнинг «Актив» томонида корхонанинг ҳўжалик активлари турлари бўйича , жадвалнинг «Пассив» томонида эса ҳўжалик активлари ташқил топиш манбалари бўйича акс эттирилади. «Актив» ва «Пассив» томонларда кўрсатилган активлар ва уларнинг ташқил топиш манбалари суммаларининг йиғиндиси бир бирига тенг келади, айнан шу тенглик «баланс» дейилади.

Жадвал кўринишидаги бухгалтерия баланси ички томондан бўлимлардан, бўлимлар эса- алоҳида моддалардан иборат бўлади.

Баланс бўлими деганда корхона активларини ва уларнинг ташқил топиш манбаларини ифодаловчи моддалар суммасини у ёки бу белгисига қараб жамлаш усули тушунилади.

Баланс моддаси деганда балансинг ҳар бир қатори тушунилади, ҳар бир қатор эса ўз навбатида битта ёки бир нечта бухгалтерия ҳисоби ҳисобларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам балансинг тасдиқланган шаклида ҳар бир модда бўйича қавс ичида тегишли ҳисобларнинг тартиб рақамлари кўрсатилган.

Бухгалтерия балансини таснифлаш асослари.

Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган бухгалтерия балансининг «Актив» томони ҳўжалик активларини хизмат муддатига кўра қуйидаги икки бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. «Узоқ муддатли активлар». Ушбу бўлимда 1 йилдан кўп муддатда оборотда бўладиган асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, шунингдек узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. «Жорий активлар». Ушбу бўлимда 1 йилга оборотда бўладиган ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари, тайёр маҳсулотлар ва товарлар, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар ва бошқа жорий активларнинг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

Балансининг «Пассив» томони хўжалик активларини ташкил топиш манбаларини турига қараб қуйидаги икки бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. «Ўз маблағларининг манбаи». Ушбу бўлимда устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва хусусий капиталнинг бошқа элементларининг қолдиқ суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. «Мажбуриятлар». Ушбу бўлимда корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзларининг қолдиқ суммаси кўрсатилади.

Бухгалтерия балансида бўлимлар бўйича маълумотлар алоҳида қаторда, иккала бўлим суммаларининг йиғиндиси алоҳида қаторда акс эттирилади.

Айрим моддалар бўйича қавс ичида ўзаро айирмалар кўринишида кўрсатилган счётлар уларнинг биринчисини суммасидан иккинчисини суммасини айириб ташлагандан кейин қоладиган суммаси шу қаторга ёзишни билдиради. Бундан ташқари бухгалтерия балансида маълумотлар мос равишда ҳисобот давр бошига ва ҳисобот давр охирига алоҳида устунларда кўрсатилади. Бу баланс моддаларидаги ўзгаришларни визуал назорат қилиб бориш имконини беради (2-иловага қаранг).

Фаолият кўрсатаётган корхонанинг баланси ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас, чунки содир бўлган хўжалик жараёнлари ва операциялари албатта активлар ва уларни ташкил топиш манбаларининг давр бошидаги ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Мисол учун, корхона ўз устав капиталини кўпайтирса ёки камайтирса –бу албатта ҳам активга, ҳам пассивга таъсир ўтказиши мумкин. Ёки омбордан материал ишлаб чиқаришга берилса активларнинг таркибида ўзгариш юз беради, иш ҳақидан даромад солиғи ушланса, активларни ташкил топиш манбалари таркибида ички ўзгариш юз беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демак, юз берган операциялар натижасида балансида турли ўзгаришлар бўлиб туради. Ушбу ўзгаришларни тўртта типга ажратиш мумкин:

ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ТАЪСИРИДА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИДА БЎЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

АКТИВ		ПАССИВ	
Хўжалик маблағлари		Хўжалик маблағлари манбаи	
Актив счётлар		Пассив счётлар	
Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Кўпайиш	Камайиш	Камайиш	Кўпайиш
I тип		II тип	
● ← → ●	●	● ← → ●	●
III тип		IV тип	
● ← → ●	●	●	● ← → ●

Биринчи тип ўзгариш фақат балансининг активида юз беради, яъни бир актив кўпаяди, иккинчиси эса камаёди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз қолади

Иккинчи тип ўзгариш фақат балансининг пассивида юз беради, яъни бир манба кўпаяди, иккинчиси эса камаёди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз қолади

Учинчи тип ўзгариш ҳам активда, ҳам пассивда юз беради, фақатгина кўпайиш томонга, яъни операция натижасида актив ҳам, пассив ҳам бир хил суммага кўпаяди

Тўртинчи тип ўзгариш ҳам активда, ҳам пассивда юз беради, фақатгина камайиш томонга, яъни операция натижасида актив ҳам, пассив ҳам бир хил суммага камаёди, шу суммага баланс суммаси ҳам камаёди.

Юқоридаги жадваллардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- I- ва II- типдаги ўзгаришлар олдинги баланс суммасини ҳеч қачон ўзгартирмайди.
- III- ва IV –типдаги ўзгаришлар албатта олдинги баланс суммасини ўзгаришига олиб келади, жумладан учинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини ошишига, тўртинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини камайишига сабаб бўлади.
- Ҳеч қачон балансидаги ўзгариш типлари бир вақтнинг ўзида активни бир суммага ошириб, пассивни эса ўша суммага камайтириши мумкин эмас.

- Ҳеч қачон балансдаги ўзгариш типлари активни бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга), пасивни эса бошқа бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга) олиб келиши мумкин эмас.

4.3. Счетлар тизими ва бухгалтерия баланси моддаларининг ўзаро боғлиқлиги.

Балансда акс эттириладиган хўжалик маблағлари ва уларнинг келар манбалари алоҳида турлари бўйича пул ўлчов бирлигида ифодаланади. Баланс моддаларини баҳолаш тамойили барча корхоналар учун бир хил бўлади. Баҳолаш асосида ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ёки маҳсулот тайёрлаш ҳақиқий таннархи ётади. Бухгалтерия баланси моддаларининг баҳоси аниқ бўлиши, яъни маблағлар ва уларнинг пайдо бўлиш манбалари турларини ҳақиқий ҳажмида акс эттириш керак. Актив ва пасив моддаларини баҳолашнинг ҳақиқийлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ишончлилиги билан таъминланади.

Балансдаги моддалар бўйича кўрсаткичлар ҳисобот йили бошига ва ҳисобот даври охирига кўрсатилади. Бундай тартиб ўрнатилишига сабаб, иккала муддатдаги маълумотларни ўрганиш, таққослаш орқали хўжалик маблағлари ва хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ўзгариб бориши ҳақида ҳулосага, маълум бир зарур фикрларга келиш мумкин. Уларнинг натижасида оқилона қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади.

4.4. Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгаришлар

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги бир томонлама ўзгаришлар қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги бир томонлама ўзгаришлар қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

1. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг фақат актив томони ўзгаради, пасив томонига таъсир этмайди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бунда хўжалик маблағларининг ўрни ёки жойлашган жойлари ўзгаради ҳолос.

$+A; -A = \Pi$

2. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг фақат пасив томони ўзгаради, актив томонига таъсир этмайди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бунда хўжалик маблағларининг келар манбаларининг мазмуни ўзгаради.

$A = +\Pi; -\Pi$

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги икки томонлама ўзгаришлар қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги икки томонлама ўзгаришлар қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

1. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг ҳар иккала томони бир хил суммага кўпаяди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бунда хўжалик маблағлари ва уларнинг келар манбаларининг баланс қиймати бир хил суммага кўпаяди.

$+A = +P$

2. Хўжалик жараёнлари туфайли баланснинг ҳар иккала томони бир хил суммага камайди ва баланс ўз тенглигини сақлаб қолади. Бу ерда хўжалик маблағлари ва уларнинг келар манбаларининг баланс қиймати бир хил суммага камайди.

$-A = -P$

4.5. Республикамиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимларининг ривожланишига миллий ўзига хослик ҳам жиддий таъсир кўрсатади. У бухгалтерия ҳисобининг халқаро миқёсида яқинлашувига бевосита таъсир этувчи омил сифатида қаралади. Масалан, Америкалик олимлар Дуст ва Лигон бухгалтерия ҳисоби тизимларининг яқинлашувидан «Ташвишга тушувчи асосий манба бўлиб сиёсат ва миллийлаштириш ҳисобланади» деб ҳисоблайди. Ҳар бир мамлакат бухгалтерия ҳисобининг тизimini ишлаб чиқишда миллийликни сақлашга ҳаракат қилади. Масалан, АҚШ ва Канаданиннг ўзаро алоқаларининг нақадар ривожланишига қарамадан, Канада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тузилишига ўзига хос ёндашув бўлиш зарур деб ҳисоблайди. Бухгалтерия ҳисоби тизимининг шаклланишига мамлакатнинг солиқ сиёсати ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Чунки, солиқ қонунчилиги бухгалтерия ҳисобининг услубий асосларига таъсир кўрсатади. Дунёнинг айрим мамлакатларида бухгалтерия ҳисоботлари солиқ қонунчилигига мос равишда тайёрланиши лозим. Масалан, Германия шундай мамлакатлар сирасига қиради. Бошқа мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тизимининг бир неча вариантларидан бирини танлашга руҳсат берилади.

V-МАВЗУ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА СЧЁТЛАР ТИЗИМИ ВА ИККИЁҚЛАМА ЁЗУВ

- 5.1. Ҳисобварақлар (счётлар) ҳақида тушунча.
- 5.2. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши
- 5.3. Синтетик ва аналитик счётлар, уларнинг тузилиши ва ўзаро боғлиқлиги
- 5.4. Иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши.
- 5.5. Оборот ведомост (айланма қайднома)ларини тузиш. Уларнинг турлари, шакли ва тузиш тартиби


Таянч иборалар: Счётлар режаси, актив счёт, пассив счёт, контрактив счёт, кантрпассив счёт, транзит счёт, балансан ташқари счётлар, иккиёқлама ёзув, айланма қайднома.

5.1. Ҳисобварақлар (счётлар) ҳақида тушунча.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳисобини юритиш заруриятида корxonанинг хўжалик жараёнлари натижасида доимо таркибий ва миқдорий жиҳатдан ўзгариб борадиган хўжалик маблағлари ҳақида ҳар доимо маълумотга эга бўлиб туриш талаб этилади. Бу талабни бажариш учун эса хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларни ҳисобда гуруҳлаб бориш ва тезкор назорат ўрнатиши керак бўлади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби элементларидан бири счётлар тизимидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракати тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун ҳар бир маблағ, манба ва хўжалик жараёнлари алоҳида-алоҳида рақамлар билан белгиланади. Маблағ, манба ва хўжалик жараёнлари учун белгиланган рақамлар бухгалтерия счётлари деб юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларининг икки томони бўлиб, бир томони «Дебет», иккинчи томони томони «Кредит» деб юритилади.



Қадимий савдо китобларида счётнинг «Дебет» томонида кирим, «Кредит» томонида чиқим кўрсатилган. Ҳозирда ҳам бу маъно қисман сақланиб қолган.

Бу счётлар хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини ҳисобга олиш ишларини осонлаш- тириш ва улардан тўғри фойдаланишни назорат қилишда ҳам қўл келади. Масалан, бухгалтерия ҳисоби тизимида «Хомашё ва материаллар» сўзи ўрнида — 1010, «Касса» сўзи ўрнида — 5010, «Асосий ишлаб чиқариш» сўзи ўрнида — 2010, «Тайёр маҳсулот» сўзи ўрнида — 2810 каби рақамлардан фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисоби счётлари рақами бир давлатда бир хил қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби счётларининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларининг 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли стандарт қабул қилинган. Ушбу стандартдаги счётлар йиғиндисида «Бухгалтерия ҳисоби счётлар тизими» дейилади. Счётлар тизими хўжалик маблағларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини, хўжалик жараёни натижасида уларнинг таркибий, миқдорий ва ҳаракат жиҳатидан ўзгариб боришини иқтисодий гуруҳлаш ва доимо тезкор назорат қилиб боришдир.



5.1-расм. Бухгалтерия ҳисоби счётларининг таснифланиши

Корхона фаолиятида ёппасига, узлуксиз ҳисоб қилиб борилар экан, корхона барча мулкани ўрганиб, уларнинг хусусиятларини яхшилаб англаб етмоқ керакдир. Корхона мулкларини ҳисоби тўлиқ юритилар экан, ҳисоб ишларини осонлаштириш, оқилон ташкил этиш мақсадида счётлар режаси ишлаб чиқилган. Шунинг назарда тутмоқ керакки, Бухгалтерия Ҳисоби Миллий

Стандартининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши зарурий ҳол бўлганидек, счётларнинг янги режасини ишлаб чиқиш ҳам зарур бўлиб қолди ва счётларнинг янги режаси корхоналар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобида қўлланилиб келмоқда.

Счётлар режаси 6 қисм ва 9 бўлимдан иборат. Счётлар режасининг қисмлари куйидагилардир:

1-қисм. Узоқ муддатли активлар.

2-қисм. Жорий активлар.

3-қисм. Мажбуриятлар.

4-қисм. Хусусий капитал (мулк).

5-қисм. Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши.

6-қисм. Балансдан ташқари счётлар.

Счётлар режасидаги бўлимлар куйидагича номлан- ган:

1-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар.

2-бўлим. Товар-моддий захиралари.

3-бўлим. Келгуси давр сарфлари ва муддати узайти- рилган сарфларнинг жорий қисми.

4-бўлим. Олинадиган счётлар.

5-бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвести- циялар ва бошқа жорий активлар.

6-бўлим. Жорий мажбуриятлар.

7-бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар.

8-бўлим. Капитал (мулк), фойда ва захиралар.

9-бўлим. Даромад ва сарфлар.

Счётлар режасини билиш нафақат бухгалтерлар, балки аудиторлар, солиқчилар қисман ташқи фойдаланув- чилар (акциядорлар, таъсисчилар) учун ҳам керакдир.

Счётлар иккига ажратилади:

Актив счётлар — хўжалик маблағларини акс эттирувчи счётлар.

Пассив счётлар — хўжалик маблағларини ташкил топиш манбаларини акс эттирувчи счётлар.

Д ^Т Актив	К ^Т	Д ^Т Пассив	К ^Т
+	-	-	+

Юқорида кўриниб турганидек, ҳар иккала турдаги счётларнинг ҳам дебет ва кредит томонлари мавжуд. Фарқ шундаки, актив счётларнинг дебетида кўпайиш, кредит томонида эса камайиш акс эттирилади.

Пассив счётларда эса аксинча, дебет томонида камайиш, кредит томонида эса кўпайиш акс эттирилади.

Маълумки, счётлар ой бошига очилади. Бу вақтда маблағ ва улар манбалари мавжуд бўлиб, улар ой бошига қолдиқ деб аталади.

Ой давомида хўжалик жараёни натижасида маблағлар ва улар манбалари ҳаракати (кўпайиши, камайиши) оборот дейилиб, уларни дебет ёки кредит томондалигига кўра, дебет оборот, кредит оборот деб аталади.

Актив счётларда дебет оборот ой давомида маблағларнинг киримини, кредит обороти эса маблағлар ой давомида камайишини билдиради.

Пассив счётлардаги дебет оборот ой давомида маблағ ташкил топиш манбаси камайишини, кредит оборот эса ой давомидаги манба кўпайишини билдиради.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари доимо бош қолдиқ билан бошланиб, охириги қолдиқ билан якунланади. Баъзи бир йиғиб тақсимловчи ёки транзит счётларда бош қолдиқ ҳам, охириги қолдиқ ҳам бўлмайди. Чунки улар ой бошига очилиб, ой охирида ёпилади. Актив счётлардаги ой охирига қолдиқни аниқлаш учун, ой бошига қолдиқ суммага дебет оборот суммасини кўшиб, кредит оборот суммасини айириш орқали топилади:

$$Д^T \text{ оқ.} = Д^T \text{ бк.} + Д^T \text{ об.} - К^T \text{ об.}$$

бунда, Д^Т оқ. — дебет охириги қолдиқ;

Д^Т бк. — дебет бошланғич қолдиқ;

Д^Т об. — дебет оборот;

К^Т об. — кредит оборот.

Мисол. Корхона кассасидаги нақд пул ой бошида 400 сўм бўлган, ой давомида эса 500 000 кирим бўлди, ой давомида сарфланган нақд пуллар 500 200 сумни ташкил этди. Демак, ой охирига 200 сўм нақд пул кассада қолди.

Буни счёт чизмаси кўринишида куйидагича акс эттириш мумкин:

Д ^Т	5010	К ^Т
бк. 400		
42 000		4 0000
454 000		454000
4000		6200
Д ^Т об. 500000		К ^Т об. 500200
Д ^Т оқ. 200		

$$Д^T \text{ оқ.} = 400 + 500000 - 500200 = 200$$

Худди шундай тузилиш пассив счётларда ҳам кўзга ташланади.

$$К^T \text{ оқ.} = К^T \text{ бк.} + К^T \text{ об.} - Д^T \text{ об.}$$

- бунда, К^Т ок.— кредит охирги қолдик;
- К^Т бқ. — кредит бошланғич қолдик;
- К^Т об. — кредит оборот.
- Д^Т об. — дебет оборот;

Мисол. Корхонанинг ходимлар олдида меҳнат ҳақи юзасидан 40 000 сўм қарзи мавжуд эди, ой давомида эса 600 000 сўмлик меҳнат ҳақи юзасидан мажбурият кўпайди. Ходимлар ойлигидан ушланган суммалар ва тўланган суммалар ой давомида 640 000 сўмни ташкил этди.

Буни счёт чизмаси кўринишида қуйидагича акс эттириш мумкин:

Д ^Т	6710	К ^Т
		бқ. 40000
140000		600000
60000		
20000		
420000		
Д ^Т об. 640000	К ^Т об. 600000	
	К ^Т ок. 0	

$$К^T \text{ ок.} = 40000 + 600000 - 640000 = 0$$

5.2. Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши

Бухгалтерия ҳисоби счётлари ҳақида яхши тушунчага эга бўлиш учун уларнинг хусусиятларини ўрганиш зарур. Бухгалтерия ҳисоби счётлари ўзининг вазифаси, мазмуни, жойлашган жойига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари қуйидаги хусусиятига кўра туркумланади:

- счётларнинг тузилишига кўра;
- кўрсаткичларнинг акс эттирилишига кўра;
- балансда акс эттирилишига кўра;
- вазифаси, тайинланишига кўра.

Счёт тузилишига кўра икки турга бўлинади:

- актив счёт;
- пассив счёт.

Актив счётлар хўжалик маблағларини акс эттиришга, пассив счётлар эса хўжалик маблағларининг манбаларини акс эттиришга мўлжаллангандир.

Кўрсаткичлар акс эттирилишига кўра, счётлар икки хил бўлади:

- синтетик счётлар;
- аналитик счётлар.

Синтетик счётлар хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари ҳақида умумий ҳамда қиймат кўринишида маълумотларни олиш мақсадида ҳисоб юритишга мўлжалланган.

Синтетик счётларнинг аниқлаштирилиб ва деталлаштирилиб берилишига аналитик счётлар деб айтилади.

Аналитик счётлар маълумотлари хўжалик маблағлари ва уларнинг манбаларини нафақат пул (қиймат), балки натура ҳамда вақт (меҳнат) ўлчов бирликларида ҳам ҳисоб юритишга мўлжаллангандир.

Аналитик счётлар бўйича бухгалтерия проводкалари амалга оширилмайди. Аналитик ҳисоб маблағлар турлари бўйича махсус очилган карточкаларда олиб борилади.

Балансда қатнашишига кўра счётлар икки хил бўлади:


- балансдаги счётлар;
- балансдан ташқари счётлар.

Балансдаги счётлар деб, балансда қатнашадиган счётларга айтилиб, улар бўйича иккиёклама ёзув амалга оширилади.

Балансдан ташқари счётлар эса корхона балансга кирмайдиган счётлар бўлиб, уларда ҳисоб ёзувлари фақат бир ёклама олиб борилади.

Вазифасига (тайинланиши) кўра счётлар қуйидагича гуруҳланади:

1. Асосий счётлар.
2. Тартибга солувчи счётлар.
3. Таксимловчи счётлар.
4. Калькуляция счётлари.
5. Таққословчи счётлар.



5.2-расм. Счётларнинг таркиби ва тайинланиши бўйича туркумланиши

Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартининг 21-стандартида кетирилган счётлар режасига кўра балансдан ташқари счётларга қуйидагилар кириди:

- 001 – «Оператив ижарага олинган асосий воситалар»;
- 002 – «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар»;
- 003 – «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»;
- 004 – «Комиссияга қабул қилинган товарлар»;
- 005 – «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар»;
- 006 – «Қатъий ҳисобот varaқлари»;
- 007 – «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи»;
- 008 – «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш – олинган»;
- 009 – «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш – берилган»;
- 010 – «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар»;
- 011 – «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк»;
- 012 – «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар»;
- 013 – «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»;
- 014 – «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари»;

5.3. Синтетик ва аналитик счётлар, уларнинг тузилиши ва ўзаро боғлиқлиги

Хўжалик жараёнлари рўй бериши натижасида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини доимо миқдорий, таркибий ҳамда жойлашиши жиҳатидан ўзгариб боришини ҳужжатлаштириш, бухгалтерия проводкалари ёрдамида счётларда акс эттириб бориш бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади. Олдинги саволларимизда кўриб ўтганимиздек, счётларни улар маълумотларни қай даражада акс эттиришига қараб синтетик ва аналитик ёзувга ажаратиш мумкин. Синтетик ёзувда хўжалик маблағлари ва улар ташкил топиш манбалари ҳақидаги маълумотлар умумлаштириб, пул ўлчов бирлигида акс эттирилади. Синтетик счётлар орқали юритиладиган ҳисоб эса синтетик ҳисоб деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларининг 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли стандартда келтирилган счётлар синтетик счётлардир. Чунки бу счётлар битта маблағ ёки манба тўғрисида умумий маълумот беради.

Баъзи ҳолларда маблағ ёки манба тўғрисида аниқлаштирилган, деталлаштирилган, алоҳидалаштирилган маълумотлар зарур бўлиб қолади. Бундай маълумотларни олиш учун аналитик ҳисобдан фойдаланилади.

Аналитик ҳисоб хўжалик маблағлари ва улар ташкил топиш манбалари ҳақидаги маълумотларни уларнинг алоҳида турлари бўйича, аниқ кўрсаткичлар орқали олишда фойдаланилади. Аналитик счётлар миқдори у қўлланилаётган корхона, ташкилот ва хўжаликнинг қайси соҳасида эканлигига, уларнинг фаолият доираси катта ёки кичиклигига боғлиқ бўлади. Аналитик счётлар бўйича юритиладиган ҳисоб аналитик ҳисоб дейилади. Қуйидаги мисоллар орқали синтетик ва аналитик счётларнинг бир-бирдан фарқи ва шу билан бирга уларнинг ўзаро боғлиқлиги кўриб ўтилади.

«Товарлар» счёти 2900 рақами билан белгиланиб, синтетик счёт ҳисобланади. Товарлар хўжалик маблағларининг айланма активлар қисмига кириб, муомала соҳасида бўлади. Шунинг учун ҳам бу счёт активдир. «Товарлар» счёти дебети қолдиғидаги сумма савдо корхонасидаги мавжуд бўлган товарлар қийматини билдиради, аммо товарларнинг қайси туридан қанча қолганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам пул ўлчов бирлигида, ҳам натура ўлчов бирлигида аналитик счётлар орқали олиш мумкин.

Синтетик ва аналитик счётларнинг бир - бирдан фарқи шундаки, синтетик счётларда хўжалик маблағлари ва улар манбалари умумлаштириб кўрсатилса,

аналитик счётларда эса улар ҳақидаги маълумотлар уларнинг турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳамда уч ўлчов бирлиги ҳам қўлланилиб акс эттирилади.

Аналитик счётлардаги маълумотларнинг жами уларни умумлаштирувчи синтетик счётнинг маълумоти билан тенг келиши зарурлиги —бу счётларнинг ўзаро алоқадорлигини ва бир-бирини тўлдириб боришини билдиради. Корхона хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи синтетик счёт ва аналитик счётлар ҳам худди шу тартибда бўлади. Аналитик счётлар корхона маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида маълумот беради. Масалан, машина ва ускуналарнинг эскиришининг синтетик ҳисоби 0230 — «Машина ва ускуналарнинг эскириши» счётида юритилиб, пассив счёт ҳисобланади.

Корхонада мавжуд бўлган машина ва ускуналарнинг эскириши уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида юритилади. Бу машина ва ускуналарнинг эскиришининг аналитик ҳисоби улар учун алоҳида-алоҳида очилган инвентар карточкаларда олиб борилади. Аналитик ҳисоб ёрдамида аниқланган эскириш суммалари жамланиб, синтетик ҳисобда 0230 — «Машина ва ускуналарнинг эскириши» счётида юритилади. Аналитик счётларнинг йиғиндиси синтетик счётга тенг бўлади.

5.4. Иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши

Кўриб ўтганимиздек, жамиятда иккиёқлама ёзувнинг пайдо бўлиши бухгалтерия ҳисоби ривожланишига асос бўлган. XIII—XIV асрларда иккиёқлама ёзув тизими пайдо бўлди ва Шимолий Италиянинг бир неча савдо марказ- ларида ундан фойдаланила бошланди. Топилган ягона қўлёзмаларга кўра иккиёқлама ёзув 1340- йили пайдо бўлган.

Яна бошқа манбаларга кўра бундан ҳам олдинроқ Франциянинг Шампан вилояти савдо фирмаларида (1299—1300) иккиёқлама ёзувдан фойдаланилган. Унинг асосчиси Италияда яшаган француз монархи Луко Начоли ҳисобланади. У ўзининг улкан иши ҳисобланган «Счёт ва ёзувлар тўғрисида рисола»⁴ номли асарига (1494- йил) ҳисоб ёзувлари бўйича тушунчани очиб берди. Ҳозирда ҳам бу китоб жуда долзарб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар қайси тармоққа қарашлигидан ва унда қандай хўжалик жараёни рўй беришидан қатъий назар ҳар доим икки ва ундан ортиқ хўжалик маблағи ёки уларнинг ташкил топиш манбалари иштирок этади.

⁴ Пачоли Л. Трактат о счетах и записях (Электронный ресурс); научное электронное издание / перевод и редакция проф. М.И. Кутера – Электрон.дан. (325 Мб) – Майкоп: Элит, 2015. - 1 электрон. опт. диск (CD-R).

Шунинг учун ҳам хўжалик жараёнларини счётларда акс эттиришда икки ёки ундан ортиқ счётлардан фойдаланилади.


Хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган хўжалик жараёнлари туфайли маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбалари бир-бири билан боғланади ва натижада улар учун мўлжалланган бухгалтерия ҳисоби счётлари ҳам бир-бири билан боғланади (бу боғланиш «Счётлар корреспонденцияси» дейилади). Счётлар боғланишининг бухгалтерия ҳисоби ёзувларида акс эттирилишига «Иккиёқлама ёзув» (бухгалтерия проводкаси) деб айтилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлаётган жараёнларга тегишли суммалар бухгалтерия ҳисоби ёзувларида энг камида иккита счётга ёзилади, албатта бир счётнинг дебети, иккинчи счётнинг кредитига.

Қуйидаги мисоллар ёрдамида иккиёқлама ёзув ва унинг амалиётда қўлланилишини тушуниб олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, иккиёқлама ёзув — бу хўжалик жараёнида вужудга келадиган ўзгаришларнинг счётлар тизими орқали ифодаланишидир.

Иккиёқлама ёзув усулининг аҳамияти шундаки, унинг ёрдамида, ҳисоб ишлари тўғри юритилаётганини назорат қилиб бориш имконияти яратилади. Амалиётда хўжалик жараёнини бир счёти дебети ва иккинчи счётнинг кредитида акс эттирилиши бухгалтерия проводкаси дейилади.



5.3-расм. Иккиёқлама ёзувнинг асосланиши.

Бухгалтерия ёзувининг икки тури мавжуд:
— оддий бухгалтерия ёзуви;

— мураккаб бухгалтерия ёзуви.

Оддий бухгалтерия ёзувида фақат икки счёт қатнашиб, бири дебетланади, иккинчиси кредитланади.

Мураккаб бухгалтерия ёзувида эса уч ёки ундан ортиқ счётлар қатнашиб, бир счёт дебетланиши ва икки ёки ундан ортиқ счёт кредитланиши ва аксинча, бир счёт кредитланиб, икки ёки ундан ортиқ счёт дебетланиши мумкин.

5.5. Оборот ведомост (айланма қайднома)ларини тузиш. Уларнинг турлари, шакли ва тузиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳолати ҳақида, умуман корхона хўжалик фаолияти, молиявий натижаларига баҳо бериш учун баланс тузилади. Маълумотларни балансга кўчиришдан олдин ҳисоб ишлари тўғри юритилганлигини ҳамда хўжалик молиявий ҳолатига баҳо бериш ва баланс тузиш учун айланма ведомостлари тузилади.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари кўриб ўтилганидек, бир хўжалик маблағлари ёки уларнинг ташкил топиш манбалари тўғрисида маълумот беради. Оборот ведомостлар эса бухгалтерия ҳисоби счётлари маълумотларини жамловчи жадвалдир.

Оборот ведомостлар корхонанинг барча ўз маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳаракати тўғрисидаги кўрсаткичларни бухгалтерия ҳисоби счётлари маълумотлари асосида ойлар бўйича умумлаштириш учун очилади.

Оборот ведомостлари икки хил бўлади:

1. Синтетик ҳисоб, синтетик счётлари бўйича оборот ведомости.
2. Аналитик ҳисоб, аналитик счётлари бўйича оборот ведомости.

Оборот ведомостларида объектларнинг бошланғич қолдиғи ой давомидаги ҳаракати ва ой охирига қолдиғи акс эттирилади.

Синтетик счётларда маълумотлар умумлаштирилиб, фақат пул кўрсаткичида ифодаланади. Синтетик ҳисоб, синтетик счётлари айланма ведомостлари куйидагича шаклда бўлади:

Счётлар рақами	Счётларнинг номи	Бошланғич қолдиқ (сўмда)		Счётларнинг обороти (сўмда)		Охири қолдиқ (сўмда)	
		Д ^Т	К ^Т	Д ^Т	К ^Т	Д ^Т	К ^Т

Аналитик счётларда эса натура ва бошқа ўлчов бирликлари қўлланилиши улар шаклини куйидаги кўринишда бўлишини тақозо этади:

Объект номи	Баҳоси	Бошланғич қолдиқ		Кириш		Чиқим		Охири қолдиқ	
		Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма

Аналитик счёт қайси синтетик счёт доирасида очилган бўлса, унинг айланма қайдномадаги маълумотлари тегишли синтетик счёт маълумотлари билан мос келиши зарур. Синтетик ҳисоб счётлари бўйича айланма бошланғич қолдиқ қаторидаги Дебет ва Кредит суммалари тенг келиши шарт бу тенглик улардаги кўрсаткичлар хўжалик маблағлари (актив счётлар) ва улар ташкил топиш манбалари (пассив счётлар) бошланғич қолдиқларини билдириши билан изоҳланади. Айланма бўлимидаги Дебет ва Кредит суммалари жамининг ҳам тенглиги зарурий шарт бўлиб, бу тенглик эса хўжалик жараёнларини бухгалтерия проводкаси орқали бир вақтда бир хил суммани бир счётнинг дебети ва икки счёт кредитида икки ёқлама ёзув орқали акс эттириши билан изоҳланади. Охири бўлимидаги Дебет ва Кредит суммаларнинг жами тенглиги корхонадаги мавжуд бўлган хўжалик маблағлар ва улар ташкил топган манбаларини айланма қайднома тузилаётган вақтдаги миқдор ҳолатини билдириши билан тушунтирилади.

Назорат учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисоби счётлари тизими нима?
2. Бухгалтерия ҳисоби счётлари иқтисодий мазмунига кўра қандай гуруҳланади?
3. Бухгалтерия ҳисоби счётлари вазифасига кўра қандай гуруҳланади?
4. Бухгалтерия ҳисоби счётлари баланслари жойлашишига қараб қандай гуруҳланади?
5. Актив счётларда охири қолдиқ қандай топилади?
6. Пассив счётларда охири қолдиқ қандай топилади?
7. Счётларнинг обороти деб нимага айтилади?
8. Транзит счётлар деб нимага айтилади?
9. Икки ёқлама ёзув нима?
10. Икки ёқлама ёзув қачон ва ким томонидан кашф этилган?
11. Бухгалтерия проводкаси деганда нимани тушунаси?

12. Синтетик ва аналитик ҳисобларнинг фарқи ҳамда ўзаро боғлиқлиги нимада?

VI-МАВЗУ. ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ

- 6.1. Ҳужжатлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида тутган ўрни
- 6.2. Ҳужжатларнинг турлари, реквизитлари ва уларнинг расмийлаштириш тартиби
- 6.3. Ҳужжатларнинг айланиши
- 6.4. Инвентаризация ҳақида тушунча ва натижасини расмийлаштириш

Таянч иборалар: Ҳужжатлаштириш, фармойиш берувчи, тасдиқловчи ҳужжатлар, реквизит, инвентаризация, камомад.

6.1. Ҳужжатлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида тутган ўрни

Бухгалтерия ҳисоби усулларидан бири ҳужжатлаштириш бўлиб, унинг аҳамияти хўжаликни юритишда, бошқарувни оқилона ташкил этишда, шунингдек, ҳисоб ишларини юритиш олдига қўйилган вазифа ҳамда талабларга жавоб беришда зарурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонунининг 14-моддасига⁵ кўра операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун асос бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо ва сервис соҳасида олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақи банк корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўланганида тўлов терминаллариининг чеклари ҳам бошланғич ҳисоб ҳужжатлари деб тан олинади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга ошириладиган пайтда ёки операциялар амалга ошириб бўлингандан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

⁵ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.

бухгалтерия ҳисоби субъектининг номи;
ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликлари кўрсатилган миқдор ўлчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда);
хўжалик операциясини бажарган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун зарур бўлган фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёхуд бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида, тўғри ва ишончли тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардир.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари электрон ҳужжат тарзида тузилиши ва тақдим этилиши мумкин.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси иштирокчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ҳамда ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Бухгалтерия ҳисобида содир бўлаётган жараёнлар ўша вақтнинг ўзидаёқ махсус ҳужжатларда расмийлаштирилади. Бу ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари деб аталади. Бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим хусусиятларидан бири унда барча хўжалик операциялари ёппасига қайд қилинади. Бу нарса барча хўжалик жараёнларининг тўла тавсифини олиш учун зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг яна бир хусусияти унда хўжалик жараёнларининг ҳужжатлаштирилишидир. Бухгалтерия ҳисоби тизимида қайд қилинадиган ҳар бир операция дастлаб ҳужжатлаштирилиши керак. Ҳужжат бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ягона манбаи ҳисобланади. Шу сабабли бухгалтерия ҳисобида ҳужжатсиз маълумотлар ахборот сифатида тан олинмайди. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ёзма гувоҳдир, яъни ҳужжатлар ўтган давр тўғрисида маълумот беради.

Барча операцияларни қамраб оладиган ҳужжатларнинг мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан назорат қилиш учун фойдаланиш ва бошқариш учун асосланган маълумотлар олиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисобида йиғма яқунланган кўрсаткичларни олиш учун йиғилган маълумотларни қайта ишлашнинг махсус усулларидан фойдаланилади. Бу усулларнинг муҳим хусусиятлари шундан иборатки, улар алоҳида ажратиб олинган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бутун

хўжалик фаолиятини узлуксиз ва ўзаро боғланган ҳолда акс эттирилишини таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари айрим корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда маълум бир компания таркибига кирадиган корхоналар гуруҳи бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ишини аудит қилиш учун аудит манбаи сифатида хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисобининг қатор ҳисоб кўрсаткичлари умумлаштирилган кўринишда корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда ишлатилади.

Умумлашган кўрсаткичларнинг бир гуруҳи фаолиятни баҳолашда бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига асосланадиган статистик ҳисоб ёрдамида олинади. Ҳисоб ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси ишлаб чиққан ва тасдиқлаган махсус бланкаларга рўй берган ёки содир этилиши керак бўлган хўжалик жараёнларининг ҳамма реквизитларини акс эттирилган ҳолда тузилади. Бундан ташқари, тармоқ махсуслаштириб ишлаб чиққан бланка шакллари ҳам қўлланилади, ушбу ҳолларда ишлаб чиқилган бланкалар шакли молия ташкилотлари томонидан тасдиқланиши керак.

Реквизитлар — бу ҳужжат номи, мазмуни, тўлдириш санаси, тасдиқловчи белгилар каби кўрсаткичларни ифодаловчи ёзувлар. Реквизитларни нотўғри ёки бузиб кўрсатиш ҳам бухгалтерия ҳисоби тартиб ва тамойилларининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг реквизитларини аниқ ва тўғри расмийлаштириш талаб қилинади.

6.2. Ҳужжатларнинг турлари, реквизитлари ва уларнинг расмийлаштириш тартиби

Хўжалик жараёнларининг турли-туманлиги уларни акс эттирувчи ҳужжатларнинг ҳам турли бўлишига сабаб бўлиши табиийдир. Ҳужжатлар бир неча хусусиятларига кўра туркумларга ажратилади, бундай гуруҳлашга сабаб ҳужжатлаштириш ишларини, улардан ҳисоб ишларида фойдаланишни ҳамда улар айланишини, сақланишини осонлаштиришдир.

Ҳужжатлар тузилиш тартибига, вазифасига, хўжалик жараёнини акс эттиришига, қаерда тузилиши каби хусусиятларга кўра туркумларга ажратилади.

Ҳужжатлар тузилиш тартибига кўра, дастлабки ва йиғма ҳужжатларга бўлинади.

Хўжалик жараёни рўй берганда албатта ўша вақтни ўзидаёқ ҳужжатлаштирилиши шарт. Масалан, товар келтириш учун асос бўлган юк хати (товар транспорт накладной), касса кирими ва чиким ордерлари ва ҳоказо.

Булар бир хўжалик жараёнини ўзида акс эттиради ва дастлабки ҳужжатларга мисол бўлади.

Шу дастлабки ҳужжатлар текширилиб, улар асосида йиғма ҳужжатлар тузилади ва бу ҳужжатлар маълум бир давр ичида рўй берган жараёнлар ҳақида маълумотлар беради.

Йиғма ҳужжатларга товар ҳисоботи ва кассир ҳисоботини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳужжатлар вазифасига кўра 5 турга ажратилади:


1. Фармойиш берувчи ҳужжатлар. Бирор хўжалик жараёнини бажариш учун албатта маъсул ходимлар томонидан буйруқ берилади ёки жамоа қарор қабул қилади. Унда жараённи бажарувчи шахслар ҳамда жараёнларнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлади.

2. Тасдиқловчи ҳужжатлар. Ходим, маъсул шахснинг бирор хўжалик жараёнини бажарганини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам амалда қўлланилади. Масалан, асосий воситаларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосий воситаларни қабул қилинганини, тўлов ведомостлари меҳнат ҳақи берилганини (депонентлаштирилганлигини) исботлайди. Шунинг учун ҳам бундай ҳужжатлар тасдиқловчи ҳужжатлар дейилади.

3. Фармойиш-тасдиқловчи ҳужжатлар. Корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишда шундай ҳужжатлар ҳам мавжудки, уларда бир вақтнинг ўзида жараён бажарилишига фармон берилиши билан бирга жараён бажарилганлигини тасдиқлаш хусусияти ҳам мужассамлаштирилган.

4. Бухгалтерия ҳисоботига илова ҳужжатлари. Бухгалтерия ҳисобини юритишда хўжалик жараёнлари рўй бериши билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо ҳисоб ишларида аҳамиятли ҳужжатлар ҳам борки, улар расмийлаштириш ҳужжатлар деб аталади.

5. Ахборот ҳужжатлари. Корхонада рўй берган хўжалик жараёнларининг асоси ҳисобланган унинг молиявий ҳолати, товар моддий бойликлари захиралари ҳақида ахборот берувчи ҳужжатлар, ички бошқарув ва юқори ташкилот ҳамда муассасалари, давлат солиқ назорати, кредиторлар, акциянерлар, таъсисчилар, ташқи аудиторларга зарур вақтларда тегишли ахборотлар олишда хизмат қилади.




6.1-расм. Хужжатларнинг туркумланиши

Бухгалтерия ҳисобининг хужжатларини тузиш даврига қараб, бошланғич ёки бирламчи ва йиғма хужжатларга бўлиш мумкин.

Корхонада содир этилган жараёнлар учун асос бўлган ва уни ўзида тузилган хужжатларга ҳисобдор шахснинг аванс ҳисоботи, ҳисоб - тўлов ведомости, касса кириш ва чиқим ордерлари, ҳисоботлар мисол бўлади.

Корхона бухгалтериясидаги счётларда тегишли маълумотларни акс эттиришда бошқа корхоналарда расмийлаштирилган хужжатлар ҳам асос бўлади. Уларга ҳисоб- китоб счётидан кўчирма, унга илова қилинган тўлов талаб- номалари, мол етказиб берувчи ташкилот юборган товар (маҳсулот) учун асос бўлувчи юк хати, юк квитанциялари ва бошқалар мисол бўлади.



6.2-расм. Бухгалтерия хужжатларининг тайинланишига кўра туркумланиши

Хужжатларда албатта, улардаги ёзувлар ҳақиқийлигини тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар бўлиб, уларнинг сони, рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Қимматбаҳо ва жуда камёб ҳисобланган моддий бойликлар берилиши расмийлаштириладиган хужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга шахслар чегараланган бўлиши керак.



6.3-расм. Бухгалтерия хужжатларининг алоҳида белгиларига қараб туркумланиши

Хужжатларда ўчириб ёзишлар бўлиши мумкин эмас, зарурат туғилиб қолганда эса тузатиш имзо ва сўз билан тасдиқлаб қўйилиши шарт. Хужжатларда бўяб ёзилиши, ноаниқ ёзувлар бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Айниқса, касса жараёнлари акс эттирилган хужжатларга тузатишлар киритиш мумкин эмас.

Баъзи бухгалтерия ҳисоби хужжатлари қатъий ҳисобда туради. Қатъий ҳисобдаги хужжатлар бухгалтерия ҳисоби счётлар тизимининг балансдан ташқари счётларнинг 006 — «Қатъий ҳисобот варақлари» счётида ҳисобга олинади. Бу хужжатларга ҳисобдорлик асосида бериладиган — чипта дафтарчалари, гувоҳнома бланклари, дипломлар, чеклар, товарларни кузатиб боровчи хужжатлар, талон каби хужжатлар киради. Уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби корхона томонидан белгиланади.

6.3. Хужжатларнинг айланиши

Хўжалик жараёни содир этилганини исботловчи ёки жараён содир этилишига асос бўлувчи хужжатлар бир неча масъул шахсларда, бўлимларда, корхоналарда ҳаракатда бўлади ва ўз мўлжали бўйича хизмат қилиб бўлганидан

сўнг, белгиланган тартибда архивга топширилади, яъни ҳужжат айланиши содир бўлади. Демак, ҳужжатларнинг айланиши бирламчи ҳужжатлар тузилиб, уларни қайта ишлаб ва умумлаштириб, гуруҳлашдан сўнг, архивга топширилгунгача бўлган ҳаракатидир.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир объекти ҳужжатлари алоҳида айланиш тизимига эга. Масалан, касса ҳужжатларининг айланиши кирим-чиқим ордерлари ҳужжатларини расмийлаштиришдан бошланиб, то кассирнинг ҳисоботи ва молиявий ҳисоботгача боради.

Бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар мажбурий текширувдан ўтиши керак. Ҳужжатни текширишда қуйидагиларни эътиборга олиш керак бўлади:

— шакл нуктаи назаридан (ҳужжат тўғри тўлдирилганлиги, ҳамма реквизитлар мавжудлиги, тўлиқлиги);

— мазмун нуктаи назаридан (ҳужжатлаштирилаётган жараён қонунийлиги, иқтисодий мазмунга эга эканлиги, алоҳида кўрсаткичлар мантикий боғлиқлиги, арифметик хатолар йўқлиги).

Иқтисодий мантиқсиз, қонунга хилоф жараёнлар акс эттирилган ҳужжатлар расмийлаштиришга ва жараённинг бажарилишига қабул қилинмайди. Бундай ҳужжатлар тегишли қарор қабул қилиш учун корхона бошқарма бухгалтерияларига топширилиши шарт.

Қайта ишланган ҳужжатларга албатта тегишли белги қўйилиши лозим. Бу билан ҳужжатни яна қайта ишлашнинг олди олинади. Агар ҳужжат қўлда қайта ишланса, ҳисоб регистрига ёзилган муддати, агар қайта ишлаш ҳисоблаш қурилмаси орқали амалга оширилса, уларни қайта ишлашга жавобгар назоратчи томонидан штамп орқали белги қўйилади.

Касса жараёнларига асос бўлувчи касса кирим ва чиқим ордерларига, тўлов ведомостларига жараён амалга оширилган заҳоти қўлда ёки штампда «олинди» ёки «тўланди» деган сўзлар муддатни (кун, ой, йил) кўрсатиб акс эттирилиши шарт.

№6.1.-жадвал

Ҳужжатларнинг айланиш жадвали

Ҳужжатларнинг номи	Ҳужжатларнинг тузилиши						Ҳужжатларни текшириш				Ҳужжатларни қайта ишлаш		Архивга топшириш	
	Нусха сони	Ёзилган жавобгар	Расмийлаштиришга жавобгар	Бажариш учун жавобгар	Бажариш муддати	Текширишга жавобгар	Қим тақдим қилинади	Тақдим этиш тартиби	Тақдим этиш муддати	Бажарувчи	Бажариш муддати	Қим бажариш	Бажариш муддати	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
Талабнома пасалдаш	2	Цех	Бухгалтерия моддий бўлим	Бошқархона	Ҳар куни соат 15:00гача	Бухгалтерия моддий бўлим	1-нуска шехта, 2-нуска раҳбарлар	Ҳисоб регистрга	Ҳар куни соат 17:00гача	Бухгалтерия моддий бўлим	Ҳар куни	Бухгалтерия моддий бўлим	Чорак сўғида	

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ҳаракати, яъни ташкил этиш ёки бошқа корхона, ташкилот ва муассасалардан ҳисобга, қайта ишлашга, архивга узатиш учун олиниши рўйхат билан тартибга солинади.

Ҳужжат айланиши рўйхатининг тузиш ишларини бош бухгалтер ташкил этади ва ҳужжат айланиши рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Рўйхатни тузишдан мақсад ҳисоб ишларини осонлаштириш ва ҳужжат айланишини оқилона ташкил этишдан иборат. Ҳужжат айланишининг рўйхати схема кўринишида расмийлаштирилиши мумкин. Ёки жадвал кўринишида бўлиб, қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

- ҳужжатнинг номи;
- ҳужжатни тузиш (нусха сони, расмийлаштирувчи масъул, бажарилишга масъул, бажарилиш муддати);
- ҳужжатни текшириш (текширишга масъул, келтирувчи шахс, келтириш тартиби, келтириш муддати);
- ҳужжатни қайта ишлаш (бажарувчи шахс, қайта ишлаш муддати);
- архивга бериш (архивга берувчи шахс, бериш муддати);
- рўйхатни тасдиқлаш буйруғининг тартиб рақами ва муддати;
- корхона муҳри, корхона бош бухгалтери ва раҳбари имзоси.

Корхона ходимлари ҳужжат айланиши рўйхатига асосан, улар фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни тузади ва тақдим этади. Ҳужжатнинг ўз вақтида тўғри тўлдирилиши, белгиланган муддатда тақдим этилиши, улардаги маълумотларнинг ишончлилигига жавобгарлик шу ҳужжатни тузган ва имзо чеккан шахсга юклатилади.

Корхона бўйича ҳужжат айланишининг рўйхати асосида ишларнинг ўз вақтида бажарилишини бош бухгалтер назорат қилиб боради.

Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб ведомостлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари архивга топширилиши мажбурийдир.

Ҳужжатлар архивга топширилгунга қадар бухгалтерияда махсус бинода ёки корхона раҳбари тайинлаган моддий жавобгар шахс масъулигида беркитиладиган шкафларда сақланади.

Қаъий ҳисобдаги бланкалар эса уларнинг сақланишини таъминлайдиган сейфларда, металл шкафларда, махсус биноларда сақланади. Аниқ бир ҳисоб ведомостига тааллуқли, жорий ойда қайта ишланган дастлабки ҳужжатлар хронологик тартибда йиғилиб, архивга маълумотнома билан топширилади.

Касса ордерлари, ҳисобдорлик ҳисоботлари, банк кўчирмалари улар иловалари билан бирга хронологик тартибда йиғилади ва тахтланади. Баъзи бир ҳужжатлар тахтланмаслиги мумкин, аммо уларни йўқотиш ёки суистеъмолликнинг олдини олиш мақсадида тикиб қўйилади. Корхона архивида дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларни сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси архиви бош бошқармасининг материалларни сақлаш кўрсатмасига кўра ўрнатилади. Ҳужжатларнинг бухгалтериядан ва архивдан бошқа тармоқ ходимларига берилиши корхона бош бухгалтерия рухсати билан амалга оширилади. Корхонадан ҳужжатларни фақат айрим ҳодисаларни аниқлаш мақсадида дастлабки тергов, прокуратура ва суд ташкилотлари томонидан амалдаги қонунчиликга жавоб берган ҳоллардаги қарорларига асосан олиниши мумкин.

Ҳужжат олиниши баённома билан расмийлаштирилиб, бир нусхаси корхонанинг тегишли масъул ходимига имзо билан берилади. Ҳужжатни олган ташкилотнинг рухсати ва вакили иштирокида тегишли масъул ходим олинган ҳужжатдан нусха олиши мумкин. Унда асос ва олинган муддат кўрсатилиши керак.

6.4. Инвентаризация ҳақида тушунча ва натижасини расмийлаштириш


Корхонада мавжуд бўлган мулклар сақланишини таъминлаш, улар назоратини яхшилаш мақсадида юритилаётган ҳисоб маълумотларининг нечоғлик ҳақиқийлиги, тўғрилигини текшириш мақсадида инвентаризация ўтказилади. Корхонадаги мулклар деганда, асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, товар, пул маблағлари ва бошқа молиявий активлар тушунилади. Корхонанинг молиявий

мажбуриятлари ҳам инвентаризация қилиниб, бундай мажбуриятларга кредиторлик қарзлари, банк кредитлари, олинган қарзлар қиради.

Инвентаризация моддий қийматликларни бут сақланишини назорат қилишдир.⁶

Корхоналарда йиллик ҳисобот тузилиб, бундаги маълумотлар албатта, ҳақиқий маълумотлар асосида акс эттирилган бўлмоғи лозим. Бу шарт бажарилиши учун ҳам корхона инвентаризацияси ўтказилмоғи шартдир.

Инвентаризация корхона маблағини текшириб, рўйхатга олиш ва олинган маълумотларни ҳисоб маълумотлари билан таққослаш демакдир. Ёки инвентаризация хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари, хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига асосан қайта рўйхатдан ўтказишдир.



6.4-расм. Инвентаризациянинг асосий мақсадлари

Корхона маблағлари асосан ҳисобот йилининг 1 - октябридан кейин инвентаризация қилинади, бунга сабаб йиллик ҳисобот маълумотлари ҳақиқийлигини таъминлашдир. Аммо қўйидаги ҳолатларга ҳам эътиборни қаратмоқ зарур: кутубхона фондлари 5 йилда бир марта, йирик силжимайдиган асосий воситаларни 3 йилда бир марта, озиқ-овқат товарларини бир йилда 2 марта, кассадаги нақд пуллар эса ҳар ойда инвентаризация қилинади.

Инвентаризация ўтказилиш даврига кўра режали ва режасиз (тўсатдан) амалга оширилади.

Ҳозирги даврда корхоналарга берилган мустақиллик уларнинг ҳамма фаолиятларида ўз аксини топмоқда. Шулар жумласидан, инвентаризация ўтказиш муддати ва объекти кўрсатилган рўйхат ҳам корхона раҳбарияти томонидан мустақил равишда йил бошига тузилади. Бу рўйхатга биноан, корхонада доимо амалиётда бўладиган инвентаризация комиссия аъзолари

⁶ Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 509 p.

таркиби ҳам тузилган бўлади. Юқоридаги маълумотлар акс эттирилган инвентаризация ўтказиш рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Инвентаризация ўтказиш ҳақидаги рўйхат бўйича амалга ошириладиган инвентаризация режали ҳисобланади.

Режасиз инвентаризация эса қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- 1) моддий жавобгар шахс ўзгарганда;
- 2) моддий жавобгарликнинг бригада усулида;
 - а) 50 % бригада аъзолари ўзгарганида;
 - б) бригада бошлиғи ўзгарганида;
- 3) ёнғин, табиий офатлар рўй берганда, улар тугатилган заҳоти;
- 4) ўғирлик ҳақида маълумот олинган заҳоти;
- 5) мулкчилик шакли ўзгарганда;



6.5-расм. Инвентаризациянинг асосий вазифалари

6) инвентаризация ўтказилиши тўғрисида моддий жавобгарлик бригада аъзоларидан ариза олинганда;

7) моддий бойликларни бузилиши аниқланганда;

8) бойликлар қайта баҳоланиши амалга оширилганда;

9) асосий воситалар ижараси рўй берганда (асосий воситалар инвентаризацияси);

10) корхона тугатилаётганда.


Шунингдек, режасиз инвентаризация ҳар-хил хатлар, хабарлар, кўрсатмалар асосида ўтказилиши мумкин.

Инвентаризацияни юқоридаги ўтказиш тартиби ва даврига кўра турга бўлишдан ташқари, қуйидаги хусусиятига қараб ҳам гуруҳга ажратиш мумкин.

Маблағларнинг қанча қисмини инвентаризация қилишига кўра икки хил бўлади:

— тўлиқ (ёппасига);

— қисман (танлаб).



6.6-расм. Инвентаризация турлари

Тўлиқ инвентаризацияда корхона мулкларининг барчаси қайта рўйхатдан ўтказилади. Бундай инвентаризация 1 йилда бир бор ўтказилиши шарт (йиллик ҳисобот тузилишидан олдин).

Қисман инвентаризация корхона мулкларининг маълум бир қисмига инвентаризация объекти бўлиши билан аҳамиятлидир.

Назорат учун саволлар

1. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари деб нимага айтилади?
2. Ҳужжатлар қандай аҳамиятига эга?

3. Хужжатларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Бухгалтерия ҳисоби хужжатлари қачон кучга киради?
5. Хужжатлардаги реквизитлар нималардан иборат?
6. Хужжатларни расмийлаштириш қандай амалга оширилади?
7. Хужжатларнинг айланиши нима?
8. Қатъий ҳисобдаги хужжатлар деб нимага айтилади?
9. Инвентаризация ва унинг аҳамияти нимадан иборат?
10. Инвентаризациянинг қандай турлари мавжуд?
11. Инвентаризация ўтказиш ва натижасини расмийлаштириш қандай амалга оширилади ?

VII -БОБ.ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИ СУБЪЕКТЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИНГ ҲИСОБИ

7.1.1 Асосий воситалар тўғрисида умумий тушунча, уларнинг моҳияти, таснифи, баҳоланиши ва улар ҳисобининг вазифалари

Барча хўжалик юритувчи субъектлар каби туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳам ўз фаолиятини амалга оширишлари учун асосий воситаларга эга бўлишлари зарур.

Асосий воситалар - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан хўжалик фаолиятини юртишида узоқ муддат давомида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш, шунингдек маъмурий ва ижтимоий –маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар (БҲМС № 5, 3а-банд).

БҲМС № 5 га мувофиқ (6-банд) моддий активларни асосий воситалар сифатида тан олиш учун улар юқоридаги таърифда келтирилган мезонлардан ташқари яна қўйидаги шартларга ҳам жавоб бериши лозим:

- Хизмат муддати даврида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига даромад келтириш кафилигини мавжудлиги.
- Қийматини аниқ белгилашни мумкинлиги.

Асосий воситалар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг моддий техника базасини ташкил этувчи меҳнат қуроллари ва воситаларини ўз ичига олади. Уларга қуйидагилар киради:

1.Бинолар – цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар. Бинолар таркибига уларни нормал эксплуатация қилиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар, яъни иситиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти, лифт, ёнғинга қарши ва сигнализация қурилмалари, телефон алоқаси симлари тизимлари ҳам киритилади.

2.Иншоотлар – очиқ айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шаҳобчалари, насос станциялар, каналлар, сув хавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар.

3.Узатиш қурилмалари – электр линиялар, газ, сув, буғ ўтказувчи кувурлар ва бошқалар.

4.Машина ва ускуналар – иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи генераторлар, двигател ва трансформаторлар, станоклар, иссиқлик печлари, тикув, йигув, дазмоллаш, саралаш машиналари, кранлар, компрессорлар, ўлчов тарозилари.

5.Ҳисоблаш техникаси – компьютерлар ва уларга ўрнатиладиган периферия қурилмалари (принтер, сканер , модем ва бошқалар).

6.Транспорт воситалари – юк ва одам ташувчи автомашиналар, вагонлар, паровозлар, тепловозлар, пароходлар, трамвайлар, троллейбуслар, автобуслар, прицеплар, самолет ва вертолетлар, шунингдек магистрал трубопроводлар.

7.Ускуналар – пресловчи, қисувчи ва бошқа технологик функцияларни бажарувчи асбоб- ускуналар.

8.Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик инвентарлари- иш столлари, дастгоҳлар, баклар, сандиқлар ва бошқалар.

9.Офис мебели ва жиҳозлари – шкафлар, стол ва стуллар комплекти, доскалар, сейфлар, ёзув машинкалари, факс, нусха кўчириш аппаратлари, уяли алоқа воситалари ва бошқалар

10.Ишчи ва наслдор ҳайвонлар – отлар, туялар, ҳўкизлар, сигирлар, бўқалар, кўйлар, эчкилар, чўчкалар ва бошқа ишчи сифатида ишлатиладиган ва насл берадиган ҳайвонлар.

11.Кўп йиллик ўсимликлар – боғлар, ўрмонлар ва бошқалар

12.Кутубхона фонди – бадий-адабий, техник , иқтисодий ва бошқа турдаги адабиётлар (китоблар).

13.Ерни ва бошқа асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган маблағлар – ер участкаларини кадастрини тузиш, шудгорлаш, ерни ювиш, кўкаламзорлаштириш, решёткалар ўрнатиш, сув ҳавза ва омборларини тозалаш ва бошқа ишларга сарфланган капитал қўйилмалар

14.Бошқалар - юкоридаги гуруҳларга кирмай қолган асосий воситалар – музей ва зоопарк экспонатлари, лизингга олинган асосий воситаларга қилинган капитал сарфлар, турли намуналар ва бошқалар.

Қабул қилинган тартибга мувофиқ айрим меҳнат қуроллари ва воситалари асосий воситаларга киритилмайди, жумладан :

•Хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган меҳнат қуроллари ва воситалари уларнинг қийматидан қатъий назар;

•Ёш моллар, асалари уялари, тажрибадаги моллар;

•Маҳсус кийимлар, пойафзал, кўрпа– ёстиқлар қийматидан қатъий назар (меҳмонхоналар бундан мустасно);

•Идора буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошқалар)

•Кўчатхоналарда экиш учун ўстирилаётган кўчатлар;

•Балиқ овлаш қуроллари хизмат муддати ва қийматидан қатъий назар.

Асосий воситаларни таснифлаш. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг асосий воситаларини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин

Хизмат кўрсатишда иштирокига кўра туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг асосий воситалари хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган асосий воситаларга бўлинади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги асосий воситаларга бевосита хизмат кўрсатишда қатнашаётган моддий активлар, масалан меҳмонхона бинолари, транспорт воситалари ва бошқалар киради.

Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган асосий воситаларга бошқарув аппаратига доир, шунингдек туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ижтимоий-маданий, маиший, соғлиқни сақлаш, коммунал мақсадларда фойдаланиладиган моддий активлари киради.

Амортизация қилинишига қараб туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг асосий воситалари амортизация ҳисобланадиган ва амортизация ҳисобланмайдиган турларга бўлинади.

Қўйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

•Кутубхона фондига.

•Кўп йиллик ўсимликларга.

•Ишчи ва наслдор ҳайвонларга.

•Консервация қилинган асосий воситаларга.

Солиқга муносабатига кўра асосий воситалар мол-мулк солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган гуруҳларга бўлинади.

Эғалик қилиш ҳуқуқига кўра асосий воситалар хусусий ва жорий ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади.

Хусусий асосий воситалар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари балансига киритилган ўз асосий воситалари ва узоқ муддатга ижарага олинган (лизингга олинган) асосий воситалар.

Жорий ижарага олинган асосий воситалар – бу ўзга туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларидан вақтинчалик (бир йилгача) пул тўлаш шарти билан ижарага фойдаланиб туриш учун олинган асосий воситалар.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар – бу бир йилдан кўп муддатга шартнома асосида бошқа туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларидан ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситаларни баҳолаш. БҲМС № 5 асосий воситаларни баҳолашда қўйидаги қиймат турларидан фойдаланишни кузда тутати.

Бошланғич қиймат – бу асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати бўлиб, ўз ичига сотиб олиш баҳоси, шунингдек ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини ва қўшилган қиймат солигини олади. Асосий воситалар ушбу қиймати бўйича туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бутун хизмат муддати даврида ҳисобда туради.

Тикланган қиймат – бу асосий воситаларнинг қайта баҳолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилингандан кейинги қиймати. Бу қиймат вақтинчалик бўлиб, қўшимча қилинган харажатлар ва қайта баҳолаш натижаси асосий воситалар қийматига киритилгач бошланғич қиймат бўлиб қолаверади.

Қолдик қиймат – бу асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқи. Бу қийматни **баланс қиймати** ҳам деб атайдилар, чунки айнан шу қийматда асосий воситалар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг балансида акс эттирилади.

Сотиш қиймати – бу асосий воситаларнинг сотиш вақтида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий қиймат.

Асосий воситалар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий воситалар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, ўз вақтида тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисобга олиш;

- асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ни белгиланган усул ва меъёрлар бўйича тўғри ҳисоблаш;

- асосий воситаларни солиқ кодексига мувофиқ солиқга тортилишини таъминлаш;

- асосий воситаларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниқлаш ва ҳисобга олиш;

- мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланиш, бунинг учун уларни ишсиз туриб қолишларига йўл қўймаслик, кераксиз асосий воситаларни ижарага бериш, ликвидация қилиш, бепул бериш ёки сотиш натижаларини тўғри ҳисобга олиш;

- асосий воситаларга қилинган қўшимча харажатларни (капитал қуйилмаларни, жорий ва капитал таъмирлаш харажатларини) тўғри ҳисобга олиш, уларни ўз вақтида мақсадига қараб асосий воситаларнинг қийматига ёки туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатларига киритиш;

- асосий воситалар бўйича лизинг операцияларини тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга олиш;

- асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тўғри тузиш ва тегишли органларга ўз вақтида тақдим этиш.

7.1.2. Асосий воситалар ҳаракатининг ҳисоби.

Асосий воситалар ҳисобини юритишга мўлжалланган счётлар тизими. 2002 йил 1 январдан жорий этилаётган счётлар режасида асосий воситалар ҳисобини юритиш учун актив бўлган № 0100 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари» ва контрактив бўлган № 0200 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счётлари» тизимлари кўзда тутилган.

Асосий воситаларнинг суммовий аналитик ҳисоби корреспонденцияланадиган счётлар бўйича 13-журнал-ордерда, соний-суммовий аналитик ҳисоби эса моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар бир инвентар объектнинг коди (тартиб номери) бўйича карточкаларда ёки китобда (ОС-7 шакл «Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси», ОС-9 «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати») юритилади. Ушбу карточка ва китоблар асосий восита келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сақланади.

Асосий воситаларни кўпайиши. Асосий воситалар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан яратилиши, сотиб олинishi, уларнинг бепул келиб тушиши, таъсис бадали сифатида кирим қилиниши, инвентаризация натижасида ортиқча аниқланиши эвазига кўпайиши, шунингдек уларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолаш эвазига ошиши мумкин

Асосий воситаларнинг яратилиши ва сотиб олинishi. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан янги объектларни қуришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек янги асосий воситаларни сотиб олишга маблағлар сарфланиши мумкин. Бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан амалга оширилган «капитал қўйилмалар» деб аталади. Асосий воситаларнинг яратилиши ва сотиб олинishi қуйидаги счётлар ёрдамида ҳисобда акс эттирилади.

0810 «Тугалланмаган қурилиш» счёти пудрат ва хўжалик усулларида олиб борилган янги қурилишга сарфланган капитал инвестицияларнинг ҳисоби учун мўлжалланган. Унинг дебетида сарфланган капитал қўйилмалар тўғрисида маълумотлар жамланади, кредитида эса капитал инвестиция суммасини асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилиши акс эттирилади. Счётнинг қолдиғи фақат дебет томонида бўлиб, у тугалланмаган қурилишга тўғри келадиган капитал қўйилмалар суммасини кўрсатади.

0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг янги асосий воситаларни сотиб олишга йўналтирган капитал инвестицияларини ҳисобга олишга мўлжалланган. Ушбу счётнинг дебетида таъминотчидан қабул қилинган асосий воситанинг қиймати, шунингдек уни ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва бошқа харажатлари акс эттирилади, кредитида эса счётнинг дебетида тўпланган суммани асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилиши кўрсатилади. Дебет ва кредит оборотлари суммалари тенг бўлганлиги учун бу счёт сальдога эга бўлмайди.

Мисол учун:

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хизмат автомобили сотиб олди:

Сотиб олиш баҳоси 47000000 сўм,

Автомобилни сотиб олиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари 150000 сўм.

Траспортировка харажатлари 100000 сўм,
Расмийлаштириш харажатлари 1650000 сўм,
Тугатиш қиймати 1000000 сўм.
Юриш ҳажми 100000 км,
Хизмат муддати – 10 йил

Асосий воситаларнинг сотиб олинishi натижасида киримига доир операцияларни счётларда акс эттириш

Т/р	Операция мазмуни	Сумма	Корр. Счётлар		Асос бўлувчи хужжат
			Дт	Кт	
1	Минск заводи, машина қиймати	47000000	0820	6010	Счёт-фактура
2	А.Хайдаровнинг аванс ҳисоботи	150000	0820	6970	Бўнак ҳисоботи
3	Самарқанд темир йўл узели	100000	0820	6990	Счёт-фактура
4	Автойўл	1550000	0820	6990	Счёт-фактура
5	Самарқанд ДАН	100000	0820	6990	Счёт-фактура
Жами		48900000	0130	0820	

Асосий воситаларнинг бепул олинishi. Асосий воситалар юқори ташкилотдан, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул келиб тушиши ҳам мумкин. Бундай асосий воситалар шартномалар, счёт-фактуралар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида қабул қилинади. Ушбу хужжатлар асосида бепул олинган асосий воситаларга қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 8530 «Қайтариб бермаслик шarti билан олинган мол-мулк»

Бепул берилган асосий воситаларни ташиб келтириш харажатлари уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва бу ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар»

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида кирим қилиниши.

Таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) га асосан таъсисчилардан қабул қилинган асосий воситалар счет-фактура ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар асосида қўйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 4610 «Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари»

Чет эл инвесторларидан таъсис бадали сифатида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари рўйхатдан утгандан кейинги саналарда келиб тушган асосий воситалар бўйича валюта курсини ўзгариши сабабли қўшилган капитал вужудга келади. Бундай ҳолда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари рўйхатдан ўтган санадаги курс бўйича таъсисчидан қабул қилиб олинган асосий восита қийматига юқорида келтирилган проводка берилади. Ҳақиқатда келиб тушган сана ва туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари рўйхатга олинган санадаги курслар ўртасидаги фарқ суммаси туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг қўшилган капиталига олиб борилади ва унга қўйидаги езув қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар»

Асосий воситаларнинг инвентаризация натижасида ортиқча аниқланиши натижасида кирим қилиниши. Моддий жавобгар шахслар жавобгарлигида бўлган асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказишда ортиқча асосий воситалар аниқланиши мумкин. Бундай асосий воситалар инвентаризация далолатномаси ва солиштирама қайдномага асосида қабул қилинади ва қўйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Асосий воситаларни қайта баҳоланиши. Асосий воситаларни қайта баҳолаш деганда уларнинг қийматини ошириш ёки пасайтириш тушунилади.

Қайта баҳолаш икки усулда, яъни бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда тўғридан тўғри эски қийматни бозор қийматигача етказиш ёки эски қийматни белгиланган коэффициентларга қўпайтириш йўли билан янги қийматга чиқиш усулларида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўзи ёки мол-

мулкни қайта баҳолаш бўйича махсус лицензияга эга булган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларилар (ҳокимиятнинг кадастр бўлими ёки бошқа фирмалар) томонидан олиб борилиши мумкин. Янги ва эски қийматлар ўртасидаги фарқ қайта баҳолаш қийматини ташкил этади. Ушбу сумма ижобий сон билан чиқса, у асосий воситаларнинг қийматини оширилганлигини, манфий сон билан чиқса, у асосий воситалар қийматини пасайтирилганлигини билдиради. Қайта баҳолаш натижаси инвентаризация қайдномаси асосида ҳисобда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг қиймати оширилганда, янги ва эски бошланғич қийматлар ўртасидаги ижобий фарқ бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

Кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Қайта баҳолашда мос равишда асосий воситанинг жамланган эскириш суммаси ҳам юқорида келтирилган икки усулнинг бири бўйича қайта ҳисобланади. Эскириш суммаси оширилганда унга қўйидаги ёзув қилинади:

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари»

Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими. Асосий воситалар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан тугатилиши, сотилиши, уларнинг бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бепул берилтиши, таъсис бадали сифатида киритилиши, инвентаризация натижасида камомад аниқланиши эвазига камайиши мумкин

Асосий воситаларни тугатилиши (ликвидация қилиниши). Асосий воситалар тўлиқ амортизация қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар эксплуатация қилиш ҳолатини йўқотган бўлса туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан ликвидация қилиниши мумкин. Бунинг учун туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбари буйруғи билан ликвидация комиссияси тузилади. Ликвидация комиссияси таркибига туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ходимларидан ташқари қизиқувчи органлар (ҳокимият ва бошқалар) вакиллари ҳам киритилиши мумкин. Комиссия ликвидация натижаларини махсус ликвидация далолатномаси (ОС-4 шакл) билан расмийлаштиради. Ушбу далолатнома ликвидация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттиришга асос бўлади.

Асосий воситаларни ликвидация қилишдан туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари зарар ёки фойда кўриши мумкин.

Асосий воситаларни ликвидация қилиш натижасида кўрилган зарар ёки харажатлар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг асосий фаолиятига бевосита алоқадор ҳисобланмайди. Шунинг учун ликвидация билан боғлиқ харажатларни ва ликвидация натижасида кўрилган зарарларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ёки сотиш харажатларига қўшиб бўлмайди. Шунинг учун ликвидация натижаларини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун счетлар режасидаги махсус 9210 «Асосий воситаларнинг чиқимлари» смети кўзда тутилган. Ушбу счетнинг дебитида ликвидация қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати (Бк), ликвидация қилиш учун қилинган харажатлар (Лх) жамланади. Бу счетнинг кредитида жамланган амортизация (Аж), ликвидация натижасида олинган моддий активларнинг қиймати (Лқ) ва ликвидация натижасида кўрилган умумий зарарни (харажатларни) ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Махсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида Низомга мувофиқ ликвидациядан кўрилган зарар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг асосий фаолиятига доир бўлмаган бошқа турдаги давр харажатларига, бир вақтнинг ўзида фойда солиғи базасига қайта қўшилаётган харажатларга киритилади. Ҳисоб сиёсатида ликвидацияга доир харажатларни ва ликвидация натижасида кўрилган зарарларни ҳаракатдаги қонунлар, БХМС лар ва Низомга мос равишда ягона тартибда очиб беришга эришиш учун уларни қўйидаги шартли мисолда кўриб чиқайлик.

Айталик, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари авария ҳолатига келиб қолган бинони ликвидация қилди. Бинонинг бошланғич қиймати (Бк) – 65000000 сўм. Ликвидацион қиймат кўзда тутилмаган. Ликвидация санасига жамланган амортизация – 55000000 сўм. *Қайта баҳолаш бўйича резерв суммаси-250000 сўм*, Ликвидация харажатлари: *қулатиш крани хизмати - 300000 сўм, ёқилғи сарфи- 30000 сўм, ҳисобланган иш ҳақи харажатлари-200000 сўм, ижтимоий сугартага ажратмалар-30000 сўм. Ликвидация натижасида қабул қилинган ва баҳоланган қурилиш материаллари – 950000 сўм.*

Асосий воситаларнинг тугатилиши туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан қўйидаги тарзда ёритилиши керак.

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
2.					
1	Асосий воситанинг бошланғич қиймати	65000000	9210	0120	Тугатиш далолатномаси
2	Жамланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	61000000	0220	9210	Тугатиш далолатномаси
3	Қайта баҳолаш бўйича резервни ҳисобдан чиқарилишига	2500000	8510	9210	Ҳисоб-китоб
4	Тугатиш харажатлари	<u>5600000</u>			Тугатиш далолатномаси
	Кулатиш крани хизмати	300000	9210	6990,	қайдномалар
	Ёқилғи	30000		1030,	Тугатиш
	Иш ҳақи	200000		6710,	далолатномаси
	Иж.суғ.ажратма	3000		6520	
5	Тугатишдан олинган материаллар	950000	1090	9210	кирим далолатномаси
6	Тугатишдан олинган фойда	-	9210	9310	Тугатиш
	Тугатишдан кўрилган зарар	1110000	9430	9210	далолатномаси

Асосий воситаларни сотилиши. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларилар зарур ҳолларда ўзларининг тўлиқ амортизация қилинган ёки қилинмаган асосий воситаларини сотишлари мумкин. Сотишга асос бўлиб сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартнома ҳисобланади. Асосий воситани сотиш счет-фактура билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат сотиш операцияларини ҳисобда акс эттиришга асос бўлади. Счет-фактура асосида сотиш операциялари ҳисобда қўйидаги бухгалтерия ўтқазмалари билан акс эттирилади.

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Асосий воситани жўнатиш қиймати	700000	4010	9210	Шартнома, счет-фактура

2	Сотишдан олинган ҚҚС суммасига (агар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҚҚС тўловчи ва солиқ солиш объекти мавжуд бўлса)	100000	9210	6410	Шартнома, счет-фактура
3	Асосий воситанинг бошланғич қийматига	600000	9210	0111-0190	Шартнома, счет-фактура
4	Жамланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	500000	0211-0290	9210	Шартнома, счет-фактура
5	Сотишдан олинган фойда	500000	9210	9310	Шартнома, счет-фактура

Асосий воситаларни сотиш натижасида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фойда ёки зарар кўриши мумкин. Бу натижа жўнатиш қиймати (Жк) ва қолдиқ қиймати (Қк) ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Агар жўнатиш қиймати (Жк) қолдиқ қиймат (Қк) дан катта бўлса ($Жк > Қк$) туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари асосий воситаларни сотишдан фойда олган бўлади ва ҚҚС тўловчи ҳисобланади, агар жўнатиш қиймати (Жк) қолдиқ қиймат (Қк) дан кичик бўлса ($Жк < Қк$), туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари асосий воситаларни сотишдан зарар кўрган бўлади ва ҚҚС тўловчи ҳисобланмайди, яъни:

$$Фс (Зс) = Жк - Қк$$

Юқоридаги мисолда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари сотишдан фойда кўрган. Агар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари асосий воситани 50000 сўмга сотганда эди, у Солиқ Кодексига мувофиқ ҚҚС тўламайди, шунингдек ушбу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари сотишдан 50000 сўм зарар кўрган бўлар эди ва бу зарар ҳисобда қўйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» - 50000
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» - 50000

Асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар, агар бу асосий воситалар 3 йилдан кам ишлатилган бўлса, Солиқ Кодексига мувофиқ (22-модда) фойда солиғи бўйича солиқ базасига қайта қўшилади.

Агар асосий воситалар қолдиқ қиймат бўйича сотилса, у ҳолда ҳам туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҚҚС тўловчи ҳисобланмайди, сотишдан на фойда олинган, на зарар кўрилган бўлади.

Асосий воситаларни бепул берилиши. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг асосий воситалари бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бепул хайрия сифатида ҳам берилиши мумкин. Асосий воситаларнинг бепул берилиши шартномада кўрсатилган қийматда счет-фактура билан расмийлаштирилади. Счет-фактура асосида қўйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1. Бепул берилган асосий воситани бошланғич қийматида ҳисобдан чиқарилишига:

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»
Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари»

2. Асосий воситалар эскиришини ҳисобдан чиқарилишига
Дебет 0210-0290 «Асосий воситалар эскириши ҳисоби счетлари»
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

3. Бепул беришдан кўрилган зарарга

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Солиқ Кодексига мувофиқ (22-модда) асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарар солиқ солиш базасига қайта қўшилади.

Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида берилиши. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларилар асосий воситаларини таъсис бадали сифатида бошқа туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлариларга беришлари ҳам мумкин. Бунинг учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси ва бошқалар) ҳисобланади. Асосий воситани таъсис бадали сифатида берилиши счет-фактура билан расмийлаштирилади ва унинг асосида қўйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1. Таъсис бадали сифатида берилган асосий воситанинг келишув қийматига

Дебет 0620-0690 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари» -100000
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 100000

2. ҚҚС суммасига (келишув ва қолдиқ қийматлар ўртасидаги фарқдан)
Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 10000

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счетлари» – 10000

3. *Асосий воситаларни бошланғич қийматини ҳисобдан чиқарилишига*

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 100000

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счетлари» – 100000

4. *Асосий воситаларни жамланган эскиришини ҳисобдан чиқариши*

Дебет 0210-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари» – 60000

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 60000

5. *Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида киритишдан олинган фойдага*

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» – 50000

Кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда» – 50000

Асосий воситаларни қолдиқ қийматда ва қолдиқ қийматдан паст бўлган қийматда таъсис бадали сифатида киритилиши Солиқ Кодексига мувофиқ ҚҚС га тортилмайди.

7.1.3. Асосий воситаларни эскириши ҳисоблаш тартиби ва унинг ҳисоби

Асосий воситаларнинг эскириши (амортизацияси) ни ҳисобга олишда куйидаги атама ва тушунчалар муҳим рол ўйнайди.

Амортизация – бу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати ичида янги яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киритиш (БХМС №5, п.9).

Эскириш –бу асосий воситанинг белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси.

Амортизацияланадиган қиймат - асосий воситанинг бошланғич қийматидан кўзда тутилаётган ликвидацион қийматни чегиргандан кейин қолган қиймат (БХМС № 5, п.8).

Ликвидацион қиймат - бу асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида ликвидация қилиш чоғида вужудга келадиган активларнинг уларни олишга кетган ликвидация харажатлари чегириб ташлангандан кейин қолган

қиймати(БХМС № 5,п.14). Асосий воситаларни ликвидацияси натижасида олинадиган активларга хом-ашё ва материаллар, инвентарлар, эҳтиёт қисмлар, товарлар сифатида тан олинган, баҳоланган ва қабул қилинган моддий бойликлар киради.

Ликвидация харажатлари – асосий воситаларни бузиш учун сарфланган моддий, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта органларига ажратмалар, турли транспорт ва бошқа хизмат харажатлари мажмуаси.

Собиқ ҳисоб таълимоти ва амалиётида асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини аниқлашда ликвидацион қиймат эътиборга олинмас эди. БХМС № 5 «Асосий воситалар» республикада биринчи марта амортизацияланадиган қийматни аниқлашда асосий воситаларни кўзда тутилиши мумкин бўлган ликвидацион қийматини ҳисобга олиш тартибини белгилади. Ликвидацион қийматни кўзда тутиш мумкин бўлган миқдорини БХМС га мувофиқ, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўзи мустақил асосий воситаларни қабул қилиб олиш вақтида белгилаши мумкин. Ликвидацион қийматни кўзда тутиш мажбурий ҳисобланмайди. Шунинг учун бу қиймат бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда асосий воситанинг амортизацияланадиган қиймати бевосита унинг бошланғич қийматидан иборат бўлади.

БХМС № 5 «Асосий воситалар»га мувофиқ асосий воситаларни йиллик амортизация (эскириш) суммаси (Ас) қўйидагича аниқланади:

- Қолдиқ қиймат кўзда тутилган асосий воситалар бўйича

$$A_c = \frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{Ликвидацион қиймат}}{\text{Хизмат муддати}} \quad (1)$$

- Қолдиқ қиймат кўзда тутилмаган асосий воситалар бўйича

$$A_c = \frac{\text{Бошланғич қиймат}}{\text{Хизмат муддати}} \quad (2)$$

Барча асосий воситалар бўйича ликвидацион қийматни белгиланган миқдорлари ёки уларни белгиланмаганлиги ҳам туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг буйруқ билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатларида тўлиқ ўз аксини топиши лозим.

Ҳисоб сиёсатида асосий воситалар бўйича фойдали хизмат муддати ичида жамланиб боровчи амортизацияни (эскиришни) ҳисоблаш усуллари ҳам белгилаб олинган бўлиши керак.

БХМС №5 «Асосий воситалар» га мувофиқ (п.23,24) жамланган амортизация (эскириш)ни ҳисоблаш қўйидаги усуллар бўйича амалга оширилиши мумкин:

- Бир маромда ҳисоблаш;
- Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш;
- Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш (кумулятив усул);
- Камайиб боровчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш.

Ҳисоб сиёсатида амортизация (эскириш) ни ҳисоблашнинг у ёки бу усулини доимий тарзда танлаб олиш ёки ҳар тўртта усулни бир вақтнинг ўзида у ёки бу асосий воситалар бўйича белгилаб олиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу усулларни қўллашда амортизация (эскириш) суммаси турлича бўлиши ва у Солиқ Кодексида кўзда тутилган бир маромда ҳисоблаб чиқилган миқдордан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Шунинг ҳисоб сиёсатида кам ёки кўп ҳисобланган амортизация (эскириш) суммасини солиқга тортиш жиҳатлари ҳам аниқ белгилаб олинган бўлиши лозим.

Амортизация (эскириш) ни ҳисоблаш усулларининг моҳиятини, уларнинг солиқ солиш базасига таъсирини қўйидаги мисол асосида кўриб чиқайлик. *Айтайлик, автомобилнинг бошланғич қиймати – 1000000 сўм, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўзда тутилган ликвидацион қиймат – 100000 сўм, хизмат муддати – 5 йил, йиллик эскириш меъёри – 20%. Техник паспортида хизмат муддати даврида кўзда тутилган иш ҳажми (соатларда) – 10000 соат. Машинанинг ҳақиқатда ишлаган вақти ҳисоб маълумотлари бўйича 1-йилда – 2000 соат, 2-йилда – 3000 соат, 3-йилда – 2500 соат, 4-йилда – 1500 соат, 5-йилда – 1000 соат.*

Бир маромда ҳисоблаш усули. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, у амортизацияланадиган қийматни фойдали хизмат муддат давомида бир маромда (миқдорда) ҳисоблашни, жамланган амортизация (эскириш) ни бир

маромда кўпайиб боришини ва қолдиқ қийматини бир маромда камайиб боришини тақозо этади.

Йиллик амортизация (эскириш) суммаси ушбу усулда 180000 сўмни ташкил этади.

$$As = \frac{1000000 - 100000}{5} = \frac{900000}{5} = 180000 \text{ сўм}$$

Ушбу усулда автомобилнинг фойдали хизмат муддати йиллари бўйича ҳисобланган, жамланган амортизация (эскириш) суммаси ва қолдиқ қиймати қўйидагича:

Йиллар	Бошланғич қиймат	Амортизацияланадиган қиймат	Амортизация меъёри	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	1000000	900000	20%	180000	180000	820000
2	1000000	900000	20%	180000	360000	640000
3	1000000	900000	20%	180000	540000	460000
4	1000000	900000	20%	180000	720000	280000
5	1000000	900000	20%	180000	900000	100000

Бир маромда ҳисоблаш усули Солиқ Кодексида тўлиқ мувофиқ келади. Йиллик амортизация (эскириш) суммасининг 1/12 қисми ҳар ойда харажатлар счегига киритиб борилади ва у фойда солиғини ҳисоблаш базасига қайта қўшилмайди.

Бажарилган иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули. Ушбу усулда, аввалом бор, бир йиллик иш ҳажмига тўғри келадиган амортизация (эскириш) суммаси топиб олинади. Бизнинг мисолимизда у 90 сўмга тенг (900000 : 10000 = 90).

Автомобилнинг хизмат муддати йилларида ҳақиқатда бажарган иш ҳажмига пропорционал ҳисобланадиган, жамланган амортизация (эскириш) суммаси, шунингдек қолдиқ қиймат қўйидагича бўлади:

Йиллар	Бошлангич қиймат	Амортизацияланадиган қиймат	Иш ҳажми, соат	Амортизация меъёри, сўм	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	1000000	900000	2000	90	180000	180000	820000
2	1000000	900000	3000	90	270000	450000	550000
3	1000000	900000	2500	90	225000	675000	325000
4	1000000	900000	1500	90	135000	810000	190000
5	1000000	900000	1000	90	90000	900000	100000

Ушбу усулда кўриниб турибдики, йиллик ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси ҳақиқий бажарилган иш ҳажмига қараб турлича бўлган. 1-йилда ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси Солиқ Кодексида белгиланган меъёрга мос келади ва у солиқ солиш базасига қайта кирмайди. 2-йилда меъёрдагидан 90000 сўм (270000-180000) ортиқча амортизация (эскириш) ҳисобланган. Ушбу сумма иккинчи йил солиқ ҳисоб-китобларида фойда солиғини ҳисоблаш базасига қайта қўшилади. 3-йилда меъёрдагидан 45000 сўм (225000-180000) ортиқча амортизация (эскириш) ҳисобланган. Ушбу сумма 3-йил солиқ ҳисоб-китобларида фойда солиғини ҳисоблаш базасига қайта қўшилади. 4- ва 5- йиллардан меъёрдан мос равишда 45000 сўм (135000-180000) ва 90000 сўм (90000-180000) амортизация (эскириш) кам ҳисобланган. Ушбу суммалар мос равишда 4- ва 5- йилларда солиқ солиш базасидан камайтирилиши мақсадга мувофиқ.

Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал ҳисоблаш усули. Ушбу усулда хизмат йиллари йиғиндиси топиб олинади ва уларнинг ҳиссаси тескари ҳолда белгиланади. Бизнинг мисолимизда хизмат йиллари йиғиндиси 15 га тенг (1+2+3+4+5).

Йиллар ҳиссаси: 1- йил учун - 5/15; 2- йил учун - 4/15;
3- йил учун - 3/15; 4- йил учун - 2/15;
5- йил учун - 1/15.

Ушбу усулда ҳисобланган ва жамланган амортизация (эскириш) суммаси, шунингдек қолдиқ қиймат хизмат йиллари ичида қўйидагича бўлади:

Йиллар	Бошлангич қиймат	Амортизацияланадиган қиймат	Амортизация меъёри	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Қолдиқ қиймат
1	1000000	900000	5/15	300000	300000	700000
2	1000000	900000	4/15	240000	540000	460000
3	1000000	900000	3/15	180000	720000	280000
4	1000000	900000	2/15	120000	840000	160000
5	1000000	900000	1/15	60000	900000	100000

Кумулятив усул амортизация (эскириш) нинг тезлаштирилган усулларида бири ҳисобланади. Шунинг учун хизмат муддатининг биринчи йилларида амортизация (эскириш) меъёридан кўп миқдорда, кейинги йилларда эса меъёрдан кам миқдорда ҳисобланади. Бизнинг мисолимизда биринчи икки йилда миқдордан мос равишда 120000 (300000-180000) сўм ва 60000 (240000-180000) сўм кўп ҳисобланган. Ушбу суммалар мос равишда 1- ва 2- йиллар солиқ ҳисоб-китобларида солиқ солиш базасига қайта қўшилиши лозим. 3-йилда амортизация (эскириш) меъёр миқдорида ҳисобланган. Шунинг учун ушбу сумма солиқ солишга таъсир қилмайди. 4- ва 5- йилларда мос равишда амортизация (эскириш) меъёрдан 60000 (120000-180000) сўм ва 120000 (60000-180000) сўм кам ҳисобланган. Иккинчи усулдагидек, 4- ва 5- йилларда мос равишда кам ҳисобланган амортизация (эскириш) суммалари ушбу йиллар ҳисоб-китобларида солиқ солиш базасидан камайтирилиши керак.

Камайиб борувчи қийматдан ҳисоблаш усули. Ушбу усул ҳам тезлаштирилган усул ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, биринчидан амортизация (эскириш) белгиланган меъёрдан икки қарра миқдорда ҳисобланади, иккинчидан, амортизация (эскириш) базаси бўлиб ҳар йилда қолдиқ қиймат ҳисобланади.

Бизнинг мисолимизда йиллик амортизация (эскириш) меъёри 20%, ишлатиладиган меъёр – 40% (20% x 2). Ушбу усулда ҳисобланган ва жамланган амортизация (эскириш), шунингдек қолдиқ қиймат хизмат йиллари бўйича қўйидагича бўлади:

Йиллар	Бошлан- гич қиймат	Аморти- зацияла- надиган қиймат	Аморти- зация меъёри	Йиллик аморти- зация	Жамлан- ган аморти- зация	Қолдиқ қиймат
1	1000000	1000000	40%	400000	400000	600000
2	1000000	600000	40%	240000	640000	360000
3	1000000	360000	40%	144000	784000	216000
4	1000000	216000	40%	86400	870400	129600
5	1000000	-	-	29600	900000	100000

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, биринчи икки йилда амортизация (эскириш) меъёрдан мос равишда 220000 сўм (400000-180000) ва 60000 сўм (240000-180000) кўп ҳисобланган. Мос равишда бу суммалар 1- ва 2- йилларда солиқ солиш базасига қайта қўшилиши лозим. Кейинги 3 йилда амортизация (эскириш) меъёрдан мос равишда 36000 сўмга (144000-180000), 93600 сўмга (86400-180000), 150400 сўмга (29600-180000) кам бўлиб, улар мос равишда 3-, 4- ва 5- хизмат йилларида солиқ солиш базасидан чегирилиши керак. Бу усул қўлланилганда ҳисоб сиёсатида хизмат муддатининг барча йиллари ичида, шунингдек қўшимча хизмат йилларида ҳам амортизация (эскириш) ни ҳисоблаш ва уни солиқ солишга муносабати ҳисоб сиёсатида аниқ белгиланган бўлиши керак.

Асосий воситалар бўйича амортизация (эскириш)ни ҳисоблашга доир операциялар счетлар режасида кўзда тутилган контрактив бўлган 02 «Асосий воситаларнинг эскириш ҳисоби счетлари»да акс эттирилади. Ушбу счетнинг сальдоси кредит томонида бўлиб, у жамланган эскириш суммасини кўрсатади. Ҳисобланган эскириш, яъни эскириш суммасини кўпайиши ушбу счетнинг кредитида ва харажат счетларининг дебитида (2010,2310,2510,3190, 9210,9410,9420,9430 ва бошқалар), эскириш суммасини камайиши эса 02-счетовнинг дебитида ва бошқа счетларнинг кредитида (8510,0110-0190 ва бошқалар) акс эттирилади.

7.1.4. Асосий воситаларни инвентаризация қилиш ва уни натижаларининг ҳисоби

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш ва унинг натижаларини ҳисобга олиш тартиби БХМС № 5 «Асосий воситалар» ва БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтқазिश» билан регламентлаштирилган.

Асосий воситаларни инвентаризация қилишнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Мол-мулкни реал мавжудлигини аниқлаш;
- Мулкни ҳақиқий мавжуд ҳолатини ҳисоб маълумотларига мос келишлигини аниқлаш;
- Мулкни ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлигини аниқлаш.

БХМС № 5 «Асосий воситалар»га мувофиқ (п. 35) инвентаризацияда аниқланган камомадлар айбдор шахс бўйича қўйилади ёки айбдорларни аниқлашнинг имкони бўлмаганда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳисобидан қопланади, ортиқчалар эса бошқа операцион фаолиятга доир даромадларга олиб борилади.

Асосий воситаларнинг аниқланган камомадлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади.

1. Кам чиққан асосий воситанинг бошлангич қиймати баланстан чиқарилганда

Дебет 9210 « Асосий воситаларнинг чиқими»

Кредит 0112-0199 « Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

2. Кам чиққан асосий воситанинг жамланган эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилганда

Дебет 0212-0299 «Асосий воситаларни эскириши ҳисоби счётлари»

Кредит 9210 « Асосий воситаларнинг чиқими»

3. Кам чиққан асосий воситанинг қолдиқ қиймати

Дебет 4730 « Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»

Кредит 9210 « Асосий воситаларнинг чиқими»

4. Камомад чиқишига йўл қўйган шахсга нисбатан асосий воситанинг қолдиқ қийматидан юқори қийматда жазо чораси белгиланганда ўртадаги фарқ суммасига

Дебет 4730 « Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»

Кредит 9390 « Бошқа операцион даромадлар»

5. Қарз ўндириб олинганда

Дебет «Пул маблағлари счётлари», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»
Асосий воситалар инвентаризациясида аниқланган ортиқчалар суммасига
Дебет 0112-0199 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Солиқ Кодексига мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ялпи даромадига киритилган асосий воситаларнинг инвентаризацияда аниқланган ортиқча суммалари, шунингдек камомадга йўл қўйганлик учун ўндирилган молиявий жазо суммаси умум тасдиқланган тартибга мувофиқ солиқга тортилади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Асосий воситалар - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан хўжалик фаолиятини юритишда узоқ муддат давомида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш, шунингдек маъмурий ва ижтимоий –маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар.

Бошланғич қиймат – бу асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати бўлиб, ўз ичига сотиб олиш баҳоси, шунингдек ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини ва қўшилган қиймат солиғини олади. Асосий воситалар ушбу қиймати бўйича туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бутун хизмат муддати даврида ҳисобда туради.

Тикланган қиймат – бу асосий воситаларнинг қайта баҳолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилингандан кейинги қиймати. Бу қиймат вақтинчалик бўлиб, қўшимча қилинган харажатлар ва қайта баҳолаш натижаси асосий воситалар қийматига киритилгач бошланғич қиймат бўлиб қолаверади.

Қолдик қиймат – бу асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқи. Бу қийматни **баланс қиймати** ҳам деб атайдилар, чунки айнан шу қийматда асосий воситалар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг балансида акс эттирилади.

Сотиш қиймати – бу асосий воситаларнинг сотиш вақтида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий қиймат.

Амортизация – бу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати ичида янги яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киритиш.

Эскириш –бу асосий воситанинг белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси.

Амортизацияланадиган қиймат - асосий воситанинг бошланғич қийматидан кўзда тутилаётган ликвидацион қийматни чегиргандан кейин қолган қиймат.

Ликвидацион қиймат - бу асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида ликвидация қилиш чоғида вужудга келадиган активларнинг уларни олишга кетган ликвидация харажатлари чегириб ташлангандан кейин қолган қиймати.

Ликвидация харажатлари – асосий воситаларни бузиш учун сарфланган моддий, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта органларига ажратмалар, турли транспорт ва бошқа хизмат харажатлари мажмуаси.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Асосий воситаларнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи;
2. Асосий воситалар қийматини баҳолаш тартиби;
3. Асосий воситалар ҳисобининг вазибалари.
4. Асосий воситалар киримининг ҳисоби
5. Асосий воситалар чиқимининг ҳисоби
6. Асосий воситаларнинг эскириши (амортизацияси)нинг моҳияти ва уни ҳисоб-китоб қилиш усуллари
7. Асосий воситалар эскиришининг ҳисоби

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1. Асосий воситалар - бу

- а) корхоналар томонидан хўжалик фаолиятини юритишда киска муддат давомида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш, шунингдек маъмурий ва ижтимоий –маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар
- б) корхоналар томонидан хўжалик фаолиятини юритишда узок муддат давомида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш, шунингдек маъмурий ва ижтимоий –маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар
- в) корхоналар томонидан хўжалик фаолиятини юритишда хоҳлаган муддат давомида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш, шунингдек маъмурий ва ижтимоий –маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар
- г) барча жавоблар тўғри.

2. Қуйидагиларнинг қайси бири асосий воситаларга киради

- а) Иншоотлар б) Муаллифлик ҳуқуқи в) Патент г) Гудвилл

Гудвилл

3. Қуйидагиларнинг қайси бири асосий воситаларга кирмайди

- а) Бинолар б) Компьютер в) Қўй г) Гудвилл

4. Қуйидагиларнинг қайси бири хизмат кўрсатишга доир асосий воситага кирмайди

- а) Меҳмонхона биноси б) Микроавтобус
- в) Идора мебели г) Тўғри жавоб йўқ

5. Қуйидагиларнинг қайси бири хизмат кўрсатишга доир асосий воситага киради

- а) Меҳмонхона биноси б) Хизмат автомашинси Газ -3110
- в) Идора мебели г) Тўғри жавоб йўқ

6. Қуйидагиларнинг қайси бири асосий воситаларнинг бошланғич қийматга кирмайди ?

- а) Сотиб олиш баҳоси б) Бож тўлови
- в) Директорнинг иш ҳақи г) Ташиб келтириш харажати

7. Қуйидагиларнинг қайси бири асосий воситаларнинг бошланғич қийматга киради ?

- а) Ўтазилган бўнак суммаси б) Бухгалтернинг иш ҳақи
- в) Директорнинг иш ҳақи г) Ташиб келтириш харажати

8. Қуйидагиларни қайси бири туғри

- а) Қолдиқ қиймат ҳисоб баҳоси ҳисобланади
- б) Бошланғич қиймат ҳисоб баҳоси ҳисобланади
- в) Сотиш баҳоси ҳисоб баҳоси ҳисобланади
- г) Амортизация суммаси ҳисоб баҳоси ҳисобланади

9. Асосий восита сотиб олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади

- а) Дт 0111-0190 Кт 2010 б) Дт 0111-0190 Кт 0810
- в) Дт 0111-0190 Кт 0820 г) Дт 0111-0190 Кт 4710

10. Бепул келиб тушган асосий восита

- а) Резерв капиталига олинади
- б) Корхонанинг фойдасига олинади
- в) Корхона харажатларини камайтиришга олиб борилади
- г) Қўшилган капиталга олинади

11. Таъсисчилардан олинган асосий восита қирим қилинади

- а) Сотиш баҳосида б) Келишув баҳосида
- в) Қолдиқ баҳосида г) Ҳоҳлаган баҳода

12. Асосий воситалар бўйича эскириш меъёрини ким белгилайди

- а) Вазирлар Маҳкамаси б) Корхона раҳбари
- в) Молия Вазирлиги г) Кузатув кенгаши

**13. Асосий воситалар амартизациясини ҳисоблашнинг қайси усули
Солиқ Кодекси негизига олинган**

- а) Кумулятив усул б) Ишлаб чиқариш усули
в) Бир маромда ҳисоблаш усули г) Тезлаштирилган усул

14. Асосий воситалар харидорларга сотилади....

- а) Бошланғич қийматда б) Келишув баҳосида
в) Қолдиқ баҳосида г) Ҳоҳлаган баҳода

**15. Асосий воситаларни ликвидация қилиш натижасид олинган
қурилиш материаллари қийматига?**

- а) Дт 1010 Кт 4710 б) Дт 1050 Кт 9310
в) Дт 1050 Кт 9210 г) Дт 1050 Кт 9220

**16. Асосий воситаларининг сотилиши ва турли чикимдан олинган
фойда.**

- а) Асосий фаолиятдан олинган фойда б) Фавқулотда фойда
в) Молиявий фаолиятдан олинган фойда. г) Тўғри жавоб йўқ.

**17. Хизмат кўрсатиш аҳамиятидаги асосий воситаларининг сотилиши
ва турли чикимдан кўрилган зарар олиб борилади.**

- а) Хизмат кўрсатиш таннархига б) Давр харажатларига
в) Маъмурий харажатларга г) Тўғри жавоб йўқ.

**18. Маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларининг сотилиши ва турли
чикимдан кўрилган зарар олиб борилади.**

- а) Хизмат кўрсатиш таннархига б) Давр харажатларига
в) Маъмурий харажатларга г) Тўғри жавоб йўқ.

7.2. Номоддий активларнинг ҳисоби

**7.2.1. Номоддий активлар тўғрисида умумий тушунча, уларнинг
таснифи, баҳоланиши ва ҳисобининг вазифалари**

Номоддий активларнинг моҳияти. Номоддий активларнинг моҳияти, уларни баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби БХМС № 7 «Номоддий активлар» билан регламентлаштирилган.

Ушбу стандартга мувофиқ **номоддий активлар деганда, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашиёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари мулк объектлари тушунилади (п. 4).**

Мулк объектларини номоддий актив сифатида тан олиш учун улар қуйидаги мезонларга жавоб беришлари лозим (п. 6):

Номоддий активларнинг характерли хусусияти шундаки, улар асосан мулк объектга нисбатан эгалик ҳуқуқи сифатида намоён бўлади. Дунё мамлакатларида энг кенг тарқалган ва номоддий актив сифатида эътироф этиладиган ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

• **Патент, ноу-хау** –бу ишлаб чиқилган буюм, технологик жараён, фаолиятга эгалик қилиш ҳуқуқи. Бундай ҳуқуқни эгалик қилувчи субъектга махсус патент бериш ваколатига эга Вазирлик ёки идоралар беради.

• **Муаллифлик ҳуқуқи** – бу ёзилган китоб, яратилган мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа асарлар учун унинг муаллифига берилган ҳуқуқ. Ушбу ҳуқуқ асарлар эгаларига уларни чоп этириш, қайта босмага бериш, кўпайтириш, сотиш, ёздириш, ижро этиш, тақсимлаш ва шу каби бошқа ҳаракатларни қилишни ўз ичига олади.

• **Лицензия** –бу у ёки бу хўжалик фаолияти, хўжалик операцияси билан шуғулланиш учун давлатнинг компетент органи томонидан берилган рухсатнома. Лицензия махсус расмий ҳужжат бўлиб, у туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига унда кўрсатилган фаолият турини белгиланган муддат ичида амалга оширишга рухсат беради. Лицензия олиш лозим бўлган фаолият

ёки операцияларнинг турлари, лицензия бериш ваколати юклатилган компетент органлар давлат томонидан белгиланади. Масалан, дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича лицензияни Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, туристик ва меҳмонхона хизматларни кўрсатиш учун лицензияни «Ўзбектуризм» МК, аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияни Молия Вазирлиги беради. Лицензия олиш учун туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари «Ўзбектуризм» МК қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- лицензия бериш тўғрисида ариза, унда фаолият тури, муддати кўрсатилади;

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг натариусдан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги қарор ва бошқалар);

- давлат солиқ идорасида ҳисобга олинганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;

- бошқа талаб қилинган ҳужжатлар

Лицензия берилган муддатида кучга эга бўлади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг тугатилиши билан лицензия ўз кучини йўқотади.

Савдо маркази, савдо белгилари ва саноат намуналари- бу корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизмат учун берилган номлар ёхуд рамзлар, масалан «Кока-Кола», «Нексия», «Сони», «Хон» ва шу кабилар. Эғалик қилиш мақсадида ушбу савдо маркалари, савдо белгилари ва саноат намуналари давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказилган белгилар, рамзлар бўйича эғалик ҳуқуқи қонун асосида ҳимояланади.

Дастурий таъминот - бу замонавий компьютерларда техник-иктисодий ҳисоб-китобларни олиб бориш бўйича яратилган дастурлар, алгоритмлар тўплами.

Франчайзлар — бу янги формула ва алгоритмларни, технологияларни, ташқи кўриниш ва белгиларни куллаш бўйича ҳуқуқ. Ушбу ҳуқуқ франчайзга (фойдаланиш ҳуқуқини олувчи) франчайзор (фойдаланиш ҳуқуқини берувчи) томонидан махсус франчайз шартномаси асосида берилади. Масалан, кетчуп ишлаб чиқариш технологиясидан фойдаланиш ҳуқуқини «Балтимор-Челек» ХИИКси «Балтимор» холдинг компаниясидан франчайз шартномаси асосида олган.

Гудвил - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъекти (Меҳмонхона мажмуаси) соф активларининг сотиб олиш қиймати ва бозор қиймати (ёки ҳаққоний ҳисоб қиймати) ўртасидаги фарқ бўлиб, у фақат биринчи қиймат иккинчисидан ортиқ бўлганда вужудга келади. Масалан, сотиб олинган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектининг қиймати 40 млн. сўм, унинг активларининг бозор қиймати ёки ҳаққоний ҳисоб қиймати –45 млн. сўм, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектининг мажбуриятлари –8 млн. сўм. Бу ҳолда, сотиб олинаётган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектининг соф активларининг ҳаққоний (бозор) қиймати –37 млн сўм (45-8) бўлади. Ўртадаги 3 млн. сўмлик (40 –37) фарқ сотиб олувчи туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари учун гудвил ҳисобланади. Гудвил юқори нархларда сотиб олинган активларни келгусида қатта даромад келтириши мумкинлиги аниқ бўлган ҳолларда самарали ҳисобланади.

Ташкилий харажатлар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари таъсисчиларининг уни ташкил этиш бўйича сарфлаган харажатлари, масалан туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларини таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, муҳр ва штампни тайёрлаш, банкдаги ҳисоб рақамини очиш ва бошқа шу каби ташкилий ишларга сарфланган харажатлар. Бу харажатлар, одатда, таъсисчи (лар) нинг шахсий маблағлари эвазига туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари иш фаолиятини бошлагунга қадар қилинади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилий харажатлар таъсисчиларнинг устав капиталига ҳиссаси сифатида тан олиниши ва қабул қилиниши мумкин.

Юқорида номлари ва тавсифи келтирилган номоддий активларнинг барчаси (гудвил ва ташкилий харажатлардан ташқари) сотиш, алмаштириш, бериш объекти бўлиб ҳисоблангани мумкин.

Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари. Номоддий активлар бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- номоддий активларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;

- номоддий активларни тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;

- номоддий активларни тўғри баҳолаш;

• номоддий активлар ҳолати ва ҳаракатини тўғри, ўз вақтида тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш;

• номоддий активлар амортизацияси (эскириши) ни белгиланган усул ва меъёрлар бўйича тўғри ҳисоблаш;

• номоддий активларни солиқ кодексига мувофиқ солиқга тортилишини таъминлаш;

• номоддий активлар бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта рўйхатдан ўтқазиб (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниқлаш ва ҳисобга олиш;

• мавжуд номоддий активлардан унумли фойдаланиш, кераксиз номоддий активларни ликвидация қилиш, бепул бериш ёки сотиш натижаларини тўғри ҳисобга олиш;

• номоддий активларга қилинган қўшимча харажатларни (капитал қўйилмаларни) тўғри ҳисобга олиш.

Номоддий активларни баҳолаш. Номоддий активларни баҳолашда бошланғич қиймат, тикланган қиймат, қолдиқ қиймат, тугатиш қиймати, сотиш қиймати турлари ишлатилиши мумкин (БХМС № 7, п. 4). Ушбу қиймат турларининг моҳияти асосий воситаларни баҳолашда қўлланиладиган қиймат турларининг моҳиятига тўлиқ ўхшашдир.

• **бошланғич қиймат** - номоддий активларни яратиш (ишлаб чиқиш) ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатларнинг пулдаги ифодаси. Бу харажатлар, ўз ичига сотиб олиш баҳоси, шунингдек ташиб келтириш, ўрнатиш, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини, тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (ийғимлар) ҳамда активни ундан мақсадга қўра фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни олади. Номоддий активлар ушбу қиймати бўйича туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида бутун хизмат муддати даврида ҳисобда туради.

• **тугатиш қиймати** - номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича қутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши қутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси.

қолдиқ (баланс) қиймат – бу номоддий активларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарқи. Бу қийматни **баланс қиймати** ҳам деб атайдилар, чунки айнан шу қийматда номоддий активлар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг балансида акс эттирилади.

• **тикланган қиймат** номоддий активларни қайта баҳолашдан кейинги ёки қўшимча капитал қўйилмалардан кейинги вақтинчалик қиймати бўлиб, у шу санадан бошлаб бошланғич қиймат ҳисобланади.

• **сотиш қиймати** номоддий активларни олувчи ва сотувчи ўртасидаги келишув қиймати бўлиб, у фақат сотиш натижаларини ҳисобга олишда қўлланилади.

Номоддий активларни ҳисобга олиш қиймати бўлиб бошланғич қиймат ҳисобланади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини аниқлаш бевосита қилинади: кирим манбаига боғлиқ. Номоддий активлар қуйидаги манбалардан кирим қилинади:

Корхонанинг ўзи томонидан яратилиши натижасида;

олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олиниши натижасида;

устав капиталига таъсисчиларнинг улуши сифатида киритилиши натижасида;

бепул келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича) натижасида;

инвентаризация натижасида ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активларнинг аниқланиши натижасида.

Кирим қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидагича аниқланади.:

• корхона томонидан яратилганда: *ҳақиқий таннархи бўйича*

• сотиб олинганда – *сотиб олиш баҳоси плюс барча ишлашга тайёр ҳолатга келтиришига кетган харажатларни ўз ичига олган қиймат бўйича;*

• таъсисчилардан устав капиталига таъсис бадали сифатида қабул қилинганда – *таъсисчиларни келишув шартномаси бўйича;*

• бепул олинганда – *эксперт йўли билан аниқланган қиймат бўйича;*

7.2.2. Номоддий активларнинг ҳисоби.

21- сон БХМС да номоддий активлар ҳисобини юритиш учун актив бўлган № 0400 «Номоддий активлар ҳисоби счётлари» ва контрактив бўлган № 0500

«Номоддий активларнинг эскириши ҳисоби счётлари» тизимлари кўзда тутилган.

0410-0490 «Номоддий активлар ҳисоби счётлари»нинг дебетиди уларнинг бошланғич қийматини ошишига олиб келувчи операциялар (масалан, янги номоддий активларни сотиб олиниши, уларни бепул келиб тушуши, қайта баҳоланиши, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар), кредитиди эса номоддий активларнинг бошланғич қийматини камайишига олиб келувчи операциялар (масалан, уларни сотилиши, бепул берилиши, ҳисобдан чиқарилиши, аниқланган камомадлар) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Номоддий активлар сотиб олинганда	0410-0490	0830	Шартномалар, счёт-фактура
2.	Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари натижасида қабул қилинган номоддий активларнинг ҳақиқий таннархига	0410-0490	3190	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, далолатнома
3.	Бепул келиб тушган номоддий активларнинг эксперт йули билан белгиланган қийматига	0410-0490	8530	Шартнома, далолатнома, счёт-фактура
4.	Таъсис бадали сифатида кирим қилинган номоддий активларнинг келишув баҳосидаги қийматига	0410-0490	4610	Таъсис шартномаси, далолатнома, счёт-фактура
5.	Инвентаризацияда аниқланган ортиқча номоддий активларнинг қийматига	0410-0490	9390	Қарор, далолатнома
6.	Номоддий активларни сотилиши ва бепул берилишида: -сотиш қийматига -ҚҚС суммасига -бошланғич қийматга	4010 9220 9220	9220 6410 0410-0490	Шартнома, Счёт-фактура, далолатнома

	-эскириш суммасига -олинган фойдага -кўрилган зарарга	0510-0590 9220 9430	9220 9320 9220	
7.	Номоддий активлар молиявий инвестициялар сифатида киритилганда: -келишув қийматига -бошланғич қийматига -эскириш суммасига -ҚҚС суммасига -олинган фойда суммасига	0610-0690 9220 0510-0590 9220 9220	9220 0410-0490 9220 6410 9320	Шартнома, Счёт-фактура, далолатнома
8.	Гудвил туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатлари эвазига ҳисобдан чиқарилганда	Харажат счётлари	0480	Расчет
9.	Инвентаризацияда камомад аниқланганда -бошланғич қийматга -эскириш суммасига -камомад суммасига	9220 0510-0590 4730	0410-0490 9220 9220	Далолатнома, қарор

БХМС № 7 «Номоддий активлар» га мувофиқ (п.46) номоддий активлар ҳар йилнинг охирида якуний ҳисобот тузиш олдида инвентаризациядан ўтказилиши лозим. Бундан ташқари улар қайта баҳолашда, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида реорганизация (бирлашиш, бўлиниш) юз берганда, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари тугатилганда инвентаризация қилинади. Номоддий активларни инвентаризациясини ўтказиш БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»да белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Номоддий активларнинг қиймати оширилганда инвентаризация қайдномаси маълумотлари асосда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

•*Бошланғич қиймат оширилганда*

Дебет 0410-0490 «Номоддий активлар ҳисоби счётлари»

Кредит 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

•*Бошланғич қиймат камайтирилганда*

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0410-0490 «Номоддий активлар ҳисоби счетлари»

Номоддий активларнинг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар бир инвентар объектнинг коди (тартиб номери) бўйича карточкаларда ёки китобда юритилади. Ушбу карточка ва китоблар номоддий активлар келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сақланади.

7.2.3. Номоддий активларни эскиришининг ҳисоби.

Номоддий активларнинг бошланғич қиймати амортизация ҳисоблаш йўли билан сўндирилади. Амортизацияланадиган қиймат фойдали хизмат муддати мобайнида корхона харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади.

•**амортизация** - фойдали хизмат муддати мобайнида номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва киритиш;

•**амортизацияланадиган қиймат** бошланғич ва тугатиш қиймати ўртасидаги фарқ бўлиб, у амортизация (эскириш) суммасини ҳисоблашда қўлланилади.

Номоддий актив бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур актив номоддий активлар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ ҳисоблангунга қадар ёки бу номоддий актив балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади. (БХМС № 7, п. 39).

Номоддий активларга эскириш ҳисоблашда қуйидаги омиллар асос қилиб олинади:

- фойдали хизмат муддати;
- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг устав фаолиятининг муддати;
- номоддий активнинг жисмоний ва маънавий эскириш характери;

Фойдали хизмат муддати – деганда корхона томонидан активдан фойдаланиш кўзда тутилган давр ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори тушинилади.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини белгилаш қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади (БХМС № 7, п. 45):

• патент, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ номоддий активлардан фойдаланиш муддатининг бошқа чекланиши;

• ушбу объектдан фойдаланиш кўзда тутилатган муддат, яъни корхона иқтисодий фойда (даромад) олиши мумкин бўлган муддат.

• номоддий активларнинг алоҳида гуруҳлари учун фойдали хизмат муддати ушбу номоддий активдан фойдаланиш натижасида олинishi қутилатган маҳсулотлар миқдори ёки ишлар ҳажмининг бошқа моддий кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

• фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари меъёри беш йил ҳисобида белгиланади.

Фойдали хизмат муддатини ҳисоблаш мумкин бўлган номоддий активлар учун йиллик эскириш суммаси уларнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат йиллар сонига бўлиш йўли билан топилади. Фойдали хизмат муддатини аниқлаш қийин бўлган номоддий активлар учун йиллик эскириш суммаси уларнинг амортизацияланадиган қийматини 5 йилга, лекинда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари устав фаолияти муддатидан кўп бўлмаган муддатга бўлиш йўли орқали аниқланади. Топилган суммани 12 га бўлиб, ҳар ойлик эскириш суммаси харажатлар сўтларига олиб борилади.

БХМС № 7 (п.46)га мувофиқ, номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш худди асосий воситалар сингари бир маромли, бажарилган иш ҳажмига пропорционал, хизмат йиллари сонлари йиғиндисига пропорционал (кумулятив) ва камайиб борувчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаб топиш усуллари бўйича амалга оширилади. Танланган усул (усуллар) туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим. Асосий воситалар каби номоддий активлар амортизациясини ҳисоблашда Солиқ Кодекси негизига бир маромда ҳисоблаш усули олинган, қолган усуллар бўйича ҳисоб-китобларда аниқланган меъёрдан ортиқча

суммалар фойда солиғи базасига қайта қўшилади ва шу йўл билан солиқга тортилади.

Номоддий активлар бўйича амортизация (эскириш) ни ҳисобланиши уларнинг ишлатиш мақсадига кўра 0510-0590-счётларнинг кредитида ва харажатлар счётларининг (2010, 2310, 2510, 2710, 3110,9410,9420) дебетида акс эттирилади. 0510-0590 счётларнинг дебетида номоддий активларни сотилиши, бепул берилиши, ҳисобдан чиқарилиши, камомадлари ва таъсис бадали сифатида киритилиши муносабати билан уларга тўғри келадиган жамланган эскириш суммасини камайтириш акс эттирилади. Бунда 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари», 0480 «Гудвил», 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётлари кредитланади.

Номоддий активлар амортизациясининг аналитик ҳисоби ҳар бир номоддий актив бўйича карточкаларда ёки китобда олиб борилади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

номоддий активлар - корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

амортизация - фойдали хизмат муддати мобайнида номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва киритиш;

амортизацияланадиган қиймат - тахмин қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;

фойдали хизмат муддати - корхона томонидан активдан фойдаланиш кўзда тутилган давр ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори;

бошланғич қиймат - номоддий активларни яратиш (ишлаб чиқиш) ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қиймати (пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларининг суммаси ёхуд бошқа

тўловларнинг жорий қиймати), шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга кўра фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар қиймати;

тугатиш қиймати - номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши кутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси.

қолдиқ (баланс) қиймат - номоддий актив молиявий ҳисобот (бухгалтерия баланси)да акс эттириладиган, бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган миқдор

VIII-БОБ. ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИ СУБЪЕКТЛАРИДА ХУЖАЛИК ИНВЕНТАРЛАРИ ВА МАТЕРИАЛ ҚИЙМАТЛИКЛАРИ ҲИСОБИ.

8.1. Материалларнинг ҳисоби

Хўжалик юриштирининг муҳим омили бўлиб туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг материалларга эга бўлишлиги ҳисобланади.

Материаллар –бу ишлаб чиқаришнинг моддий асосини ташкил этувчи меҳнат предметларидир. 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар» га мувофиқ, Материалларга қуйидаги кўринишларга эга бўлган активлар киради:

• **Хом- ашё ва материаллар** – маҳсулот (иш, хизмат) ни ишлаб чиқариш (бажариш)да унинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметлари;

• **Ярим тайёр маҳсулотлар (полуфабрикатлар)** – бу ишловнинг маълум технологик босқичларидан ўтган, лекинда мустақил тайёр материал сифатида тан олиниши мумкин бўлмаган, кейинги ишлаб муҳтож меҳнат предметлари;

• **Бутловчи қисмлар** – бу буюмни бир бутун ҳолатга келтиришда зарур бўлган қисмлари.

• **Ёқилғи** – бу ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёқилғилар (бензин, керосин, саярка, суюлтирилган газ ва бошқалар);

• **Мойлаш материаллари** – бу техник воситаларни ишлатишга кетадиган солидол, афтол ва шу каби мойлар.

• **Эҳтиёт қисмлар** – бу техник воситаларнинг таркибий унсурлари (поршен, гильза, баллон, камера ва бошқалар);

• **Қурилиш материаллари** – бу объектларни қуриш, таъмирлашда қулланиладиган материаллар (ғишт, тахта, цемент ва бошқалар);

• **Ем-хашаклар** – бу корхоналарнинг балансида турган хайвонларни сақлаш, ўстириш, боқиш учун етиштирилган, сотиб олинган омухталар, қўкат ўтлар, силос, ёнтоқ, самон ва шу каби ем-хашаклар.

• **Тара** – бу маҳсулотларни ўрашда, ташишда, сақлашда ишлатиладиган активлар (бутулка, бочка, ящик , халта ва бошқалар);

Материалларга юқоридагилардан ташқари истесно тариқасида инвентарлар ва хўжалик буюмлари, шунингдек ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳам киради.

Материаллар ишлаб чиқаришдаги ролига кўра асосий ва ёрдамчи захираларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш захираси деганда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни асосий компонентини ташкил этадиган хом - ашё материаллар тушунилади. Масалан, колбаса ишлаб чиқарувчи корхона учун асосий хом-ашё материал бўлиб ғишт ҳисобланади. Қолган материаллар, айтайлик, чеснок, қалампир, туз, сирка, ўраш плёнкаси, шпагат ва бошқалар ушбу корхона учун ёрдамчи материаллар ҳисобланади. Худди шундай қурилиш ташкилотидида қурилиш материаллари, транспорт корхонасида эҳтиёт қисмлар асосий ишлаб чиқариш захиралари бўлиб хизмат қилади.

Материаллар ҳисобининг вазифалари. Ишлаб чиқариш захиралари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

• материалларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;

• материалларни тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;

• материалларни тўғри баҳолаш;

• материалларга қилинган қўшимча харажатларни (ташиб келтириш, бож ва солиқ тўловлари, курс ўртасидаги фарқлар, устамалар, сертификациялаш ва бошқалар) тўғри ҳисобга олиш, уларни уз вақтида сотиб олинган захиралар таннарихига (қиймати)га ёки корхона харажатларига киритиш.

• материаллар ҳолати ва харакатини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисобга олиш;

• материалларга моддий жавобгарликни таъминлаш, моддий жавобгар шахслар томонидан ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тузилиши, тақдим этилишини назорат қилиш;

• материаллар ҳолати ва харакати бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигини таъминлаш;

• материалларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта руйхатдан утказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниқлаш ва ҳисобга олиш;

• мавжуд материаллардан унумли фойдаланиш, бунинг учун омборларда меъеридан ортиқ захираларни сақламаслик, уларни қўшимча

нобудгарчиликларига йўл қўймаслик, кераксиз материалларни сотиш ва унинг натижаларини тўғри ҳисобга олиш;

- материалларни асосли равишда қайта баҳолаш ва унинг натижаларини ҳисобда тўғри акс эттириш;

- хўжалик инвентарларининг ҳисобини тўғри юритиш, тўлиқ эскирган хўжалик инвентарларини ўз вақтида ҳисобдан чиқариш, уларни баланс қийматини ҳисоботда тўғри акс эттириш.

Материалларни баҳолаш. Ишлаб чиқариш захиралари 4-сон БХМС «Товар- моддий захираларга мувофиқ (п.7) уларнинг таннархи ёки сотилишини соф қийматидан бири бўйича энг кичигини танлаш йўли билан баҳоланади.

Ишлаб чиқариш захираларининг таннархи-бу уларни сотиб олишга ёки ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар мажмуаси.

Сотиб олинган ишлаб чиқариш захираларининг таннархи уларни сотиб олиш қиймати, божхона йиғим ва тўловлари, сертификация харажатлари, комиссия тўлови, транспорт-тайёрлов ва бошқа сотиб олишда кетган харажатларни ўз ичига олади. Қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўловчи ҳисобланмаган корхоналарда ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ҚҚС ҳам уларнинг таннархига киритилади. ҚҚС ни тўловчи корхоналарда захираларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси бюджетга ушбу солиқ бўйича қарздан чегирилади (зачетга олинади).

Ишлаб чиқарилган захираларнинг таннархи – бу ўз кучи билан ишлаб чиқарилган материаллар ва бошқа захираларга кетган бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва бошқа устама харажатлар мажмуаси.

Сотишнинг соф қиймати –бу ишлаб чиқариш захирасининг таннархидан кичик қиймати бўлиб, фақатгина уларни керагидан кўп миқдорда йиғилиб қолганида баҳони пасайтириш ҳолларида вужудга келади. Бундай ҳолда ишлаб чиқариш захиралари пасайтирилган баҳоларда, яъни сотишнинг соф қийматида балансда акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш захиралари қиймати 4- сон БХМС га мувофиқ (п. 16-18) қуйидаги усулларнинг бирида баҳоланади:

- **ФИФО** –захираларни келиб тушиш вақтидаги баҳосида чиқим қилиш, яъни биринчи тушум, биринчи чиқим .Ушбу усулда олдин келган захира олдин сарфланади ва ишлаб чиқариш таннархига келиб тушган баҳосида киритилади, ушбу захира тугагач, кейинги тушган захира тушгандаги баҳосида сарфланади

ва ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Ушбу усулнинг характерли хусусияти шундаки, ҳисобот даври охирида корхонада фақатгина охириги навбатда ва баҳоларда келиб тушган захиралар қолади. Кейинги ойда қолган захиранинг чикими биринчи навбатда келиб тушган баҳосида ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Масалан, «А» материал 5 январда 1000 дона 100 сумдан жами 100000 сумга, 15 январда 2000 дона 150 сумдан 300000 сумга, 20 январда 1000 дона 200 сумдан 200000 сумга келиб тушди. Айтилик, январда жами материаллардан 3500 донаси ишлаб чиқаришга сарфланди. Ишлаб чиқариш таннархига киритилган захираларнинг қиймати ушбу усулда жами 500000 сумни ташкил этади. Ой охирида омборда 20 январда келиб тушган ва ишлатилмай қолган 500 дона материал 200 сумдан жами 100000 сумга захира бўлиб қолади. Кейинги ойда ушбу материални ишлаб чиқаришга сарфланиши айнан шу баҳода, яъни 200 сумдан чиқим қилинади.

- **АВЭКО** – бу захиралар қийматини ўртача нархлардаги баҳолар бўйича ҳисобдан чиқариш усули. Юқоридаги мисолимизда келиб тушган бир дона материалнинг ўртача қиймати 150 сўми (600000/4000), ишлаб чиқаришга сарфланган материалнинг қиймати 525000 сумни (3500*150) ва ой охирида қолган материаллар қиймати 75000 сўми (500*150) ташкил этади.

- **ЛИФО** – бу захираларни охириги тушум баҳосидан бошлаб ҳисобдан чиқариш усули. Юқоридаги мисолда ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар қиймати 550000 сумни (1000*200+2000*150+500*100), ой ихарида қолган материаллар қиймати – 50000 сўми (500*100) ташкил этади. Баҳоларни ўсиб бориши юз бераётган шароитда ушбу усул дастлаб таннархни ошишига, кейинчалик эса камайишига, ой охирида эски нархлардаги материалларни омборларда қолиб кетишига олиб келади. Шунинг учун материалларни кўп марталаб қайта баҳолаш зарурияти туғилади.

Захираларнинг юқорида келтирилган усуллари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархига ва уларнинг қолдиқ қийматига турлича таъсир қўрсатади. Чунончи, энг кичик таннарх ва энг катта захиралар қолдиғи ФИФОда, энг катта таннарх ва энг кичик захиралар қолдиғи ЛИФО да юз беради. Бизнинг мисолимизда, жумладан бу қуйидагича:

КЎРСАТКИЧЛА P	ФИФО	АВЭКО	ЛИФО
Таннарх	500000	525000	550000
Захира колдиғи	100000	75000	50000

Ишлаб чиқариш захиралари қийматини баҳолаш усуллари таннарх орқали фойдага, у орқали эса фойдадан(даромаддан) олинadиган солиқларга ҳам турлича таъсир кўрсатади. Мисол учун захиралардан 3500 донаси 250 сумдан сотилди дейлик. Бунда корхонанинг сотишдан олган фойдаси ва фойдадан олинadиган солиқлар (давр харажатлари , солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар ва имтиёзлар ҳисобга олинмаган шартли равишда) қуйидагича бўлади.

КЎРСАТКИЧЛАР	ФИФО	АВЭКО	ЛИФО
Соф тушум	875000	875000	875000
Таннарх	500000	525000	550000
Фойда	375000	350000	325000
Фойда солиғи, 20%	75000	70000	65000
Инфраструктура- ни ривожланти- риш солиғи, 8%	24000	22400	20800

Мисолдан кўриниб турибдики, энг катта фойдадан олинadиган солиқлар ФИФО да, энг кичиги эса ЛИФО да намоён бўлади.

БХМС №4 га мувофиқ (п.17) Ўзбекистон Республикасида кўпроқ эътиборли бўлган ФИФО ва АВЭКО усулларни қўллаш кўзда тутилган, ЛИФО усулини қўллаш кўзда тутилмаган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш захираларининг қийматини баҳолашнинг юқорида келтирилган ФИФО ва АВЭКО усулларидан бирини танлаб олишлари ва уни ўзларининг ҳисоб сиёсатларида кўрсатишлари керак. Бир вақтнинг ўзида икки усулни қўллаш таъқиқланади. Бир усулдан иккинчисига асос бўлганда ўтиш мумкин ва бу тўғрида ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгариштириллар тегишли органларга етказилиши керак.

Ишлаб чиқариш захираларининг сақлаш жойларидаги ҳисоби.

Корхоналарда ишлаб чиқариш захираларининг сақланиш жойлари бўлиб омборлар, цехлар, майдончалар, участкалар, молхоналар ва бошқалар ҳисобланади. Барча сақлаш жойларида захиралар бўйича аниқ моддий жавобгар шахслар белгиланади ва улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

Моддий жавобгар шахслар бўлиб омбор мудирлари, цех бошлиқлари, хўжалик бўлими мудирлари, прораблар, гараж бошлиғи, мол боқар чўпонлар, бўрдоқчилик базалари мудирлари ва бошқалар ҳисобланади.

Моддий жавобгар шахсларнинг асосий вазифаларига ишлаб чиқариш захираларини ўз вақтида кирим қилиш, корхона раҳбари фармойиши билан уларни ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларига кўрсатилган миқдорда бериш, моддий бойликларни бутлигини тўлиқ таъминлаш, талон-тарожликга йул қўймаслик, захираларнинг кирим ва чиқимини тўғри ва ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш, уларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида ҳисоботларни белгиланган муддатларда тўғри тузиш ва бухгалтерияга топшириш киради.

Ишлаб чиқариш захиралари уларнинг сақланиш жойларида соний ва суммавий жиҳатдан миқдор ва пул ўлчовларида ҳисобга олинади. Бунинг учун ҳар бир ишлаб чиқариш захирасига инвентар карточка очилади ёки умумий обмор китоби юритилади. Бунда қуйидаги бошланғич ва жамлама ҳужжатлар ишлатилади:

• Кириш бўйича:

1. Счёт фактура – ташки таъминотчилардан олинган ишлаб чиқариш захираларини қабул қилишда.

2. Накладной- ички бўлинмалардан кирим қилишда.

3. Қабул қилиш далолатномаси – таъсисчилардан, бошқа шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан қабул қилинганда, ички алмашувда, ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда, илмий изланишлар ва тажриба –конструкторлик ишланмалари натижаси сифатида кирим қилинганда ва бошқа ҳолларда.

4. Инвентаризация варағи ва таққослама қайднома – инвентаризацияда ортиқчалар аниқланганда, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига топширилганда

• Чиқим бўйича:

Талабнома – омбордан ишлаб чиқаришга берилганда

2. Забор варақаси - бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ҳар кунда маълум миқдордаги материалларни бериб бориш ҳолларида

3. Счет-фактура – материаллар четга сотилганда, бепул берилганда, таъсис бадали сифатида киритилганда ва бошқа ҳолларда

4. Ҳисобдан чиқариш далолатномалари – материалларни ҳисобдан чиқариш ҳоллари булганда ва бошқалар.

Моддий жавобгар шахслар кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида белгиланган муддатларда (ҳисоб сиёсатига мувофиқ белгиланган муддатларда) моддий ҳисобот тузадилар. Ушбу ҳисоботлар тасдиқланган шаклларда тузилади. Уларда Материалларнинг ҳолати ва харакати соний ва суммавий кўринишда акс эттирилади. Моддий ҳисоботлар икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва уларнинг биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади. Айнан моддий ҳисоботлар ва уларга тикилган бирламчи ҳужжатлар Материалларнинг синтетик ҳисобини юритишга асос бўлиб ҳисобланади.

Материалларнинг синтетик ҳисоби. Материалларнинг синтетик ҳисобини юритиш учун 21-сон БҲМС да қуйидаги счётлар кўзда тутилган.

• **1010 «Хом–ашё ва материаллар».** Ушбу счётнинг дебитида асосий ва ёрдамчи хом-ашё ва материалларнинг, қайта ишлов учун тайёрланган кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, ем-хашак ва тўшаш материалларининг бошлангич қолдиғи ва уларни турли манбалардан келиб тушуш эвазига кўпайиши, кредитида эса – материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1020 «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар».** Ушбу счётнинг дебитида ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжуд қолдиқлари ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқаришга, қурилишга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1030 «Ёқилғи».** Ушбу счётнинг дебитида мавжуд нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материалларининг (нефть, бензин, керосин, дизел ёқилғиси, мойлар ва бошқалар), газсимон ёқилғи турларининг (газ ва газолин), шунингдек

қаттиқ ёқилғи турларининг (кўмир, ўтин ва бошқалар) қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1040 «Эҳтиёт қисмлар».** Ушбу счётнинг дебитида машина ва механизмлар, транспорт воситаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари, автомобилларнинг заҳирадаги шиналарининг мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1050 «Қурилиш материаллари».** Ушбу счётнинг дебитида қурилиш, қурилиш –монтаж ишлари, қурилиш деталлари ва конструкцияларини ясаш учун зарур бўлган қурилиш материалларининг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг қурилиш, қурилиш-монтаж ишларига, турли конструкцияларни ишлаб чиқаришга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1060 «Тара ва тара материаллари».** Ушбу счётнинг дебитида хўжалик инвентари ва буюми сифатида ишлатилмаётган барча турдаги таралар, тараларни ясаш ва таъмирлаш учун зарур бўлган материал ва деталларнинг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар».** Ушбу счётнинг дебитида четга қайта ишлаш учун берилиши мумкин бўлган асосий ва ёрдамчи материалларнинг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1090 «Бошқа материаллар».** Ушбу счётнинг дебитида юқоридаги счётларга киритилмаган, ишлаб чиқаришдан, асосий воситаларни тугатишдан

ва бошқа операциялардан олинган моддий бойликларнинг (чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак маҳсулотлар, металллом, эски шиналар ва резиналар, ишлатилган мой, нигрол ва ш.к.) захирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни ишлаб чиқаришдан олиниши эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».** Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида тайёрлов жараёнини алоҳида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Унинг дебитида материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнининг қиймати, кредитида эса ушбу қийматни кирим қилинган материаллар қийматига киритилиши эттирилади. Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг киримини бевосита тўғридан тўғри 1010-1090 – счетларда акс эттириш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда 1510-счет қўлланилмайди.

• **1610 « Материаллар қийматидаги четланишлар».** Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг тайёрлов ва сотиб олиш қийматини ҳисоб баҳоларида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб, одатда, норматив ёки режали таннарх ҳисобланади. Тайёрланган (сотиб олинган) материалларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоб баҳосидан кўп бўлиши ушбу счетнинг дебитида, кам бўлиши эса унинг кредитида 1510-счет билан корреспонденция-ланган ҳолда акс эттирилади. 1610-счетнинг дебет қолдиғи суммаси ҳисоб баҳоларидан ортиқ қийматда келиб тушган материалларга тўғри келадиган четланишлар суммасини кўрсатади. Баҳолар ўртасидаги фарқлар сотиб олинган материалларни ҳақиқатда сарфланган вақтида уларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига пропорционал равишда харажатлар счетларига киритилиб борилади.

Материалларнинг ҳаракатига доир операциялар счётларда қуйидагича акс эттирилади.

1. Ҳисоб сиёсатида 1510 –счётни қўллаш кўзда тутилмаган ҳолда

Т/р	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда:			

	- захираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига - ҚҚС суммасига	1010-1090 4410	6010, 4110 6010	Шартнома, счёт-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1010-1090	2310	Ҳисобот, накладной
3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1010-1090	4220-4230	Бўнак ҳисоботи
4.	Ярим тайёр материаллар хом ашё ва материаллар таркибига киритилганда	1010-1090	2110	Қарор, накладной
5.	Тайёр маҳсулотлар материалларга айлантирилганда	1010-1090	2810-2820	Қарор, накладной, талабнома
6.	Хўжалик инвентарлари ва буюмлари материалларга айлантирилганда	1010-1090	1080	Қарор, талабнома, накладной
7.	Таъсисчилардан олинганда	1010-1090	4610	Устав, шартнома, далолатнома, счёт-фактура
8.	Даъволар бўйича олинганда	1010-1090	4860	Қарор, счёт-фактура
9.	Бепул олинганда	1010-1090	8530,	Қарор, счёт-фактура, далолатнома
10.	Молиявий ёрдам сифатида олинганда	1010-1090	9380	Шартнома, счёт-фактура, далолатнома
11.	Камомадлар ўрнига қабул қилинганда	1010-1090	4730	Қарор, счёт-фактура, далолатнома
12.	Нақд сотиб олинганда	1010-1090	5010-5020	Счёт-фактура, чиқим касса ордери
13	Инвентаризация аниқланган ортиқчалар суммасига	1010-1090	9390	Инвентаризация варағи, қарор
14.	Ички аламушув бўлганда	1010-1090	1010-1090	Инвентаризация варағи, накладной, талабнома
15	Қайта баҳоланганда: -нархи оширилганда	1010-	9390	Далолатнома

	-нархи камайтирилганда	1090 9430	1010- 1090	
16	Асосий ишлаб чиқаришга сарфланганда	2010	1010- 1090	Талабнома, накладной
17	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланганда	2310	1010- 1090	Талабнома, накладной
18	Умум ишлаб чиқаришга сарфланганда	2510	1010- 1090	Талабнома, накладной
19.	Хизмат килувчи хужаликларга сарфланганда	2710	1010- 1090	Талабнома, накладной
20.	Реклама учун сарфланганда	9410	1010- 1090	Талабнома, накладной
21.	Бошқарув мақсадларига сарфланганда	9420	1010- 1090	Талабнома, накладной
22.	Сотилганда: -сотиш қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига -сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зарарга	4010 9220 9220 9220 9430	9220 6410 1010- 1090 9320 9220	Шартнома, счет-фактура
23	Бепул берилганда: -таннархига -ҚҚС суммасига -кўрилган зарарга	9220 9220 9430	1010- 1090 6410 9220	Қарор, счет-фактура, шартнома
24.	Камомад чиқганда: -моддий жавобгар шахс бўйнига кўйилганда -каррали ўндириш суммасига -корхона зарарига олиб-борилганда	4730 4730 9430	1010- 1090 9390 1010- 1090	Далолатнома, Қарор
25	Таъсис бадали сифатида киритилганда: -келишув қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига фойда суммасига	0610- 0690 9220 9220 9220	1010- 1090 6410 1010- 1090 9320	Шартнома, қарор, счет-фактура
26.	Тайёр махсулотга айлантирилганда	2810- 2820	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной

27	Ярим тайёр материалга айлантирилганда	2110	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
28	Арзон баҳоли инвентарларга айлантирилганда	1080	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
29.	Тайёрлов- транспорт харажатлари таннархга киритилганда	1010- 1090	1510	Расчет
30	Брак махсулотга киритилганда	2610	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
31	ИТИ ва ТКИ га сарфланганда	3190	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
32	Капитал қуйилмаларга киритилганда	0810	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
33	Таъминотчиларга қайтарилганда	6010, 4110	1010- 1090	Далолатнома, счет-фактура
34.	Бартер операцияларига киритилган материалларнинг таннархига	4010	1010- 1090	Шартнома, Счет-фактура
35.	Фавқулотдаги ходисалар оқибатларини бартараф этишга сарфланганда	9720	1010- 1090	Қарор, счет-фактура, далолатнома

2. Ҳисоб сиёсатида 1510 –счётни қўллаш қўзда тутилган ҳолда

Тартиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда: - Захираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига	1510	6010, 4110	Шартнома, счет-фактура

	- ҚҚС суммасига	4410	6010	
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1510	2310	Ҳисобот, накладной
3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1510	4220-4230	Бўнак ҳисоботи
4.	Тайёрловга доир хизматларга	1510	6990	Счет-фактура
5.	Тайёрлов бўйича билдирилган даъволарга	4860	1510	Даъво хати
6.	Тайёрлов натижасида кирим қилинган материалларга	1010-1090	1510	Қабул қилиш далолатномаси
7.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан паст бўлганда	1510	1610	Бухгалтерия маълумот-номаси
8.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан юқори бўлганда	1610	1510	Бухгалтерия маълумот-номаси

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг ҳисоби

Инвентарлар ва хўжалик буюмлари – бу қуйидаги шартларнинг бирига жавоб берувчи меҳнат воситалари ва предметлари (хўжалик инвентарлари):

а) хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган;

б) қиймати бир бирликга сотиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган.

Қийматидан қатъий назар инвентарлар ва хўжалик буюмларига қуйидагилар кирилади:

- Махсус инструментлар ва мосламалар;
- Махсус ва санитар қийимлар, махсус пайофзал;
- Ўриндиқ буюмлари (кўрна, ёстик, чойшаб ва шу кабилар.);
- Канцелярия буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошқалар);
- Ошхона инвентарлари (қошиқ, вилка, қозон, чойник-пиёлалар, пичок, скатерт ва шу кабилар);

• Вактинчалик мослама ва қурилмалар (титулсиз иншоатлар)- тахта йўлқалар, ювиниш хоналари, хожатхона ва шу каби қурилиш-монтаж ишлари тугагач уларнинг қийматига кирувчи мосламалар;

• Хизмат муддати бир йилгача бўлган смена жиҳозлари;

• Балиқ овлаш қуроллари (қармоқ, тўр ва шу кабилар).

Бухгалтерия ҳисобида инвентарлар ва хўжалик буюмлари турган жойига қараб акс эттирилади. Ушбу белгисига кўра улар икки гуруҳга бўлинади:

• Омбордаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари.

• Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари.

Мос равишда инвентарлар ва хўжалик буюмлари қуйидаги ҳисобларда ҳисобга олинади:

1. Омбордаги захиралар - 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётида.

2. Фойдаланишдаги қисми – 014 «Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари» балансдан ташқари счётида.

Қорхонага барча манбалардан келиб тушган инвентарлар ва хўжалик буюмлари (таъминотчилардан, таъсисчилардан, бепул берилган ва бошқалар) № 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётига кирим қилинади (Дебет 1080 Кредит 6010,4610,8530,4220,6990,1010-1090, 4110,9390,5010 ва бошқалар).

Омбордан фойдаланишга берилган инвентарлар ва хўжалик буюмлари бирданига харажатлар счётига ҳисобдан чиқарилади (Дебет 2010,0810,9410,9420 ва бошқа счётига Кредит 1080). Бир вақтнинг ўзида ишлатишга берилган инвентар ва хўжалик буюмлари 014- балансдан ташқари счётининг киримида акс эттирилади. Ушбу счётидан улар хизмат муддати тугаганда, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келганида махсус далолатномалар асосида чиқим қилинади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари» счётининг дебетида ва 1080- счётининг кредитида таннархи бўйича акс эттирилади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича уларнинг номлари, баҳолари ва бошқа белгиларига қараб юритилади.

IX-БОБ. ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИ СУБЪЕКТЛАРИДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ.

9.1. Пул маблағларининг моҳияти, аҳамияти, таснифи, тавсифи ва ҳисобининг вазифалари

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари молиявий хўжалик фаолиятини юритишда ва ривожлантиришда улар пул маблағларининг ўрни ҳамда аҳамияти бекиёсдир. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг пул маблағлари қанчалик кўп бўлса, у шунчалик ўз фаолиятини янада раванк топтириш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятига, яъни тўлов қобилиятига кўпроқ эга бўлади. Пул маблағлари эвазига корxonани модернизациялаш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, инновацияларни амалиётга жорий қилишга эришилади. Бундан ташқари, пул маблағларининг мавжудлиги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига инвестор сифатида ўз маблағларини бошқа корxonаларга йўналтиришга, шу йўл билан нафақат ўзлари қўшимча даромад олишларига, балки ўзга корxonаларни ҳам оёққа туришларига имкон беради. Аксинча, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг пул маблағлари қанчалик кам бўлса ёки улар бўлмаса, унда шунчалик ўз фаолиятини янада ривожлантириш, яъни янги техника ва технологияларни сотиб олиш, инновацияларни амалиётга жорий қилиш имконияти кам бўлади ёки бундай имконият умуман бўлмайди. Пул маблағлари бўлмаган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўзга корxonалар, иқтисодий ҳамжамиятлар олдида ҳам нуфузи сезиларли бўлмайди. Пул маблағларига мунтазам равишда эга бўлмаслик туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг давлат бюджети ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзларини ошиб боришига, пировардида, банкротга учрашига олиб келади. Демак, пул маблағларига эга бўлиш туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Пулнинг жамиятдаги ва унинг муҳим ячейкаларидан бири бўлган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларидаги ўрни у томонидан бажариладиган қиймат ўлчови, тўлов воситаси, муомала воситаси ва жамғариш воситаси каби функцияларида ёрқин намоён бўлади. Айнан шулар пул

маблағларини бухгалтерия ҳисобининг ўта муҳим объектларидан бири эканлигидан ҳам дарак беради.

Пул маблағлари деганда ўта тез ликвидлик характериға эга бўлган, барча муносабатларда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган, давлат томонидан қоғозли ва металл кўринишда маълум қийматларда чиқариладиган махсус товар тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобида пул маблағларини асосан иккита белгисига қараб, яъни кўриниши ва турган жойига қараб, гуруҳлаш ва акс эттириш кенг қўлланилади.

Кўринишиға кўра пул маблағлари иккита бўлинади:

• **Миллий валютадаги пул маблағлари** – бу давлат томонидан метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари. Пул белгилари бўлиб бизнинг мамлакатимизда сўм ва тийинлар ҳисобланади.

• **Чет эл мамлакатлари пул маблағлари** – бу ўзга давлатларнинг метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари. Уларға АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, ЕВРО ва бошқалар мамлакатларнинг миллий валюталари киради. Чет эл мамлакатлари валюталаридан ўзаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш давлатлараро келишувларға асосан амалга оширилади.

Турган жойига қараб пул маблағлари қуйидаги гуруҳларға бўлинади:

• **Кассадаги пул маблағлари** – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган, турли мақсадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва миқдорларға сақланадиган кассадаги пул маблағлари. Кассада сақланиши мумкин бўлган пул маблағларининг энг кичик миқдори касса лимити деб аталади ва у корхона томонидан аниқланиб, хизмат килувчи банк билан тузилган шартномада кўрсатилади.

• **Йўлдаги пул маблағлари** – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари кассасидан банкға турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар орқали, алоқа бўлими орқали, банкнинг кечки кассалари орқали, лекинда ойнинг охирида ҳали ҳисоб-китоб счётиға кирим қилинганлиги банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари. Пул маблағлари ҳисоб-китоб

счётига кирим қилинган кундан бошлаб улар йўлдаги пул маблағлари гуруҳидан чиқарилади.

• **Банкдаги пул маблағлари** – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг хизмат қилувчи банкларда очилган депозит счётларида сақланаётган пул маблағлари. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари битта асосий, ҳоҳлаганча махсус депозит счётларни хизмат қилувчи банкларда очиши ва уларда ўз пул маблағларини сақлаши мумкин. Чет эл валютаси билан муомаларга эга бўлган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хизмат қилувчи банкларда битта асосий ва ҳоҳлаганча махсус валюта счётларини, масалан, конвертация учун, консигнацион товарлар учун ва бошқа мақсадлар учун, очишлари мумкин.

Пул маблағлари ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• пул маблағлари бўйича қатъий моддий жавобгарликни ўрнатиш, моддий жавобгар шахслар фаолиятини, пул маблағлари бутлиги ва уларнинг талан-тарож бўлиб кетмаслигини доимий назорат қилиб бориш, буни учун уларни қонунда белгиланган муддатларда инвентаризациясини ўтказиш;

• пул маблағлари ҳаракати, нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш;

• пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш, улар бўйича белгиланган меъёрларга ва лимитларга амал қилиш устидан доимий назоратни олиб бориш;

• пул маблағларининг синтетик ва аналитик ҳисобини белгиланган тартибларда юритиш;

9.2. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида кассадаги пул маблағлари ҳисоби

Пул маблағлари ҳисобини тўғри юритишнинг муҳим шarti бўлиб туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида касса ҳўжалиги ва касса операцияларини белгиланган тартибларда ташкил этиш ҳисобланади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида касса ҳўжалигини ва касса операцияларини ташкил этиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-тартиб рақами билан рўйхатга олинган

«Юридик шахслар томонидан касса операцияларини ошириш Қоидалари»га ва уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан белгиланган. Ушбу Қоидаларга асосан ҳўжалик юритувчи субъектлар касса ҳўжалиги ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

- касса бўйича тайинланган моддий жавобгар шахс, яъни кассир;
- кассир билан моддий жавобгарлик тўғрисида тузилган шартнома;
- белгиланган тартибларга тўлиқ жавоб берадиган касса хонаси;
- касса бўйича белгиланган ҳужжатлар тизими.

Кассир ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ ўзи қабул қилиб олган барча бойликларнинг бутлиги ҳамда қасддан қилинган ҳаракатлари натижасида ва ўз мажбуриятларига пала-партиш ёки ноҳалол муносабатда бўлиш натижасида ташкилотга етказилган ҳар қандай зарар учун тўла моддий жавобгар бўлади.

Кассирни ишга тайинлаш тўғрисида буйруқ (қарор) чиқарилганидан кейин туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбари тилхат олган ҳолда кассирни «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини ошириш Қоидалари» билан таништириши шарт, шундан кейин кассир билан унинг тўлиқ шахсан моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Кассирнинг унга топширилган ишни бажаришни бошқа шахсларга ишониши ман этилади.

Битта кассирга эга бўлган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида, уни вақтинча алмаштириш зарурати юзага келганда, кассирнинг мажбуриятларини бажариш ташкилот раҳбарининг ёзма буйруғи (қарори)га кўра бошқа ходимга юкланади. Бундай пайтда ушбу ходим билан ҳам моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Кассир ишни тўсатдан қолдирган тақдирда (касал бўлиши ва ҳоказо ҳолларда) унинг ҳисобот берадиган бойликларини дарҳол бошқа кассир қайтадан санаб чиқади, унга ана шу бойликлар ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери ҳозирлигида ёки ташкилот раҳбари тайинланган шахслардан иборат бўлган комиссия ҳозирлигида топширилади. Бойликларни қайта санаш ва топшириш натижалари тўғрисида кўрсатилган шахслар имзо чеккан далолатнома тузилади.

Ходимлари сони чегараланган кичик туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида кассир лавозимини раҳбар ишловчи ходимлардан бирига

юклаши ёки уни ўз зиммасида қолдириши мумкин. Бош бухгалтер ва касса ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланувчи бошқа бухгалтерлар кассирлик мажбуриятларини бажариши мумкин эмас.

Ҳар бир туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун кассага эга бўлиши керак. Нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланиб, махсус жиҳозланган ҳамда ажратиб қўйилган хона **касса** деб номланади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг раҳбарлари кассани жиҳозлашлари ва касса хонасида, шунингдек, банк муассасасидан етказиб бериш ҳамда банк муассасасига топшириш пайтида пуллар сақланишини таъминлашлари шарт ва уларнинг айби билан сақлаш ҳамда ташиш вақтида пул маблағларининг сақланишини таъминлайдиган зарур шарт-шароитлар яратилмаган ҳолларда тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Касса хонаси ажратиб қўйилиши, кассага кирадиган эшик эса операциялар бажариладиган пайтда - ички томондан беркитиб қўйилиши керак. Унинг ишига дахлдор бўлмаган шахсларнинг хонага кириши ман этилади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг касса хоналари техник жиҳатдан маҳкамлаш ва уларни кўриқлаш - ёнғиндан огоҳ этиш воситалари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Барча нақд пуллар ва қимматли қоғозлар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари кассаларида, одатда, ёнмайдиغان металл жавонларда сақланади, улар кассадаги иш тугагач қалит билан ёпилади ва кассирнинг сургучли муҳри билан сургучланади. Металл жавонлар қалитлари ва муҳрлар кассирларда сақланади, кассирларнинг уларни шартланган жойларда қолдиришлари, бегона шахсларга беришлари ёки ҳисобга олинмаган дубликатларни тайёрлашлари ман қилинади. Металл жавонлар жойлашган хоналар эшигини очиқ қолдириш, шунингдек, ана шу жавонлар эшигида қалитларни қолдириш қатъиян ман этилади.

Кассирлар томонидан сургучланган қоғоз халталар, қутичалар ва ҳоказолардаги ҳисобга олинган қалит дубликатлари туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг раҳбарларида сақланади. Ҳар чоракда камида бир маротаба уларни комиссия текширади. Улар йўқолгани аниқланган тақдирда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбари воқеа ҳақида ички ишлар

органларига хабар беради ва металл жавонни дарҳол алмаштириш учун чоралар кўради.

Кассада мазкур туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига тегишли бўлмаган нақд пул ва бошқа бойликларни сақлаш ман қилинади.

Касса хонаси ва металл жавонларни очишдан олдин кассир қулфлар, эшиклар, дераза панжалари ва муҳрлар бутлигини кўздан кечириши, кўриқлаш сигнализацияси бузилмаганига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Муҳр (сурғуч) шикастланган ёки олиб ташланган, қулфлар, эшик ёки панжаларлар синдирилган тақдирда кассир бу ҳақда дарҳол ташкилот раҳбарига маълум қилиши шарт, раҳбар воқеа ҳақида ички ишлар органларига хабар қилади ва милиция ходимлари келгунига қадар кассани кўриқлаш чораларини кўради.

Ушбу ҳолда раҳбар, бош бухгалтер ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, шунингдек, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари кассири ички ишлар органлари руҳсатини олгандан сўнг кассада сақланаётган пул маблағлари ва бошқа бойликларнинг бор-йўқлигини текширадилар. Ушбу текширув касса операциялари бошланишига қадар амалга оширилиши керак. Текширув натижалари тўғрисида 4 нусхада далолатнома тузилади, уни текширувда иштирок этаётган барча шахслар имзолайдилар. Далолатноманинг биринчи нусхаси ички ишлар органларига топширилади, иккинчи нусхаси, агар сўғурта компанияси ва у билан шартнома тузилган бўлса унга, учинчи нусхаси юқори ташкилотга (агар у бор бўлса) юборилади, тўртинчи нусхаси эса туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида қолади.

Касса бўйича қатъий белгиланган ҳужжатлар тизими мавжуд. Бу тизимга касса китоби, қиммат касса ордери, қиммат касса ордери, қиммат касса ордерларини қайд этиш журнали киради.

Касса операциялари деганда нақд пуллар қиммати ва қиммига оид касса операциялари тушунилади.

Қиммат касса операциялари – бу нақд пулларни кассага турли манбалардан қилиб тушуши.

Қиммат касса операциялари – бу нақд пулларни кассадан турли мақсадларда қиммат қилиниши, масалан иш ҳақи, нафақа, сафар харажатлари ва бошқа мақсадларда сарфланиши ва берилиши, шунингдек қилиб тушган савдо тушуми ва бошқа мақсадларда олинган пулларнинг банкка топширилиши.

Хўжалик юритувчи субъектлар кассасида сақланадиган нақд пуллар миқдори чекланади. Кассада сақланиши мумкин бўлган нақд пулларнинг бундай чекланган миқдори **касса лимити** деб аталади. Шунингдек, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари кассага тушган нақд пулларни белгиланган меъёрлар доирасида ишлатишлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари ва тушумни ишлатиш меъёрларини банк муассасалари туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбарлари билан келишган ҳолда белгилайди.

Кассага пул маблағлари турли манбалардан келиб тушади, масалан банкдан, кўрсатилган хизматлардан, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ходимларидан ва бошқа манбалардан. Барча ҳолларда пул маблағлари кассага «Кирим касса ордери» ҳужжати асосида қабул қилинади. Ушбу барча корхоналар каби туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари учун ҳам ягона шакл ва мазмунга эга бўлган ҳужжат бухгалтерияда тузилади, унга кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали бўйича тартиб рақами берилади. Кирим касса ордери чап ва ўнг томонларга бўлинади. Унинг чап томони кирим касса ордери деб аталиб, унда пул маблағларининг кимдан, қачон, нима мақсадда ва қанча миқдорда олинганлиги кўрсатилади. Ҳужжатнинг ўнг томони кирим касса ордерига квитанция деб аталади ва унда ҳам чап томондаги ёзувлар бир хил мазмунда акс эттирилади. Кирим касса ордери бош ҳисобчи ва пулни қабул қилиб олган кассир томонидан имзоланади. Ҳужжатнинг чап томони кассирда қолади, ўнг томони эса пулни топширган шахсга берилади.

Кассадан пул маблағлари турли мақсадларда чиқим қилинади, масалан иш ҳақи, нафақа, сафар харажатлари ва бошқа мақсадларда, шунингдек келиб тушган савдо тушуми ва бошқа мақсадларда олинган пуллар банкдаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисоб-китоб счётига топширилади. Барча ҳолларда пул маблағларининг кассир бўйнидан соқит этилиши «Чиқим касса ордери» ҳужжати билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат ҳам ҳамма корхоналар каби туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари учун ҳам ягона шакл ва мазмунга эга. Унда қачон, кимга, нима учун, қанча миқдорда пул берилганлиги, олган шахснинг ҳақиқатда пулни қандай ҳужжат асосида олганлиги тўғрисида маълумотлар ёзилади. Чиқим касса ордери туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбари, бош ҳисобчи, кассир ва пулни олган

шахс томонидан имзоланади. Ҳужжатлар сонини кўпайтириб юбормаслик учун кассадан иш ҳақи, мукофат пуллари, нафақалар, сафар харажатлари ва бошқалар олдин кассадан қайдномалар асосида берилиши, шундан сўнг уларнинг умумий суммасига битта чиқим касса ордери тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда чиқим касса ордерларида ушбу қайдномаларнинг тартиб рақамлари, қайдномаларда эса–чиқим касса ордерининг тартиб рақами кўрсатилади. Барча чиқим касса ордерларига кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журнали бўйича тартиб рақамлари берилади.

Кирим ва чиқим касса ордерларида тузатишлар, бўяб ёзишлар, битта тартиб рақамини такрорланиши мумкин эмас.

Кирим ва чиқим касса ордерлари асосида кассир «Касса китоби»ни юритади. Ушбу китоб тикилган, номерланган, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ва туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Китобнинг ҳар бир варағи икки қисмдан иборат бўлиб, ўнг қисми чап қисмининг тагига букилади, улар ўртасига нусха ўтказувчи қоғоз қўйилади. Кассир китобнинг чап қисмига давр бошига кассадаги пул маблағларининг қолдиғини, кейинги қатордан бошлаб олдин кирим касса ордерлари бўйича қабул қилинган пул маблағларини, кейин эса чиқим касса ордерлари бўйича пул маблағларини чиқимини алоҳида устунчаларда кўрсатади. Барча кирим ва чиқим касса ордерлари ёзилгач, кирим ва чиқим суммалари жамланади. Китобнинг сўнгида кассир давр охирига кассада қолган пул маблағларининг қолдиғини, шу жумладан тарқатилмай қолingan иш ҳақи суммасини, ёзади. Касса китобининг ўнг томони йиртиб олинади ва ҳисобот сифатида барча кирим ва чиқим ҳужжатлари билан бирга имзоланиб бухгалтерияга топширилади. Кассирнинг ҳисоботи бухгалтер томонидан текшириб қабул қилинади, ҳисоботнинг охириги қисмида унга нечта кирим ва чиқим ҳужжатлари киритилганлиги ёзилади ва имзоланади. Касса китобида ҳам бошқа касса ҳужжатлари каби бўяб ёзишлар, тузатишлар мумкин эмас. Бузилган касса китобининг варақлари қайта ёзилади, бузилган варақлар китобда сақланиши керак.

Бухгалтерияга топширилган касса ҳисоботи ва унга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар кассадаги пул маблағларининг синтетик ва аналитик

ҳисоби регистрларини (1-сон журнал-ордер ва 1-сон қайдномани) юритишга асос бўлади.

Чет эл валютаси бўйича касса операциялари юз берган ҳолларда, уларга доир муомалалар алоҳида касса китобида қайд этилади.

19-сон БҲМС “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”га мувофиқ республикамыздаги барча хўжалик юритувчи субъектлар кассасидаги пул маблағлари ойда бир марта инвентарланади.

Кассада инвентаризация қилиш учун туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбарининг буйруғи билан комиссия тайинланади. Ушбу комиссия кассада бўлган барча пуллар ва бошқа пуллик ҳужжатларни варақма-варақ қайта санаб чиқади. Инвентаризация натижалари қуйида келтирилган махсус нақд пул маблағларини инвентарлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатноманинг шакл ва маҳмуни қуйида келтирилган.

Инв-15 шакл

**НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Ташкилот: _____
Сана: «__» _____ 200__ йил
Вақти: соат _____

ТИЛХАТ

Инвентаризация ўтказиш олдидан тузилган ҳисоботга барча кирим касса орддерлари ва чиқим касса орддерлари киритилган, улар бухгалтерияга топширилган. Инвентаризацияни бошлашга эътирозим йўқ.

Кассир: _____
имзо _____ ф.и.ш. _____

Инвентаризацияда қуйидагилар аниқланди:

1. Нақд пуллар: _____ сўмлик _____ дона, жами _____ сўм;
2. _____ : _____ сўмлик _____ дона, жами _____ сўм;
3. _____ : _____ сўмлик _____ дона, жами _____ сўм;
4. _____ : _____ сўмлик _____ дона, жами _____ сўм;

ЖАМИ: _____ сўз билан _____

Ушбу далолатномада кўрсатилган нақд пул маблағлари менинг жавобгарлигимда.

Кассир: _____
имзо _____ ф.и.ш. _____

Ҳисобот маълумотлари бўйича _____ сўм

Инвентаризация натижалари:

Камомад _____ сўм;

сўз билан _____

Ортиқча _____ сўм.

сўз билан _____

Охири касса орддерларининг тартиб рақамлари:

Кирим касса орддери № _____
Чиқим касса орддери № _____

Комиссия аъзолари:

_____ лавозими	_____ ф.и.ш.	_____ имзо
_____ лавозими	_____ ф.и.ш.	_____ имзо
_____ лавозими	_____ ф.и.ш.	_____ имзо

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбарининг қарори:

Раҳбар:

_____ имзо _____ ф.и.ш.

Инвентаризация ўтказишда ҳеч қандай ҳужжатлар ёки тилхатлар кассадаги нақд пул қолдигига киритилмайди. Кассирнинг кассада мазкур хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган пул маблағлари ва бошқа бойликлар борлиги тўғрисидаги баёноتلари эътиборга олинмайди. Инвентаризация вақтида кассада камомад ёки ортиқча бойликлар аниқланганда далолатномада камомад ёхуд ортиқча сумма ва уларнинг пайдо бўлиш ҳолатлари кўрсатилади. Аниқланган камомадлар кассир бўйнига қўйилади, ортиқчалар эса туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромадига олинади.

Инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1	Касса инвентаризациясида аниқланган ортиқча пулларга	5010	9390	Кирим касса орддери
2	Касса инвентаризациясида аниқланган камомад пулларга	4730	5010	Далолатнома
3	Камомад пулларни нақд ундуриб олинишига	5010	4730	Кирим касса орддери
4	Камомад пулларни кассир иш ҳақидан ушлаб қоллинишига	6710	4730	Ҳисоб-тўлов қайдномаси

Кассадаги пул маблағларининг синтетик ҳисобини юритиш учун 21- сон БҲМС да 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020 «Чег эл валютасидаги пул маблағлари» счётлар кўзда тутилган. Ушбу актив счётларнинг дебет тарафида пул маблағларининг қолдиқлари ва давр мабойнидаги киримлари, кредит тарафида эса уларнинг чиқимлари акс эттирилади. Ушбу счётлар бўйича асосий бухгалтерия ёзувлари қуйидагилардан иборат бўлади.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1. Пул маблағларининг кирими				
1.1.	Банкдаги ҳисоб-китоб счётидан	5010	5110	Кирим касса ордери
1.2.	Валюта счётидан	5020	5210	Кирим касса ордери
1.3.	Таъсичилардан кирим қилинган таъсис бадаллари суммасига	5010	4610	Кирим касса ордери
1.4.	Ҳисобдор шахсларга берилган бўнақларнинг қайтарилган суммасига	5010	4220- 4230	Кирим касса ордери
1.5.	Банкдан кредит нақд олинганда	5010	6810	Кирим касса ордери
1.6.	Қарз нақд пул билан олинганда	5010	6820	Кирим касса ордери
1.7.	Товар, маҳсулот, иш ва хизматларни нақд пулга сотишдан олинган соф тушум суммасига	5010	9010- 9030	Кирим касса ордери
1.8.	Товар, маҳсулот, иш ва хизматларни нақд пулга сотишдан олинган ҚҚС, акциз солиғи ва автомобиль ёқилғилари истеъмоли солиғи суммаларига	5010	6410	Кирим касса ордери
1.9.	Беғараз молиявий ёрдам сифатида кирим қилинган пул маблағлари суммасига	5010	9380	Кирим касса ордери
1.10.	Мақсадли тушумлар сифатида кирим қилинган пул маблағлари	5010	8810- 8890	Кирим касса ордери
1.11.	Ходимлар томонидан уларга кредитга сотилган товарлар қийматини нақд пул билан тўланган суммасига	5010	4710	Кирим касса ордери
1.12.	Ходимлар томонидан уларга	5010	4720	Кирим касса

.	берилган кредитларни нақд пул билан қайтарилган суммасига			ордери
1.13.	Ходимлар томонидан улар етказган зарарларни нақд пул билан қопланган суммасига	5010	4730	Кирим касса ордери
1.14.	Кассага турли дебиторлик қарзларни нақд пул билан олинишига	5010	4010, 4810- 4890	Кирим касса ордери
2. Пул маблағларининг чиқими				
1.1.	Кассадан иш ҳақи бўйича берилган бўнақ суммасига	4210	5010	Чиқим касса ордери
1.2.	Кассадан берилган иш ҳақи суммасига	6710 - 6720	5010	Чиқим касса ордери
1.3.	Кассадан сафар харажатлари учун ходимларга берилган бўнақ суммасига	4220	5010	Чиқим касса ордери
1.4.	Кассадан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хариди учун жавобгар шахсларга берилган бўнақ суммасига	4230	5010	Чиқим касса ордери
1.5.	Кассадан ходимларга берилган қарз суммасига	4720	5010	Чиқим касса ордери
1.6.	Ходимларга сафар харажатлари бўйича қарзларнинг нақд берилган суммасига	6970	5010	Чиқим касса ордери
1.7.	Кассадан турли кредиторлик қарзларни нақд узилишига	6910- 6990	5010	Чиқим касса ордери
1.8.	Харид қилинган товар-моддий бойликлар учун нақд тўланган суммага	1010-1090, 1110, 2910-2990	5010	Чиқим касса ордери
1.9.	Телефон-телеграф, почта хизматлари учун нақд тўланган суммага	9410- 9430	5010	Чиқим касса ордери
1.10.	Кассадан нақд пулларни банкдаги асосий счётга топширилишига	5110	5010	Чиқим касса ордери
1.11.	Кассадан нақд пулларни инкассаторларга топширилишига	5710	5010	Чиқим касса ордери

Хорижий валютадаги касса операциялари ҳисоби 5020 «Хорижий валютадаги пул маблағлари» счётида юритилади. Ушбу счётни юритиш тартиби 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётни юритиш тартибига тўлиғича ўхшайди.

9.3. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бўш турган пул маблағлари банкда очилган ҳисоб-китоб счётида сақланади. Ҳисоб-китоб счёти туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ташкил этилган вақтда танлаб олинган банк муассасаларидан бирида очилади. Ҳисоб-китоб счётини очиш учун банк муассасига ариза билан чиқилади ва унга куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- маҳаллий ҳокимиятнинг туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида қарорининг нусхаси;
- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг натариусдан тасдиқланган устави;
- натариусдан тасдиқланган таъсис шартномаси;
- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари бўйича биринчи ва иккинчи шахсларнинг имзоларини намуналари карточкаси.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ва банк ўртасида хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилади, унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, хизматлар учун тўланадиган тўловнинг миқдори, сақланадиган пул маблағлари учун банк тўлайдиган фоизлар ва бошқа жиҳатлар акс эттирилади. Шартномага мувофиқ банкда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига 20 та рақамдан иборат бўлган шахсий счёт очилади, ушбу счёт туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг банкдаги ҳисоб-китоб счётининг рақамини билдиради. Барча банк операцияларига доир ҳужжатларда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўзининг ушбу ҳисоб-китоб счёти рақамини, банкнинг номи ва кодини кўрсатиши шарт бўлади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари нақд ва нақдсиз йўллар билан келиб тушади. Нақд пуллар ҳисоб-китоб счётига туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўзи томонидан топширилади. Бунинг учун кассир ёки пул топшириш ваколати берилган бошқа шахс банкда махсус “Нақд пул топширишга эълон” ҳужжатини тўлдиради. Ушбу ҳужжат уч қисмдан иборат: биринчи қисми нақд пул топширишга эълон деб аталади, иккинчи қисми қвитанция ва учинчи қисми ордер деб аталади. Ҳужжатнинг барча қисмлари бир хил мазмундаги ёзувларга эга бўлади, яъни уларда ҳисоб-китоб счётининг рақами, нима учун ва қанча пул

топширилаётганлиги, шунингдек пулни топширган шахснинг фамилияси, исми-шарифи ва имзоси акс эттирилади. Пул банк кассасига топширилгач, топширувчи шахснинг кўлига имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қвитанция берилади, эълон ва ордер банкда қолади. Охириги ҳужжат ҳам банк кўчирмаси билан илова сифатида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари га қайтиб келади.

Нақдсиз йўл билан пул маблағлари туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисоб-китоб счётига бошқа корхоналардан, давлат органларидан, банкнинг ўзидан келиб тушуши мумкин. Бундай пул маблағлари банкда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисоб-китоб счётига тўлов топшириқномалари, электрон авизо, мемориал-ордерлар асосида киритилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари нақд ва нақдсиз йўллар билан чиқим қилинади. Пул маблағларини нақд олиш учун туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари банк томонидан шартномага мувофиқ чек дафтарчаси билан таъминланади. Ушбу дафтарчанинг ҳар бир варағи икки қисмдан иборат бўлиб, чап қисми корешок, ўнг қисми эса чек деб аталади. Дафтарчага киритилган чекларнинг тартиб рақамлари босмаҳона усулида олдиндан ёзилган бўлади. Нақд пуллар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига чек асосида берилади. Чекнинг юза қисмида пул олиш ваколати берилган шахснинг фамилияси, исми-шарифи, олинishi керак бўлган сумманинг миқдори кўрсатилади, чек раҳбар ва бош ҳисобчи томонидан имзоланади ва туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари муҳри билан тасдиқланади. Чекнинг орқа тарафида олинаётган пул маблағларининг миқдори мақсадлари бўйича акс эттирилади, шунингдек пул оловчи шахснинг имзоси ва паспорт бўйича маълумотлари, унинг имзосини тасдиқловчи раҳбар ва бош ҳисобчининг имзолари кўрсатилади. Чек банкда, унинг корешоги чек дафтарчасида қолади. Чек дафтарчасида бўяб ва тузатиб ёзишлар мумкин эмас, уларга қўйиладиган имзолар ҳам банкга берилган имзо намуналаридан фарқ қилмаслиги керак. Бу талабларга жавоб бермайдиган чеклар банк томонидан қабул қилинмайди ва бузилган ҳисобланади, уларни қайтадан расмийлаштириш, бузилган чекларни дафтарчага қайтадан элимлаб қўйиш лозим. Тўлик фойдаланилган чек дафтарчалари банкга топширилади ва унинг ўрнига янги чек дафтарчаси сотиб олинади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари нақдсиз йўл билан бошқа корхоналарга, давлат органларига ўтказиб бериледи, шунингдек банкнинг ўзи орқали шартнома шартларига кўра кўрсатилган хизматлар учун ушлаб қолинади. Пул маблағларини нақдсиз чиқим қилишга асос бўлиб тўлов топшириқномалари, инкассо топшириқномалари, банкнинг мемориал ордерлари ҳисобланади.

Тўлов топшириқномаси – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан банкга маълум бир суммани бошқа юридик шахсларга олинган активлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг давлат органлари олдидаги мажбуриятларини тўлаш учун берган ёзма гувоҳномаси. Барча туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари учун ягона шакл ва мазмунга эга бўлган ушбу ҳужжатда унинг тартиб рақами, тузилган санаси, тўловчи ва олувчи туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг номлари, банк реквизитлари, солиқ тўловчи сифатидаги реквизитлари, ўтказиладиган сумманинг миқдори, ўтказиш мақсади ва унга асос бўлувчи ҳужжатнинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Тўлов топшириқномаси туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланади ва туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари муҳри билан тасдиқланади.

Инкассо топшириқномаси – бу банк муассасасига солиқ идораси, йўл фонди ва бошқа мажбурий тўловларни йиғувчи органлар томонидан туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг рухсатсиз унинг ҳисоб-китоб счётидан ўтказиб бериш учун келиб тушган ёзма топшириқнома.

Мемориал –ордерлар – бу банк муассасанинг кўрсатган хизматлари учун туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисоб-китоб счётидан ўндириб олган суммаларини тасдиқловчи ҳужжат.

Банк муассасаси барча кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида шартномада кўрсатилган муддатларда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига ҳисоб-китоб счётидан маълум бир давр учун кўчирма берадилар. Кўчирмада давр боши ва ихирига ҳисоб –китоб счётидаги пул маблағларининг қолдиғи, шу даврдаги барча кирим ва чиқимларнинг суммалари ҳужжатлар асосида кўрсатилади. Банк кўчирмасига чекдан ташқари барча кирим ва чиқимга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади. Банк кўчирмалари туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари бухгалтериясида ҳисоб-китоб счётидаги пул

маблағларининг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларини юритишга асос бўлади.

Ҳисоб китоб счётидаги пул маблағларининг синтетик ҳисоби 5110 « Ҳисоб-китоб счёти»да бритади. Ушбу актив счётининг дебет тарафида пул маблағларининг қолдиғи ва кўпайиши, кредит тарафида эса камайиши акс эттирилади. Айрим ҳолларда банк тузилган шартномага мувофиқ миқдорнинг илтимосига кўра ҳисоб –китоб счётидан унда мавжуд бўлган суммадан кўп бўлган суммани чиқим қилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳисоб- китоб счётининг қолдиғи вақтинча кредитда бўлиб қолади ва у туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари нинг банк олдидаги кредиторлик қарзини ифодалайди. Ушбу кредиторлик қарзи **овердрафт** деб аталади.

Ҳисоб –китоб счёти бўйича асосий хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1. Пул маблағларининг кирими				
1	Корхона кассасидан топширилган нақд пулларга	5110	5010	Нақд пул топширишга эълон, банк кўчирмаси, чиқим касса ордери
2	Валюта счётидан	5110	5210	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
3	Таъсичилардан келиб тушган таъсис бадаллари суммасига	5110	4610	Нақд пул топширишга эълон, тўлов топшириқно-маси, банк кўчирмаси
4	Харидорлардан келиб тушган дебиторлик қарзлар суммасига	5110	4010-4020, 4110-4120	Нақд пул топширишга эълон, тўлов топшириқно-маси, банк кўчирмаси
5	Харидорлардан келиб тушган бўнақ суммасига	5110	6310	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
6	Банкдан кредит олинганда	5110	6810	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси
7	Бошқа корхоналардан қарзга пул маблағлари келиб тушганда	5110	6820	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
8	Таъминотчилардан уларга ўтказилган суммалар қайта келиб тушганда	5110	6010	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси

9	Давлат бюджетидан кўп ўтказилган солиқ ва тўлов суммаларининг қайтарилишига	5110	6410, 6510-6530	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, банк кўчирмаси
10	Беғараз молиявий ёрдам сифатида кирим қилинган пул маблағлари суммасига	5110	9380	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
11	Мақсадли тушумлар сифатида кирим қилинган пул маблағлари	5110	8810-8890	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
12	Бошқа депозит счётлардан келиб тушган пул маблағларига	5110	5510-5530	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
13	Бошқа дебиторлардан пул маблағлари келиб тушганда	5110	4810-4890	Кирим касса ордери
14	Йўлдаги пулларнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушишига	5110	5710	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси
15	Молиявий инвестицияларнинг қайтарилишига	5110	0610-0690, 5810	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
2. Пул маблағларининг чиқими				
1	Корхонага берилган нақд пулларга	5010	5110	Чек, банк кўчирмаси
2	Таъминотчиларга ўтказилган бўнақ суммасига	4310	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
3	Таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзнинг ўтказилган суммасига	6010	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
4	Хариддорларга улардан олинган бўнақларнинг қайтарилган суммасига	6310	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
5	Бюджетга ўтказилган бўнақ тўловларига	4410, 4510	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
6	Бюджетга ўтказилган қарздорлик суммаларига	6410, 6510-6530	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқ-номаси, банк кўчирмаси
7	Турли кредиторлик қарзларнинг узилишига	6910-6990	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқ-номаси, банк кўчирмаси
8	Олинган кредитларнинг	6810	5110	Тўлов топшириқномаси,

	қайтарилишига			мемориал-ордер, банк кўчирмаси
9	Олинган қарзларнинг қайтарилишига	6820	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, банк кўчирмаси
10	Ҳисобланган дивидендларнинг ўтказилишига	6610	5110	Тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси, банк кўчирмаси
11	Бошқа депозит счётларга пул маблағларининг ўтказилишига	5510-5530	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
12	Қисқа муддатли қимматли қоғозлар сотиб олинганда	5810	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
13	Қисқа муддатли қайтариладиган молиявий ёрдам (кредит ёки қарз) суммасига	5820	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
14	Банкдаги жамғарма депозит счётларга қўйилган пул маблағларига	5830	5110	Тўлов топшириқномаси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
15	Қилинган узоқ муддатли молиявий инвестицияларга	0610-0690	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
16	Ўтказилган хайрия суммасига	9430	5110	Тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси
17	Банк хизматлари учун тўловнинг ундириб қолинишига	9430	5110	Мемориал-ордер, банк кўчирмаси

9.4. Валюта ва бошқа счётлардаги пул маблағларининг ҳисоби

Валюта счётини очишга асос бўлиб ташки иқтисодий фаолиятни юритишга берилган рухсатнома (лицензия), корхона устави, маҳаллий ҳокимиятдан давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида қарор ва бошқа тегишли ҳужжатлар ҳисобланади.

Валюта счётидаги пул маблағларининг ҳисоби 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» да юритилади. Ушбу валюта счётларини юритиш ҳисоб-китоб счётини юритиш тартибига тўлиқ

Ўхшайди. Фақат фарқ шундаки, валюта счётлари икки бирликда, яъни чет эл валютаси ва миллий валюталарда юритилади. Банк валюта счётларидаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини фақат чет эл валютасида ҳисобини юритади ва чет эл валютасида ифодаланган валюта счётларидан кўчирмани беради. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари эса валюта счётларидаги пул маблағларини ҳам чет эл валюталарида, ҳам уларни Марказий банк эълон қилган расмий курслар бўйича миллий валютага ўтказилган ҳолда ҳисобга олади. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида чет эл валюталари фақат миллий валюта ҳисобида акс эттирилади.

Чет эл валюталарининг келиб тушиши ва чиқими операциялар юз берган санадаги расмий курслар бўйича ҳисобга олинади. Келиб тушган санадан бошлаб мавжуд чет эл валюталари бўйича расмий курсларни ўзгариши санасига курслар ўртасидаги фарқлар вужудга келади. Агар курслар ўсиш томонга ўзгарган бўлса мавжуд чет валюталари бўйича туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ижобий курс фарқларидан даромадга эга бўлади. Агар курс пасайиш томонга ўзгарган бўлса мавжуд чет валюталари бўйича туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари салбий курс фарқларидан зарар кўрган бўлади.

Валюта счётлари бўйича асосий хўжалик операцияларига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади.

Т/р	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
Пул маблағларининг тушуми:				
1	корхона кассасидан тушганда		5010	Тўлов топширикном аси, мемориал-ордер, банк кўчирмаси
2	харидорлардан аванс тушганда		6310	
3	харидорлардан қарз келиб тушса		4010	
4	таъсисчилардан олинганда		4610	
5	таъминотчилардан қайтарилганда	5210-	6010	
6	кредит олинганда	5220	6810	
7	қарз олинганда		6820	
8	қайтарилмайдиган молиявий ёрдам келиб тушганда		9380	
9	мақсадли маблағлар келиб		8810-	

	тушганда		8890	
10	инкассатор суммасида ортикча суммалар аниқланганда		9390	
11	ижобий курс фарқларига		9540	
Пул маблағларини чиқими:				
1	корхона кассасига келиб тушганда	5020	5210-5220	Банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар
2	кредит қайтарилганда	6810		
3	қарз қайтарилганда	6820		
4	таъминотчига аванс ўтказилганда	4310-4330		
5	таъминотчига қарз ўтказилса	6010		
6	харидорга аванс қайтарилса	6310		
7	таъсис бадали сифатида киритилса	0600		
8	хайрия сифатида ўтказилса	9430		
9	валюта сотилганда	9220		
10	салбий курслар фарқига	9630		

Валюта счётларидаги пул маблағларининг аналитик ҳисоби банк муассасаларида очилган счётлар бўйича юритилади.

9.5. Банкдаги бошқа счётлардаги пул маблағлари, пулли эквивалентлар ва йўлдаги пул маблағларининг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг пул маблағлари касса, ҳисоб-китоб ва валюта счётларидан ташқари яна қуйидаги бошқа актив счётларда ҳам ҳисобга олинади.

«Аккредитивлар» - бу счётда банк муассасаларида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг у ёки бу миқдори билан ҳисоб-китобларни олиб бориш учун очилган счётларидаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Аккредитив счётлар қисқа муддатларга туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари нинг маблағлари ёки банк кредитлари ҳисобидан очилиши мумкин, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 5510 «Аккредитивлар»

Кредит 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Қисқа муддатли банк кредитлари».

Аккредитив счётлар улардаги маблағларнинг ишлатилиши билан, шунингдек ишлатилмай қолган маблағларни ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга қайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар», 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Қисқа муддатли банк кредитлари» .

Кредит 5510 «Аккредитивлар»

«Чек дафтарчалари» - бу счётда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг у ёки бу миқозлари билан ҳисоб-китобларни чек дафтарчалари асосида олиб бориш учун очилган махсус депонент счётларидаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати акс этирилади. Ушбу счётлар ҳам аккредитив счётлар каби қисқа муддатларга туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг маблағлари ёки банк кредитлари ҳисобидан очилиши мумкин, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 5520 «Чек дафтарчалари»

Кредит 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Қисқа муддатли банк кредитлари».

Чек дафтарчалари счётлари улардаги маблағларнинг ишлатилиши билан, шунингдек ишлатилмай қолган маблағларни ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга қайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар», 6990 «Бошқа мажбуриятлар», 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Қисқа муддатли банк кредитлари».

Кредит 5510 «Чек дафтарчалари»

Банк пластик картаси (БПК) - бу банк томонидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк счётидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга

ошириш, ундан нақд пул маблағларини ва банк кредитини олиш имконини берувчи банк пластик картаси.

БПКлардан жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул берадиган шохобчалар ва банккоматлардан нақд пул маблағларини олишда фойдаланилади.

Халқаро БПКлар ваколатли банклар томонидан муомалага чиқарилади ва уларга хизмат кўрсатилади.

БПКларга хизмат кўрсатиш бўйича тузиладиган шартнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт: тарафларнинг номи; шартнома предмети; тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; тарафларнинг жавобгарлиги; ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари; шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари; низоларни ҳал қилиш тартиби; тарафларнинг юридик манзили.

БПКлар персонализация қилинган тақдирда, унда қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши шарт: идентификацияловчи маълумотлар (БПКнинг серияси ва тартиб рақами); банк-эмитентнинг уникал коди (хос рақами); ҳисобварақнинг тартиб рақами ва БПК сақловчисининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкilotнинг номи); БПКнинг амал қилиш муддати. БПКга операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини олиб бориш учун бошқа қўшимча маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

БПКлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китоблар қоғозда (слип, электрон терминал квитанцияси) ёки электрон шаклда (банккомат ёки терминалнинг электрон ҳужжати) ёки бошқа маълумотномалар билан тасдиқланади. Бунда мазкур маълумотномалар ҳисоб-китобларни амалга оширишда иштирок этувчи томонларга етарли нусхаларда шакллантирилади. Маълумотномалар БПК орқали амалга оширилган операциялар тўғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига олиши керак.

БПКлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 5530 «Банк пластик картаси» счётида юритилади. Ушбу счётнинг дебетида маблағларнинг БПКларга ўтказилган суммаси, кредитида эса унинг ишлатилганлиги акс этирилади.

5530 «Банк пластик картаси» счётида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

БПК счётининг очилишига (манбалари бўйича):

Дебет 5530 «Банк пластик картаси»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари».

БПК счётидаги пул маблағларининг ишлатилишига

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар», 6990 «Бошқа мажбуриятлар», 1010-1090 «Материаллар», 2910 «Омбордаги товарлар» ва бошқалар

Кредит 5530 «Банк пластик картаси»

Банк пластик картаси счётидаги маблағларнинг ишлатилмай қолган қисми ушбу маблағларнинг ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга қайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 5110 «Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари».

Кредит 5530 «Банк пластик картаси».

туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари банкларда юқоридагилардан ташқари бошқа махсус депозит счётларни ҳам очишлари мумкин, масалан конвертация счёти, капитал қурилиш счёти, солиқ тўловлари счётлари ва бошқа шу каби счётларни. Ушбу махсус депозит счётлардаги пул маблағларининг ҳисоби ҳам 5530 «Бошқа махсус счётлар» тизимида очиладиган алоҳида счётларда юритилади.

9.6. Пулли эквивалентлар ва йўлдаги пул маблағлари ҳисоби.

Пулли эквивалентлар – бу маълум қийматга эга бўлган ва унга тенглаштирилган пуллик ҳужжатлардир. Уларга қуйидагилар киради

Алоқа бўлими маркалари – бу “Ўзбекистон Почтаси” ОАЖ томонидан маълум номинал қийматларда сотиш учун чиқариладиган алоқа маркалари. Ушбу алоқа маркалари хат-хабарларни жўнатишда конвертларга элимланади ва уларга доир алоқа бўлимлари хизматлари ҳақини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Йўл чипталари - бу шаҳар транспорти (автобус, троллейбус, трамвай, метро) хизматлари ҳақини маълум давр учун тўланганлигини тасдиқловчи

ҳужжат. Ушбу чипталар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ходимларига қайдномалар орқали тарқатилади.

Овқатланиш учун пуллик талонлар - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўз ходимларини овқатлантириш учун маълум қийматда чиқарилган ва уларга қайдномалар орқали тарқатиладиган пулли ҳужжат.

Санатория йўлланмалари - бу турли санаториялар ва курортларнинг дам олиш ва даволаниш учун босма усулда чиқарилган пулли ҳужжати. Улар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан турли санатория ва курортлар бошқармалари ёки касаба уюшмаларидан солиб олинади ҳамда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ходимларига қайдномалар орқали тарқатилади.

Бошқа пулли эквивалентлар – бу туристик йўлланмалар, ваучерлар ва бошқа пулли ҳужжатлар.

Пулли эквивалентлар ҳисоби 5610 «Пулли эквивалентлар» счётида юритилади. Ушбу актив счётнинг дебитида пулли эквивалентларнинг сотиб олиниши ва кирими акс этирилади. Бунда 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 5210 “Валюта счёти”, 5530 “Бошқа депозит счётлар”, 6010 “Таъминотчиларга тўланадиган счётлар”, “6990 “Бошқа мажбуриятлар” каби счётлар кредитланади.

5610 «Пулли эквивалентлар» счётининг кредитида пулли эквивалентларнинг сарфи (ҳисобдан чиқарилиши) акс этирилади. Бунда харажатларни акс эттирувчи счётлар (2510 “Умумхўжалик харажатлари”, 9420 “Бошқарув харажатлари”, 9430 “Бошқа операцион харажатлар”), 4790 “Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар”, 4890 “Бошқа дебиторлик қарзлар”, 5010 “Касса” каби счётлар дебетланади.

Пулли эквивалентларнинг аналитик ҳисоби уларнинг алоҳида турлари бўйича юритилади.

Йўлдаги пул маблағлари – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг сотишдан олинган ва инкассаторларга, алоқа бўлимларига, банкнинг кечки кассаларига топширилган пул маблағларидир.

Йўлдаги пул маблағларининг ҳисоби 5710 «Йўлдаги пул маблағлари» счётида юритилади. Ушбу актив счётнинг дебитида пул маблағларининг инкассаторларга, алоқа бўлимларига, банкнинг кечки кассаларига топширилиши акс этирилади. Бунда 5010 “Касса” счёти кредитланади. Ушбу

ёзуга асос бўлиб кузатув қайдномаси, почта квитанцияси, банк квитанцияси каби ҳужжатлар ҳисобланади.

5710 «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг кредитида йўлдаги пулларнинг банкдаги асосий ҳисоб-китоб счётига ёки бошқа депозит счётларга кирими акс эттирилади. Бунда 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 5210 “Валюта счёти”, 5530 “Бошқа депозит счётлар” каби счётлар дебетланади

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1.Касса хўжалиги учун маъсул

- а) Кассир б) Бош ҳисобчи в) Раҳбар г) Кадрлар бўйича инспектор

2.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

- а) Пул маблағлари миллий валютада ҳисобга олинади
б) Пул маблағлари чет эл валютасида ҳисобга олинади
в) Пул маблағлари ҳар иккала валютада балансда акс эттирилади
г) Пул маблағлари ҳоҳлаган валютада ҳисобга олинади

3.Қуйидагиларни қайси бири ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларини корхонанинг руҳсатисиз ўндириб олиши мумкин?

- а) Харидорлар б) Ходимлар в) Давлат органлари г) Таъсисчилар

4.Қуйидагиларнинг қайси бири касса хўжалиги элементи ҳисобланмайди?

- а) касса хонаси б) бухгалтерия
в) касса китоби г) кирим ва чиқим касса ордерлари

5.Кассир ҳисоботини тузишга асос бўлади:

- а) счёт-фактура б) юк хати
в) Бош китоб г) юқоридагиларнинг ҳеч бири

6. Касса ҳисоботи тузилади:

- а) бухгалтер томонидан б) кассир томонидан
в) корхона раҳбари томонидан г) тўғри жавоб йўқ

7. Кассадаги пул маблағлари қандай муддатларда инвентаризация қилинади?

- а) йилига бир марта б) ҳар чоракда бир марта
в) ҳар ойда камида бир марта г) ҳар чоракда камида бир марта

8. Кирим ва чиқим касса ордерларини ким тузади?

- а) корхона раҳбари б) кассир в) бухгалтер г) иқтисодчи

9. Касса инвентаризациясининг натижалари расмийлаштирилади:

- а) кирим касса ордери билан б) чиқим касса ордери билан
в) далолатнома билан г) чек билан

10. Касса лимитини ким белгилайди?

- а) юқори ташкилот б) таъсисчилар
в) солиқ идораси г) корхонанинг ўзи банк билан келишган ҳолда

11. Валюта курси фарқларини ким аниқлайди?

- а) Кассир б) Банк ходими в) Бухгалтер г) Директор

12. Пул маблағлари счётлари:

- а) Доимий счётлар б) Пассив счётлар
в) Транзит счётлар г) Контрпассив счётлар.

13. Депозит счётга қўйилган пул маблағлари қайси счётнинг дебетида акс эттирилади?

- а) 5010 –счётнинг дебетида б) 5110 – счётнинг дебетида
в) 5890 – счётнинг дебетида г) 5530 – счётнинг дебетида

14. Корхона нечта ҳисоб-китоб рақамига эга бўлиши мумкин

- а) 1 та б) 2 та в) 3 та г) исталганча

15. Корхона банкда нечта махсус счётларга эга бўлиши мумкин?

- а) 1 та б) 2 та в) 3 та г) исталганча

Х-БОБ. ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИДА МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ ҲИСОБИ.

10.1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ҳисоб-китобларнинг таснифи, тафсифи ҳамда ҳисобининг вазифалари.

Пул маблағларисиз туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳисоб-китобларини амалга ошириб бўлмайди.

Ҳисоб-китоблар деганда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан юз берган хўжалик операциялари бўйича амалга ошириладиган молиявий муносабатлари тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоблар ҳам турли белгиларига қараб гуруҳланади ва акс эттирилади.

Характерига кўра барча ҳисоб-китоблар товар ва нотовар характеригаги ҳисоб-китобларга бўлинади.

Товар характеригаги ҳисоб-китоблар деганда товар-моддий бойликларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ жараёнларда вужудга келадиган пуллик муносабатлар тушунилади. Буларга таъминотчилар ва харидорлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар мисол бўлади.

Нотовар характеригаги ҳисоб-китоблар деганда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг турли жисмоний ва юридик шахслар билан бошқа операциялар бўйича вужудга келадиган пуллик муносабатлари тушунилади.

Тўловни амалга ошириш турига кўра барча ҳисоб-китоблар нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларга бўлинади.

Нақд пуллик ҳисоб-китоблар деганда юз берган хўжалик операциялари учун тўловларни нақд пул тўлаш орқали амалга ошириш тушунилади. Буларга сотилган товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун харидорлар ва буюртмачилардан нақд пулни олиш, сотиб олинган товар-моддий бойликлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун таъминотчилар ва пудратчиларга нақд пулни тўлаш, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва бошқа қарзларни нақд пул билан тўлаш, турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни нақд пулга амалга ошириш мисол бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда юз берган хўжалик операциялари учун тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш тушунилади. Нақд пулсиз ҳисоб-

китобларга тўловларни банк муассасаларида очилган пуллик счётлар орқали, шунингдек корпоратив ва шахсий пластик карточкалар орқали амалга ошириш мисол бўлади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши натижасида **дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) вужудга келади.**

Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширилиши натижасида бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил бўлган қарзлари **дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар)** деб аталади. Буларга, активларни сотиш, хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш натижасида вужудга келадиган харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари, таъминотчиларга, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга ўтказилган ходимларга иш ҳақи ҳисобидан ёки хизмат сафари харажатлари учун берилган бўнақлар, ходимларнинг етказган зарарлари, юридик ва жисмоний шахсларга берилган қарзлар ва бошқа шу кабилар мисол бўлади.

Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширилиши натижасида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг олдида ҳосил бўлган қарзлари **мажбуриятлар (тўланадиган счётлар)** деб аталади. Буларга моддий ва номоддий активларни сотиб олинishi, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун таъминотчилар олдида вужудга келадиган қарзлар, ҳамда хизмат кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахслардан олинган бўнақлар, ходимларга иш ҳақи ёки хизмат сафари учун тўловлар, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар олдида қарзлар, олинган кредитлар ва бошқа шу кабилар мисол бўлади,

Дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) турли белгиларига кўра таснифланади.

Ҳисобот даврларига кўра дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) қисқа муддатли (бир йилгача) ва узок муддатли (бир йилдан ошиқ) бўлиши мумкин.

Тўлов муддатига кўра дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) тўлов муддати ўтмаган ва тўлов муддати ўтиб кетган қарзларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган тартибга асосан 90 кунгача олинмаган ва тўланмаган счётлар муддати ўтмаган

дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар), 90 кундан ортиқ муддатда олинмаган ва тўланмаган счётлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) бўлиб ҳисобланади. Республикамиз қонунларига мувофиқ 90 кундан тўлов муддати ошиб кетган дебиторлик қарзларига йўл қўйганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий ва молиявий жаъзога тортилади.

Даъво муддатига кўра дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) даъво муддати ўтиб кетмаган ва даъво муддати ўтиб кетган қарзларга бўлинади. Тўлов муддати 3 йилдан ошмаган дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) даъво муддати ўтмаган қарзлар, тўлов муддати 3 йилдан ошиб кетган дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) эса даъво муддати ўтиб кетган қарзлар бўлиб ҳисобланади. Солиқ тўловлари бўйича тўлов муддати 5 йилдан ошмаган қарзлар даъво муддати ўтмаган қарзлар, тўлов муддати 5 йилдан ошиб кетган қарзлар эса даъво муддати ўтиб кетган қарзлар бўлиб ҳисобланади. Республикамиз қонунларига мувофиқ даъво муддати ўтиб кетган қарзлар баланسدан чиқарилиши, даъво муддати ўтиб кетмаган қарзлар асосиз баланسدан чиқарилмаслиги лозим.

Келиб тушиши эҳтимолига кўра олинадиган счётлар келиб тушуши шубҳали ва келиб тушиши шубҳасиз бўлган дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) бўлинади.

Шубҳали дебиторлик қарзлар деганда, одатда, инқирозга учраган, фаолиятини тўхтатиб қўйган ёки умуман ёпилиб кетган, катта миқдорда кредиторлик қарзларга эга бўлган, тўлов қобилиятига эга бўлмаган, фаолияти учун суд ва прокуратура органлари олдида жавоб бераётган юридик ва жисмоний шахсларнинг туристик корхона олдидаги қарзлари тушунилади. Шубҳали қарзлар суд органлари орқали ундирилади, ундириш имконияти бўлмаганда туристик корхона нинг зарарига олиб борилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар)нинг ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар)ни асосли тан олиш ва реал баҳолаш;

- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар)нинг ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар)нинг вужудга келиши ва қопланишини ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириш;

- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар)ни мазмуни, характери ва бошқа белгилари бўйича улар учун кўзда тутилган счётларда акс эттириш;

- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар)нинг ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) ҳолати ва ҳаракати устидан доимий назоратни олиб бориш;

- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар)нинг ўз вақтида ўндириш ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар)ни ўз вақтида узиш, тўлов муддатини ўтиб кетмаслиги устидан доимий назорат қилиш;

- Воз кечилган ва даъво муддатлари ўтиб кетган дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар)ни ўз вақтида ва тўғри корхона харажатларига ҳамда мажбуриятлар(тўланадиган счётлар)ни ўз вақтида ва тўғри корхона даромадларига олиншини назорат қилиш;


- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) бўйича фоизларни тўғри ҳисоблаш ва корхона даромадлари ёки харажатларига ўз вақтида киритиб бориш;

- дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар) бўйича ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тегишли органларга етказиш ва бошқалар.

10.2. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларнинг ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишлари учун нафақат моддий ва номоддий активларга шунингдек меҳнат кучига эҳтиёж сезадилар. Меҳнат кучини корхона ходимлари амалга оширадилар. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари **ходимлари** деганда юридик ва жисмоний шахсларга турли хизматларни кўрсатиш жараёнида маълум даражадаги иш билан банд бўлган барча ишловчилар тушунилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ходимларини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин. **(6.1-расмга қаранг).**



10.1-расм. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ходимларининг таснифи

Ишлаш даврининг давомийлигига кўра туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг барча ходимлари доимий, мавсумий ва вақтинчалик асосда ишловчиларга бўлинади

Доимий ишловчилар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари штат жадвалида назарда тутилган лавозимларда меҳнат шартномалари асосида ишловчи шахслардир.

Мавсумий ишловчилар деганда йилнинг у ёки бу мавсумида бажариладиган ишларни бажариш мақсадида меҳнат шартномалари асосида вақтинчалик ишга қабул қилинган шахслардир.

Вақтинчалик ишловчилар – бу маълум бир маротабалик ишни бажариш учун қисқа муддатга (бир кундан ортиқ) меҳнат шартномалари асосида вақтинчалик ишга қабул қилинган шахслардир.

Касб классификаторига кўра туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари барча ходимлари ишчилар ва хизматчиларга бўлинади.


Ишчилар – бу бевосита турли хизматларни кўрсатиш, шунингдек ишлаб чиқариш воситалари ва биноларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш билан банд бўлган шахслардир.

Хизматчилар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқарув аппарати, турли бўлинмаларида штат жадвалида назарда тутилган лавозимларда ишловчи шахслар.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида барча ходимлари амалга ошириладиган молиявий муносабатларда ходимлар билан улар меҳнатига ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар муҳим ўрин эгаллайди.

Иш ҳақи - бу ходимга бажарган иши ёки ишлаган вақти учун ҳисобланган рағбатлантиришнинг миқдори

Ходимлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг иккита шакли, яъни ишбай ва вақтбай шакллари, шунингдек унинг иккита турлари, яъни асосий иш ҳақи ва қўшимча иш ҳақи турлари, мавжуд (10.2-расм).



10.2-расм. Иш ҳақининг таснифи.

Вақтбай иш ҳақи деганда ходимларга ҳақиқатда ишлаган вақтлари учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади. Ушбу иш ҳақи шаклида ходимга ҳисобланадиган иш ҳақининг миқдори бевосита у ишлаган соатлар ёки кунларнинг сонига, шунингдек штат жадвалига мувофиқ белгиланган иш ҳақи суммасига боғлиқ бўлади. Иш ҳақининг ушбу шакли ишчилар, курувчилар, сотувчилар ва бошқа бевосита иш бажарувчилар учун қўлланилади.

Вақтбай иш ҳақи шакли, ўз навбатида, **оддий вақтбай** ва **вақтбай мукофатли** турларга бўлинади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий вақтбай турида ходимга иш ҳақи ҳисоблашиш учун штат жадвалига мувофиқ белгиланган тариф ставкаси ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Оддий вақтбай шаклда тариф ставкаси 1 соатга ёки 1 кунга белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофатли турида ходимга тариф ставкалари ёки лавозим маоши асосида ҳисобланган иш ҳақидан ташқари қўшимча равишда ҳисобот даври (ой, чорак ва йил)да эришилган маълум соний ва сифат кўрсаткичлар учун мукофат ҳам тўланади. Мукофат суммаси ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги низом, жамоа шартномаси ва раҳбар буйруғида белгиланган миқдорларда ҳисобланади.

Ишбай иш ҳақи деганда ходимларга ҳақиқатда бажарган ишлари учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади. Ушбу иш ҳақи шаклида ходимга ҳисобланадиган иш ҳақининг миқдори бевосита у бажарган ишнинг ҳажмига ва бир бирлик иш учун белгиланган иш ҳақи суммасига боғлиқ бўлади. Иш ҳақининг ушбу шакли ишчилар, курувчилар, сотувчилар ва бошқа бевосита иш бажарувчилар учун қўлланилади.

Ишбай иш ҳақи шакли, ўз навбатида, қуйидаги турларга бўлинади: оддий ишбай, ишбай мукофатли шакллари.

Оддий ишбай шакли—бу ишчиларга бевосита улар томонидан ҳақиқатда бажарилган иш учун унинг ҳажмига ҳамда бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)га асосан иш ҳақини ҳисоблаш шакли.

Ишбай мукофатли шакли—бу ишчиларга бевосита улар томонидан ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ва бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)га ҳамда режа кўрсаткичларни муддатидан олдин ва сифатли бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги учун рағбатлантириш тартиблари тўғрисидаги ички Низомга мувофиқ қўшимча мукофат беришга асосланган меҳнат ҳақини ҳисоблаш шакли.

Асосий иш ҳақи деганда ходимнинг ҳақиқатда бажарган ёки ишлаган вақти учун ҳисобланган иш ҳақи тушунилади.

Қўшимча иш ҳақи деганда ходимга уни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек унга корхона фаолиятида эришилган ютуқлар, атоқли саналар, турли шарт –шароитлар учун асосий иш ҳақига қўшимча тарзда ҳисобланган тўловлар тушунилади. Қўшимча иш ҳақига вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун ҳисобланган нафақалар, меҳнат таътили ҳақи, уввон, категория ва бошқа ажралиб турадиган тавсифлари учун бериладиган қўшимчалар, мукофатлар, моддий ёрдамлар ва компенсациялар киради.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ишчи-ходимларга бажарган иши ёки ишлаган вақтига иш ҳақи ҳисоблаш учун қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади ва улар асосий ва қўшимча иш ҳақи ҳисоблаш учун асос бўлади.

- **Ишбай ишловчилар учун**—бажарилган ишларнинг ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар (нарядлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, далолатномалар ва бошқалар), бир бирлик иш учун белгиланган иш ҳақи меъёри.

- **Вақтбай ишловчилар учун**— штат жадвали, ишга чиқиш ҳисоби табели

- **Меҳнат таътилинини ҳисоблаш учун**—буйруқ, ходимнинг иш ҳақи бўйича бухгалтерияда юритилган шахсий счёти варағи.

- **Вақтинчалик меҳнат қобилиятинини йўқотганликда бериладиган нафақани ҳисоблаш учун** — касаллик варақаси, касаба уюшма кўмитасининг қарори ва ходимнинг иш ҳақи бўйича бухгалтерияда юритилган шахсий счёти варағи.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ишчи-ходимларга бажарган иши ёки ишлаган вақтига асосий ва қўшимча иш ҳақини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади..

Вақтбай иш ҳақи шаклида ишловчи ходимга асосий иш ҳақи суммаси унинг ҳақиқатда ишлаган соатлари ёки кунлари сонини бир соатлик ёки бир кунлик ўртача иш ҳақи миқдorigа кўпайтириш йўли билан топилади. Ходимнинг бир соатлик ёки бир кунлик ўртача иш ҳақи миқдори унинг штат жадвали бўйича белгиланган лавозим маошини ҳисобот оyiдаги календар иш соатлари ёки кунлари сонига бўлиш орқали топилади.

Мисол. *Бухгалтернинг штат жадвали бўйича лавозим маоши –500000 сўм. Январ ойидаги календар иш кунлари сони –25 кун. Январ ойида у табел*

бўйича 15 кун тўлиқ ишлаган, қолган кунлар учун касаллик варақасини тақдим этган

Юқоридаги мисол шартига кўра, бухгалтернинг бир кунлик ўртача иш ҳақи суммаси 20000 сўм (500000 : 25), январда ҳақиқатда ишлаган кунларига ҳисобланадиган иш ҳақи суммаси 300000 сўмни (20000 x 15) ташкил этади.

Ишбай иш ҳақи шаклида ишловчи ходимларга асосий иш ҳақи суммаси ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини бир бирлик иш учун белгиланган тариф ставкаси (расценкаси)га кўпайтириш орқали топилади.

Мисол. *Ишчи ой мабойнида 10 дона маҳсулот ишлаб чиқарди. Бир бирлик маҳсулот учун иш ҳақи меъёри – 60000 сўм. Ишчига ҳисобланадиган иш ҳақи суммаси ишбай иш ҳақи шаклининг ушбу турида 600000 сўмни (10x 60000) ташкил этади*

Ходимларга ишламаган вақт учун тўловларнинг муҳим турларидан бири бўлиб меҳнат таътили ҳақи ҳисобланади.

Меҳнат таътили – бу ходимга меҳнат кодексига мувофиқ иш жойи сақланган ҳолда ўртача кунлик иш ҳақи асосида тўлаш шарти билан бериладиган таътил.

Меҳнат таътили камида олти ой ишлаган ходимга берилади. Меҳнат таътилини қайси санадан бошлаб неча кунга берилиши корхона раҳбарининг буйруғида кўрсатилади. Буйруқ асосида меҳнат таътили ҳақи куйидаги тартибда ҳисобланади.

1.Ишбай ишловчилар учун

- олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача олган иш ҳақи суммаси, шунингдек шу даврда олган мукофатларининг суммаси топилиб, ушбу сумма ишлаган ойлари сонига бўлинади. Топилган сумма ўртача бир ойлик тўлов суммасини билдиради.

- ўртача ойлик тўлов суммаси ўртача ойлик иш кунлари сонига (25,4 кун) бўлинади. Топилган сумма ўртача бир кунлик тўлов суммасини билдиради.

- ўртача бир кунлик тўлов суммаси буйруқ бўйича берилган меҳнат таътили кунлари сонига кўпайтирилади. Топилган сумма ходимнинг меҳнат таътили ҳақини билдиради.

Мисол: *Айтайлик, ходимнинг олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача бўлган даврда (2012 йил 1 августдан 2013 йил 1 июнгача бўлган даврда, жами 10 ой ичида) олган иш ҳақи суммаси 5 600 000 сўмни, олган мукофатлари 1 200 000 сўмни ташкил қилган, ўртача ойлик иш кунлари*

сони -25,4 кун, ходимга буйруқ бўйича 15 иш кунни миқдоридан меҳнат таътили берилган

Юқорида келтирилган тартиб ва шартли маълумотлар асосида ишбай ишловчи ходимга меҳнат таътили ҳақи 401580 сўмни ташкил этди..

$$((560000+1200000)/10/25,4*15)=401580 \text{ сўм}$$

2.Вақтбай ишловчилар учун ўртача ойлик тўлов ходимнинг охириги ойдаги маоши ва унинг олдинги меҳнат таътилидан кейинги меҳнат таътилигача бўлган даврда олган мукофатларининг ўртача ойлик суммаси йиғиндисидан иборат бўлади. Айтайлик, ходимнинг ойлик маоши 500000 сўм, ўтган 9 ойда олган мукофат ҳақи 900000 сўм. У ҳолда ходимнинг меҳнат таътилини ҳисоблашга асос бўладиган ўртача ойлик суммаси 600000 сўмни (500000 + 900000/9) ташкил этади.

- ўртача ойлик тўлов суммаси ўртача ойлик иш кунлари сонига (25,4 кун) бўлинади. Топилган сумма ўртача бир кунлик тўлов суммасини билдиради. Бизнинг мисолимизда ушбу тўлов 23622 сўмни (600000:25,4) ташкил қилади.

- ўртача бир кунлик тўлов суммаси буйруқ бўйича берилган меҳнат таътили кунлари сонига кўпайтирилади. Топилган сумма ходимнинг меҳнат таътили ҳақини билдиради. Агар ходимга 18 кунлик меҳнат таътили берилган бўлса, у ҳолда унинг меҳнат таътили ҳақи 425196 сўмни (23622 x 18) ташкил қилади.

Агар ходимга бир неча йиллар давомида меҳнат таътили берилмаган бўлса, у ҳолда унга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари ҳақи шу йиллар учун бира тўла ҳам ҳисобланиши мумкин.

МИСОЛ. *Ходимга 15 иш кунидан иборат йиллик меҳнат таътили белгиланган. У таътидан 3 йил (2010 йил октябрдан 2013 йил сентябргача) фойдаланмаган. 2013 йил 1 октябрдан унга 45 иш кунига таътил берилган. Таътил ҳақи ҳисоб-китоби санасида ходимнинг лавозим маоши 800 000 сўмни, ҳисоб-китоб даврида (2010 йил октябрдан 2013 йил сентябргача) мукофотлар суммаси 2 400 000 сўмни ташкил этди.*

Ушбу мисолга кўра ходимнинг меҳнат таътили ҳақини ҳисоблашга асос бўладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1000 000 сўмни (800 000 + 2 400 000 / 12) ташкил қилади.

Меҳнат таътили ҳақи 1 771 654 сўмга (1000000 / 25,4 x 45) тенг бўлади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда ходимга фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация тўланади. Айтилик, юқоридаги мисолда келтирилган шартларга кўра охириги 3 йил давомида меҳнат таътили берилмаган ходим билан 2013 йил 1 октябрдан меҳнат шартномаси бекор қилинган. У ҳолда ушбу ходимга ўтган 3 йилда фойдаланилмаган меҳнат таътили учун 1771654 сўм миқдорида компенсация ҳисобланади

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларнинг ҳисобланиши. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда тиббиёт муассаси томонидан берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларнинг миқдорлари ва уларни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сон "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида" қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом" билан белгиланган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси:

а) **тўлиқ иш ҳақи миқдорида** қуйидагиларга тўланади:

*ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;

*байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

*қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

*Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

*Чернобиль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга (аденома, рак) чалинган ходимларга;

*меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга;

б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадалли тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда:

*умумий иш стажы 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга - иш ҳақининг 100%и миқдорида;

*умумий иш стажы 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 80%и миқдорида;

*умумий иш стажы 5 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60%и миқдорида;

в) қолган ҳолларда, уларнинг давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўланишининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ ҳолда:

*умумий иш стажы 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга - иш ҳақининг 80%и миқдорида;

*умумий иш стажы 8 йилгача бўлган ходимларга - иш ҳақининг 60%и миқдорида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинadиган ҳақиқий иш ҳақига иш жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради. Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинadиган иш ҳақининг барча турлари уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақига қўшилади.

Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ой бошидаги лавозим маоши ҳамда охириги 12 ойдаги барча турдаги қўшимча ва устамаларнинг 1/12 қисми асос қилиб олинади. Ушбу иш ҳақи турлари суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги барча иш кунларига (жадвал бўйича) бўлиш йўли билан ўртача бир кунлик иш ҳақи аниқланади. Ўртача кунлик иш ҳақини нафақа миқдорини белгилаш учун иш ҳақига қўлланиладиган фоизга кўпайтириш йўли билан ўртача бир кунлик нафақа суммаси топилади. Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Мисол 1. Ходимнинг лавозим маоши 800 000 сўм, у 3 февралдан 20 февралгача ишга касаллиги туфайли келмаганлиги тўғрисида касаллик варақасини тақдим этган. Ходимнинг болалари сони 2 та, меҳнат стажи 6 йил, ўтган 12 ойда олган барча қўшимча ва устамаларнинг ўртача ойлик миқдори 200 000 сўм

Юқорида келтирилган тартиб ва шартли маълумотлар асосида вақтбай ишловчи ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси 390000 сўмни ташкил этган.

$$((800000+200000)/20*13*60\%=390\ 000$$

Меҳнатига ишбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойдан олдинги ойда ҳисобланган иш ҳақи суммаси ҳамда охириги 12 ойдаги барча турдаги қўшимча ва устамаларнинг 1/12 қисми асос қилиб олинади. Ушбу сумма асосида ишбай ишловчи ходимга меҳнатга қобилиятсизлик кунлари учун нафақа ҳисоблашнинг тартиби юқорида келтирилган тартибга тўлиқ ўхшайди.

Республикамиз Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" ПҚ-532-сон қарори 4-бандига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш мажбурияти иш берувчилар зиммасига юкланган, уларни иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар.

Ҳисобланган меҳнат таътили ҳақлари ва фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари корхона бухгалтериясида ходимлар учун очилган шахсий сўт карточкаларига ёки иш ҳақи китоби ёхуд ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларига ойма-ой ёзиб борилади. Ушбу ҳисоб регистрларида қайд этилган ҳисобланган меҳнат таътили ҳақлари ва фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловларининг жамлама суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Операциянинг мазмуни	Дебет сўт	Кредит сўт	Асос
1	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат	2010	6710	

	таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига			Табел, буйруқлар, ҳисоб-китоб, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	2310	6710	
3	Умумхўжалик ходимларига меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	2510	6710	
4	Ёрдамчи хўжаликлар ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	2710	6710	
5	Маҳсулотларни сотиш бўлимлари ва омборхона ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	9410	6710	Табел, буйруқлар, ҳисоб-китоб, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
6	Бошқарув ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили ёки фойдаланилмай қолинган меҳнат таътили учун компенсация тўловлари суммасига	9420	6710	Табел, буйруқлар, ҳисоб-китоб, ҳисоб-тўлов қайдномалари, ва бошқа ҳужжатлар
7	Тўловларнинг амалга оширилиши	6710	5010	Чиқим касса ордери

10.3. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида таъминотчиларга тўланадиган сўтлар ва уларга ўтказилган бўнақларнинг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан харидор ва буюртмачиларга турли хизматларни кўрсатиш жараёнида олдиндан тузилган шартномалар асосида бошқа юридик шахслар хизматидан фойдаланишлари ҳамда хизмат кўрсатишда фойдаланиш ёки моддий техника базасини кенгайтириш мақсадида турли кўринишдаги активларнинг сотиб олишлари мумкин. Турли активлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни ва охириги тўловларни кейинчалик амалга оширганда натижасида таъминотчиларга тўланадиган сўтлар ҳосил бўлади. 21-сон БХМС га мувофиқ товар-моддий

қийматликлар, кўрсатилган хизматлар ва шу кабилар учун таъминотчиларга тўланадиган счётлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётида амалга оширилади. Ушбу пассив счётнинг кредитида таъминотчилар олдидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши, уларни кўпайиши ва охириги қолдиғи, дебетида эса мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади.

Ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган хизматларнинг қийматида.

Дебет Қийматликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар яъни, (0110-0190,0410-0490,0710,0810-0890,010-1090,2010,2310,2510,2810,2910-2990, 9410,9420,9430 ва бошқа счётлар).

Кредит 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Мажбуриятларнинг узилиши

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5010,5110,5510-5530, 5210, 5220), таъминотчилар ва пудратчиларга ўтказиб берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4310,4320,4330), узоқ ва қисқа муддатли банк кредитлари ҳамда қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6810,6820,7810,7820) ва бошқалар.

6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъминотчи ва пудратчи бўйича алоҳида юритилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари таъминотчиларга товар-моддий бойликлар (ТМБ) ва бошқа активлар учун, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан бўнақ тарикасида ўтказиб берилган маблағлар эвазига таъминотчиларга ўтказилган бўнақлар ҳосил бўлади. 21-сон БХМС га мувофиқ таъминотчиларга ўтказилган бўнақлар бўйича ҳисоб китобларнинг ҳолати ва ҳаракати 4310 «Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган аванслар», 4320 «Таъминотчиларга ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун ўтказилган аванслар» ва 4330 «Бошқа берилган аванслар» счётларида акс эттирилади. Ушбу счётларнинг дебет томонидаги ёзувлар таъминотчилар ва пудратчиларга кассадан (счёт № 5010), ҳисоб-китоб счётидан (счёт № 5110), валюта счётидан (счёт 5210,5220), банкдаги ссуда счётларидан (счёт № 6810) ўтказиб берилган аванс суммаларини кўрсатади. Бу суммалар таъминотчилар ва пудратчилардан ТМБ, бошқа активлар ва хизматларни

олинишига қараб улар олиндидаги кредиторлик қарзларни ёпилишига йўналтирилади ва бу бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 4310 «Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган бўнақлар», 4320 «Таъминотчиларга ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун ўтказилган бўнақлар», 4330 «Бошқа берилган бўнақлар».

Импорт билан боғлиқ операциялар бўлганда, аванс тарикасида мавжуд бўлган дебиторлик қарзлар бўйича ижобий ва салбий валюта курслари вужудга келиши мумкин. Бундай фарқлар худди 4010- счётга ўхшаб бухгалтерия ёзувлари билан мос равишда молиявий фаолият бўйича даромад (счёт № 9540) ва зарарлар (счёт № 9620) га олиб борилади.

Агар таъминотчи ва пудратчиларга ўтказилган бўнақлар қайтариб олинса, у ҳолда қуйидаги ёзувлар қилинади:

Дебет 5010 «Касса», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва бошқалар

Кредит 4310 «Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган бўнақлар», 4320 «Таъминотчиларга ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар учун ўтказилган бўнақлар», 4330 «Бошқа берилган бўнақлар».

10.4.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида харидорлардан кўрсатилган хизматларга доир олиндидаги счётлар ва улардан олинган бўнақларнинг ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан олдиндан тузилган шартномалар асосида харидор ва буюртмачиларга кўрсатилган хизматлари ёки мавжуд турли кўринишдаги активларнинг сотилиши натижасида **харидор ва буюртмачилардан олиндидаги счётлар** ҳосил бўлади. Харидор ва буюртмачилар билан олиндидаги счётлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 21-сон БХМС га мувофиқ **4010 «Харидор ва буюртмачилардан олиндидаги счётлар»** – бу актив счёт туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг харидорлари ва буюртмачилари билан кўрсатилган хизматлари учун ёки мавжуд турли кўринишдаги активларнинг сотилиши бўйича ҳисоб-китобларни нақд ва нақдсиз пул кўчириш йўллари билан олиб боришда қўлланилади. Унда олиндидаги счётларнинг ҳолати ва ҳаракати акс эттирилади. Харидорлар ва

буюртмачилардан олинадиган счётларни вужудга келишига кўрсатилган хизматларни ҳақиқатда амалга оширилганлигини ифодаловчи ҳамда турли активларни ҳақиқатда сотилишини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар (счёт-фактуралар, далолатномалар) асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар», 9210 «Асосий воситаларнинг чиқимлари», 9220 «Бошқа активларнинг чиқимлари».

Чет эл валюталарида хорижий мамлакатларга экспорт қилинган маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар учун муддатида келиб тушмаган дебиторлик қарзлар бўйича ижобий курс фарқлари вужудга келиши мумкин. Бундай курс фарқлари миллий валюта ҳисобида хорижий харидор ва буюртмачиларнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзларини кўпайтиради ва у куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9540 «Валюта курсларидаги фарқлардан олинган даромадлар»

Олинадиган счётлар харидор ва буюртмачилардан олдиндан олинган аванс суммалари эвазига, шунингдек дебиторлик қарзлар нақд ва нақдсиз йўллар билан кейинчалик келиб тушгандан сўнг ёпилади, яъни:

Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар», 5010 «Касса», 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва бошқалар.

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харидор ва буюртмачилардан хизмат кўрсатиш учун ёки мавжуд турли кўринишдаги активларнинг сотилиши бўйича тузилган шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда улардан бўнак тўловини (олдиндан тўлашни) талаб қилиши мумкин. Харидор ва буюртмачилар томонидан кўрсатиладиган хизмалар ёки мавжуд турли кўринишдаги активларни сотиб олиш учун олдиндан бўнак тўловини (олдиндан тўлашни) амалга оширишлари натижасида **харидор ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар вужудга келади**. 21-сон БХМС га мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича **харидор ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар**

бўйича жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида амалга оширилади:

Харидор ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар пул маблағини олган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хизматларни кўрсатиш амалга оширилишига ёки мавжуд турли кўринишдаги активларнинг сотилишига қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади.

Харидор ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар

Дебет 5110»Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари»

Кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»,

Харидор ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар уларга хизматлар тўлик кўрсатилган кейин яъни хизматларни ҳақиқатда амалга оширилганлигини ифодаловчи ҳамда турли активларни ҳақиқатда сотилишини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар (счёт-фактуралар, далолатномалар) асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар»,

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган бўнаклар тури бўйича алоҳида юритилади.

10.5.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида солиқлар, мажбурий ажратмалар ва ушланмаларнинг ҳисоби.

Барча юридик шахслар қатори туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳам Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликка асосан солиқ тўловларини, бюджетдан ташқари фондларга эса ажратмаларни амалга оширадilar.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳудудий солиқ инспекцияларига белгиланган муддатларда солиқ тўловлари ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳисоб-китобини топшириши ва ҳисобланган маблағларни ўтказишлари лозим.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари, ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра умумдавлат солиқларини ёки ихчамлаштирилган ягона солиқ тўловини тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Ихчамлаштирилган ягона солиқ режимида фаолият кўрсатиши учун улар кичик бизнес субъектларига киритиш мезонлари талабларига мос келиши лозим. Кичик бизнес субъектларига кирувчи туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари умумдавлат солиқларини тўловчилари сифатида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тўланадиган солиқлар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишига кўра кўрсатилган хизматларнинг сотиш қийматига қўшиладиган солиқлар, бошқа операцион харажатлар ҳисобига олиб бориладиган солиқлар, фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар, жисмоний шахслар ҳисобидан тўланадиган солиқлар турларига бўлинади.



10.3-расм.. Солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши бўйича гуруҳланиши

1.Кўрсатилган хизматларнинг сотиш қийматига қўшиладиган солиқлар - деб Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ҳисобланиб, бевосита туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг сотиш баҳолари устига бюджет фойдаси учун қўшиладиган солиқларга айтилади. Бу солиқларга ҚҚС, Божхона тўлови мисол бўла олади.

2. Бошқа операцион харажатлар ҳисобига олиб бориладиган солиқлар – туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан ҳисобланган ва бевосита бошқа операцион харажатлар олиб бориладиган солиқларга айтилади. Бу солиқларга мол-мулк солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар мисол бўла олади

3.Фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар: Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқ қонунчилигига асосан ҳисобланган ва туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фойдаси ҳисобидан тўланадиган солиқларга айтилади. Ушбу солиқлар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фойдаси ҳисобидан тўланганлиги сабабли уларнинг соф фойдасини камайтиради. Ушбу солиқ турларига мисол қилиб даромад (фойда) солиғи, ялпи даромад солиғи, инфротузилмани ривожлантириш солиқларини келтиришимиз мумкин. Фойда ҳисобидан тўланадиган солиқларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки ушбу солиқларни туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фойдага эга бўлсагина тўлайди.

4.Жисмоний шахслар ҳисобидан тўланадиган солиқлар. Ушбу солиқлар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан ходимлар даромадидан тегишли солиқларни белгиланган тартибда ушланади ва бюджетга ўтказиб берилади. Бу солиқларга ишчи ва хизматчилар тамонидан тўланадиган даромад солиғи ва дивидент солиғи киради.

Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида ўтказилиши

туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари молиявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Солиқлар, мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ҳисобининг вазифалари қуйдагилардан иборат:

1. Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратма объектини тўғри аниқлаш,
2. Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича мавжуд имтиёзларни тўғри қўллаш,
3. Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ставкасини тўғри қўллаш,
4. Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича ҳисоб китобларни ўз вақтида тегишли органларга тақдим этиш,
5. Солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириш.

21-сон БҲМСга мувофиқ бюджетга солиқ тўловлари бўйича мажбуриятларнинг ҳисоб-китоблари 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счётида ҳисобга олинади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўзларининг ишчи счётлар режасида ҳар бир солиқ турига алоҳида счётларни, масалан, 6411 «Бюджетга ҚҚС бўйича қарз», 6412 «Бюджетга акциз бўйича қарз» ва шу каби бошқа счётларни, очишлари мумкин. Ушбу пассив счётларнинг кредитида солиқ тўловлари бўйича бюджет олдидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши, уларнинг қўпайиши ва охириги қолдиқлари, дебитида эса бюджетга тўловларни қамайтирилиши ва ўтказиб берилиши акс эттирилади. Солиқлар бўйича мажбуриятлар улар бўйича тузилган ҳисоб-китобларга асосан ҳисобланади ва қуйидагича акс эттирилади:

Маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг сотиш қийматига қўшиладиган солиқлар ҳисобланганда:

- Акциз солиғи, ҚҚС ва экспорт бўйича божхона божи суммасига

Дебет 4010,4020,4110,4120,4210,5010

Кредит 6410 (солиқ турлари бўйича мос счётлар)

Бошқа операцион харажатлар ҳисобига олиб бориладиган солиқлар ҳисобланганда:

• Мол-мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар суммасига

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 (солиқ турлари бўйича мос счётлар)

Фойда ҳисобидан тўланадиган солиқлар ҳисобланганда:

• Даромад (фойда) солиғи, ялпи тушум (ялпи даромад)дан ягона солиқ, ягона ер солиғи, ялпи даромаддан солиқ, инфраструктурани ривожлантириш солиғи суммаларига

Дебет 9810 «Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар»,

9820 «Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 (солиқ турлари бўйича мос счётлар)

Жисмоний шахслар ҳисобидан тўланадиган солиқлар ҳисобланганда:

Ходимлар даромадларидан олинадиган даромад солиғи махсус тасдиқланган шкала бўйича ҳисобланади ва бюджетга ўтказиб берилади. Иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад солиғи ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Солиқ тўловлари олдин ўтказиб берилган бўнак суммаларига, шунингдек бошқа юридик шахсларга активлар, ишлар ва хизматларни олишда тўланган ҚҚС суммасига қамайтирилади. Бундай қамайтиришлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича аванс тўловлари» (турлари бўйича).

Аванс тўловларидан кейинги қолган мажбуриятлар суммалари бюджетга белгиланган муддатларда ўтказиб берилиши керак. Ўтказилган мажбуриятларга қуйидаги ёзувлар қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 5010,5110,5210,5510,5530,5890 (пул маблағлари счётлари)

Агар бюджет олдидаги мажбуриятлар банк кредитлари ва олинган қарзлар эвазига узилса, у ҳолда:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 6810,6820 (кредит ва қарзлар счётлари)

10.6. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ягона солиқ тўловининг ҳисоби

Микрофирма ва кичик корхоналар мақомидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўз аризаларига асосида ягона солиқ тўловларини амалга оширишлари мумкин.

Ягона солиқ тўловини тўлаш объекти бўлиб туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушуми ҳисобланади. Ягона солиқ тўлови суммаси ялпи тушум суммасини ушбу солиқнинг белгиланган меъёрига қўнайтириш йўли билан топилади. Ягона солиқ тўловига тортиладиган ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1. Кўрсатилган хизматлардан олинган тушум ҳажми.

2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар, яъни: а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари; б) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромадлари; в) рента даромади, туристик ташкилоти ҳузуридаги ёрдамчи хўжаликлардан тушумлар, бошқа хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тушумлар; г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар; д) кредиторлик ва депонентлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар; е) товар-моддий бойликларини қўшимча баҳолаш; ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк; з) қисқа муддатли ижарадан даромадлар; и) илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш тарикасида олинган даромадлардан ташқари бошқа операцион даромадлар;

3. Молиявий фаолиятдан даромадлар, яъни: а) олинган роялти ва капитал трансферти; б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар; в) мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа); г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар (мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо), бунда манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошиб кетиш суммаси ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди; д) қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта

баҳолашларни ўтказишдан даромадлар; е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4. Фавқулодда даромадлар.

Солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқиладиганда қуйидагилар ялпи тушумдан чиқариб ташланади:

а) ихтёрий равишда ўз аризасига кўра қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи суммаси;

б) давлат субсидиялари суммаси;

в) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (маълумотнома) мавжудлигида дивидендлар ва фоизлар.

Ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счётида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган ягона солиқ тўлови бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томондан бюджетга ягона солиқ тўлови бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

10.7. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида мажбурий ажратмалар, ва ушланмаларнинг ҳисоби.

Умумдавлат солиғларини тўловчи туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари солиқ тўловларидан ташқари давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига ажратма ва ушланмаларни амалга оширадilar.

Давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратма ва ушланмаларнинг ҳисоб-китоблари тасдиқланган шаклларда тузилади ва белгиланган муддатларда давлат солиқ идораларига такдим этилади. Ушбу ҳисоб-китоб маълумотлари давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратма ва ушланмаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга асос бўлади.

Пенсия фонди, Республика йўл фонди ҳамда таълим ва бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, ва тиббиёт муассаса-ларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жихозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар кўрсатилган хизматлардан олинган соф тушумга нисбатан мос равишда белгиланган ставкаларда ҳисобланган мажбурий ажратмалар суммаси ҳисобот ойида ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар»

Пенсия фондига ҳисобот даврида ҳисобланган иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган ставкада ҳисобланган мажбурий ажратма суммаси ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет Харажат счётлари (2010, 2310, 2510, 9410, 9420, 9210, 0810)

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар»

Ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан пенсия фондига мажбурий ушланманинг ушлаб қоллиниши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6710 «Ходим билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар»

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар»

Республика йўл фондига сотиб олинган янги автотранспорт воситалари учун тўланган мажбурий йиғим суммаси 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар»

Давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий ажратма ва ушланмаларнинг ўтказиб берилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

10.8.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида турли дебиторлик қарзлар (олинадиган счётлар) ва мажбуриятлар (тўланадиган счётлар)нинг ҳисоби.

Турли бошқа дебиторлик қарзларининг ҳисоби. 21-сон БҲМС га мувофиқ турли бошқа дебиторларни қарзларининг ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

Таъсисчиларнинг дебиторлик қарзларининг ҳисоби. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ таъсисчилар таъсис этган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига ўз улушларини бир йилгача бўлган муддатда киритишлари лозим. Ушбу даврда мавжуд бўлган дебиторлик қарзлари 21- сон БҲМС га мувофиқ 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счётининг дебетида ва 8330 «Пай ва бадаллар» счётининг кредитида акс эттирилади. Таъсисчи томонидан бадални киритилиши билан ушбу счётда акс эттирилган дебиторлик қарзи камаяди, тўлиқ киритилгандан сўнг эса ёпилади. Қарзнинг ёпилиши таъсисчи киритган маблағларнинг турига қараб турли счётларнинг дебетида (масалан, 5010,1010-1090,0410-0490,0120-0190 ва бошқа счётлар) ва 4610 «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади. Таъсисчиларнинг дебиторлик қарзларининг аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

Қорхоналарнинг бошқа турдаги мажбуриятларининг ҳисоби 21- сон БҲМС га мувофиқ қуйидаги счётларда олиб борилади:

Олинадиган фоизлар ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахсларга қисқа муддатларга берган қарзлари ва кредитлари эвазига, шартномаларга асосан ҳисобланган фоизларга тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттириш учун **4830 «Олинадиган фоизлар»** счёти қўлланилади. Ушбу счётнинг дебетида фоизлар бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши, кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

1.Шартномаларга асосан ҳисобланган фоизларга тегишли олинадиган жорий тўловлар

Дебет 4830 «Олинадиган фоизлар»

Кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»

2.Фоизларнинг келиб тушишига

Дебет Пул маблағлари ҳисоби счётлари (5110-5530)

Кредит 4830 «Олинадиган фоизлар»

Олинадиган дивидендлар ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик шахсларнинг акцияларига киритилган

инвестициялари бўйича ҳисобланган дивидендларга тегишли олинадиган тўловларининг ҳолати ва ҳаракати ҳисоби **4840 «Олинадиган дивидендлар»** счётида акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида дивиденд бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши, кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

1.Хабарнома асосида ҳисобланган дивидентларга

Дебет 4840 «Олинадиган дивидентлар»

Кредит 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»

2.Фоизларнинг келиб тушишига

Дебет Пул маблағлари ҳисоби счётлари (5110-5530)

Кредит 4840 «Олинадиган дивидентлар»

Олинадиган роялти ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик шахсларга фойдаланишга бериб қўйилган номоддий активларидан келиб тушадиган ва чет элда «роялти» номини олган даврий ажратмаларига тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати **4850 «Олинадиган роялти»** счётида акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида роялтилар бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши, кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

1.Шартномаларга асосан ҳисобланган «роялти» тегишли олинадиган жорий тўловлар

Дебет 4850 «Олинадиган роялти»

Кредит 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»

2. Олинадиган роялтининг келиб тушишига

Дебет Пул маблағлари ҳисоби счётлари (5110-5530)

Кредит 4850 «Олинадиган роялти»

Даъволар бўйича олинадиган счётлар ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик шахсларга турли сабабларга кўра билдирган даъволарига тегишли олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати **4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар»** счётида акс эттирилади. Даъволар таъминотчиларга, хизмат кўрсатувчи субъектларга, банкга, давлат идораларига ва бошқа юридик шахсларга шартнома шартларини ҳақиқатда бажаришда йўл қўйилган четланишлар учун билдирилади. Ушбу

счётнинг дебетида ушбу билдирилган даъволар бўйича дебиторлик қарзини вужудга келиши (6010, 1010-1090,1510,5110 ва бошқа счётларнинг кредити), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик қарзларини келиб тушиши ёки корхона ҳисобидан қопланиши (1010-1090,1510,5010,5110,9430 ва бошқа счётлар) акс эттирилади.

Бошқа дебиторларнинг қарзларнинг ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юқоридаги счётларда акс эттирилмай қолган олинадиган жорий тўловларининг ҳолати ва ҳаракати **4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари»** акс эттирилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг турли бошқа кредиторлик қарзларининг ҳисоби. 21-сон БХМС га мувофиқ турли бошқа дебиторларни қарзларининг ҳисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

Тўланадиган дивидендлар ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг акционерлари ва таъсисчиларига ҳисобланган дивидендлар бўйича мажбуриятларининг ҳолати ва ҳаракати **6610 «Тўланадиган дивидендлар»** счётида ҳисобга олинади. Счётнинг кредитида дивидендларни ҳисобланиши (8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг дебити билан корреспонденциялашган ҳолда), дебетида эса дивидендларни берилиши (пул маблағлари счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда) акс эттирилади. Дивидендларга доир мажбуриятларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир акционер ёки таъсисчи бўйича юритилади.

Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссаси бўйича қарз ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан таъсисчилар сафидан чиқиб кетган таъсисчиларига киритган улушини қайтариб бериш бўйича мажбуриятларининг ҳолати ва ҳаракати ҳисобини юритишда **6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссаси бўйича қарз»** счётидан фойдаланади. Ушбу счётнинг кредитида ва 8330 «Пай ва бадаллар» счётининг дебетида сафдан чиқиб кетган таъсисчига бўлган қарз, дебетида эса ушбу қарзни узилиши (пул маблағлари ва бошқа активларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда) акс эттирилади. Таъсисчиларга қарзларга доир мажбуриятларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

Тўланадиган қисқа муддатли ижара бўйича мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш учун **6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»** счёти мўлжалланган. Ушбу пассив счётнинг кредитида қисқа муддатга олинган ижара учун қарзларнинг ҳисобланиши, дебитида эса ушбу қарзни узилиши акс эттирилади. Ижарага олинган мулкни фойдаланиш мақсадига қараб ҳисобланган ижара ҳақиға ишлаб чиқариш харажатлари счётлари (2010,2310,2510) ёки давр харажатлари счётлари дебетланади (9410,9420). Ижара бўйича қарзлар узилганда пул маблағлари счётлари (5010,5110,5210 ва бошқалар) кредитланади. Ушбу счётнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ижарага берувчи бўйича юритилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қисқа муддатларга олинган қарзлар ва кредитлар учун, шартнома шартларига асосан ҳисобланган фоиз кўринишидаги мажбуриятларининг ҳолати ва ҳаракати акс эттириш учун **6920 «Тўланадиган фоизлар»** счёти мўлжалланган. Ушбу пассив счётнинг кредитида олинган кредитлар берилган векселлар бўйича фоизларни ҳисобланиши, дебитида эса ушбу фоизларни кредиторларга ўтказиб берилиши акс эттирилади.

Ҳисобланган фоизлар суммасига

Дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

Кредит 6920 «Тўланадиган фоизлар»

Ҳисобланган фоизлар бўйича мажбуриятлар ўтказиб берилганда

Дебет 6920 «Тўланадиган фоизлар»

Кредит пул маблағлари счётлари кредитланади (5010,5110 ва бошқалар).

Олинган қарзлар ва кредитлар учун, шартнома шартларига асосан ҳисобланган фоиз кўринишидаги мажбуриятларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир кредитор бўйича алоҳида юритилади.

Роялти бўйича мажбуриятларнинг ҳисоби. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан бошқа юридик шахсларнинг номоддий активларидан вақтинчалик фойдаланганлик учун шартномаларга асосан ҳисобланган тўловларининг ҳолати ва ҳаракати **6930 «Роялти бўйича қарз»** счётида акс эттирилади. Ушбу счётнинг кредитида роялтилар бўйича кредитлорлик қарзини вужудга келиши ва харажатга олиниши, дебитида эса роялти бўйича мажбуриятларнинг ўтказиб берилиши натижасида камайиши акс эттирилади.

1.Шартномаларга асосан ҳисобланган «роялти» тегишли олинадиган жорий тўловлар

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»

Кредит 6930 «Роялти бўйича қарз»

2.Фоизларнинг келиб тушишига

Дебет 6930 «Роялти бўйича қарз»

Кредит Пул маблағлари ҳисоби счётлари (5110-5530)

6940 «Кафолатлар бўйича қарз» - ушбу пассив счёт ўз товарларини, иш хизматларини маълум муддатларгача кафолатланган ҳолда сотувчи корхоналарда қўлланилади. Унинг кредитида кафолатлар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши, дебитида эса ушбу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади.

6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар – жорий қисми» – ушбу пассив счётнинг кредитида узоқ муддатга олинган банк кредитлари ва бошқа қарзларнинг келгуси жорий йилга тегишли қисми бўйича мажбуриятларнинг суммалари, дебитида эса бу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади. Мажбуриятларнинг жорий қисми ушбу счётга 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» ва 7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счётларининг дебитидан ҳисобот йилнинг охирида ўтказилади. Жорий мажбуриятларнинг узилиши пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошқалар) кредитида акс эттирилади.

6960 «Даъволар бўйича тўловлар» - ушбу пассив счётнинг кредитида харидор ва буюртмачилар томонидан билдирилган даъволар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши (харажатлар счётларининг дебити бўйича корреспонденцияланган ҳолда), дебитида эса уларнинг қондирилиши ёки бекор қилиниши (пул маблағлари ва харажатлар счётларининг кредити бўйича корреспонденцияланган ҳолда) акс эттирилади.

6970 «Ҳисобдор шахсларга қарз» – ушбу пассив счётнинг кредитида ҳисобдор шахслар олдида мажбуриятларни вужудга келиши, дебитида эса ушбу мажбуриятларнинг ёпилиши акс эттирилади. Ҳисобдор шахслар олдидаги мажбуриятларни вужудга келиши харажатлар счётларининг (2010,2310,2510, 9420 ва бошқалар) дебитида, уларни ёпилиши эса пул маблағлари счётларининг (5010,5110,5210) кредитида акс эттирилади. Ушбу счётнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ҳисобдор шахс бўйича олиб борилади.

6990 «Бошқа мажбуриятлар» – ушбу пассив счётининг кредитида корхонанинг турли бошқа кредитор бўлган юридик ва жисмоний шахслар олдидagi мажбуриятлари, масалан ходимлар иш ҳақидан ушланган алиментлар ва бошқа тўловлар, турли хизматлар учун ҳисобланган мажбуриятлари, дебитида эса ушбу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади. Мажбуриятларнинг вужудга келиши харажатлар счётларининг (2010,2310,2510,9410,9420), шунингдек иш ҳақи счётининг (6710) ва бошқа счётларнинг дебитида, узилиши эса пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошқалар) кредитида ҳисобга олинади. Ушбу счётининг аналитик ҳисоби ҳар бир кредитор бўйича юритилади.

10.9.Банк кредитлари ва қарзлар бўйича мажбуриятларнинг ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари банклардан ва бошқа юридик шахслардан ўзларининг айланма маблағларини тўлдириш, молиявий –хўжалик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли , шунингдек капитал қурилиш ишларини олиб бориш ва бошқа мақсадлар учун узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар олишлари мумкин. Кредитлар ва қарзлар тузилган шартномаларга мувофиқ корхонанинг кассасига берилиши, ҳисоб-китоб ёки бошқа махсус счётларига ўтказиб берилиши, шунингдек банкдаги махсус ссуда счёти орқали тўловларни амалга ошириш йўли билан тақдим этилиши мумкин.

21- сон БҲМС га мувофиқ банк кредитларининг ҳисоби 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларида, олинган қарзлар эса 6820 «Қисқа муддатли қарзлар» ва 7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счётларида олиб борилади. Ушбу пассив счётларнинг кредитида кредитлар ва қарзларнинг олинishi, шунингдек улар бўйича мажбуриятларнинг қолдиғи, дебитида эса уларнинг қайтарилиши акс эттирилади. Банк кредитлари ва олинган қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар ва улар бўйича ҳисоб –китоблар махсус 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётида олиб борилади. Олинган банк кредитлари ва қарзлар, уларнинг қайтарилиши, ҳисобланган фоизлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т/р	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Кредитларни олинishi: •Корхона кассасига •Ҳисоб –китоб счётига •Аккредитив счётларга •Махсус бошқа счётларга •Таъминотчиларга тўланганда •Таъминотчиларга аванс тариқасида ўтказилганда	5010 5110 5510 5530 6010 4310 4330	6810, 7810 6820, 7820	Кредит ва қарз шартномалари тўлов топширик-номаси, кирим касса ордери, банк кўчирмалари
2.	Кредитларни қайтарилиши: -Кассадан -Ҳисоб-китоб счётидан -Аккредитив счётлардан -Махсус счётлардан -Депозит счётлардан -Харидорларлар ва буюртмачилардан тушган тушумдан -Харидорлардан олинган аванс тўловларидан	6810, 7810, 6820, 7820	5010 5110 5510 5530 5890 4010 6310	Кредит ва қарз шартномалари тўлов топширик-номаси, кирим касса ордери, банк кўчирмалари
3.	Узоқ муддатли кредит жорий мажбуриятга ўтказилганда	7810, 7820	6950	Кредит ва қарз шартномалари
4.	Кредитлар бўйича фоизлар ҳисобланганда	9610	6920	Кредит ва қарз шартномалари
5.	Фоизлар тўланганда	6920	5110	Банк кўчирмалари

Банк кредитлари ва олинган қарзларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва қайтариш муддатлари бўйича олиб борилади.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1.Дебиторлик қарзлар - бу

- Корхонанинг хусусий капитали
- Корхонанинг мажбуриятлари
- Олинадиган счётлар
- Корхонанинг фойдаси

2.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

а) Дебиторлик қарзлар миллий валютада бошланғич қийматда ҳисобга олинади

б) Дебиторлик қарзлар чет эл валютасида ҳисобга олинади

в) Дебиторлик қарзлар миллий валютада соф қийматда балансда акс эттирилади

г) Дебиторлик қарзлар хоҳлаган валютада ҳисобга олинади

3. Қуйидагиларнинг қайси бирида сотишдан олинган даромадни ва дебиторлик қарзни инфодалайди?

а) Дебет 5010 Кредит 4010

б) Дебет 5010 Кредит 9020

в) Дебет 4010 Кредит 9010

г) Дебет 5110 Кредит 4010

4. Қуйидагиларни қайси бири корхона учун дебитор бўлиши мумкин эмас?

а) Харидорлар

б) Ходимлар

в) Давлат органлари

г) Холис аудиторлар

5. Валюта курсларидаги ижобий фарқлар?

а) Дебиторлик қарзларни камайтиради

б) Дебиторлик қарзларига таъсир қилмайди

в) Дебиторлик қарзларни кўпайтиради

г) Дебиторлик қарзларни кўпайтирмайди

6. Олинадиган счётларнинг қайси бири контрактив счёт?

а) 4010

б) 4220

в) 4910

г) 4520

7. Хизмат сафари учун берилган аванс қайси счётнинг дебетида акс эттирилади?

а) 4010 – счётнинг дебетида

б) 4220 – счётнинг дебетида

в) 4240 – счётнинг дебетида

г) 4910 – счётнинг дебетида

8. Дивидендлар бўйича олинадиган счётлар

а) корхона харажати ҳисобланади

б) корхона даромадига олиб борилади

в) шубҳали қарз ҳисобланади

г) келгуси йил даромадига олиб борилади

9. Мажбуриятлар - бу

а) Корхонанинг айланма активлари

б) Корхонанинг қарзлари

в) Олинадиган счётлар

г) Корхонанинг мажбуриятлари чегириб ташлангандан сўнг қолган активлари

10. Ходимга сафар харажатлари бўйича қарз

а) Товар характеридаги мажбуриятга киради

б) Иш ҳақи бўйича мажбуриятга киради

в) Нотовар характеридаги мажбуриятларга киради

г) Тўғри жавоб йўқ.

11. Қуйидагиларнинг қайси бири мажбурият

а) Таъсис бадали бўйича қарз

б) Инвентаризацияда аниқланган камомадлар бўйича қарз

в) Таъсис бадалини кўп қайтариб берилганлиги учун вужудга келган қарз

г) Мулкни қайта баҳолашда вужудга келган қўшимча қиймат

12. Валюта курсларидаги ижобий фарқлар?

а) Мажбуриятни оширади

б) Мажбуриятни камайтиради

в) Резерв капиталига олиб борилади

г) Юқоридаги жавобларнинг биронтаси ҳам тўғри эмас

13. Ходимлар сони, уларнинг ҳаракати ҳисобини корхонанинг қайси бўлини маси юритади?

а) Бухгалтерия

б) Кадрлар бўлими

в) Раҳбар қотиби

г) Режа-иктисод бўлими

14. Ходимларнинг ишга келиши қайси ҳужжат асосида ҳисобга олинади?

- а) Бўлим бошлиғи билдиргиси б) Кадрлар бўлими китоби
в) Ишга келиш ҳисоби табели г) Далолатнома

15. Мехнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизимлари бор?

- а) Тариф ва тарифсиз б) Ишбай в) Вақтбай г) Мукофатли

16. Мехнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари бор?

- а) Тариф ва тарифсиз б) Ишбай ва вақтбай
в) Бригада ва индивидуал г) Мукофатли ва мукофатсиз

17. Қуйидагиларнинг қайси бири асосий иш ҳақиға кирмайди?

- а) Маош б) Унвон учун тўлов
в) Моддий ёрдам г) Байрам куни ишлаганлик учун тўлов

18. Омонат кассаға ўтказилган пул

- а) Мажбурий ушланма б) Ихтиёрий ушланма
в) Мажбурий –ихтиёрий ушланма г) Ҳеч қайси эмас

19. Ходимнинг стажи 9 йил, болаларининг сони –4 та бўлса, касаллик нафақаси фоизи қанча миқдорда белгиланади?

- а) 60% миқдорида б) 100 % миқдорида
в) 80 % миқдорида г) 0 % миқдорида

20. Иш ҳақи тарқатилади

- а) Кирим касса асосида б) Касса китоби асосида
в) Қайднома асосида г) Тўғри жавоб йўқ.

21. Давлатнинг мақсадли фондларига қўп ўтказилган сумма

- а) Мажбурият ҳисобланади
б) Дебиторлик қарз ҳисобланади
в) Ҳисобот даври ҳаражати ҳисобланади
г) Келгуси давр ҳаражати ҳисобланади

11-МАВЗУ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

11.1.Хусусий капиталнинг шаклланиши ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш.

11.2.Қўшилган капитални ҳисобга олиш.

11.3.Захира капиталини ҳисобга олиш.

11.4.Мақсадли тушумлар, субсидия ва грантлар ҳисобини юритиш.

11.5.Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларни ҳисобга олиш.

11.6.Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда (зарар)ларни ҳисобга олиш.

11.7.Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олиш.

11.8.Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар)ни ҳисобга олиш.

11.9.Фавқулдда фойда ва зарарларни ҳисобга олиш.

11.10.Фойданинг ишлатилиши, якуний молиявий натижа ва тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарар) ҳисобга олиш.

Таянч иборалар: капитал, хусусий капитал, устав, қўшилган, резерв, мақсадли тушумлар, келгуси ҳаражатлар ва тўловлар резерви, молиявий натижа, даромад, давр ҳаражатлари, фойда ва зарарлар, солиққа тортиш, соф фойда, фойдани тақсимлаш, фавқулдда фойда

11.1. Хусусий капитал ва унинг таркиби.

Ҳар бир ҳўжалик субъекти ўзининг молиявий ресурсларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадаллари ва таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш йўналишдаги маблағлардир.

Субъектнинг хусусий капитали қонунга мувофиқ ёки таъсис ҳужжатлари асосида яратилган жамғармалар ва захиралар қўшилган ҳолда, уларнинг ҳаракати ва ҳолати ўрганилади ва назорат қилинади.

Хусусий капитал устав фондидан (устав капиталидан), қўшилган, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.⁷

Хусусий капитал хўжалик субъектининг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштиради. Хусусий капитал, ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, қўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин. Хусусий капитал уч қисмдан ташкил топади:

- 1) Устав капитали;
- 2) Қўшилган капитал;
- 3) Резерв капитали.

Корхоналар ўз молиявий ва моддий ресурсларини мустақил шакллантириши талаб этилади. Бундай ресурслар, одатда, хўжалик субъектлари таъсисчилари томонидан ўз хусусий мулкларини устав капиталига улуш сифатида қўшиш билан амалга оширилади. Ушбу молиявий ресурсларнинг асосий манбалари бўлиб фойда, амортизация ажратмалари, акция ва облигацияларни сотишдан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари ҳисобланади.

11.2. Хусусий капиталнинг корхонада тутган ўрни ва ҳисобининг вазифалари.

Бугунги кунда республикада турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқда. Буларга давлат мулки шаклидаги, акциядорлик жамияти шаклидаги, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги, қўшма корхона шаклидаги ва бошқа корхоналар киради. Шу билан уларнинг капиталларини шаклланиш манбалари турлича бўлиб, улар қийдагиларга бўлинади.

Давлат корхонасининг устав капитали - давлат томонидан корхонанинг доимий тасарруфига текинга берилган моддий ва пул маблағлари суммасидир. Устав капитали ҳисобига асосий ва айланма маблағлар шаклланади.

Акциядорлик жамияти устав капитали унинг акциядорлари сотиб оладиган акцияларининг номинал қийматидан иборат бўлади. Бунда чиқариладиган жами акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши мумкин.

⁷“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404, 19-модда.

Акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори кўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав капиталини кўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият томонидан қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ ҳиссаларга бўлинган устав капиталига эга бўлган жамият **маъсулияти чекланган жамият** деб аталади. Бундай жамият устав капиталидаги бўлинган ҳиссалар миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади, унинг иштирокчилари мажбуриятлар бўйича фақат ўз мулки доирасида жавоб беради.

Маъсулияти чекланган жамиятнинг устав капитали фақат муассисларнинг ҳиссалари ҳисобига ташкил топади ва унинг кўпайиши ёки камайиши ҳаммининг розилиги билан ҳисса қўшувчиларнинг кўпайиши ёки камайиши билан юз бериши мумкин.

Жамият иштирокчиси ўз ҳиссасини жамият рўйхатга олинган санадан кейин бир йил давомида тўлаши лозим.

Қўшма корхона Ўзбекистон ҳамда хориж корхоналари ҳиссалари асосида ташкил топади. Қўшма корхонанинг устав капиталига ҳисса тариқасида табиат ресурсларидан, интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, ноу-хау, моддий ва пул воситалари, шу жумладан, чет эл валютаси берилиши мумкин. Барча мулк шаклларидаги корхоналарда капитал, резервлар ва тақсимланмаган фойда бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ◆ Устав капиталини шаклланиши ва ундан фойдаланишни назорат қилиш;
- ◆ Корхона муассислари, капиталнинг шаклланиш босқичлари ва акциялар турлари бўйича ахборот тўплаш;
- ◆ Устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳусусида ҳисобот тузиш бўйича маълумотлар олишни таъминлаш;
- ◆ Қўшилган капитал ҳамда резерв капиталининг шаклланиши билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳисобда акс эттириш.

Корхона соф фойдасининг шаклланиши ва унинг тақсимланишини ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш.

11.3. Устав капиталини шакллантириш ва унинг ўзгаришини ҳисобга олиш.

Устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради. Устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар шаклида киритиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар (иштирокчилар) ўртасидаги келишувга кўра

баҳоланади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши керак.⁸

Устав капитали - ҳуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона муассислари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ қўшилган (тўланган) ҳамда корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир.

Устав капиталини ташкил қилиш амалдаги қонулар ва таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Устав капиталига ҳисса шаклида қўшилаётган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижрония органининг қарорига қўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Устав капитали ўзида хўжалик субъектини ташкил қилиш вақтида унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун таъсисчиларнинг улушлари йиғиндисини ифода қилади.

Ташкил этилаётган хўжалик субъектининг устав капитали унинг муассислари (иштирокчилари) томонидан киритилган маблағлар ҳисобига жамланади. У муассисларнинг умумий мол-мулки ва айни вақтдаги юридик шахс сифатида субъектнинг мол-мулки ҳам ҳисобланади. Демак, бу устав капитали бир томондан корхона ўз маблағлари манбаи бўлса, иккинчи томондан эса, ҳар бир муассиснинг мол-мулкидир.

Устав капиталининг шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ташкилий - ҳуқуқий шаклларида мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Мулкчиликнинг турли шакллардаги корхоналарда устав капиталининг миқдори қуйидагича белгиланади:

- *акциядорлик жамиятларида* - устав капитали номинали бўйича акциялар жами қийматига мувофиқ;

- *мулкка жамоа эгаллиги бўлган корхоналарда* - барча ходимлар улушлари суммасига мувофиқ;

- *давлат корхоналарида* - устав капитали давлат хўжалигини амалга ошириш учун корхонага бириктириб қўйилган мол-мулк суммасига мувофиқ;

- *масъулияти чекланган жамият(ширкат)ларда* - таъсис ҳужжатларига биноан мулкка эгаллик ҳиссалари суммасига мувофиқ;

- *давлатга қарашли корхоналарда* - устав фонди миқдори унинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан бириктирилган мол-мулк суммасига мувофиқ келади. Бу миқдор таъсис ҳужжатларида корхонани ташкил

⁸“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404, 19-модда.

қилиш ва унинг балансига мол-мулкни ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қайд этилган миқдорга мос келиши керак. Давлат корхонасининг устав капитали - давлат томонидан корхонанинг доимий тасарруфига текинга берилган моддий ва пул маблағлари суммасидир. Устав капитали ҳисобига асосий ва айланма маблағлар шаклланади.

Устав капиталининг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги асосий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади: “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун⁹, «Ҳисоб сибсати ва молиявий ҳисоботлар» 1-сон БҲМС, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» 21-сон БҲМС, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» 14-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси» 15-сон БҲМС ва бошқалар.

Устав капитали бўйича муомалалар ҳисоби 8300-«Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар» счётида ҳисобга олинади. Ушбу счёт қуйидаги учта счётни ўзида жамлайди:

8310-Оддий акциялар

8320-Имтиёзли акциялар

8330-Пай ва улушлар

8310-Оддий акциялар счёти давлат ихтёридаги корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг устав фондини ҳамда акциядорлик ва ширкат жамиятларининг устав капиталини ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

8320-Имтиёзли акциялар счётида имтиёзли акциялар қўринишида муомалага чиқарилган акциядорлик капиталининг миқдори ҳисобга олинади.

8330-Пай ва улушлар счётида акциядорлик шаклидан ташқари, бошқа мулкчилик турларида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капитали шаклланиши ҳисобга олинади.

Мисол: “Файз” масъулияти чекланган жамияти рўйхатдан ўтган пайтда унинг устав капитали миқдори ЭКИХнинг 40 баробари қилиб белгиланган. Ушбу жараён қуйидагича акс эттирилади:

П - 8330 5 200 000 000

Корхонанинг акциядорлик капитали ҳисобида рўйхатдан ўтган, лекин эмиссияси тугалланмаган миқдорда ҳисобга олинishi сабабли эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган), чиқарилган (акциядорлар томонидан обуна

⁹“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.

амалга оширилган) ва муомаладаги оддий акцияларнинг ҳар қайси эмиссияси бўйича алоҳида таҳлилий счёт юритиш талаб қилинади.

Хўжалик субъектининг иқтисодий фаолияти давомида унда устав капиталини ошириш ёки камайтириш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Бунда муассислар қарори билангина устав капиталини ўзгартиришга йўл қўйилади ва матбуотда унинг ўзгариши ҳақида эълон берилади ҳамда таъсис ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, устав капиталининг оширилиши таъсисчиларнинг қўшимча қўйилмалари ҳисобига ёки тақсимланмаган фойдадан ажратма қилиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Масалан: хўжалик субъекти устав капиталини тақсимланмаган фойда ҳисобидан 5 000000 сўмга оширишга қарор қилди. Бу бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 – 5 000 000 сўм

К-т 8330 -5 000 000 сўм

Баъзи ҳолларда устав капиталига янги муассис келиб қўшилиши мумкин. Бу эса қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- устав капитални улушини бир ёки бир неча шерикдан сотиб олиш;
- қўшимча сармоя киритиш.

Масалан: хўжалик субъекти устав капиталини тақсимланмаган фойда ҳисобидан 5 000000 сўмга оширишга қарор қилди. Бу бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 – 5 000 000 сўм

К-т 8330 -5 000 000 сўм

Устав капитални – таъсис ҳужжатларида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун хўжалик субъектини ташкил этиш чоғида унинг мулкига муассислар (аъзолар) қўшган улушларининг йиғиндиси (номинал қиймати бўйича ҳиссалари, акциялар) пул бирлигида ифодалашдир.

Шундай қилиб, ташкил этилган хўжалик субъектининг устав капитални унинг муассислари томонидан қўшилган маблағларидан тўпланиб боради. У бир вақтнинг ўзиде муассисларнинг жамоавий мулкни ҳамда юридик шахс бўлган хўжалик субъектининг мулкни ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан қараганда устав капитални бир томондан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари фонди, бошқа томондан эса ҳар бир муассиснинг мулкни сифатида намоён бўлади.

Устав капитални шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Уставни рўйхатга ўтказиш пайтида эълон қилинган устав капиталнинг бутун миқдори қуйидаги провodka орқали ифодаланади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорлар қарзлари» счёти дебети.

8310 – «Устав капитални» счёти кредити.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик субъекти мулкдорлар хўжалик субъекти рўйхатидан ўтказилгандан кейин бир йил мобайнида ўз улушларини тўлиқ қўшишлари шарт.

Хўжалик фаолиятининг 3 та асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли мавжуд: якка эгаллик, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари акциядорлик жамияти (корпорация).

Якка эгалликдаги уставни рўйхатга ўтказиш чоғида рўйхатга олинган устав капитални (УК) ҳажми ёзувида қайд этилади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорларнинг қарзи» счёти дебети.

8330 – «Устав капитални» счёти кредити.

Бунда 8330 – счётда хўжалик юритувчи субъект ягона мулкдор улушининг миқдори акс эттирилади. Хусусий корхона амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ўз уставини устав капитални миқдорини маълум қилмасдан ҳам рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Устав капиталига улушларнинг келиб тушиши устав капитални ҳисоб варағига таъсир кўрсатмайди, балки муассис қарзини сўндиради. Амалдаги

қонун ҳужжатларига мувофиқ устав капиталига бадаллар даромад ҳисобланмайди ва солиққа тортилмайди.

Корхона рўйхатдан ўтганидан сўнг рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига корхона олдида муассисларнинг қарзи вужудга келади. Таъсисчиларнинг устав капиталига бўлган қарзлари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётида олиб борилади.

4610-счёт актив бўлиб, дебет сальдоси таъсисчиларнинг ой бошига бўлган сальдосини кўрсатади. Дебет обороти ҳисобот ойда вужудга келган таъсисчиларнинг қарзларини акс эттирса, кредит обороти таъсисчилар томонидан ўтказиб берилган пул маблағлари, моддий қийматликлар ва мулклар қийматини кўрсатади.

Таъсисчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисобини юритиш учун асос бўлиб таъсис ҳужжатлари, асосий воситалар ва номоддий активларни қабул-қилиш-топшириш далолатномалари, кирим касса ордерлари ва бошқалар ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказилган устав капитали суммасига 4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счёти дебетланиб, 8310-«Оддий акциялар», 8320-«Имтиёзли акциялар» ва 8330-«Пайлар ва улушлар» счётлари кредитланади.

4610-«Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счёти бўйича счётлар корреспонденцияси

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1.	Устав капиталига улушлари бўйича таъсисчилар қарзларининг ташкил этилиши	4610	8310, 8320, 8330
2.	Таъсисчилар қарзларининг асосий воситалар тарзида тўланиши	0110-0190	4610
3.	Таъсисчилар қарзларининг номоддий активлар тарзида тўланиши	0410-0490	4610
4.	Таъсисчилар қарзларининг пул маблағларини бериш йўли билан тўланиши	5010, 5110, 5210	4610
5.	Таъсисчилар қарзларининг бошқа активлар тарзида тўланиши	1010- 1090, 2910	4610

11.4. Қўшилган капитал ҳисоби.

Қўшилган капитал оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммалар номинал қийматидан ошиқча суммалар, бундан ташқари, қайтариб бермаслик шarti билан олинган мулклар қийматининг йиғиндисидан ташкил топади.

Қўшилган капитал, акцияларнинг номинал қийматидан ошиқча баҳоси бўйича биринчи сотувдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради. Бундан ташқари, қўшилган капиталнинг таркибида устав капиталига қўйилган омонатларни тўлашда ҳосил бўладиган курсдаги фарқларнинг суммаси ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган капиталнинг мавжудлиги ва ҳаракати куйидагича:

8410 – «Эмиссия даромадлари»

8420 – «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётларида юритилади.

8410 – «Эмиссия даромадлари» счёти акцияларининг номинал қийматидан юқори олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Келиб тушган суммалар 8410 – «Эмиссия даромадлари» счётининг кредити бўйича ҳисобга олинади, хусусий акцияларни сотиб олишда ва сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда курсдаги фарқларни қоплаш учун фойдаланилганда ушбу муомалалар бу счётнинг дебети бўйича ҳисобга олинади.

8420 – «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида ҳосил бўладиган курсдаги фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Валюта ва валюта қийматликлари ҳисобига устав капиталини шакллантириш вақтида устав капиталига бадал тўлаш вақтида амал қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади.

Валюта ва валюта қийматликларини баҳолаш ва бошқа мулкларни рўйхатдан ўтказиш вақтида таъсис ҳужжатларидаги баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Ҳосил бўлган бу курсдаги фарқлар 8420 – «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий фарқлар, мулклар, валюта ва валюта қийматликлари счётларининг дебети бўйича ва 8420 – «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти кредити бўйича, салбий фарқлар эса тесқари тартибда бухгалтерия проводкалари бўйича акс эттирилади. Баҳолардаги ва курсдаги баҳоланишнинг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис

ҳужжатларида олдиндан келишилган устав капиталидаги таъсисчилар улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

11.5. Резерв капиталини ҳисобга олиш ва ишлатиш.

Амалдаги қонунчиликка биноан корхонада резерв капитали ташкил этилади. Унинг миқдори жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Резерв капитали ҳар йили соф фойдадан ажратмалар ўтказиш йўли билан жамият уставида белгиланган миқдорга етгунча ташкил этилади. Резерв капитали корхона кўрган зарарини қоплаш, имтиёзли акциялар учун дивиденд тўлаш, акциядорлар талабига кўра акцияларни қайта сотиб олиш учун ишлатилади. Шу билан биргаликда резерв капитали счётлари узок муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляцияон резервларга мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинадиган резерв ҳисоби учун мўлжалланган.

Резерв капитали ҳисоби қуйидаги счётларда юритилади:

8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8520-«Резерв капитали»;

8530-«Беғараз олинган мол-мулк».

8510 - «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти қайта баҳолаш натижасида активлар қийматини ошишини ҳисобга олади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш, одатда, ҳукумат қарорига кўра, номоддий активлар, қимматли қоғозлар ва бошқа узок муддатли инвестицияларни бозор қийматигача қайта баҳолаш активнинг бозор қийматини аниқ белгилаши мумкин бўлган шароитда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, қайта баҳолашни шундай амалга ошириш керакки, ҳар бир ҳисобот санасидаги активнинг баланс қийматини унинг бозор қийматидан кескин фарқланмасин.

Мисол. Компаниянинг қимматли қоғозлари 800 минг сўмлик баланс қийматига эга. Уларнинг ҳисобот даври охиридаги бозор қиймати 880 минг сўмга ошган.

Агар хўжалик юритувчи субъект ўз инвестицияларини қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олса, у ҳолда қайта баҳолашдан олинган даромад резерв сармоя счётларида акс эттирилиши лозим.

0610 – «Қимматли қоғозлар» ҳисобварағи дебети – 80000 сўм.

8510 – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи кредити 80000 сўм.

Агар навбатдаги ҳисобот даврига келиб бу қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайса, унда мазкур қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв сармоянинг камайтириш ҳисобига уни қоплаш мумкин. Бу қимматли қоғозлар бўйича ташкил этилган резервдан ошувчи нархнинг пасайиш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Асосий воситаларни (ҳукумат қарорига биноан) қайта баҳолаш суммаси, шунингдек, ўз капиталининг ошиши сифатида акс эттирилади.

Баланс қийматидан юқори баҳода бошқа хўжалик юритувчи субъект устав капиталига мол-мулкни киритиш чоғида ҳам «Резерв сармоя» счётида қўлланилади.

8520 – «Резерв капитали» счётидан турли резервларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятлари резерв капитали уставда белгиланган миқдорда унга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар йўли билан шакллантирилади:

8710 – «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счёти дебети.

8510 – «Резерв капитали» счёти кредити.

11.6. Мақсадли тушумлар ҳисоби.

Грантлар, субсидиялар ва беғараз ёрдамларни ҳисобга олиш 1998 йил 3 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 562-рақам билан тасдиқланган «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдамини изоҳлаш» номли 10-сон БҲМС билан тартибга солинади.

Грант (субсидия) деганда хўжалик юритувчи субъектларга улар белгиланган шартларни бажарганларида иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлат ёки халқаро хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тушунилади.

Шу билан биргаликда субсидия ва грантлар турли нодавлат, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан маълум дастурларни амалга ошириш учун корхоналар томонидан тақдим этилиши мумкин.

Грант ва субсидиялар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

8810-«Грантлар»;

8820-«Субсидиялар».

Мазкур счётларда ўз сармоясига киритилувчи ҳамда корхона фаолиятини молиялаш манбаи сифатида кўриб чиқиладиган ажратилган грант ва субсидияларнинг мавжудлиги ва харакати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Пул шаклида олинган грантлар қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 5110, 5210-«Пул маблағлари»счётлари
К-т 8810-«Грантлар».

Грантлар ҳисобига устав капиталининг ортиши қуйдагича акс эттирилади:

Д-т 8810-«Грантлар»

К-т 8310, 8320, 8330 Устав капиталини ҳисобга олиш счётлари.

Грант ажратган ташкилотнинг грант суммасини корхона устав сармоясига бадал сифатида киритиш ҳақидаги қарори зарур. Устав капиталининг ошишига ҳамда янги муассис пайдо бўлишига барча муассисларнинг розилиги ҳам керак ва таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказиш лозим:

Д-т 8810-«Грантлар»

К-т 8530-«Текинга олинган мол-мулк».

Субсидияни олиш шакли уни ҳисобда акс эттириш тартибига таъсир этмайди. Активларга тегишли давлат субсидиялари қуйдагича акс эттирилади:

♦ активнинг фойдали хизмат муддати давомида даромад сифатида тан олинадиган мақсадли тушумлар сифатида;

♦ келиб тушган активнинг баланс қийматини камайтиради ҳамда амортизацияланадиган активдан фойдали фойдаланиш муддати давомида ҳисобланадиган эскиришни қисқартириш йўли билан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Шунингдек, 8800-«Мақсадли тушумлар» гуруҳида қуйдаги счётлар очилган:

8830-«Аъзолик бадаллари»

8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари».

8830-«Аъзолик бадаллари» счётида таъсис ҳужжатлари билан белгилаб жамият аъзоларининг аъзолик бадаллари акс эттирилади. Аъзолик бадалларининг тушуми 8830-«Аъзолик бадаллари» счёти кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммаларини мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтиришнинг ҳисоби 8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счётида амалга оширилади.

Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарзларни ҳисобга олиш счётлари бўшаган маблағлар суммасига дебетланади, 8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счёти кредитланади. Солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар суммалари имтиёзли давр кўрсатилган тақдирда – имтиёзли давр тугагач, қолган ҳолларда эса - ҳар йили

8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» счёти дебетидан 8530-«Бепул олинган мол-мулк» счёти кредитига ҳисобдан чиқарилади.

11.7. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервини ташкил қилиш ва фойдаланиш ҳисоби.

8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви» счёти бир маромда харажат ва тўловларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига киритиш йўли билан белгиланган тартибда резерв қилинган суммалар ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун қўлланилади.

Хусусан, ушбу счётда асосий воситаларни таъмирлаш бўйича келгуси харажатлар суммасини акс эттириш мумкин. Резервнинг ҳосил бўлиши:

Д-т 2010, 2110, 2310, 2510 Ишлаб чиқариш харажатлари счётлари

К-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви».

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ бундай резервни ташкил қилиш тавсия қилинмайди, чунки корхона уни ташкил этишда ўз ҳисоботида амалга оширилмаган харажатларни акс эттиради ва фойдани камайтиради.

Тижорат корхоналари, агар ҳисоб сиёсатида бу акс эттирилган бўлса, фақат соф фойда ҳисобига резерв ташкил этишлари мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтижлари учун резервдан фойдаланишда солиқ солинадиган база мазкур харажатлар суммасига камайтирилади.

Корхоналарда ташкил этилган ушбу резервлардан асосий воситалар таъмир қилинаётганда ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Илгари ташкил этилган резерв ҳисобидан асосий воситани капитал таъмир қилиш учун материаллар сарфланса, қуйдагича проводка берилди:

Д-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви»

К-т 1010-«Хом-ашё ва материаллар».

Илгари резерв қилинган суммалар бўйича ҳисоб-китоб счётларидан харажатлар тўланса, қуйдагича ёзув қилинади:

Д-т 8910-«Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви»

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

11.8. Молиявий натижалар кўрсаткичлари таркиби ва улар шаклланиш тартиби.

Молиявий натижалар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазибалари қуйидагилардир:

- молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғрисканлигини ўрганиш;
- олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилиш;
- молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счётларида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

Молиявий натижани аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарори билан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида олиб борилади.

Ушбу Низомнинг аҳамияти катта бўлиб, у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бир томондан, хўжалик субъектларига ҳисобот даври ичидасодир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан, солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб, топшириш имкониятини беради.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти натижасида хўжалик субъекти томонидан даромад қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс этти-рилади:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавкуллда фойда.

11.8. Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби.

Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум қуйидагича аниқланади:

ЯФ=ССТ-ИТ,

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Жўнатишган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар (ҚҚС, акцизлардан ташқари) учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага	4010, 4020	9010, 9020, 9030
2	Маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни нақд пулга сотиш	5010, 5020	9010, 9020, 9030
3	Корхона ходимида маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар (жумладан махсус кийимлар) сотилди	4790	9010, 9020, 9030
4	Дивидендлар маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар билан тўланди	6610	9010, 9020, 9030
5	Кечиктирилган даромадлар суммаси улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда сотиш ҳажмига киритилди	6230	9010, 9020, 9030
6	Сотилган товарларнинг қайтиши	9040	4010
7	Сотишдан ва нархдан чегирмалар бериш	9050	4010
8	Ҳисобот даврининг охирида 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” счётини ёпилиши	9010, 9020	9040
9	Ҳисобот даврининг охирида 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётини ёпилиши	9010, 9020, 9030	9050

10	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9910
----	---	------------------	------

11.3. Асосий хўжалик фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар ҳисоби.

асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плус асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ,$$

бунда,

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги счётларда амалга оширилади:

9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”;

9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”;

9340 “Ўтган йиллар фойдалари”;

9350 “Қисқа муддатли ижарадан даромадлар”;

9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”;

9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”;

9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”;

9390 “Бошқа операцион даромадлар”.

Ҳисобот даврининг охирида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда” счётининг кредитида 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” счётининг кредитида 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9300)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	9210	9310
2	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	9220	9320
3	Шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун бошқа корхоналарга тақдим этилган жарима, пеня ва устамалар суммаси	4860	9330
4	Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдалари	4010	9340
5	Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича ижара тўловлари суммаси	4820	9350
6	Даъво муддати ўтиши билан кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш	6010	9360
7	Кредитор қарзлар ва ҳоказоларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	6910-6990	9360
8	Камомадлар бўйича баҳолардаги фарқлар моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилди	4730	9370
9	Текинга олинган пул маблағлари	5110-5530	9380
10	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардаги, умумишлабчиқариш омборларидаги материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кирим қилинди	2010, 2310, 2510, 2710	9390
11	Илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар	Олинадиган счётлар	9390

11.4. Давр харажатлари таркиби ва ҳисоби.

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври

харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9410 “Сотиш харажатлари”;

9420 “Маъмурий харажатлар”;

9430 “Бошқа операцион харажатлар”;

9440 “Келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари”.

Давр харажатларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади (ЎзР. ВМ. ҚТ. 1999 й. 2-сон, 9-модда).

Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари	9410	6990
2	Четдан реклама ва маркетинг хизматлари	9410	6010
3	Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириши	9410	0210-0299
4	Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларнинг эскириши	9410	0510-0590
5	Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари	9420	6710
6	Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши	9420	0210-0299
7	Бошқарув биносининг ижара тўлови	9420	6910
8	Бошқарув эҳтиёжлари учун материаллар сарфлани	9420	1010-1090
9	Транспорт корхоналарининг хизмати	9420	6010
10	Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари	9420	4220, 4230
11	Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини сақлашга ажратмалар	9420	6120
12	Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловлар	9430	6990

13	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан зарарлар	9430	9210, 9220
14	Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишлар	9430	5910
15	Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисоблани	9430	4910
16	Солиқ идоралари қарорига кўра жарима ҳисоблани	9430	6410
17	Корхона балансида бўлган олий ўқув юртлирини сақлаш учун ажратмалар	9430	6110
18	Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар тўланди	9430	5110-5530
19	Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	9430	2010
20	Ўтган йиллар муомалаларидан кўрилган зарарлар	9430	Олинадиган счётлар
21	Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар	9430	6960

11.5. Молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар ҳисоби.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га биноан молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга куйидагилар қиради:

- олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.

- мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).

- валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги муомалалари бўйича ижобий курс тафовутлари.

- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар солиққа тортишда ялпи даромадга киритилмайди.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби «Асосий хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлар» номли 2-сон БХМА, «Лизинг ҳисоби»

номли 6-сон БХМА, «Молиявий инвестициялар ҳисоби» номли 12-сон БХМАлар билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар”;
- 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”;
- 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”;
- 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”;
- 9550 “Узоқ муддатли ижарадан даромадлар”;
- 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”;
- 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”.

Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9500)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Роялти бўйича олинган суммалар	4850	9510
2	Бошқа корхоналарда улушли қатнашишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли бўлган акция ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар	4840	9520
3	Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар	4830	9530
4	Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан ижобий курс фарқлари	Пул маблағлари ни ҳисобга олувчи счётлар, олинган счётлар, мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар	9540
5	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси	4830	9550

6	Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш (қийматининг оширилиши)	0610, 5810	9560
7	Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9510-9590	9910

Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”;
- 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар”;
- 9630 “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”;
- 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (9600)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Кредитлар ва қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
2	Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
3	Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан салбий курс фарқлари	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинган счётлар, мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар	3290
4	Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш (қийматининг камайрилиши) натижасида қўрилган зарарлар ва х.к.	9690	0610-0690, 5810-5890
5	Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият бўйича харажатларни	9910	9610-9690

	ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши		
--	------------------------------------	--	--

11.6. Фавқулодда фойда ва зарарлар ҳисоби.

Корхонанинг одатий хўжалик фаолиятдан кескин фарқ қиладиган фавқулоддаги ходисалар (тасодиф, кутилмаган ва одатий бўлмаган зарар ва йўқотишлар) натижасида вужудга келадиган фойда ва зарарлар ҳисоби куйидаги счётларда юритилади:

9710 “Фавқулоддаги фойдалар”;

9720 “Фавқулоддаги зарарлар”.

Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар (9700)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Фавқулодда ходиса (табiiй офат) натижасида ускуналар, материаллар, зарарлар кирим қилинди	0710-0720, 1010-1090, 2910-2990	9710
2	Табiiй офатдан кейин ўтказилган тартибга солиш натижасида аниқланган зарарларнинг камомади	9720	0710-0720
3	Табiiй офат туфайли йўқотилган турли моддий қийматликлар ҳисобдан қилинди	9720	1010-1090, 1110-1120
4	Табiiй офат туфайли тугалланмаган зарарларнинг қилинди	9720	2010, 2110, 2310
5	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг зарарларини офатдан кўрган зарари ҳисобдан қилинди	9720	2720
6	Табiiй офатлар натижасида тайёр маҳсулот, товарларнинг йўқотилиши	9720	2810-2890, 2910-2990
7	9710 “Фавқулоддаги фойдалар”нинг ёпилиши	9710	9910
8	9720 “Фавқулоддаги зарарлар”нинг ёпилиши	9910	9720

11.7. Умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби.

Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плус молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ,$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

11.8. Солиқ тўлагунига қадар фойдани аниқлаш ва солиққа тортишни ҳисобда акс эттириш.

Қонунчиликда белгиланган даромад (фойда) солиғи бўйича йил давомида ҳисобланган бўнақ тўловлари ва қайта ҳисоблаш бўйича ҳақиқатда фойдадан тўловларни ҳисобга олиш учун куйидаги счётлар мўлжалланган:

9810 “Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар”;

9820 “Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар”.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар (9800)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Фойдадан бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган суммалар	9810, 9820	6410
2	Ҳисобот даврининг охирида солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9810, 9820

11. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби.

Йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни

чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ДС} - \text{БС},$$

бунда,

СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Фойда қуйидагича тақсимланади:

- солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва тўловларга;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;

- акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Ҳисобот даврининг тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 “Яқуний молиявий натижа” счёти 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Яқуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар (9900)нинг боғланиши

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9010, 9020,	9910
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9110- 9150
3	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9310- 9390	9910
4	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9410- 9440
5	Молиявий фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9510- 9590	9910
6	Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9610- 9690
7	9710 “Фавқулоддаги фойдалар” счётининг ёпилиши	9710	9910

8	9720 “Фавқулоддаги зарарлар” счётининг ёпилиши	9910	9720
9	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9810- 9820
10	Ҳисобот йилининг соф фойдаси	9910	8710
11	Ҳисобот йилининг соф зарари	8710	9910

Молиявий ҳисобот

11.1.Молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва таркиби.

11.2.Молиявий ҳисобот тузиш ва уни ташкил этиш.

11.3.Бухгалтерия баланси тузилиши ва унинг таркиби.

11.4.Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва уни тўлдириш.

11.5.Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва уни тўлдириш.

11.6.Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузиш.

11.7.Тушунтириш хатлари ва иловалар.

Таянч иборалар: ҳисобот, фойдаланувчилар, баланс, пул оқимлари, молиявий натижалар, хусусий капитал, ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар

11.1. Молиявий ҳисоботнинг вазифаси, унинг таркиби.

«Туризм ва меҳмонхона хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва молия» тўғрисидаги қонунининг 22-моддасида Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

бухгалтерия баланси;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби субъекти молиявий ҳисоботни тузишда мустақил балансга ажратилган ўз ваколатхоналарининг, филиалларининг ва бошқа

таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия балансларини ҳамда бошқа ҳисобот шакллари киритиши керак.

Молиявий ҳисобот ҳисобот йили бошидан ортиб боровчи якун билан тузилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботи бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари молиявий ҳисоботининг таркиби ҳамда мазмуни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Кичик корхона ва микрофирмалар фақат бухгалтерия баланси - 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2-сон шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома - 2а-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

11.2. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби.

Корхоналарнинг молиявий ҳисоботи белгиланган талаблар ва қоидаларга риоя қилган ҳолда тузилса ундаги маълумотлар ҳисобот даври мобайнида унинг молиявий- хўжалик фаолияти тўғрисида етарлича ахборот беради.

Бугунги кунда молиявий ҳисобот шакллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига мувофиқ тузилмоқда.

Ҳисоботнинг асосий шакллари корхона баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби» тўғрисидаги Низом, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан чамбарчас боғлиқдир.

Эндиликда эса молиявий ҳисобот шакллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига мувофиқ тузилмоқда. Бу буйруғига 12.11.2003 йил ва 20.12.2004 йилда Молия вазирлигининг мос равишда 1209-1 ва 1209-2 сон буйруғлари

билан ўзгартиришлар киритилган, ҳамда улар молиявий таҳлил мақсадлари учун асосий манбалар ҳисобланмоқда.

Тасдиқланган молиявий ҳисобот шакллари фақат шаклан ўзгарибгина қолмай, балки маъноси ҳам сезиларли даражада ўзгарган: молиявий таҳлил мақсадлари учун улар ахборотларга янада бойиган. Барча қилинган ўзгартиришлар ҳисоботларни халқаро андозалар даражасига етказиш мақсадида амалга оширилган. Жумладан, бухгалтерия балансининг актив ва пасив томонларини икки бўлимли ҳолатга келтириш.

Корхона баланси, бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли ҳисобланади, қолган шакллар еса ундаги маълумотларни батафсилроқ очиб бериш ва тўлдириш учун хизмат қилади. Корхона баланси, корхонанинг барча маблағларининг ҳолати ва хўжалик фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шаклларида акс етган кўрсаткичлар еса, корхона фаолиятининг у ёки бу томонини ифодалайди.

Ҳисоботнинг кейинги шакли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдир. 3-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўлиб, унда шу ҳисоботга тегишли барча масалалар ёритилган. Юқорида келтирилган молиявий ҳисобот шаклларида қўшимча равишда тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ваколатли органлар бошқа ҳисобот шакллари ишлаб чиқиши ва уларни тақдим қилишни белгилаши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар икки асосий гуруҳга ажратилади: ички фойдаланувчилар ва ташқи фойдаланувчилар.

Ички фойдаланувчиларга, маъмурият, яъни бошқарув ходимлари, менежерлар, раҳбарлар ва бўлинмалар мутахассислари, ҳамда таъсисчилар ва мулкдорлар қиради.

Бошқарув аппарати ходимлари ва мутахассислари бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан кенг фойдаланувчилар қаторига қиради. Уларга бериладиган маълумотлар таркиби, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишига бевосита боғлиқдир.

Бошқарув ходимлари ва мутахассислари бу асосида турли ишлаб чиқариш ва молиявий характердаги қарорларни қабул қилди. Шунинг учун ҳам бундай қарорларни қабул қилишда тўлиқ, аниқ ва ўз вақтидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга ега, акс ҳолда корхона катта зарарлар кўриши ва таназзулга учрашгача етиб бориши мумкин.

Иқтисодий инкирознинг интеграллашуви шароитида молиявий ҳисобот билан қизиқувчи ташқи фойдаланувчилар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

корхона фаолияти билан бевосита манфаатдор бўлганлар ва билвосита манфаатдор бўлганлар.

Бухгалтерия маълумотларидан бевосита манфаатдор бўлган ташқи фойдаланувчиларга мавжуд ёки келажақдаги инвесторлар, банклар, мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар киради. Улар асосан бухгалтерия ҳисоботларида мавжуд маълумотлардан фойдаланадилар. Шу маълумотлар асосида улар корхонанинг истикболдаги молиявий имкониятлари ва барқарор ривожланиши ҳақида хулосалар чиқарадилар.

Бухгалтерия маълумотларидан билвосита манфаатдор бўлган ташқи фойдаланувчиларга, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари; солиқ ва молия органлари, давлат статистика органлари, аудиторлик фирмалари ва бошқа фойдаланувчилар (фонд биржалари, илмий маслаҳатчилар, харидорлар ва шунга ўхшаш фойдаланувчилар) киради.

Ташқи фойдаланувчиларни асосан қуйидаги кўрсаткичлар кизиқтиради:

- корхона актив ва пасивларининг таркиби;
- актив ва пасивларнинг ликвидлиги; -хусусий ва қарзга олинган капиталнинг улуши; -активларнинг айланиш тезлиги;
- барча активлар ва сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги;
- мулкдорлар ихтиёрида қоладиган соф фойда;
- ҳиссадорлик жамиятларида тўланган дивидентлар улуши ва ҳоказо.

11.3. Бухгалтерия баланси.

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Унда ҳўжалик юритувчи субъектнинг активлари, капитал ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар маълум бир даврга акс еттирилади. "Баланс" атамаси лотинча бис - "икки марта", банх - "тарози палласи" сўзларидан таркиб топган бўлиб, тор маънода "икки палла" деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.²

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий асос ҳисобланган 1-БХМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" да бухгалтерия балансини таърифловчи махсус банд бўлмасида 6.6-бандида бухгалтерия балансининг мақсади қуйидагича ёритилади: "Ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси унинг ҳисобот кунигача бўлган молиявий ҳолатини акс эттириши лозим, бу эса унинг имкониятлари ва молиявий тузилмасини тушуниш имкониятини беради". Албатта, бу тушунтиришнинг мазмуни иқтисодий адабиётларда берилган таърифларга мазмунан жуда яқиндир.

Хорижий иқтисодий адабиётларда бухгалтерия балансига берилган таърифларнинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан берилган таърифларга жуда яқиндир. Масалан, Р. Энтони, Дж. Рис бухгалтерия балансига қуйидагича таъриф беради: "Бухгалтерия баланси мустақил ҳисоб юритувчи ҳар қандай ҳўжалик библигининг маълум вақтга бўлган молиявий ҳолатини акс эттиради". Худди шунга яқин фикрни Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуел ҳам билдиради: "Баланс фирманинг маълум вақтга бўлган молиявий ҳолатини тавсифлайди. У актив, пасивлар ва капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдигини ўз ичига олади"

Бухгалтерия баланси тўғрисидаги худди шунга яқин таърифларни Россиялик иқтисодчи олимларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларида учратиш мумкин.

Шундай қилиб, бухгалтерия балансининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш мақсадида иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш уларнинг барчасида бир-бирига ўхшаш, умумий ва мазмуний жиҳатидан яқин бўлган таърифлар, тушунтиришлар, фикр ва мулоҳазаларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда нашр қилинаётган иқтисодий адабиётларда бухгалтерия балансининг мазмуни ва моҳиятини очиб беришда анча салмоқли ишлар амалга ошириляётганлигини тасдиқлайди.

11.4. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 3-сон БХМС «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Ҳисоботнинг 010 - қатор 90 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счётининг тегишли (9010 - 9030) субсчётларидан олинади. Бу счётларнинг суммасидан 9050 - «Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар» счётининг суммаси чиқариб ташланади. 020 - қатор суммаси 9110 - «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счётининг тегишли субсчётлари (9110 - 9130) дан олинади. 030 - қатор суммасини топиш учун 010 - қатор суммасидан 020 – қатор суммасини айириб ташлаш керак.

«Давр харажатлари ҳажми» моддасида (сатр 040) 050, 060, 070, 080), қаторларнинг умумий суммаси ёзилади.

«Сотиш бўйича харажатлар» моддаси бўйича (050 қатор) сотиш бўйича харажатлар акс эттирилиб, улар 9410 - «Сотиш бўйича харажатлар» счётидан олинади.

«Маъмурий харажатлар» моддаси бўйича (060 қатор) маълумотлари 9420 - «Маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Бошқа операцион харажатлар» моддаси бўйича (070 қатор) маълумотлар 9430 - «Бошқа маъмурий харажатлар» счётига олинади.

«Келгуси солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси бўйича (080 қатор) маълумотлар 9440 - «Келгуси солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» счётига олинади. «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» моддаси бўйича (090 қатор) маълумотлар 9300 - «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётига олинади.

«Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (100 қатор) маълумотлар 030 - қатор суммасидан 040 - қатор суммасини айириб ташлаш 090 - қатор суммасини қўшиб йўли билан аниқланади.

«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, жами» моддаси бўйича (110 қатор) маълумотлар 120, 130, 140, 150, 160 - қаторлар суммаларини қўшиб йўли билан топилади.

«Дивиденд шаклидаги даромадлар» моддаси бўйича (120 қатор) маълумотлар 9520 - «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётидан олинади.

«Фоизлар шаклидаги даромадлар» моддаси бўйича (130 қатор) маълумотлари 9530 «Фоизлар шаклидаги даромадлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» моддаси бўйича (140 қатор) маълумотлари 9550 - «Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан даромадлар» моддаси бўйича (150 қатор) маълумотлари 9540 - «Валюталар курслари фарқларидан даромадлар» счётидан олинади.

«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» моддаси бўйича (160 қатор) маълумотлари 9510 - «Роятли кўринишидаги даромадлар», 9560 - «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590 - «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётидан олинади.

«Молиявий фаолият бўйича харажатлар» моддаси бўйича (170 қатор) маълумотлар 180, 190, 200, 210 - қаторларнинг жами акс эттирилади.

«Фоизлар шаклидаги харажатлар» моддаси бўйича (180 қатор) маълумотлари 9610 - «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)» моддаси бўйича (190 қатор) маълумотлар 9610 - «Фоизлар шаклидаги харажатлар» счётидан олинади.

«Валюта курси фарқидан зарарлар» моддаси бўйича (200 қатор) маълумотлар 9630 - «Валюта курси фарқидан зарарлар» счётига олинади.

«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддаси бўйича (210 қатор) маълумотлари 9630 - «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар», 9690 - «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётидан олинади.

«Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (220 қатор) 100 қатор суммасига 110 қатор суммасини қўшиб 170 қатор суммасини ташлангандан ҳосил бўлган сумма ёзилади.

«Фавкуллодаги фойда ва зарарлар» моддаси бўйича (230 қатор) даромади бўйича маълумотлар 9710-«Фавкуллода зарарлар» счётидан олинади.

«Даромад (фойда) солиғи тўлагунча қадар фойда (зарар)» моддасининг (240 қатор) маълумотлари 220-қатор суммасига 230-қатор суммасини (фойда бўлса) қўшиб, (зарар бўлса) чегириб ташлаш йўли билан топилади.

«Даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (250 қатор) маълумотлар 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» счётидан олинади.

«Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар» моддаси бўйича (260 қатор) корхона томонидан йил бошидан фойда ҳисобидан ҳисобланиб тўланган солиқ ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

«Ҳисобот даврининг соф фойда (зарари)» моддаси бўйича (270 қатор) маълумотлар 240 қатор суммасидан 250 ва 260 қаторлар сум-маларини айириш йўли билан топилади.

11.5. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот.

Пул оқими тўғрисида ҳисобот маълум бир ҳисобот даврида корхонанинг пул маблағлари ҳолатига операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти таъсирини акс эттиради ва шу давр ичида пул маблағлари ўзгаришини кўрсатади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш куйидаги имкониятларни беради:

- корхонанинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилиятини, шунингдек, шунга ўхшаган пул маблағларидан фойдаланишда корхона эҳтиёжини баҳолаш;

- корхонанинг соф активдаги ўзгаришларни, унинг (тўлов қобилияти ҳам қўшилган ҳолда) молиявий структурасини ва унинг ўзгарувчан вазият ва имкониятларига мослашиш мақсадида пул оқимларининг суммалари ва ўз вақтида тушишига таъсир этиш қобилиятини баҳолаш;

• турли корхоналарнинг операцион фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни таққослаш. Чунки бу хўжалик фаолиятининг бир хил муомала ва воқеалари учун бухгалтерия ҳисобининг турли усулларидан фойдаланиш оқибатларини бартараф этади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот даври ичида пул маблағлари оқими куйидаги фаолиятлар бўйича таснифланади:

- операцион фаолияти;
- инвестицион фаолияти;
- молиявий фаолияти.

Операцион фаолиятдан олинadиган пул маблағлари ҳажми корхона фаолияти самарасининг ҳал этувчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Чунки у ташқи молиялаш манбаларисиз қайтариш, меҳнат унумдорлик даражасини сақлаш, дивидендлар тўлаш ва янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Операцион фаолиятдан бўлган пул маблағлари ҳаракати биринчи навбатда, даромад олиш бўйича асосий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион фаолият – бу пул эквивалентига кирмайдиган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш, қайтарилadиган кредитларни бериш ва олиш. Буларга бино, асбоб - ускуна, номоддий ва бошқа активларни сотиш ва сотиб олиш, акция ёки бошқа қарз мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ва бошқа корхоналарнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини сотиб олиш, фьючерс, форвард, опцион ва своп - контрактлар бўйича тушумлар ва улар бўйича тўловлар киради.

Фьючерс контракт (муддатли контракт) – бу маълум миқдорда молиявий инструментларни ёки белгиланган миқдордаги товарни эркин савдо биржасида келишилган нархда олди - сотди тўғрисидаги шартнома.

Форвард контракт – бу товар ёки молиявий инструментларни келажакда жўнатиш ва ҳисоб - китоб қилиш бўйича олди – сотди тўғрисидаги битим.

Опцион контракт (мукофотли битим) – бу маълум миқдордаги молиявий инструментлар ёки товарларни келишилган муддат ичида белгиланган миқдорда мукофот тўлаш эвазига қайд этилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳукуқи.

Молиявий фаолият – бу шундай фаолият турики, унинг натижасида корхонанинг хусусий капитали ва қарзлари ҳажми ва структураси (тузилиши) да ўзгариш ҳосил бўлади.

11.6. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот.

Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот жорий бухгалтерия маълумотларига асосан тузилиб, унда ташқи ва ички фойдаланувчилар учун муҳим кўрсаткичлар мавжуд.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига асосан корхонанинг бозор фаоллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин. Бу кўрсаткичлар компания акцияларининг қиймати ва даромадлигини таърифлайди.

1. Бир акцияга тўғри келadиган фойда куйидагича аниқланади:

АФ	=	Соф фойда (ССФ) – имтиёзли акция бўйича дивидендлар
		Муомаладаги оддий акциялар

Бу кўрсаткич муомаладаги бир оддий акцияга қанча соф фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу бозор иқтисодиёти шароитида энг зарурий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

2. Акциянинг бозор баҳоси билан бир акцияга тўғри келadиган фойдананинг муносабатлари (БФ) куйидагича аниқланади:

БФ	=	Бир акциянинг бозор қиймати
		АФ

Бу кўрсаткич компаниянинг бир сўм соф фойдасига акционерлар неча сўм тўлашга розилигини билдиради. Масалан, «А» компания-сида бу кўрсаткич 10 бўлиб, «Б» компаниясида 8 бўлса, инвесторлар «А» компаниясининг инвестиция сифатини афзалроқ баҳолайди. Бу кўрсаткич бошқа компанияларнинг бир акцияга тўғри келadиган фойда динамикаси бўйича баҳоланади.

3. Бир акциянинг баланс қиймати куйидагича аниқланади:

АБ	=	Акционер капиталининг қиймати – имтиёзли акциялар
		Муомаладаги оддий акциялар

Бир акциянинг баланс қиймати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига биноан бир оддий акцияга тўғри келadиган корхона-нинг соф активлари қийматини кўрсатади.

4. Бир акциянинг бозор қиймати билан баланс қийматининг нис-бати унинг бозор қиймати қанча эканлигини кўрсатади ва у куйида-гича аниқланади:

Бир акциянинг бозор қиймати билан баланс қийматининг нисбати	=	Бир акциянинг бозор қиймати
		Бир акциянинг баланс қиймати

5. Дивиденд даромад ёки дивиденд нормаси куйидагича аниқланади:

<i>Дивиденд даромад (ҳақиқий фойда нормаси)</i>	<i>Бир акциянинг дивиденди</i>
	<i>Бир акциянинг бозор қиймати</i>

6. Акциянинг даромадлиги (Ад) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у куйидагича аниқланади:

$$Ad = D + (C * -C);$$

бу ерда:

D - акцияга эгалик қилиш даврида

C - олинадиган дивиденд суммаси

*C** - сотиш нархи,

C - сотиб олиш нархи

7. Тўланадиган дивидендлар улуши куйидагича аниқланади:

Т.д.у Бир акцияга тўғри келадиган дивиденд
Бир акцияга тўғри келадиган соф фойда

Бу кўрсаткич тахлилининг хусусияти шундан иборатки, унинг «яхши» ва «ёмон» даражаси бўлмайди. Лекин бунинг умумий кўрсаткичи 1 дан ошмаслиги керак. Бу, демак, компания дивиденд тўлаш учун етарли даражада фойда олганлигини кўрсатади. Агар бу кўрсаткич 1 дан ошиб кетса, компания молиявий имкониятидан оқилона фойдаланмаганлигини ёки резерв капиталидан қарз олганлигини кўрсатади.

Дивидендлар хусусий капитални камайтиради, чунки улар компания тасарруфига қолган соф фойдадан тўланади.

11.7. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар.

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар корхонанинг ҳисоб сиёсатини очиб бериши ва ҳисоботдан фойдаланувчиларни корхонанинг мулкӣ ва молиявий аҳволини реал баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар билан таъминлаши керак.

Молиявий ҳисоботга тушунтириш хати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БХМС) “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил 5-сон)да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.

11.7. Солиқ ва статистик ҳисоботлар таркиби.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни ва бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" миллий стандартига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низомда бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш муддатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ молиявий ҳисобот куйидагиларга тақдим этилади:

- мулкдорларга (давлат мулкни бошқаришга ваколатли бўлган органларига; таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларга (иштирокчиларга));
- солиқ органларига;
- давлат статистика органларига;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар ҳисоботни фақат жойлардаги давлат статистика органлари ва солиқ органларига тақдим этадилар.

Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари.

1. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар учун умумлаштирилган чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим этишнинг куйидаги муддатлари белгиланади:

- чораклик ҳисоботлар учун ҳисобот чораги тугагандан сўнг 40 (қирқ) кун мобайнида;
- йиллик ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай.

2. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддати ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмай белгиланади.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни молия органларига йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар (мазкур Низомнинг 1-3 бандларида кўрсатилган субъектлардан ташқари) чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни куйидаги муддатларда тақдим этадилар:

- чораклик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25-кунига қадар;
- йиллик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар фақат йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тақдим этадилар.

ХII-БОБ.ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИ СУБЪЕКТЛАРИДА ХУЖАЛИК ИНВЕНТАРЛАРИ ВА МАТЕРИАЛ ҚИЙМАТЛИКЛАРИ ҲИСОБИ.

8.1. Материалларнинг ҳисоби

Хўжалик юриштирининг муҳим омили бўлиб туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг материалларга эга бўлишлиги ҳисобланади.

Материаллар –бу ишлаб чиқаришнинг моддий асосини ташкил этувчи меҳнат предметларидир. 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар» га мувофиқ, Материалларга қуйидаги кўринишларга эга бўлган активлар киради:

• **Хом- ашё ва материаллар** – маҳсулот (иш, хизмат) ни ишлаб чиқариш (бажариш)да унинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат предметлари;

• **Ярим тайёр маҳсулотлар (полуфабрикатлар)** – бу ишловнинг маълум технологик босқичларидан ўтган, лекинда мустақил тайёр материал сифатида тан олиними мумкин бўлмаган, кейинги ишлабга муҳтож меҳнат предметлари;

• **Бутловчи қисмлар** – бу буюмни бир бутун ҳолатга келтиришда зарур бўлган қисмлари.

• **Ёқилғи** – бу ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёқилғилар (бензин, керосин, саярка, суюлтирилган газ ва бошқалар);

• **Мойлаш материаллари** – бу техник воситаларни ишлатишга кетадиган солидол, афтол ва шу каби мойлар.

• **Эҳтиёт қисмлар** – бу техник воситаларнинг таркибий унсурлари (поршен, гильза, баллон, камера ва бошқалар);

• **Қурилиш материаллари** – бу объектларни қуриш, таъмирлашда қулланиладиган материаллар (ғишт, тахта, цемент ва бошқалар);

• **Ем-хашаклар** – бу корхоналарнинг балансида турган хайвонларни сақлаш, ўстириш, боқиш учун етиштирилган, сотиб олинган омухталар, қўкат ўтлар, силос, ёнтоқ, самон ва шу каби ем-хашаклар.

• **Тара** – бу маҳсулотларни ўрашда, ташишда, сақлашда ишлатиладиган активлар (бутулка, бочка, ящик , халта ва бошқалар);

Материалларга юқоридагилардан ташқари истесно тариқасида инвентарлар ва хўжалик буюмлари, шунингдек ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳам киради.

Материаллар ишлаб чиқаришдаги ролига кўра асосий ва ёрдамчи захираларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш захираси деганда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни асосий компонентини ташкил этадиган хом - ашё материаллар тушунилади. Масалан, колбаса ишлаб чиқарувчи корхона учун асосий хом-ашё материал бўлиб ғишт ҳисобланади. Қолган материаллар, айтайлик, чеснок, қалампир, туз, сирка, ўраш плёнкаси, шпагат ва бошқалар ушбу корхона учун ёрдамчи материаллар ҳисобланади. Худди шундай қурилиш ташкилотидида қурилиш материаллари, транспорт корхонасида эҳтиёт қисмлар асосий ишлаб чиқариш захиралари бўлиб хизмат қилади.

Материаллар ҳисобининг вазифалари. Ишлаб чиқариш захиралари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

• материалларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;

• материалларни тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;

• материалларни тўғри баҳолаш;

• материалларга қилинган қўшимча харажатларни (ташиб келтириш, бож ва солиқ тўловлари, курс ўртасидаги фарқлар, устамалар, сертификациялаш ва бошқалар) тўғри ҳисобга олиш, уларни уз вақтида сотиб олинган захиралар таннарихига (қиймати)га ёки корхона харажатларига киритиш.

• материаллар ҳолати ва харакатини тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва ҳисобга олиш;

• материалларга моддий жавобгарликни таъминлаш, моддий жавобгар шахслар томонидан ҳисоботларни тўғри ва ўз вақтида тузилиши, тақдим этилишини назорат қилиш;

• материаллар ҳолати ва харакати бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлигини таъминлаш;

• материалларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда қайта руйхатдан утказиш (инвентаризация қилиш), унинг натижаларини тўғри аниқлаш ва ҳисобга олиш;

• мавжуд материаллардан унумли фойдаланиш, бунинг учун омборларда меъеридан ортиқ захираларни сақламаслик, уларни қўшимча

нобудгарчиликларига йўл қўймаслик, кераксиз материалларни сотиш ва унинг натижаларини тўғри ҳисобга олиш;

- материалларни асосли равишда қайта баҳолаш ва унинг натижаларини ҳисобда тўғри акс эттириш;

- хўжалик инвентарларининг ҳисобини тўғри юритиш, тўлиқ эскирган хўжалик инвентарларини ўз вақтида ҳисобдан чиқариш, уларни баланс қийматини ҳисоботда тўғри акс эттириш.

Материалларни баҳолаш. Ишлаб чиқариш захиралари 4-сон БХМС «Товар- моддий захираларга мувофиқ (п.7) уларнинг таннархи ёки сотилишини соф қийматидан бири бўйича энг кичигини танлаш йўли билан баҳоланади.

Ишлаб чиқариш захираларининг таннархи-бу уларни сотиб олишга ёки ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар мажмуаси.

Сотиб олинган ишлаб чиқариш захираларининг таннархи уларни сотиб олиш қиймати, божхона йиғим ва тўловлари, сертификация харажатлари, комиссия тўлови, транспорт-тайёрлов ва бошқа сотиб олишда кетган харажатларни ўз ичига олади. Қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўловчи ҳисобланмаган корхоналарда ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ҚҚС ҳам уларнинг таннархига киритилади. ҚҚС ни тўловчи корхоналарда захираларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси бюджетга ушбу солиқ бўйича қарздан чегирилади (зачетга олинади).

Ишлаб чиқарилган захираларнинг таннархи – бу ўз кучи билан ишлаб чиқарилган материаллар ва бошқа захираларга кетган бевосита ва билвосита моддий, меҳнат ва бошқа устама харажатлар мажмуаси.

Сотишнинг соф қиймати –бу ишлаб чиқариш захирасининг таннархидан кичик қиймати бўлиб, фақатгина уларни керагидан кўп миқдорда йиғилиб қолганида баҳони пасайтириш ҳолларида вужудга келади. Бундай ҳолда ишлаб чиқариш захиралари пасайтирилган баҳоларда, яъни сотишнинг соф қийматида балансда акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш захиралари қиймати 4- сон БХМС га мувофиқ (п. 16-18) қуйидаги усулларнинг бирида баҳоланади:

- **ФИФО** –захираларни келиб тушиш вақтидаги баҳосида чиқим қилиш, яъни биринчи тушум, биринчи чиқим .Ушбу усулда олдин келган захира олдин сарфланади ва ишлаб чиқариш таннархига келиб тушган баҳосида киритилади, ушбу захира тугагач, кейинги тушган захира тушгандаги баҳосида сарфланади

ва ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Ушбу усулнинг характерли хусусияти шундаки, ҳисобот даври охирида корхонада фақатгина охириги навбатда ва баҳоларда келиб тушган захиралар қолади. Кейинги ойда қолган захиранинг чикими биринчи навбатда келиб тушган баҳосида ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Масалан, «А» материал 5 январда 1000 дона 100 сумдан жами 100000 сумга, 15 январда 2000 дона 150 сумдан 300000 сумга, 20 январда 1000 дона 200 сумдан 200000 сумга келиб тушди. Айтايлик, январда жами материаллардан 3500 донаси ишлаб чиқаришга сарфланди. Ишлаб чиқариш таннархига киритилган захираларнинг қиймати ушбу усулда жами 500000 сумни ташкил этади. Ой охирида омборда 20 январда келиб тушган ва ишлатилмай қолган 500 дона материал 200 сумдан жами 100000 сумга захира бўлиб қолади. Кейинги ойда ушбу материални ишлаб чиқаришга сарфланиши айнан шу баҳода, яъни 200 сумдан чиқим қилинади.

- **АВЭКО** – бу захиралар қийматини ўртача нархлардаги баҳолар бўйича ҳисобдан чиқариш усули. Юқоридаги мисолимизда келиб тушган бир дона материалнинг ўртача қиймати 150 сўмни (600000/4000), ишлаб чиқаришга сарфланган материалнинг қиймати 525000 сумни (3500*150) ва ой охирида қолган материаллар қиймати 75000 сўмни (500*150) ташкил этади.

- **ЛИФО** – бу захираларни охириги тушум баҳосидан бошлаб ҳисобдан чиқариш усули. Юқоридаги мисолда ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар қиймати 550000 сумни (1000*200+2000*150+500*100), ой ихарида қолган материаллар қиймати – 50000 сўмни (500*100) ташкил этади. Баҳоларни ўсиб бориши юз бераётган шароитда ушбу усул дастлаб таннархни ошишига, кейинчалик эса камайишига, ой охирида эски нархлардаги материалларни омборларда қолиб кетишига олиб келади. Шунинг учун материалларни кўп марталаб қайта баҳолаш зарурияти туғилади.

Захираларнинг юқорида келтирилган усуллари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархига ва уларнинг қолдиқ қийматига турлича таъсир қўрсатади. Чунончи, энг кичик таннарх ва энг катта захиралар қолдиғи ФИФОда, энг катта таннарх ва энг кичик захиралар қолдиғи ЛИФО да юз беради. Бизнинг мисолимизда, жумладан бу қуйидагича:

КЎРСАТКИЧЛА P	ФИФО	АВЭКО	ЛИФО
Таннарх	500000	525000	550000
Захира колдиғи	100000	75000	50000

Ишлаб чиқариш захиралари қийматини баҳолаш усуллари таннарх орқали фойдага, у орқали эса фойдадан(даромаддан) олинадиган солиқларга ҳам турлича таъсир кўрсатади. Мисол учун захиралардан 3500 донаси 250 сумдан сотилди дейлик. Бунда корхонанинг сотишдан олган фойдаси ва фойдадан олинадиган солиқлар (давр харажатлари , солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар ва имтиёзлар ҳисобга олинмаган шартли равишда) қуйидагича бўлади.

КЎРСАТКИЧЛАР	ФИФО	АВЭКО	ЛИФО
Соф тушум	875000	875000	875000
Таннарх	500000	525000	550000
Фойда	375000	350000	325000
Фойда солиғи, 20%	75000	70000	65000
Инфраструктура- ни ривожланти- риш солиғи, 8%	24000	22400	20800

Мисолдан кўриниб турибдики, энг катта фойдадан олинадиган солиқлар ФИФО да, энг кичиги эса ЛИФО да намоён бўлади.

БХМС №4 га мувофиқ (п.17) Ўзбекистон Республикасида кўпроқ эътиборли бўлган ФИФО ва АВЭКО усулларни қўллаш кўзда тутилган, ЛИФО усулини қўллаш кўзда тутилмаган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш захираларининг қийматини баҳолашнинг юқорида келтирилган ФИФО ва АВЭКО усулларидан бирини танлаб олишлари ва уни ўзларининг ҳисоб сиёсатларида кўрсатишлари керак. Бир вақтнинг ўзида икки усулни қўллаш таъқиқланади. Бир усулдан иккинчисига асос бўлганда ўтиш мумкин ва бу тўғрида ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгариштириллар тегишли органларга етказилиши керак.

Ишлаб чиқариш захираларининг сақлаш жойларидаги ҳисоби.

Корхоналарда ишлаб чиқариш захираларининг сақланиш жойлари бўлиб омборлар, цехлар, майдончалар, участкалар, молхоналар ва бошқалар ҳисобланади. Барча сақлаш жойларида захиралар бўйича аниқ моддий жавобгар шахслар белгиланади ва улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

Моддий жавобгар шахслар бўлиб омбор мудирлари, цех бошлиқлари, хўжалик бўлими мудирлари, прораблар, гараж бошлиғи, мол боқар чўпонлар, бўрдоқчилик базалари мудирлари ва бошқалар ҳисобланади.

Моддий жавобгар шахсларнинг асосий вазифаларига ишлаб чиқариш захираларини ўз вақтида кирим қилиш, корхона раҳбари фармойиши билан уларни ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларига кўрсатилган миқдорда бериш, моддий бойликларни бутлигини тўлиқ таъминлаш, талон-тароғликга йул қўймаслик, захираларнинг кирим ва чиқимини тўғри ва ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш, уларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида ҳисоботларни белгиланган муддатларда тўғри тузиш ва бухгалтерияга топшириш кирази.

Ишлаб чиқариш захиралари уларнинг сақланиш жойларида соний ва суммавий жиҳатдан миқдор ва пул ўлчовларида ҳисобга олинади. Бунинг учун ҳар бир ишлаб чиқариш захирасига инвентар карточка очилади ёки умумий обмор китоби юритилади. Бунда қуйидаги бошланғич ва жамлама ҳужжатлар ишлатилади:

- **Кирим бўйича:**

5. Счёт фактура – ташки таъминотчилардан олинган ишлаб чиқариш захираларини қабул қилишда.

6. Накладной- ички бўлинмалардан кирим қилишда.

7. Қабул қилиш далолатномаси – таъсисчилардан, бошқа шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан қабул қилинганда, ички алмашувда, ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда, илмий изланишлар ва тажриба –конструкторлик ишланмалари натижаси сифатида кирим қилинганда ва бошқа ҳолларда.

8. Инвентаризация варағи ва таққослама қайднома – инвентаризацияда ортиқчалар аниқланганда, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига топширилганда

- **Чиқим бўйича:**

Талабнома – омордан ишлаб чиқаришга берилганда

2. Забор варақаси - бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ҳар кунда маълум миқдордаги материалларни бериб бориш ҳолларида

3. Счет-фактура – материаллар четга сотилганда, бепул берилганда, таъсис бадали сифатида киритилганда ва бошқа ҳолларда

4. Ҳисобдан чиқариш далолатномалари – материалларни ҳисобдан чиқариш ҳоллари булганда ва бошқалар.

Моддий жавобгар шахслар кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида белгиланган муддатларда (ҳисоб сиёсатига мувофиқ белгиланган муддатларда) моддий ҳисобот тузилди. Ушбу ҳисоботлар тасдиқланган шаклларда тузилади. Уларда Материалларнинг ҳолати ва ҳаракати соний ва суммавий кўринишда акс эттирилади. Моддий ҳисоботлар икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва уларнинг биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади. Айнан моддий ҳисоботлар ва уларга тикилган бирламчи ҳужжатлар Материалларнинг синтетик ҳисобини юритишга асос бўлиб ҳисобланади.

Материалларнинг синтетик ҳисоби. Материалларнинг синтетик ҳисобини юритиш учун 21-сон БҲМС да қуйидаги счётлар кўзда тутилган.

• **1010 «Хом-ашё ва материаллар».** Ушбу счётнинг дебитида асосий ва ёрдамчи хом-ашё ва материалларнинг, қайта ишлов учун тайёрланган кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, ем-хашак ва тўшаш материалларининг бошланғич қолдиғи ва уларни турли манбалардан келиб тушуш эвазига кўпайиши, кредитида эса – материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1020 «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар».** Ушбу счётнинг дебитида ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжуд қолдиқлари ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқаришга, қурилишга сарфи ва бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1030 «Ёқилғи».** Ушбу счётнинг дебитида мавжуд нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материалларининг (нефть, бензин, керосин, дизел ёқилғиси, мойлар ва бошқалар), газсимон ёқилғи турларининг (газ ва газолин), шунингдек

қаттиқ ёқилғи турларининг (кўмир, ўтин ва бошқалар) қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1040 «Эҳтиёт қисмлар».** Ушбу счётнинг дебитида машина ва механизмлар, транспорт воситаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари, автомобилларнинг заҳирадаги шиналарининг мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқарувга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1050 «Қурилиш материаллари».** Ушбу счётнинг дебитида қурилиш, қурилиш –монтаж ишлари, қурилиш деталлари ва конструкцияларини ясаш учун зарур бўлган қурилиш материалларининг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг қурилиш, қурилиш-монтаж ишларига, турли конструкцияларни ишлаб чиқаришга сарфи, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1060 «Тара ва тара материаллари».** Ушбу счётнинг дебитида хўжалик инвентари ва буюми сифатида ишлатилмаётган барча турдаги таралар, тараларни ясаш ва таъмирлаш учун зарур бўлган материал ва деталларнинг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар».** Ушбу счётнинг дебитида четга қайта ишлаш учун берилиши мумкин бўлган асосий ва ёрдамчи материалларнинг заҳирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1090 «Бошқа материаллар».** Ушбу счётнинг дебитида юқоридаги счётларга киритилмаган, ишлаб чиқаришдан, асосий воситаларни тугатишдан

ва бошқа операциялардан олинган моддий бойликларнинг (чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак маҳсулотлар, металллом, эски шиналар ва резиналар, ишлатилган мой, нигрол ва ш.к.) захирадаги мавжуд қолдиғи ва уларни ишлаб чиқаришдан олиниши эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошқа чиқимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш қийматларидан энг кичик бўлган қийматда акс эттирилади.

• **1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».** Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида тайёрлов жараёнини алоҳида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Унинг дебитида материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнининг қиймати, кредитида эса ушбу қийматни кирим қилинган материаллар қийматига киритилиши эттирилади. Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг киримини бевосита тўғридан тўғри 1010-1090 – счетларда акс эттириш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда 1510-счет қўлланилмайди.

• **1610 «Материаллар қийматидаги четланишлар».** Ушбу счет корхонанинг ҳисоб сиёсатида материалларнинг тайёрлов ва сотиб олиш қийматини ҳисоб баҳоларида акс эттириш кўзда тутилган ҳолда қўлланилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб, одатда, норматив ёки режали таннарх ҳисобланади. Тайёрланган (сотиб олинган) материалларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоб баҳосидан кўп бўлиши ушбу счетнинг дебитида, кам бўлиши эса унинг кредитида 1510-счет билан корреспонденция-ланган ҳолда акс эттирилади. 1610-счетнинг дебет қолдиғи суммаси ҳисоб баҳоларидан ортиқ қийматда келиб тушган материалларга тўғри келадиган четланишлар суммасини кўрсатади. Баҳолар ўртасидаги фарқлар сотиб олинган материалларни ҳақиқатда сарфланган вақтида уларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига пропорционал равишда харажатлар счетларига киритилиб борилади.

Материалларнинг ҳаракатига доир операциялар счётларда қуйидагича акс эттирилади.

1. Ҳисоб сиёсатида 1510 –счётни қўллаш кўзда тутилмаган ҳолда

Т/р	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи ҳужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда:			

	- захираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига - ҚҚС суммасига	1010-1090 4410	6010, 4110 6010	Шартнома, счет-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1010-1090	2310	Ҳисобот, накладной
3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1010-1090	4220-4230	Бўнак ҳисоботи
4.	Ярим тайёр материаллар хом ашё ва материаллар таркибига киритилганда	1010-1090	2110	Қарор, накладной
5.	Тайёр маҳсулотлар материалларга айлантирилганда	1010-1090	2810-2820	Қарор, накладной, талабнома
6.	Хўжалик инвентарлари ва буюмлари материалларга айлантирилганда	1010-1090	1080	Қарор, талабнома, накладной
7.	Таъсисчилардан олинганда	1010-1090	4610	Устав, шартнома, далолатнома, счет-фактура
8.	Даъволар бўйича олинганда	1010-1090	4860	Қарор, счет-фактура
9.	Бепул олинганда	1010-1090	8530,	Қарор, счет-фактура, далолатнома
10.	Молиявий ёрдам сифатида олинганда	1010-1090	9380	Шартнома, счет-фактура, далолатнома
11.	Камомадлар ўрнига қабул қилинганда	1010-1090	4730	Қарор, счет-фактура, далолатнома
12.	Нақд сотиб олинганда	1010-1090	5010-5020	Счет-фактура, чиқим касса ордери
13.	Инвентаризация аниқланган ортиқчалар суммасига	1010-1090	9390	Инвентаризация варағи, қарор
14.	Ички аламушув бўлганда	1010-1090	1010-1090	Инвентаризация варағи, накладной, талабнома
15.	Қайта баҳоланганда: -нархи оширилганда	1010-	9390	Далолатнома

	-нархи камайтирилганда	1090 9430	1010- 1090	
16	Асосий ишлаб чиқаришга сарфланганда	2010	1010- 1090	Талабнома, накладной
17	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланганда	2310	1010- 1090	Талабнома, накладной
18	Умум ишлаб чиқаришга сарфланганда	2510	1010- 1090	Талабнома, накладной
19.	Хизмат килувчи хужаликларга сарфланганда	2710	1010- 1090	Талабнома, накладной
20.	Реклама учун сарфланганда	9410	1010- 1090	Талабнома, накладной
21.	Бошқарув мақсадларига сарфланганда	9420	1010- 1090	Талабнома, накладной
22.	Сотилганда: -сотиш қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига -сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зарарга	4010 9220 9220 9220 9430	9220 6410 1010- 1090 9320 9220	Шартнома, счет-фактура
23	Бепул берилганда: -таннархига -ҚҚС суммасига -кўрилган зарарга	9220 9220 9430	1010- 1090 6410 9220	Қарор, счет-фактура, шартнома
24.	Камомад чиқганда: -моддий жавобгар шахс бўйнига кўйилганда -каррали ўндириш суммасига -корхона зарарига олиб борилганда	4730 4730 9430	1010- 1090 9390 1010- 1090	Далолатнома, Қарор
25	Таъсис бадали сифатида киритилганда: -келишув қийматига -ҚҚС суммасига -таннархига фойда суммасига	0610- 0690 9220 9220 9220	1010- 1090 6410 1010- 1090 9320	Шартнома, қарор, счет-фактура
26.	Тайёр махсулотга айлантирилганда	2810- 2820	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной

27	Ярим тайёр материалга айлантирилганда	2110	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
28	Арзон баҳоли инвентарларга айлантирилганда	1080	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
29.	Тайёрлов- транспорт харажатлари таннархга киритилганда	1010- 1090	1510	Расчет
30	Брак махсулотга киритилганда	2610	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
31	ИТИ ва ТКИ га сарфланганда	3190	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
32	Капитал қуйилмаларга киритилганда	0810	1010- 1090	Қарор, талабнома, накладной
33	Таъминотчиларга қайтарилганда	6010, 4110	1010- 1090	Далолатнома, счет-фактура
34.	Бартер операцияларига киритилган материалларнинг таннархига	4010	1010- 1090	Шартнома, Счет-фактура
35.	Фавқулотдаги ходисалар оқибатларини бартараф этишга сарфланганда	9720	1010- 1090	Қарор, счет-фактура, далолатнома

2. Ҳисоб сиёсатида 1510 –счётни қўллаш қўзда тутилган ҳолда

Тартиб рақами	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан қабул қилинганда: - Захираларни ҚҚСсиз сотиб олиш қийматига	1510	6010, 4110	Шартнома, счет-фактура

	- ҚҚС суммасига	4410	6010	
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинганда	1510	2310	Ҳисобот, накладной
3.	Ҳисобдор шахслардан олинганда	1510	4220-4230	Бўнак ҳисоботи
4.	Тайёрловга доир хизматларга	1510	6990	Счет-фактура
5.	Тайёрлов бўйича билдирилган даъволарга	4860	1510	Даъво хати
6.	Тайёрлов натижасида кирим қилинган материалларга	1010-1090	1510	Қабул қилиш далолатномаси
7.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан паст бўлганда	1510	1610	Бухгалтерия маълумот-номаси
8.	Тайёрловнинг ҳақиқий қиймати материалларнинг ҳисоб баҳосидан юқори бўлганда	1610	1510	Бухгалтерия маълумот-номаси

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг ҳисоби

Инвентарлар ва хўжалик буюмлари – бу қуйидаги шартларнинг бирига жавоб берувчи меҳнат воситалари ва предметлари (хўжалик инвентарлари):

а) хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган;

б) қиймати бир бирликга сотиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган.

Қийматидан қатъий назар инвентарлар ва хўжалик буюмларига қуйидагилар кирилади:

- Махсус инструментлар ва мосламалар;
- Махсус ва санитар қийимлар, махсус пайофзал;
- Ўриндиқ буюмлари (кўрна, ёстик, чойшаб ва шу кабилар.);
- Канцелярия буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошқалар);
- Ошхона инвентарлари (қошиқ, вилка, қозон, чойник-пиёлалар, пичок, скатерт ва шу кабилар);

• Вақтинчалик мослама ва қурилмалар (титулсиз иншоатлар)- тахта йўлқалар, ювиниш хоналари, ҳожатхона ва шу каби қурилиш-монтаж ишлари тугагач уларнинг қийматига кирувчи мосламалар;

• Хизмат муддати бир йилгача бўлган смена жиҳозлари;

• Балиқ овлаш қуроллари (қармоқ, тўр ва шу кабилар).

Бухгалтерия ҳисобида инвентарлар ва хўжалик буюмлари турган жойига қараб акс эттирилади. Ушбу белгисига кўра улар икки гуруҳга бўлинади:

• Омбордаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари.

• Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари.

Мос равишда инвентарлар ва хўжалик буюмлари қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

1. Омбордаги захиралар - 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётида.

2. Фойдаланишдаги қисми – 014 «Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари» балансдан ташқари счётида.

Қорхонага барча манбалардан келиб тушган инвентарлар ва хўжалик буюмлари (таъминотчилардан, таъсисчилардан, бепул берилган ва бошқалар) № 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётига кирим қилинади (Дебет 1080 Кредит 6010,4610,8530,4220,6990,1010-1090, 4110,9390,5010 ва бошқалар).

Омбордан фойдаланишга берилган инвентарлар ва хўжалик буюмлари бирданига харажатлар счётига ҳисобдан чиқарилади (Дебет 2010,0810,9410,9420 ва бошқа счётига Кредит 1080). Бир вақтнинг ўзида ишлатишга берилган инвентар ва хўжалик буюмлари 014- балансдан ташқари счётига киримида акс эттирилади. Ушбу счётидан улар хизмат муддати тугаганда, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келганида махсус далолатномалар асосида чиқим қилинади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқимлари» счётининг дебетида ва 1080- счётининг кредитида таннархи бўйича акс эттирилади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича уларнинг номлари, баҳолари ва бошқа белгиларига қараб юритилади.

XIII-МАВЗУ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

- 13.1. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари.
- 13.2. Асосий воситаларни туркумланиши ва баҳолаш тартиби.
- 13.3. Асосий воситаларни кирим қилиш ҳисоби.
- 13.4. Номоддий активларни ҳисобга олиш вазифалари.
- 13.5. Номоддий активларнинг туркумланиши ва баҳолаши.
- 13.6. Номоддий активларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш.
- 13.7. Номоддий активларнинг кирими ҳисоби.
- 13.8. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллари ва уларнинг ҳисоби.

Таянч иборалар: асосий восита, лизинг (ижара), туркумларга ажратиш ва баҳолаш, синтетик ҳисоб, капитал қўйилмалар, амортизация ҳисоби, таъмирлаш, хўжаликдан чиқариш ҳисоби, 5-6 БҲМСлар, ижара шартнома, лизинг берувчи, лизинг объекти ва олувчи, номоддий актив, баҳолаш, қабул қилиш, ҳужжат, патентлар, лицензиялар ва ноу-хау, аналитик ва синтетик ҳисоби, амортизация ҳисоби, ҳисобдан чиқариш, 7-БҲМС

13.1. Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари.

Асосий воситалар узоқ муддат ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган меҳнат воситалари бўлиб, у узоқ (бир йилдан кўп) давр ичида моддий ишлаб чиқариш соҳасида, номоддий ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек, ижарага беришда фойдаланиладиган моддий активлардир.

Асосий воситалар ҳисоби қуйидаги асосий меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади: «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий нагизларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМС, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» 21-БҲМС, «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» 19-сон БҲМС, «Ижара ҳисоби» 6-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси» 15-сон БҲМС ва бошқалар.

Асосий воситалар -бу узоқ муддат ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, аста-секин эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган меҳнат воситаларидир.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМанинг 7-бандига асосан, **асосий воситалар** узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт

давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

16-сон «Асосий воситалар» номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МХҲС)да қуйидаги таъриф келтирилган: жумладан, асосий воситалар - бу моддий кўринишидаги (материал) активлар ҳисобланиб, улар компаниянинг ишлаб чиқариш фаолиятида ва маъмурий мақсадларда фойдаланилади, шунингдек, фойдаланиш муддати бир йилдан ортиқ бўлади.

1-жадвал

Асосийвоситаларга инвентарь рақамбирктириш

№	Асосийвоситалар	Инвентарь рақами
1	Бинованшоотларга	012010 дан 012090 гача
2	Машина ваускуналар	013010 дан 013090 гача
3	Мебель ва офис жиҳозлари	014010 дан 014090 гача
4	Компьютер жиҳозиваҳисоблаштехникаси	015010 дан 015090 гача
5	Транспорт воситалари	016010 дан 016090 гача
6	Ишвамаҳсулдорҳайвонлар*	017010 дан 017090 гача
7	Кўпийлликқўсимликлар	018010 дан 018090 гача

Ушбу инвентарь рақамлар объектларнингдастлабкихужжатлари (киримгаолишдалолатномалари, амортизация ҳисоблаш қайдномалари ва х.к.)га қўйилиб, асосийвоситалар фойдаланиш даври ичида (ҳисобдан чиқиб кетгунига қадар) сақланадига у бошқа асосий воситаларга берилмайди.

13.2. Асосий воситаларни туркумларга ажратиш ва баҳолаш тартиби.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда улар маълум гуруҳларга бўлиниши ҳам мумкин. Чунки асосий воситаларни ҳисобини тўғри ва тўлақонли ташкил этишнинг муҳим шарт, уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ♦ фойдаланилаётган;
- ♦ захирадатурган;
- ♦ ишламаётганасосийвоситалар.

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосийвоситаларни бошқа корхонага бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.


Асосий воситалар иқтисодиёт тармоқларининг туркумланишига мос ҳолда тармоқлардаги турларга бўлинади: саноатдаги асосий воситалар, қишлоқ хўжалигидаги асосий воситалар, транспортдаги асосий воситалар, алоқа соҳасидаги асосий воситалар, қурилишдаги асосий воситалар, савдо соҳасидаги асосий воситалар ва ҳ.к.

Асосий воситалар натурал-моддий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ◆ ер;
- ◆ ернибодонлаштиришбўйича капитал сарфлар;
- ◆ иморатлар;
- ◆ иншоотлар;
- ◆ узатувчимосламалар;
- ◆ машина важиҳозлар;
- ◆ транспорт воситалари;
- ◆ асбоб-ускуналар;
- ◆ ишлабчиқаришинвентарлари;
- ◆ хўжаликинвентарлари;
- ◆ ишҳайвонларивамаҳсулдорчорва;
- ◆ кўпийилликдарахтлар;
- ◆ бошқаасосийвоситалар.


Асосий воситаларни гуруҳлашда бухгалтерия ҳисоби билан солиққа тортиш мақсадларида улар бир-бирдан фарқланиши мумкин.

Солиққа тортиш мақсадида эса асосий воситаларни қуйидаги гуруҳларга ажратилади:



Асосий воситалар «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМС қоидаларига мувофиқ қуйидаги баҳоларда ҳисобга олинади: **бошланғич (дастлабки) қиймат, амортизация қиймати, қайта тиклаш қиймати, жорий қиймат, қолдиқ қиймат ва тугатилиш қиймат.** Солиққа тортиш мақсадларида эса

амортизацияланувчи активлар бошланғич (дастлабки) қиймат, қайта тиклаш қиймати ва қолдиқ қиймат бўйича ҳисобга олинади.



13.3 Асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳужжатлаштириш.

Асосий воситаларни сотиб олиш ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар ёки капитал қўйилмалар шаклида, ёки даромад олиш билан боғлиқ харажатлар шаклида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида назорат ўрнатиш мумкин.

1. **АВ-1** шакли - «Асосий воситаларни қабул қилиш ва бериш акти» -асосий воситаларнинг кирим ва чиқимини қайд қилиш учун.

2. **АВ-2** шакли - «Таъмирланган, мукамаллаштирилган ва реконструкция қилинган асосий воситаларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси»-объектларнинг бошланғич қийматининг ошишини қайд қилиш учун.

3. **АВ-3** шакли - «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш» объектларни тугатиш учун.

4. **АВ-4а** шакли - «Автотранспорт воситаларини тугатиш далолатномаси».

5. **АВ-7** шакли - «Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун инвентар қарточкалари» ҳар бир асосий воситанинг ҳолати ва ҳаракатини алоҳида қайд қилиб боради.

6. **АВ-8** шакли - «Асосий воситаларнинг ҳаракатини қайд қилиш қарточкаси»- уларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олиб боради.

7. **АВ-9** шакли - «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати» уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш учун ишлатилади.

13.4. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш.

Корхонанинг асосий воситалар ва номоддий активларга инвестициялари шунингдек, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг (қийматидан қатъи назар, корхонанинг айланма маблағларига кирувчи паррандалар, қуёнлар, асаларилар, қўриқловчи итлар, тажриба учун мўлжалланган ҳайвонлардан ташқари) асосий подасини ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0810 "Тугалланмаган қурилиш";

0820 "Асосий воситаларни харид қилиш";

0830 "Номоддий активларни харид қилиш";

0840 "Асосий подани ташкил қилиш";

0850 "Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар";

0860 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар";

0890 "Бошқа капитал қўйилмалар".

0810 "Тугалланмаган қурилиш" счётида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) капитал қурилиш сметалари, сметалойиҳа ҳисоб-китобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асбоблар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счётида асосий воситаларни харид қилиш, ўрнатиш ва йиғиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0830 "Номоддий активларни харид қилиш" счётида номоддий активларни харид қилиш ёки корхонанинг ўзида яратилиши билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

0840 "Асосий подани ташкил қилиш" счётида: асосий подага ўтказиладиган хўжаликдаги ёш маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни ўстириш бўйича харажатлар; асосий пода учун харид қилинган қатта ёшдаги маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг қиймати шунингдек, уларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар; бошқа корхоналардан текинга олинган қатта ёшдаги ҳайвонларни хўжаликка етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

Четдан харид қилинган қатта ёшдаги ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларнинг қиймати 0840 "Асосий подани ташкил қилиш" счётининг дебетида уни етказиб бериш харажатлари билан биргаликда, харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилинади.

Асосий подани ташкил этишнинг тугалланган муомалалари бўйича харажатлар 0840 "Асосий подани ташкил қилиш" счётидан 0170 "Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар" счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

0850 "Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар" счётида корхонанинг ер майдонини ободонлаштириш бўйича харажатлари шунингдек, кириш йуллари, автомобил ва бошқа транспорт воситаларининг тўхташ майдонлари, деворлар ва кўкаламзорлаштиришнинг бошқа турлари қиймати ҳисобга олинади.

Ер майдонлари, ўрмон ва сув ҳавзалари ва кўп йиллик ўсимликларга қилинган инвентар хусусиятига эга бўлган капитал қўйилмалар, асосий воситалар таркибига, комплекс ишлар тугашидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар суммаси бўйича киритилади.

0860 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар" счётида узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олинган мулкни ободонлаштириш ҳамда унинг таъмирланиши ва модернизациясига қилинадиган капитал қўйилмалар ҳисобга олинади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматига ўрнатишга тартибда қўшилаётган қурувчининг барча ҳақиқий харажатлари шунингдек, корхонанинг асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил этиш ва бошқа капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) бўйича аналитик ҳисоб капитал қўйилмаларнинг ҳар бир йўналиши бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши қуйидаги харажатлар ҳақида маълумот олиш имконини бериши лозим:

а) қурилиш ва реконструкция ишлари; бурғулаш ишлари; асбоб-ускуналарни йиғиш; ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш; монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш шунингдек, капитал қўйилмаларнинг сметаларида назарда тутилган асбоблар ва инвентарларни харид қилиш лойиҳа-қидирув ишларига оид ва бошқа капитал қўйилмалар бўйича харажатлар;

б) асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш харажатлари - асосий воситалар ва номоддий активларнинг турлари ва номлари бўйича;

в) ер ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари - объектларнинг тури ва номи бўйича;

г) асосий подани ташкил этиш харажатлари - ҳайвонларнинг турлари (йирик шохли ҳайвонлар, қўйлар, отлар ва бошқалар) бўйича.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Объектларни қуришда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши капитал қўйилмалар харажатига киритилди	0810	0211-0299
2	Объектларни қуришда фойдаланилаётган номоддий активларнинг амортизацияси харажатларга киритилди	0810	0510-0590
3	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар монтажга топширилди (монтажга тайёргарлик бошланган пайтдан)	0810	0710-0720
4	Сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар қиймати капитал қўйилмалар бўйича харажатларга киритилди	0810	1010-1090
5	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг капитал қўйилмаларга кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	0810	2310
6	Капитал қўйилмаларда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳисобланди	0810	6920
7	Тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши; б) қийматининг камайтирилиши	0810 8510	8510 0810
8	Капитал қурилишда бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар	0810	6010, 7010
9	Капитал қўйилмалар билан боғлиқ қондирилмаган даъволар бўйича сумма ҳисобдан чиқарилди	0810	4860
10	Инвентаризация натижасида тугалланмаган қурилишда камомад суммаси аниқланди	5910	0810
11	Ёш ҳайвоннинг асосий подага ўтказишлиши	0840	1110

12	Асосий поданинг ташкил қилиниши	0170	0840
13	Келгуси давр харажатлари тегишли қисмининг капитал қўйилмаларига олиб борилиши	0810-0890	3110-3190
14	Капитал қўйилмалар таннархига киритиладиган суғурга бўйича қарзлар	0810-0890	6510
15	Капитал қўйилмалар таннархига киритиладиган мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзлар	0810-0890	6520
16	Таъсисчилар томонидан устав капиталига улуш (пай) сифатида киритилган тугалланмаган капитал қўйилмалар	0810-0890	4610
17	Автотранспорт воситаларини сотиб олиш солиғи (инвентар қиймати)	0810-0890	6520
18	Капитал қўйилмаларни ўзлаштиришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи бўйича турли суммалар ҳисобланди	0810-0890	6710
19	Ҳисобдор шахсларнинг капитал қўйилмаларга уларнинг қилган харажатлари бўйича қарзлари ҳисобдан чиқарилди	0810-0890	4220-4290, 6970
20	Асосий воситаларни харид қилиш ва қуриш жараёнида вужудга келган турли кредиторлар олдидаги қарзлар	0810-0890	6990
21	Капитал қўйилмалар бўйича ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг кўрсатган хизматлари учун қарзлар	0810-0890	6110-6120

13.5. Асосий воситаларнинг синтетик ҳисобини ташкил қилиш.

Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счётлар режасидаги қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

0100 “Асосий воситалар” (актив счёт);

0200 “Асосий воситаларнинг эскириши” (контр-актив счёт);

9310 “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқаримлардан қурилган фойда” (транзит счёт);

9431 “Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чикимидан қурилган зарар” (транзит счёт).

Барча турдаги асосий воситаларнинг корхонадан чиқиб кетиши асосий воситаларнинг тугатилиши тўғрисидаги далалотнома билан расмийлаштирилади. Факатгина бундан юк ва енгил автомобиллар истесно. Улар автотранспорт воситаларини тугатиш хақидаги далалотномага биноан ҳисобдан чиқарилади.(№ АВ-4а).

Асосий воситаларни тугатилиши тугрисидаги далалотномаларда уларни тугатишдан олинган материаллар эҳтиёт қисмлар ва бошқалар, шунингдек тугатиш учун қилинган харажатлар, бошланғич ишлаб чиқариш қиймати, эскириш қиймати ва тугатиш натижаси курсатилади.

Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган объектларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши	0110-0190	0810
2	Асосий воситаларни ҳақиқий таннархи бўйича харид қилиниши (бошланғич қиймати)	0110-0190	0820
3	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни узоқ муддатли ижара шартномаси тугатилган кейин асосий воситалар таркибига қабул қилиниши	0110-0190	0310
4	Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш (пай) сифатида киритган ёки акцияларга тўлов сифатида келиб тушган асосий воситаларнинг қирим қилиниши	0110-0190	4610
5	Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши	0110-0190	8530
6	Асосий воситаларнинг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушиши	0110-0190	6110, 6120
7	Қўшимча қуриш, ускуналар ўрнатиш, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқа сифат жиҳатдан яхшилаш натижасида асосий воситалар бошланғич қийматининг қўпайиши	0110-0190	0890

8	Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш	0111	0850
9	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш	0112	0860
10	Ишчи ва маҳсулдор хайвонларнинг асосий воситалар таркибига қирим қилиниши	0170	0840
11	Асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайрилиши	0110-0199 8510	8510 0110-0199
12	Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш	9210	0110-0190
13	Ажратилган бўлинмаларга асосий воситаларни берилиши	4110	0110-0190
14	Қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар	0199	0110-0190

13.6. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.

Асосий воситалар бўйича амортизация суммаси қуйидаги усуллардан бирини қўллаш йўли билан ҳисобланиши мумкин:

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули- амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан унинг тугатиш қийматини айириш орқали ва мазкур объектнинг фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб аниқланади:

Масалан: Компьютернинг бошланғич қиймати 1100000 сўм, унинг фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ (тугатувчи) қиймати 100000 сўм, фойдали хизмат муддати 5 йил, йиллик амортизация меъёри амортизацияланадиган қийматнинг 20%ни ёки 200000 сўм $((1100000-100000)/5=200000)$ сўмни ташкил этади.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули) - асосий воситалар объектнинг ҳар бир конкрет йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмига асосланади.

Камайиб борувчи қолдиқ усули (икки қаррали амортизация меъёри) - амортизацияни ҳисоблаш даврида активнинг амортизацияланадиган қиймати камайиб боради.

Амортизация ажратмалари ва даври	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймат	Амортизациянинг йиллик суммаси	Тўпланган амортизация	Баланс қиймати
1-йил охири	1 100 000	40% x 1100000= 440000	440 000	660 000
2-йил охири	1 100 000	40% x 660000= 264 000	704 000	396 000
3-йил охири	1 100000	40% x 396000=158 400	862 400	237 600
4-йил охири	1 100000	40% x 237600=95 040	957440	142 560
5-йил охири	1 100 000	(40%x 142560=57024 «назорат мақсадида») 1000000-57440= 42560	1000 000	100 000

Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул) - амортизация ажратмалари тугашигача қолган тўлиқ йиллар рақами (сони)ни амортизация муддатини ташкил қилувчи йилларнинг тартиб рақами йиғиндисига бўлиш орқали аниқланади.

Амортизация ажратмалари	Амортизация килинган қиймат	Амортизациянинг йиллик суммаси	Тўпланган амортизация
1-йил охири	1000 000	(5/15x1000000)= 333333,3	333333,3
2-йил охири	1 000 000	(4/15x1000000)= 266666,7	600000,0
3-йил охири	1 000 000	(3/15x1000000)= 200000,0	800000,5
4-йил охири	1000 000	(2/15x1000000)= 133333,3	933333,3
5-йил охири	1000 000	(1/15x1000000)= 66666,7	1000000,0

13.7. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш тартиби.

Асосий воситалар объектларини ишчи ҳолатда ушлаб туриш 2 усулда таъмирлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Жорий таъмир — асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида ушлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Капитал таъмирлаш — базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш ишлари амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Захира қилинган маблағлар суммаси ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажат ва тўловлар

Д-т 8910 - «Келгусилаги харажатлар ва тўловлар захиралари» счёти,
К-т 2010, 2310, 2510, 2710, 9400 счётлар.

У ёки бу захира бўйича суммаларни ташкил этилиши ва ундан фойдаланишнинг тўғрилиги сметалар, ҳисоб-китоблар ва шунга ўхшаганларнинг маълумотлари билан вақти-вақтида солиштирилиб борилади ва зарур ҳолларда уларга тузатишлар киритилади.

13.8. Асосий воситаларни ҳўжалиқдан чиқариш ҳисоби.

5-сон БҲМСнинг 50-бандига мувофиқ, чиқиб кетаётган асосий воситалар объектнинг қиймати баланسدан ҳисобдан чиқарилади:

- тугатишда;
- сотганда;
- текинга берилганда;
- таъсис улуши сифатида устав капиталига берилганда;
- узок муддатли ижара шартномаси бўйича берилганда;
- камомат ёки йўқотишлар аниқланганда;
- қатнашчилар таркибидан қатнашчининг чиқиши натижасида берилиши ҳолларида.

Асосий воситаларни тугатиш ҳисоби 9210 - «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» транзит счётида ҳисобга олинади. Ушбу счётнинг:

Дебетда тугатилган объектларнинг дастлабки қиймати ва уларни тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

Кредитда – эскириш суммаси, мулкни сотишдан олинган тушум, мулкларни ҳисобдан чиқаришдан олинган материал қийматликларнинг фойдаланса бўладиган баҳода баҳоланиб киримга олиниши.

9210 - счётининг дебет обороти билан кредит обороти орасидаги фарқи молиявий натижа ҳисобланиб, қолдиғи кредитида бўлса, фойдани, дебетда қолса-зарарни кўрсатади.

1. Аниқланган фойда қуйидаги проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

К-т 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишдан фойда»

2. Аниқланган зарар суммасига:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Асосий воситаларни тугатишдан олинган фойда корхонанинг баланс фойдасига киритилиб белгиланган ставкада солиққа тортилади.

13.9. Лизинг (ижара) муомалаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш.

Корхонада узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи" счёта амалга оширилади. Ушбу счёта ижарачи корхоналарда қўлланилади.

Корхона томонидан қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби баланسدан ташқари 001 "Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар" счётида юритилади.

Ижара ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 майда 75-сон билан тасдиқланган (6-БХМС) "Ижара ҳисоби" Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (22.06.2004 й. 1374-сонли рўй., "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 й., 25-сон, 292-модда) мувофиқ амалга оширилади.

Корхонага узоқ муддатли ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи" счётининг дебети ва 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" ҳамда 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счётининг кредитида акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти бўйича асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши	0310	6950 7910
2	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилиши. Бир вақтнинг ўзида эскириш суммасининг ўтказилиши	0110- 0190 0299	0310 0211-0290
3	Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунга қадар ижарага берувчига қайтарилган объектга ҳисобланган эскириш	0299	0310

	суммаси		
4	Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунга қадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига	6950 7910	0310 0310
5	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайрилиши	0310 8510	8510 0310

13.10. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари.

Номоддий активлар — махсулот ишлаб чиқариш жараёнида корxonанинг мулк объектларидан фойдаланиш мақсадида, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш ёхуд узоқ муддат давомида маъмурий ва бошқа вазифаларни амалга ошириш учун моддий-мулкий саклаб турилмайдиган мулкларнинг идентификация қилинган объектларидир.¹⁰

Номоддий активларни тан олиш:

– актив билан боғлиқ келгусида иқтисодий манфаатдорлик корхонага келишига ишонч мавжуд бўлса;

– актив қиймати аниқ ҳисобланган бўлса номоддий активлар актив сифатида тан олинади.

Қуйидаги объектларни номоддий активларга киритиш мумкин:

- патент;
- лицензиялар;
- товар белгилари, савдо маркалари ва атамалар;
- саноат намунаси;
- дастурий таъминот;
- муаллифлик ҳуқуқлари;
- гудвилл;
- франшизалар;
- ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи;

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 7-сон "Номоддий активлар" Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 2005 йил 27 июнда

– ноу-хау.

13.11. Номоддий активларни баҳолаш.

Номоддий активларни баҳолашда «Номоддий активлар» номли 7-сон БХМАга асосланилиш лозим. Номоддий активларни баҳолашда қуйидаги баҳо (қиймат)лардан фойдаланилади:

- ◆ дастлабки қиймат;
- ◆ сотиш қиймати;
- ◆ тугатиш қиймати;
- ◆ қолдиқ қиймати;
- ◆ ўрнини қоплаш қиймати.

Дастлабки қиймат — активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати номоддий активни харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган номоддий активларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган номоддий актив кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Тугатилиш қиймати чиқиб кетишга доир кутилаётган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг фойдали хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо бўладиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир.

Қолдиқ қиймати актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамғарилган амортизацияни чиқариб ташланган ҳолда номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий қийматидир.

Ўрнини қоплаш қиймати корхона активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мўлжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш қиймати.

Номоддий актив пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Номоддий актив хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда номоддий актив ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Номоддий актив қийматини белгилаш мумкин бўлган ҳолларда у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

Корхона томонидан гудвилл актив сифатида акс эттирилмайди, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур субъектни ташкил қилувчи активларнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Баъзи вақтларда номоддий активларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Номоддий активни қайта баҳолаганда номоддий активнинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида номоддий актив баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада «Захира сармоя» счётининг кредитида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

13.12. Номоддий активларни қабул қилишнинг ҳужжатлаштириш.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан (9-модда) бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик муомалалари амалга ошириб бўлингандан сўнг, тузилади. Номоддий активларни ҳисобга олишда дастлабки ҳужжатлар (шартнома, далолатнома) қуйидаги асосий реквизитларга эга бўлиши лозим; ҳисоб (архив) рақами, номи ва шартли шифри, ахборотларнинг материал кўриниши, объектлардан фойдаланиш муддатлари, асл нусхаларининг сақлаш жойи, жорий этган шахслар (корхона, ташкилот), объектдан фойдаланувчилар, ҳужжатларни сақлаш рақамлари, харажатларга олиб бориш объектлари ва бошқа кўрсаткичлар. Шунингдек, қонунга кўра ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик муомалалари ва улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжатлар расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши кўрсатилади.

Номоддий активларнинг дастлабки ва жамлама ҳисоби иқтисодий адабиётларда тўлиқ ёритилмаган.

Корхоналарда номоддий активлар бўйича дастлабки ҳисобни ташкил қилишда уларни қайд этувчи янги ҳужжат шаклларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш керак бўлади. Номоддий активларни киримга олиш учун қуйидаги ҳужжатларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Номоддий активларни қабул қилиш-топишириш далолатномаси (НМА –1 шакл).

Мазкур далолатноманинг шакли амалиётда меъёрий - ҳуқуқий жиҳатдан ўз тасдиғини топмоқда. Номоддий активлар қайси манба ҳисобидан қабул қилинмасин (харид қилиш, устав капиталига қўшиш, бошқа активларга алмаштириш, грант ёки субсидия кўри-нишида олиш, корхонанинг ўзида шакллантириш ва бошқалар), улар шартномаларга мувофиқ «Номоддий

активларни қабул қилиш-топириш далолатномаси» НМА-1 шакл бўйича расмийлаштирилиши лозим.

13.13. Номоддий активларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш.

Номоддий активлар турларига қараб 0400 – счётнинг куйидаги счётларида ҳисобга олинади:

- 0410-«Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»
- 0420-«Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»
- 0430-«Дастурий таъминот»
- 0440-«Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари»
- 0450-«Ташкилий харажатлар»
- 0460-«Франчайз»
- 0470-«Муаллифлик ҳуқуқлари»
- 0480 –«Гудвилл »
- 0490 –«Бошқа номоддий активлар».

Объектларни номоддий активларга ўтказиш ва уларнинг таркиби 7 – «Номоддий активлар» бухгалтерия ҳисобининг Миллий андазаси билан тартибга солинади.

Номоддий активларнинг амортизацияси 0510 – 0590 счётларининг кредитида ҳисобга олинади. Бу счётлар пассив, тартибга солувчи счётлар бўлиб, уларнинг сальдоси кредитида бўлади. Бу счётларнинг кредит сальдолари ҳисобланган амортизация суммасини, яъни номоддий активлардан фойдаланиш даврида қопланган харажатлар суммасини кўрсатади.

Дебет обороти 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти билан корреспондентланган ҳолда ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар амортизация суммасини кўрсатади;

Кредит обороти 2010, 2510, 9400, 3100 ва бошқа счётлар билан корреспондентланган ҳолда ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммасини кўрсатади.

13.14. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.

«Номоддий активлар» номли 7-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида амортизациянинг куйидаги усулларини қўллаш тавсия этилади;

1. *Тўғри чизиқли усул (Straight-line method)*, бу усулда активдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб, ёзишдан иборат бўлади. Бу объектнинг амортизацияланадиган

қиймати хизмат қилиш муддатлари мобайнида тенг улушларда ҳисобдан чиқариб борилади. Демак, бу усулда номоддий активларнинг ҳар йилдаги амортизация суммалари бир хил кўринишда бўлади, қопланаётган амортизация бир хил суръатда ортади, натижада объектнинг ички қиймати бир хил даражада камайиб боради. Шунга мувофиқ, тўғри чизиқ усулида амортизация ажратмаларини ҳисоб-китоб қилиш куйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$A_s = \frac{D_q - T_q \text{ еки } (T_F - T_H)}{H_M};$$

бу ерда:

A_s -амортизация суммаси;

D_q -дастлабки қиймати;

T_q -тугатилиш қиймати;

T_F -тугатишдан олинган фойда;

T_H -тугатилиш бўйича харажатлар;

H_M -хизмат қилиш муддати.

Масалан, маҳсулотлар белгисига бўлган гувоҳноманинг даст-лабки қиймати 500000 сўм, ундан фойдаланиш муддати 10 йил. Бу муддат ичида гувоҳномага ҳар йили бир хил меъёрада амортизация ҳисобланади.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, биринчидан, гувоҳнома учун 10 йил давомида амортизация ажратмаси бир хил тартибда ҳисобланган, иккинчидан, қопланаётган амортизация суммаси ҳам бир даражада ортиб борган, учинчидан эса қолдиқ қиймати пропорционал равишда камайиб боради. Ушбу усулда амортизация активнинг хизмат муддатини узоқ давом этишига боғлиқлигига асосланади ва амортизация меъёрлари доимий ҳисобланади.

2. *Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб тақсимлаш (Production method) ёки ишлаб чиқариш усули.* Бу усул объектнинг фойдалилиги ишлатишнинг бутун даврида унинг жами ишлаб чиқариш тегишли ўлчов бирликлари (натура, қиймат ва меҳнат ўлчовлари)да баҳоланишига асосланган. Ҳисоб-китоб қилинаётган амортизация эксплуатация натижаси бўлиб, унда ҳисобот вақтлари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Амортизация ажратмалари билан маҳсулот бирлиги ўртасида боғлиқлик бўлиб, жамғарилаётган амортизация (accumulated depreciation) ортиб боради, активнинг қиймати эса, аксинча, камайиб боради. Ушбу ҳолда фойдаланишнинг i - йилдаги номоддий актив амортизацияси куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$A_i = \frac{(D_q - T_q) \Pi_i}{\sum_{i=1}^n \Pi_i};$$

бунда D_q - номоддий активларнинг дастлабки қиймати;
 T_q фойдаланишнинг охириги n -йилдаги тугатиш қиймати;
 P_i - n -йилдаги ишлаб чиқариш;
П-фойдаланишнинг бутун давридаги жами ишлаб чиқариш;
 n - объектнинг хизмат қилиш муддати.

Масалан, саноат мулк объектларидан фойдаланиб (фойдаланиш учун ҳуқуқий муҳофаза патенти) олинган маҳсулотлар бирлиги шартнома бўйича қиримга олинган патентнинг дастлабки қийматига нисбатан аниқланади.

3. Жадаллаштирилган ҳисобдан чиқариш усули (Accelerated methods). Бу усулда амортизация тўғри чизикли усулга нисбатан икки баробар тез ҳисобланади. Активнинг қийматидан биринчи йилда охириги йилга нисбатан деярли сезиларли қисми ҳисобдан чиқа-рилади. Шунинг учун амортизациянинг бу усулини баъзи иқтисодий адабиётларда «Солиқ амортизацияси» деб ҳам юритилади. Бундай амортизациядан солиққа тортиладиган фойдани аниқлашда фойдаланиши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашиб бориши номоддий активлардан фойдаланиш муддатларини қисқартириш, уларни муддатида ҳисобдан чиқариш кераклигини тақозо этади. Жадаллаштирилган амортизация усулининг моҳияти шундан иборат-ки, номоддий активлардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида улар бошланғич қийматининг асосий қисми ҳисобдан чиқарилади. Бизнинг фикримизча кўра бунга:

биринчидан, номоддий активлардан энг кўп даражада фойдаланиш уларнинг дастлабки йилларига кўп тўғри келади;

иккинчидан, амортизация қилинадиган номоддий актив тез маънавий эскирган тақдирда уни алмаштириш ёки янгисини харид қилиб олиш учун маҳсул захира яратиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, амортизация қилинадиган объектлардан фойдаланиш-нинг охириги йилларига тўғри келадиган, уларни тузатишга сарфланадиган харажатлар улушини ишлаб чиқариш таннархига кўпайтирмасдан (амортизация суммасининг бу йилларда камайиши ҳисобига) акс эттирилиши лозим.

Жадаллаштирилган усулда амортизация ҳисобланганда сонлар, яъни кумулятив усулини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки амалдаги меъёрий ҳужжатларда бу масалага етарлича ёндашилмаган.

Амортизация бўйича сонлар йиғиндиси усулини қўллаш яхши самара келтиради. Сонлар йиғиндиси (Sum-of-the-years-digits method) бўйича ҳисобдан чиқариш, яъни кумулятив усул активни хизмат қилиш йиллари суммаси орқали аниқланади ва бу сумма ҳисоблаш коэффициентидан маҳраж бўлиб хизмат қилади. Коэффициентнинг суръатида активнинг хизмат муддатининг охиригача

қолган йиллар сони туради, бу тескари тартибда кўрсатилади. Сонлар йиғиндиси-номоддий активдан фойдаланишда йиллар мобайнидаги тартиб рақамларини қўшишдан олинган сумма бўлиб, тегишли йилнинг амортизация меъёри объектнинг дастлабки қиймати билан унинг ликвидлик қиймати ўртасидаги фарққа кўпайтирилади. Умумий формула қуйидаги кўринишда бўлади.

$$A_i = \frac{(n-i+1) * (D_q - T_q)}{S};$$

бунда – S - жами йиллар.

Амортизация бошланадиган объектлардан фойдаланиш муддати етарлича давомли бўлган тақдирда сонлар йиғиндиси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = n(n+1) / 2.$$

бунда n – амортизация объекти фаолият кўрсатадиган йиллар сони.

Жадаллаштирилган амортизациянинг қолдиқни камайиб бориш усули (Declining-balance method) сонлар йиғиндиси усули тамойилларига асосланган бўлиб, унда ҳар қандай катъий меъёр қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, лекин тўғри чизикли усулда фойдаланган меъёрга нисбатан икки маротаба кўпайтирилган меъёр қўлланилади.

Амортизация қолдиқни камайиб бориш усули билан ҳисобланаётганда тегишли коэффициентлардан фойдаланилади. Фикримизча, номоддий активларга амортизация сиёсати икки маротаба тезлаштирилган усулда ҳисобланиши лозим.

Хориж давлатларида бу коэффициентлар турли хил кўринишда бўлади: хусусан, Францияда активнинг хизмат қилиш муддати 4 йилгача бўлса, 1,5, 5 йилдан 6 йилгача 2,0 ва 6 йилдан ортиқ бўлса 2,5 коэффициентлар қўлланилади. Италияда 2,0, Канадада 2,0 ва 3,0, АҚШда 1,5 ва 2,0, Германияда 1,3 дан 2,0 гача коэффициентлардан фойдаланилади.¹¹

Номоддий активларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган амортизациясини ҳисоблаш усуллари таққосланса, ҳисобот даврлари бўйича амортизация суммаларининг ортиши, қолдиқ қийматларининг камайиб боришини кўриш мумкин. Агар маълум йилдаги рақамларга эътибор берилса, тўғри чизикли ва бажарилган ишлар ҳажмига тақсимлаш усуллари қараганда жадаллаштирилган усулда актив қийматининг деярли 70-80 фоизи амортизация харажатлари кўринишида маҳсулотлар таннархига ёки давр харажатларига

¹¹Мещерякова О. “Налоговые системы развитых стран”. (Справочник)- М.: Фонд “Правовая культура”, 1995г. 125стр.

олиб борилишини кўриш мумкин. Бу эса аввалги икки усулларда 50-55 фоизни ташкил этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ғарб давлатларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида амортизацияни алоҳида ҳисоблаб чиқишга йўл қўйилади. Биз солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун бухгалтер қайси усулдан фойдаланишидан қатъий назар, номоддий активлар бўйича жадаллаштирилган амортизация усулларида фойдаланиб, харажатларни жадаллаштирилган қоплаш тизимини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Харажатларни жадаллаштирилган қоплаш тизимига мувофиқ харажатларни қоплаш даври номоддий активларнинг турли объектлари учун 1 йилдан 20 йилгача бўлади. Бунда харажатларни қоплаш даври 1 йилдан 10 йилгача бўлган номоддий активлар учун 2,0 коэффициент билан қолдиқ қиймат усулидан фойдаланилади.

Шунингдек, қоплаш даври 10-20 йилгача бўлган номоддий активлар учун 1,5 коэффициент билан қолдиқ қиймат усулидан фойдаланиш корхона учун самарали бўлиши мумкин.

XIV БОБ. ТУРИЗМДА ТУРИСТИК МАХСУЛОТЛАРНИ ХАРАЖАТЛАРИ ВА РЕАЛИЗАЦИЯСИ ХИСОБИ

14.1. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутади. Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир. Харажат - бу моддий ресурсларни сотиб олишга қилинган сарфлар бўлиб, даромадлар ва харажатлар концепциясига кўра, шу даврнинг ўзида даромад келтириши керак. Харажатларга миллий стандартларда ыуйидагича таъриф берилади: «Харажатлар - активларни қисқариши ёки сарфланиши натижасида иқтисодий ресурсларни камайиши, шунингдек даромадларни олишга оид хўжалик субъектни одатий фаолияти натижасида мажбуриятларни пайдо бўлишидир»¹²

Харажатларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- Иқтисодий натижаларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун субъект маъмуриятини зарур маълумотлар билан таъминлаш;

- Четга чиқишларни аниқлаш мақсадида ҳақиқатда сарфланган харажатларни кузатиш ва назорат ўрнатиш, уларни меъёрий ва режадаги ҳажми билан таққослаш ва келгусидаги иқтисодий стратегиясини шакллантириш;

- Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва молиявий натижаларни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш;

- Субъектнинг таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини аниқлаш ва баҳолаш;

- Узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларининг қопланиши, бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси, уларга қўйилган капиталларнинг самарадорлиги ва фаолияти бўйича бошқарув ҳисоби маълумотларини бир тизимга келтириш.


Ишлаб чиқариш харажатлари деб маҳсулотни тайёрлаш учун моддийлаштирилган меҳнат сарфларининг пул шаклидага ифодасига айтилади.

¹² 1-сон БХМС Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот..

Хўжалик субъектларда харажатлар турлари ва моддаларининг юзага келиши уларнинг асосий, молиявий ва инвестиция фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатлари асосан хомашё, материаллар, ёқилғи ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари кабилардан иборат бўлади.

Айнан мана шу масала борасида нафақат амалиётчилар, балки иқтисодчи олимлар томонидан ҳам тўлиқ эътироф этиладиган харажатларни бошқаришга ёндашиш мавжуд. Бу харажатларнинг бошқарув ҳисобини ташкил қилиш нуктаи назаридан тасниф қилинишидир. Ана шу умумэътироф этилган классификация моҳиятини қуйидагича гурухлаш мумкин:

- Шартли-ўзгарувчан харажатлар;
- Шартли-доимий харажатлар;
- Ярим ўзгарувчан харажатлар.



12-Чизма. Харажатларни туркумлаш.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим ўрни бўлган харажатларнинг юқорида санаб ўтилган уч гуруҳга бўлинишини МДХ мамлакатлари олимлари орасида биринчи бор илмий жихатдан асосланган ватандошларимиз ҳисобланади¹³. Бошқарув қарорлари энг оптимал ва қанчалик самарали бўлмасин, шартли-доимий харажатлар унинг таъсирига тушмайди, улар нисбатан доимий ҳисобланади, лекин ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораверган сари бир дона маҳсулотга тўғри келадиган миқдори камайиб бораверади.

Шартли-ўзгарувчан харажатлар эса, аксинча хусусиятга эга бўлиб, улар бошқарув қарорлари таъсирида ўзгаради, лекин бир дона маҳсулотга тўғри

келадиган миқдори ўзгармасдан қолаверади. Тўғри харажатларнинг барчаси (меҳнат харажатлари, материал ва хом ашё харажатлари) шартли-ўзгарувчан харажатларга киради. Умум ишлаб чиқариш харажатларининг ҳам бир қанчаси (электроэнергия, ёқилғи ва ш.к.) шартли-ўзгарувчан харажатларга киради.

Бу харажат тўғри раҳбарларнинг ишбилармонлик фаолияти ўзгариши билан шунга мувофиқ ўзгаради, лекин ишлаб чиқилган маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгаришсиз қолади.

Шартли-доимий харажатларга қуйидаги харажат турлари киради:¹⁴ ижара харажатлари, ҳисобланган эскириш (амортизация) суммалари, мол-мулк солиғи харажатлари, умум ишлаб чиқариш харажатларининг аксарият қисми. Тижорат харажатларининг ҳам аксарият қисми ана шундай шартли-доимий харажатлардир: реклама харажатлари, амортизация ажратмалари, коммунал хизмат харажатлари ва ш.к. Маъмурий-бошқарув аппарати (идора) харажатларининг ҳам деярли аксарият қисми шартли-доимий харажатларга киради, шу билан биргаликда буларнинг ичида ҳам шартли-ўзгарувчан харажатлар турлари учраб туради.

Ўзгарувчи харажатларнинг стандарт миқдорлари корхонадаги ресурслар сарфи меъёрларигагина боғлиқ бўлса, доимий харажатлар эса ҳам ресурс сарфи меъёрларига, шунингдек, амалдаги харажатлар миқдорига боғлиқ бўлади. Яъни, доимий харажатлардан айримлари ресурслар сарфи меъёрлари орқали ҳисобланса, қолган бир қисми фақат амалда қилинган харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Доимий харажатларнинг шу иккинчи қисми стандартини аниқлашда олдинги йилларда ишлатилган шу кўринишдаги харажатларнинг амалдаги қийматларидан фойдаланилади. Бунда меъёрлар 2-ифода орқали аниқланади.

Бу харажат тўғри раҳбарларнинг ишбилармонлик фаолияти ўзгаришига боғлиқ эмас, ўзгармайди, лекин маҳсулот бирлигига нисбатан доимо ўзгаради.

Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан харажат элементларининг ўзгариши орасидаги боғлиқлик харажатларни назорат қилишда асосий ўринда туради. Бунинг учун ўз навбатида ўзгарувчан ва доимий харажатларни бири-бирдан ажрата олиш лозим.

Шу билан бирга, “ўртача харажатлар миқдори” тушунчаси ҳам мавжуд. Аксарият ҳолларда ўртача харажатлар “келтирилган харажатлар” ҳам деб юритилади. Шунини таъкидлаш жоизки, харажатлар устидан назорат олиб борганда ёки умуман таннархни ҳисобга олишда келтирилган доимий харажатларни алоҳида-алоҳида инобатга олган маъқул. Чунки фаолият

¹³ Абдукаримов И.Т. Анализ издержек обращения в кооперативной торговле. М.: Экономика. 2005

¹⁴ Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: "Академия" нашриёти. 2002 й., 176-б., 24—32-бетлар.

натijasида эришиш мумкин бўлган иш ҳажмининг ўзгариши фақат ўзгарувчан харажатлар миқдорига бевосита таъсир этади.

Харажат моддалари орасида моҳияти жиҳатидаи корхона иш бирликларининг ошишига тўғри пропорционал равишда ўзгарувчи харажатларни ўзгарувчи харажатлар гуруҳига киритамиз. Бу гуруҳга тааллуқли бўлган кўрсаткичлар нима сабабдан ўзгарувчан харажатлар ҳисобланиши асосланган. Бу гуруҳга кирувчи харажатлар у ёки бу жиҳатдан корхона иш натижаларига боғлиқ равишда ўзгаради.

Корхонадага доимий харажатлар гуруҳига кирувчи харажатларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларнинг миқдори корхона фаолияти натижаси бўлган ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ эмас, яъни унга (ишлаб чиқариш ҳажмига) нисбатан доимий харажатлар ўзгармасдир. Доимий харажатлар мутлоқ миқдорининг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати келтирилган доимий харажат миқдорини ифодалайди ва бу кўрсаткичнинг умумий харажатдаги улуши ишлаб чиқариш ҳажми ошган сари камайиб боради.

Қайд қилиш жоизки, айрим харажат турларини шартли-доимий харажатлар турларига ҳам, шартли-ўзгарувчан харажатлар турларига ҳам киритиб бўлмайди. Аниқроғи, айрим тур харажатлар бир вақтининг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат компонентига эга бўладиган харажатлар ҳисобланади. Шунинг учун бундай харажатларни ярим ўзгарувчан харажатлар деб ҳисобга олган маъқул.

Масалан, телефон хизмати харажатлари:

- бир ойлик белгаланган таъриф тўланиши лозим бўлган сумма - доимий харажат гуруҳига киритилади;
- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари бўлса, ўзгарувчан харажат гуруҳига киритилади.

Ярим ўзгарувчан харажатлар

- Бир вақтининг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат компонентига эга бўлган харажатлар
Масалан, телефон хизмати харажатлари:
- а) бир ойлик аниқ тўланиши лозим бўлган сумма - доимий харажат гуруҳига киритилади.
 - б) шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари бўлса, ўзгарувчан харажат гуруҳига киритилади.

15-Чизма. Ярим ўзгарувчан харажатларни туркумлаш.

Ижара тўловлари харажатларида ҳам шуидай ҳолатни кузатиш мумкин. Дўкон ижараси қайд қилинадиган сумма сифатидаги бир тўлов ва товар айланмасидан фоиз сифатида иккинчи тўловдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш бевосита “харажат - ишлаб чиқариш ҳажми – фойда” кўрсаткичларининг таҳлилидан бошланиши лозим. Агар буюртмалар портфелига мувофиқ ишлаб чиқариш ҳажми аниқланган бўлса, ана шу моделдан фойдаланиб, харажатлар миқдорини аниқлаш, баҳони белгилаш ва соф фойда қанча бўлиши мумкинлигини бемалол аниқлаш мумкин. Ушбу учта кўрсаткич бир-бири билан бевосита чамбарчас боғланган бўлиб, бошқарув ҳисоби ва шу борадаги назоратнинг асосий қуроли бўлиб қолиши лозим.

Ҳар бир корхона ва корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “харажат - ишлаб чиқариш ҳажми – фойда” кўрсаткичларининг боғланишини ҳам график, ҳам формула ёки оддий арифметик ҳисоблар кўринишида ифодалаш мумкин.

Бошқарув ҳисобини юритишда айрим олинган корxonанин г нормал қувват билан ишлаши инobatга олинади. Чизмада кўрсатилганидек, амалиётда назарий қувват кўрсаткичидан фойдаланишнинг реал имконияти йўқ. Корхона фаолиятини ташкил қилишнинг дастлабки босқичидаёқ мана шу кўрсаткичлар моҳиятига жиддий эътибор қаратилиши талаб қилинади. Хусусан, фаолиятнинг техник-иқтисодий асосланишида (ТЭО лойҳаси) барча асосий воситалар актив қисми учун миқдорлар, ана шу кўрсаткичлар ичидан ўртача (нормал) қувват доирасида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Шунга мувофиқ, қорxonаларда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда айрим олинган технологик жиҳозларнинг нормал қувват билан ишлаши ҳисобга олиниши лозим.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ялпи даромад ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг “зарарсизлик” даражасини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Бунда ҳар қандай корхона раҳбарияти олдида ишлаб чиқариш ҳажмининг “критик нуқтасини”, яъни даромад ва харажатлар тенглашган нуқтани аниқлаш муҳимдир.

Республикамизда харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўз.Р. ВМ.нинг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан билан ўзгартиришлар киритилган) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича

ифодалаш мумкин:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

2. Давр харажатлари:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича харажатлар;
- хорижий валюта операцияларида юзага келадиган салбий курс

фарқлари;

- қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот (иш, хизмат)ларни қайта ишлашда фойдаланиладиган табиий ва меҳнат ресурслари, хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатларнинг баҳосини ифодалайди.

Ушбу харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидагича тартибда гуруҳланади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чикитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;
- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий фаолият бўйича харажатлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги счетлар белгиланган:

9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар»;

9620-«Курс фарқларидан зарарлар»;

9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»;

9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

Мазкур счетлар транзит счетлар ҳисобланиб, актив характерга. Уларнинг дебет оборотлари хўжалик муомалалари натижасида содир бўлган молиявий харажатларни, кредит оборотлари эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини ифодалайди.

Харажатлар ҳисоби хақидаги маълумотларни корхона қуйидаги ҳолатда шакллантириш керак:

1. Харажатларни уларни пайдо булиш жойлари бўйича ҳисобга олиш;

2. Харажатлар ҳисобини жавобгар хўжалик марказлари бўйича ташкил қилиш;

3. Харажатларни уларни пайдо қилган объектлари ёки уларни ташувчилари, яъни алоҳида маҳсулот турлари бўйича жамлаб бериш

Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш харажатлари қўйилган вазибаларга мувофиқ харажат элементлари ва калькуляция моддаларига бўлинади.

Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига қараб аниқлаш ва тегишли сметалар тузишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулотлар таннархини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хомашё ва материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш, брак маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган харажатларга корхонанинг маданий-маиший объектларига сарфланадиган харажатлар қиради.

Шунингдек, корхоналарда харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади.

Бевосита харажатлар корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар амортизацияси каби харажатлар қиради.

Бевосита моддий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига қирадиган ёки маҳсулотлар тайёрлаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган четдан сотиб олинган хомашё ва материаллар харажатларини ифодалайди. Юқоридагилардан ташқари «Харажатлар таркиби тўғрисидаги» Низомга мувофиқ, қуйидаги харажатлар ҳам бевосита

моддий харажатлар таркибига киради:

– нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар қиймати, хўжалик буюмлари ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситалари.

– сотиб олинadиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

– ташки юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муомалаларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, уларни сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташки юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини марказий омбордан цехга, шунингдек, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматлар ҳисобланади.

– табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштириш, юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан берилadиган дарахтларга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинadиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун эса ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари.

– технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинadиган барча турлари, корхоналарнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

– корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. Бунда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек харид қилинадиган энергияни истеъмол жойига трансформация қилиш ва узатиш харажатлари моддий харажатларнинг тегишли элементларига киритилади.

– ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши.

– корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан юклаш ва тушириш ишлари ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига киритилиши зарур.

– корхоналар томонидан мол етказиб берувчилардан олинadиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

– маҳсулот таннархига киритилadиган моддий ресурслар харажатларидан қайтарилadиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

– моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташки иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматларидан, шу жумладан брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлар, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташки юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Смета калькуляциясидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришда замонавий технологияни қўллаш ва келгуси даврларда сарфланадиган харажатлар сметасини тузишда фойдаланилади. Ушбу усул корхонада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, маҳсулотлар баҳосини белгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Харажатларни ҳисобга олиш

Т/Р	Операция мазмуни	Сумма	Дебет	Кредит
1	Ишлаб чиқаришга материаллар сарфи	150	2010	1010
2	Ишлаб чиқаришга электрэнергаяси сарфи	37	2010	6010
3	Ишлаб чиқаришдаги ишчиларгаиш ҳақи ҳисобланди	162	2010	6710
4	Ишлаб чиқаришдага ишчиларга мукофот ҳисобланди	20	2010	6710
5	Ишлаб чиқаришдага ишчилар иш ҳақидан ягона нжтимой тўлов ҳисобланди	45,5	2010	6520
6	Умумишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш таннархига ўтказилди	56	2010	2510
7	Ишлаб чиқариш чикиндилари омборга топширилди	8	1090	2010
8	Яроқсизликка чиққан маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилди	3	2610	2010
9	Омборга ҳақиқий таннарх бўйича тайёр маҳсулот келиб тушиди	497,5	2810	2010

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишга имкон беради.

14.2. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш

Хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар бир муомаланинг бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги счетлар гуруҳидан фойдаланилади:

- 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»;

- 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш»;
- 2510-«Умумишлаб чиқариш»;
- 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак»;
- 3110-«Олдиндан тўланган ижара ҳақи»;
- 3120-«Олдиндан тўланган хизмат ҳақи»;
- 3190-«Бошқа бўнак харажатлари»;
- 8910-«Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви».

Ишлаб чиқариш харажатларини элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ҳисоб юритишни таъминлаш мақсадида асосий ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» сметида тайёрланаётган маҳсулот турлари бўйича гуруҳланади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» сметида харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- қурилиш-монтаж, геология-қидирув ишларини бажариш бўйича пудрат, геология ва лойиҳа қидирув ташкилотлари;
- хизматлар кўрсатиш бўйича транспорт ва алоқа корхоналари;
- илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича илмий-тадқиқот корхоналари;
- автомобиль йўлларини асраш ва таъмирлаш бўйича йўл хўжаликлари.

Ушбу сметида дебетиде маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, бракдан кўрилган йўқотишлар ва асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар акс эттирилади.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» сметида кредитиде ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи суммаси акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини аниқлаш учун тегишли харажатлар 2300-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби» сметида гуруҳланади.

2300-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби» сметида қуйидаги ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ҳисобга олишда фойдаланилади:

- энергиянинг ҳар хил турлари (электроэнергия, газ ва бошқалар) билан ёрдам кўрсатиш;
- транспорт хизматларини амалга ошириш;
- асосий воситаларни таъмирлаш;

– инструментлар, штамплар, қурилиш деталлари, конструкцияларни тайёрлаш;

– тош, шагал, кум ва бошқа рудасиз материаллар қазиб олиш;

– ёғоч материалларини тайёрлаш ва уларга ишлов бериш;

– қишлоқ хўжали маҳсулотларини тузлаш, қоқи қилиш ва консервация (асосан савдо корхоналарида);

– маҳсул кийимлар ва пойафзалларни таъмирлаш, тикиш ва бошқалар.

Шунингдек, мазкур ҳисобда 21-сонли БХМСга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар балансида турган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик бўлинмалари харажатлари ҳам ҳисобга олинishi мумкин.

2300-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби» ҳисобларининг дебитида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишла бажариш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шу билан бирга ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ҳамда брактдан кўрилган йўқотишлар харажатлари акс эттирилади.

2300-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби» ҳисоблари дебетланганда куйидаги ҳисоблар кредитланади:

- 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби»;
- 0500-«Номоддий активларнинг амортизацияси ҳисоби»;
- 1000-«Материаллар ҳисоби»;
- 1100-«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисоби»;
- 1610-«Материаллар қийматидаги оғишишлар»;
- 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари»;
- 2610-«Ишлаб чиқаришдаги бракт»;
- 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»
- 3100-«Келгуси даврлар харажатлари ҳисоби»;
- 3200-«Муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби»;
- 4860-«Даъволар бўйича олинандиган ҳисоблар»;
- 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар»;
- 6500-«Суғурта бўйича қарзлар ва давлат мақсадли фондларига тўловлар ҳисоби»;
- 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»;
- 6970-«Ҳисобдор шахсларга қарзлар»;
- 6990-«Бошқа мажбуриятлар»;
- 6110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланандиган ҳисоблар»;
- 9390-«Бошқа операцион даромадлар».

2300-«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби» ҳисобларининг кредитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (кўрсатилган хизмат, бажарилган ишлар)нинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

14.3. Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш

Хўжалик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари ўртасида билвосита харажатларни оқилона тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳсулотларнинг технологик турлари бўйича таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу ҳолат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳосини шакллантириш бўйича корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ижобий самара беради.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини куйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- 2) умумишлаб чиқариш харажатлари;
- 3) давр харажатлари.

Ўзбекистонда юқоридаги биринчи ва иккинчи бандлардаги харажатлар тақсимот базасига мутаносиб равишда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига кўшилади. Давр харажатлари эса корхонанинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланади. МДХ давлатларида эса юқоридаги барча харажатлар маҳсулот таннархига киритилади ва ҳисоблар тизими орқали тўлиқ таннарх ҳосил қилинади.

Ушбу харажатлар умумий хусусиятга эга бўлиши билан биргаликда, уларнинг хусусий жиҳатлари ҳам мавжуд: машина ва ускуналарни ишлатиш ва асраш харажатлари шартли-ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари эса шартли-доимий харажатлар ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини маҳсулотлар таннархига киритиш орқали таннарх аниқлашининг ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида ва бўлинмалар даражасида тақсимлаш каби усуллари мавжуд.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида тақсимлаш усулининг моҳияти шундаки, бунда мазкур харажатлар 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобларининг дебитида йиғиб борилади ҳамда ҳисобот даври охирида улар ягона тақсимот базаси асосида маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Шунингдек, бу усулнинг афзаллиги унинг соддалиги ва кам меҳнатталаблигида бўлса, асосий камчилиги эса, маҳсулотларнинг хилма-хил турлари ҳақиқий таннархини аниқлаш пайтида жиддий хатоликларга олиб келишидир.

Одатда, бошқарув ҳисоби тизимида ҳисобот даври ичида умумишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузилиб, унга асосан сметадаги харажатлар ҳақиқатда эришилган маҳсулот ҳажми ва ҳақиқий харажатлар билан таққосланиб, тузатилиб борилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БХМСга биноан тасдиқланган харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олиб борилади ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ алоҳида ҳисоб объектлари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартиришлар билан) билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра умумишлаб чиқариш харажатлари куйидагилардан иборат:

- машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;
- ишлаб чиқаришга тайинланган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришдаги мулкларни суғурталаш харажатлари;
- иситиш, ёритиш ва ишлаб чиқариш биноларини асраш харажатлари;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бинолар, машина ва ускуналар, ижарага олинган бошқа мулкларнинг ижара тўловлари;
- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи;
- ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш жараёнида харажатларни ҳисобдан чиқариладиган объектлар танланиб, аниқ цех, маҳсулот, шартнома турига тегишли харажатлар танлаб олинади ва йиғилади. Бу шароитда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимот базасини танлаб олиш муҳимдир.

Бўлинмалар даражасида ишлаб чиқаришнинг билвосита харажатларини тақсимлаш усули анча меҳнатталабдир, бироқ, у олдинги усулга нисбатан

маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича таннархни тўлиқроқ аниқлаш имконини беради. Бу усулда мазкур харажатлар алоҳида субсчётлар очиш йўли билан бўлинмалар даражасида ҳисобга олинади.

Корхоналарда ҳисобот даври якунида маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг тақсимоти ҳар бир субсчёт учун амалга оширилади. Бунда ҳар бир субсчётга бўлинма технологик жараёни хусусиятини ифодаловчи ўз тақсимот базаси мос келади. Масалан, корхона автоматлаштирилган бўлинмасининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари бўйича асбоб-ускуналар иш соатларига биноан, ўўлда йиғиш цехининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари эса меҳнатнинг бевосита харажатларига кўра тақсимланади.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини ҳисобга олишда бу усулни қўллаб хатоликларни батамом бартараф этиб бўлмайди, чунки биринчидан, умумкорхона ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида, иккинчидан, алоҳида бўлинма ичидаги турли ишлаб чиқариш тизимлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида хатолар бўлиши мумкин.

Корхона алоҳида бўлинмалари, цехларининг технологик жараёнлари меҳнат, капитал ва материалталаблиги даражалари билан фарқ қилади.

Агар бўлинма фаолияти харажатлари ичида иш ҳақининг ҳиссаси юқори бўлса, шу бўлинма, цех, бригаданинг умумишлаб чиқариш харажатларини меҳнат ресурсларини истеъмол қилиш билан боғлиқ кўрсаткичларни асос қилиб олиниб, улар маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

14.2-жадвал

«АБС» корхонасининг умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш (асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи харажатлари)

Маҳсулот турлари	Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари		Умумишлаб чиқариш харажатлари, минг сўмда
	минг сўмда	% да	
Столлар	13786	0,28	129982
Стуллар	7059	0,14	64914
Диван	23441	0,47	170612
Шкафлар	2180	0,05	20953
Ошхона анжомлари	3201	0,06	29748
Жами	49667	100	416209

Ушбу жадрвалдан келиб чиқиб, билвосита харажатлар тақсимотининг асоси

сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари;
- меҳнатнинг меъёрий бевосита харажатлари;
- корхонадаги муайян технологик жараёнда қатнашувчи ходимлар сони.

Агар бўлинма фаолияти капиталталаб бўлса, умумишлаб чиқариш харажатларини асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлари асос қилиб олиниб тақсимланади. Бунда ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимоли базаси сифатида асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий иш соатлари, маҳсулот турлари бўйича амортизация ажратмалари ёки маълум техник жараёнда фойдаланилган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати олинади.

Корхона бўлинмаси фаолияти материалталаб бўлса яъни унда маҳсулотлар таннархига қўшиладиган харажатларнинг асосий қисмини хом-ашё ва материаллар харажатлари ташкил қилса, тақсимот базасига хомашё ва материалларнинг ҳақиқий бевосита харажатлари ҳамда уларнинг режали таннархи киритилади.

Агар бўлинма фаолияти натижаси қандайлигини (меҳнатталаб, капиталталаб ёки материалталаб) аниқ белгилаш имкони бўлмаса, тақсимотнинг аралаш базасидан фойдаланилади. Бунда тақсимот базаси тўлиқ бевосита моддий харажатлар (хом-ашё, материаллар ва асосий воситалар маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархида катта салмоққа эга бўлса)дан иборат бўлади.

Тақсимот базалари корхона функционал хизматлари яъни бошқарув аппарати учун ҳам ишлаб чиқилади. Бунда тақсимотнинг асосий базалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- омбор хўжалиги учун бир бирлик маҳсулотни бир кун сақлашнинг норматив харажатлари омбордаги маҳсулотларнинг ўртача қолдиғига кўпайтирилгани;
- диспетчерлик хизмати учун ташиб кетиладиган тайёр маҳсулотлар тонна-километрда;
- юкларни жўнатиш бўлими учун тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш бўйича шартномалар миқдори.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг энг мос тақсимлаш базасини ҳисоблаш учун маълум жорий харажатлар талаб қилинади. Шу сабабли, корхоналарда унча меҳнатталаб бўлмаган бошқа қўшимча тақсимот базаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар таннархи, хомашё ва материалларни сотиб олиш таннархи, маржинал даромад, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кабиларни киритиш мумкин.

XV-БОБ. МЕХМОНХОНАЛАРДА ХАРАЖАТЛАРИ ВА РЕАЛИЗАЦИЯСИ ХИСОБИ

15.1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатларининг таснифи, тафсифи ва улар ҳисобининг вазифалари

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари миқозларга турли хизматларни кўрсатиш жараёнида кўп қиррали фаолиятни амалга оширадilar.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан миқозларга кўрсатиладиган хизмат турлари қуйидагича гуруҳланади:

- туристик хизмат;
- жой билан таъминлаш (меҳмонхона) хизмати;
- савдо хизмати;
- умумий овқатланиш хизматлари
- ва шу каби бошқа хизматлар

Миқозларга кўрсатилган ҳар бир хизмат тури туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари учун даромад манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу сабаб миқозларга хизмат кўрсатиш ва хизматлар кўрсатиш натижасида даромад олиш мақсадида маълум миқдордаги сарф-харажатларни амалга оширадilar.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатлари - бу бевосита миқозларга турли хизматларни кўрсатиш учун амалга оширилган харажатларнинг пулдаги ифодасининг йиғиндисидир.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатларини миқозларга хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича, амалга оширилган харажатларнинг тегишли даври бўйича, «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин (7.1- расм).

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатларини ушбу корхоналарнинг хизмат кўрсатиш фаолиятига кўра гуруҳланиши:

- туризм фаолиятига доир харажатлар
- меҳмонхона фаолиятига доир харажатлар
- савдо фаолиятига доир харажатлар
- молиявий фаолиятга доир харажатлар
- бошқарув фаолиятига доир харажатлар



15.1- расм. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатларининг таснифи

Туризм фаолиятига доир харажатлар – бу бевосита туристларга кўрсатилган хизматлар учун сарфланган харажатлар йиғиндиси микдори. Буларга туристларни ётоқ билан таъминлаш харажатлари, овқатланиш хизмати харажатлари, экскурсияси хизмати харажатлари, транспортировка хизмати харажатлари, туристларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақи бўйича харажатлари ва шу каби бевосита туристларга кўрсатилган бошқа хизмат харажатлари таалуқли.

Меҳмонхона фаолиятига доир харажатлар – бу туристларга меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун сарфланган харажатлар йиғиндиси. Буларга бошқа юридик шахслар томонидан кўрсатилган хизматлари бўйича (электроэнергия, газ, сув ва шу кабилар) амалга оширилган харажатлар, меҳмонхона фаолиятига таалуқли моддий ва меҳнат харажатлари, асосий

воситалар ҳамда номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар ва бошқа шу каби харажатлар киради.

Савдо фаолиятига доир харажатлар–бу бевосита меҳмонхона мажмуасининг таркибий бўлинмалари бўлган ресторан, кафе, бар ва бошқа савдо шаҳобчалари орқали турист бўлмаган шахсларга кўрсатилган хизматлари учун сарфланган харажатлар йиғиндиси.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг молиявий фаолият бўйича харажатлари – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўз фаолиятини амалга ошириши давомида амалга оширган фоиз кўринишидаги харажатлари, чет эл валютаси курс фарқлари бўйича харажатлари, қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича амалга оширилган харажатлари ва бошқа молиявий харажатлар йиғиндиси ҳажми.

Тегишли даври бўйича туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан амалга оширилган харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

- Ҳисобот даври харажатлари
- Келгуси давр харажатлари
- Муддати кечиктирилган харажатлар

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан амалга оширилган ҳисобот даври харажатлари – бу ҳисобот даври давомида туристларга хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш натижасида даромад олиш мақсадида амалга оширилган барча харажатлар йиғиндиси ҳажми.

Келгуси давр харажатлари – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган сарф-харажатлар, лекин бу сарф-харажатлар ҳисобот даври харажатларига тегишли бўлмаган келгусида ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган харажатлар микдори. Буларга олдиндан тўланган ижара ҳақи, олдиндан тўланган хизмат ҳақлари, обуна харажатлар киради.

Муддати кечиктирилган харажатлар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг келгуси фаолиятига таалуқли, лекин муддати камида бир йилга кечиктирилган харажатлардир.

«Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатлари асосан қуйидагича белгиланган:

- кўрсатилган хизматларнинг таннархига киритиладиган харажатлар
- кўрсатилган хизматларнинг таннархига киритилмайдиган харажатлар, яъни давр харажатлари
- молиявий фаолият бўйича харажатлар
- фавкулотда зарарлар

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар – бу туристларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган моддий ва меҳнат харажатлари, махсус фондларга ажратма харажатлари, шунингдек хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ асосий воситалар ва номоддий активлага амортизация харажатлари ҳамда хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар йиғиндиси миқдори.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар таннархига киритилмайдиган харажатлар, яъни давр харажатлари – бу нотуристларга савдо хизматини кўрсатиш бўйича сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, туристик хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муомила харажатлари йиғиндиси миқдори.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг фавкулотда зарарлари – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўз фаолиятини амалга ошириши давомида кўзда тутилмаган, тасодифий тарздаги ходиса ва воқеалар натижасида амалга оширилган харажатлар йиғиндиси миқдори.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида харажатларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида харажатлар ҳисобининг асосий мақсади туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида туристларга хизмат кўрсатиш натижасида амалга оширилган харажатларнинг «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» асосида амалга оширишини назорат қили .

Шу сабабли харажатлар ҳисобининг вазифаси қуйидагиларга қаратилган:

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича сарфланган харажатларнинг тўғри амалга оширилганлиги устидан доимий назорат ўрнатиш;

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича сарфланган харажатларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича сарфланган харажатларнинг ҳисоблаш тамойилига асосан харажат амалга оширган даврда акс эттириш;

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича сарфланган харажатларни тўғри гуруҳлаш ва туркимларга ажратиш;

- туристик–меҳмонхона мажмуаларида сарфланган харажатларни фаолият турлари ўртасида тўғри тақсимлаш;

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича сарфланган харажатларни бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттириш;

- келгуси давр харажатларини ўз вақтида ва тўғри тегишли харажатлар счётларига ўтказиш;

15.2.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида кўрсатилган хизматлар таннархига кирувчи харажатлар ва уларнинг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида туристларни кутиб олиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ, амалга оширилган сарф-харажатлар кўрсатилган хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар бўлиб, ушбу харажатларнинг умумий йиғиндиси туристик хизматлар таннархини ташкил этади.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га асосан кўрсатилган хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

- хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ моддий харажатлар
- хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ меҳнат харажатлари
- хизматларни кўрсатишга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар
- хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация харажатлари

•хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар

Хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ моддий харажатлар – бу бевосита туристларга кўрсатилган хизматлар бўйича амалга оширилган моддий харажатлар миқдори. Бу харажатларга туристларга ётоқхона хизматини кўрсатишга сарфланган сочик, чойшаб, совун ва шу каби бошқа материаллар, туристларга умумий овқатланиш хизматини кўрсатиш учун сарфланган озиқ – овқат маҳсулотлари, туристларга эсталик совғалари сифатида бериш учун мўлжалланган ҳар ҳил товарлар, туристларга автотранспорт хизматини кўрсатиш учун сарфланган ёқилғилар ва бошқа шу каби моддий харажатлар мисол бўла олади.

Хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ меҳнат харажатлари - бу туристларга хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этган ходимларга яъни таржимонларга, гидларга, ошпазларга, швейцарларга ва шу каби ходимларга шартнома асосида ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳажми.

Хизматларни кўрсатиш тегишли бўлган ижтимоий сўғуртага ажратмалар – бу туристларга хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этган ходимларга яъни таржимонларга, гидларга, ошпазларга, швейцарларга ва шу каби ходимларга шартнома асосида ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳажмидан маҳсус фондларига мажбурий ажратмалар.

Хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация харажатлари – ҳисоб сиёсатида қабул қилинган усуллар бўйича туристларга хизмат кўрсатиш жараёнида қатнашган асосий воситалар (бино, иншоотлар, автомашиналар) ва номоддий активлар (лицензия, компьютер программаси) амортизацияси бўйича харажатлари миқдори.

Хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар – бу туристларга хизмат кўрсатиш жараёнида бошқа корхоналар хизмати харажатлари миқдори. Буларга газ, сув, элетрэнергия бўйича амалга оширилган харажатлар, шунингдек туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари мижозларига бошқа юридик шахслар томонидан кўрсатилган хизматларни қоплаш бўйича амалга оширилган харажатлар мисол бўлади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хизматлари таннархига қиравчи харажатлар 21-сон БҲМСга мувофиқ 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида олиб борилади. Бу счёти актив бўлганлиги сабабли туристларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларга бухгалтерия ишлови бериш жараёнида

ушбу счёти дебетланади, харажатларни ҳисобга олиб боровчи (0100–0299, 0410-0490, 1010-1090, 2810, 2920, 6520, 6710 ва бошқалар) счётилар кредитланади. Ҳисобот даври охирида 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» кредитланади, 9130 «Баждарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи» счёти дебетланади ва шу йўл билан ёпилади.

1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан мижозларга хизматларни кўрсатиш учун амалга оширилган моддий харажатлар далолатномага асосан бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

К-т 1010-1090 «Материаллар»

2. Мижозларга хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ ходимларга ҳисобланган иш ҳақи харажатлари иш ҳақи ҳисоб-китобларига асосан қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

К-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар»

3. Мижозларга хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ ходимларга ҳисобланган иш ҳақи миқдоридан маҳсус фондларга ҳисобланган ажратмаларга, ажратмаларга доир ҳисоб-китобларга асосан қуйидагича ёзувлар амалга оширилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

К-т 6520 «Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар»

4. Мижозларга хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация харажатларига, амортизация ҳисоб-китобига асосан қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

К-т 0212-0299 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётилар», 0510-0590 «Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётилар»

5. Мижозларга хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа юридик шахслар томонидан амалга оширилган харажатлар, хизмат кўрсатувчи корхона счёти-фактуралар, далолатномаларга асосан бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув амалга оширилади.

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

К-т 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6910-6990 «Ҳар хил кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»

15.3.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида давр харажатлари ва уларнинг ҳисоби

Давр харажатлари – бу нотуристларга савдо хизматини кўрсатиш бўйича сотиш харажатлари, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари бошқаруви учун амалга оширилган маъмурий харажатлар, туристик хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муомила харажатлари йиғиндиси миқдори.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га асосан кўрсатилган давр харажатлари қуйидагича гуруҳланади:

- Сотиш харажатлари
- Маъмурий харажатлар
- Бошқа муомила харажатлари

Сотиш харажатлари – бу

а) Асосий фаолият яъни туристик фаолият бўйича. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фаолияти натижаси бўлган туристик хизматларни сотиш учун амалга оширилган харажатлар миқдори. Буларга реклама харажатлари, умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш учун сарфланган қоғоз стаканлар, қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, ўраш-жойлаш материаллари ва шу каби харажатлар киради.

б) Савдо фаолияти бўйича. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига қаршли ресторан, бар ва савдо шаҳобчалари орқали нотуристларга савдо ва умумий овқатланиш хизматини кўрсатиш бўйича амалга оширилган моддий ва меҳнат ҳақи харажатлари, махсус фондларга ажратма харажатлари, шунингдек савдо ва умумий овқатланиш хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ асосий воситалар амортизация харажатлари ҳамда савдо ва умумий овқатланиш хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар йиғиндиси миқдори. Буларга сотувчиларга ҳисобланган иш ҳақи ва ундан ажратмалар, товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш харажатлари, савдо эҳтиёжи учун фойдаланиладиган асосий воситаларга ҳисобланган амортизация харажатлари, газ, ёқилғи, электр энергияси, сув сарфи харажатлари ва шу каби харажатлар киради.

Маъмурий харажатлар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари маъмурий-бошқарув аппаратини сақлаш ҳамда уларнинг ўз функцияларини амалга ошириш учун меҳнат воситалари билан таъминлаш ва шароит яратиш мақсадида амалга оширилган харажатлар йиғиндиси. Маъмурий харажатларга маъмурият ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи харажатлари, махсус фондларга ажратма харажатлари, шунингдек маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситалар амортизация харажатлари, алоқа харажатлари, хизмат автомобили бўйича харажатлар ҳамда маъмурий аҳамиятдаги бошқа харажатлар киради.

Бошқа муомила харажатлари – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан амалга оширилган маъмурий ва сотиш харажатлари таркибига кирмайдиган бошқа операцион харажатлари йиғиндиси. Буларга давр харажатларига олиб бориладиган содик тўловлари бўйича харажатлар, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жарималар, хайрия харажатлари, моддий ёрдамлар ва шу каби харажатлар киради.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида давр харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига қаршли ресторан, бар ва савдо шаҳобчалари орқали хизматлар ҳам туристларга ҳам нотуристларга кўрсатилади. Туристларга кўрсатилган хизматлар туризм фаолияти бўйича амалга оширилган харажатлар, нотуристларга кўрсатилган хизматлар савдо фаолияти бўйича амалга оширилган харажатлар таркибига киради. Ҳар бир фаолият тури бўйичасоф тушим ва якуний молиявий натижа тўғри аниқланиши лозим. Чунки солиқ кодексига мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг турли фаолияти турли солиқларга тортилади. Мисол учун савдо фаолияти ялпи даромад солиғига, қолган фаолият турлари туризм, меҳмонхона, молиявий ва бошқа фаолиятлари эса туристик-меҳмонхона мажмуаларининг мақоми ва танланган солиқ режими бўйича умумий солиқларга ёки ягона солиққа тортилади. Шу сабаб ресторан, бар ва савдо шаҳобчалари томонидан амалга оширилган харажатлар туристик фаолият ва савдо фаолияти ўртасида улардан олинган соф тушумнинг жами тушумдаги ҳиссасига пропорционал тарзда тақсимлаш лозим.

Мисол учун: Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъекти ҳисобот даврида қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- ҳисобот ойда умумий фаолиятдан олинган соф тушим – 44564500,0 сўм, шундан: туризм фаолиятдан- 40356300,0 сўм, савдо фаолиятдан - 4208200,0 сўм;

- давр харажатлари- 9650000 сўм;

Рестаран, бар ва савдо шаҳобчалари орқали амалга оширилган харажатлар тақсимооти
ҲИСОБ – КИТОБИ

№	Кўрсаткичлар	Жами	Туристтик фаолият	Савдо фаолияти
А	Б	В	Г	Д
1	Жами соф тушим	44564500,0	40356300,0	4208200,0
2	Жами тушумдаги хиссаси	100%	90,6%	9,4%
3	Давр харажатлари	9650000	8742900 (гр. В3 * гр. Г2)	907100 (гр. В3 * гр. Д2)

1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан мижозларга туристик маҳсулотни сотиш ва уларга қарашли савдо ва умумий овқатланиш шоҳобчалари томонидан ва маъмурий аҳамиятга эга бўлган материал харажатлари, далолатномага асосан бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари»

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар»

К-т 1010-1090 «Материаллар»

2. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан мижозларга туристик маҳсулотни сотиш бўйича реклама харажатлари, реклама агентлиги счет-фактураси, бажарилган иш, хизматлар далолатномаси ва шартномага асосан бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари»

К-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар»

3. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига қарашли савдо ва умумий овқатланиш шоҳобчалари ходимларига нотуристларга хизмат кўрсатиш тушимидан ҳисобланган иш ҳақи харажатлари, иш ҳақи ҳисоб-китобларига асосан қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилди:

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари»

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар»

К-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишлар»

4. Ушбу ҳисобланган иш ҳақи хажмидан маҳсул фондларга ҳисобланган ажратмаларга, ажратмаларга доир ҳисоб-китобларга асосан корхона бухгалтериясида қуйидагича ёзувлар амалга оширилади:

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари»

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар»

К-т 6520 «Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар»

5. Савдо ва умумий овқатланиш шоҳобчалари ва маъмурият аҳамиятидаги асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация харажатлари, амортизация ҳисоб-китобига асосан бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари»

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар»

К-т 0212-0299 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар», 0510-0590 «Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»

6. Бошқа юридик шахслар томонидан амалга оширилган маъмурий харажатлар, хизмат кўрсатувчи корхона счет-фактуралар, далолатномаларга асосан бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув амалга оширилади.

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар»

К-т 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»,

6910-6990 «Ҳар хил кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар».

15.4. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар ва уларнинг ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар деганда бевосита асосий фаолиятга тааллуқли бўлмаган фаолият турлари билан боғлиқ харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар Низомга мувофиқ молиявий фаолиятга доир харажатлар ва фавқулотдаги зарарларга бўлинади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўз фаолиятини кенгайтириш, маддий-техника базани яхшилаш мақсадида банкдан ёки бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслардан кредит ёки қарз олишлари, қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашлари ва хорижий мижозлар билан чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга оширишлари натижасида харажатларни

амалга оширадilar. Бундай харажатлар молиявий фаолиятга доир харажатлар деб аталиб, улар қуйидагилардан ташкил топади:

- Фоиш кўринишидаги харажатлар
- Валюталар курслари фарқидан зарарлар
- Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар
- Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар

21-сон БҲМСга мувофиқ туристик ташкилотларда молиявий фаолиятга доир харажатларнинг ҳисоби қуйидаги счётларда олиб бoрилади:

• **9610 «Фоиш кўринишидаги харажатлар»** - ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебитида ва 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счётининг кредитида йил мабoйнида олинган қарзлар ва кредитларга доир ҳисобланган харажатлар акс эттирилади.

• **9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар»** - ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебитида йил мабoйнида баланснинг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича курслар ўртасидаги салбий фарқдан кўрилган зарарлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебитида ва бу зарарларни ифодаловчи счётларнинг (4010, 4310, 5020, 5210, 5220, 6010, 6310 ва бошқа счётлар) кредитида акс эттирилади.

• **9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»** - ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебитида йил мабoйнида туристик ташкилот томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебитида ва бошқа счётларнинг (масалан, 1000, 5110, 5010, 6710, 6520, 6990) кредитида акс эттирилади.

• **9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»**- ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебитида йил мабoйнида туристик ташкилотнинг молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлари, масалан молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебитида ва бошқа счётларнинг (0600, 5800, 6990) кредитида акс эттирилади

21-сон БҲМСга мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фавқулотдаги зарарларнинг ҳисоби 9720 «Фавқулотдаги зарарлар» счётининг дебитида ҳисобга олинади. Фавқулотдаги ҳодисалардан кўрилган зарарларнинг

аниқ моддаларини кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа счётлар кредитланади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

- а) Харажатлар –бу мажбуриятларни ошиши
- б) Харажатлар –бу даромадларни камайиши
- в) Харажатлар – бу олинadиган счётларнинг кўпайиши
- г) Харажатлар –бу хусусий капитални кўпайиши

2.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

- а) Сотиш таннари - бу молиявий фаолиятдан кўрилган зарар
- б) Тўланган фоишлар –бу асосий фаолиятга тааллуқли харажатлар
- в) Давр харажатлари - бу асосий фаолиятга тааллуқли харажатлар
- г) Материални сотишдан кўрилган зарарлар – бу фавқулотдаги зарарлар

3.Қуйидагиларнинг қайси бири асосий фаолиятга тааллуқли харажатлар ҳисобланади?

- а) Тўланган фоишлар
- б) Валюта курслари ўртасидаги салбий фарқ
- в) Тўланган дивидендлар
- г) Товарни сотишдан кўрилган зарар

4.Қуйидагиларни қайси бири молиявий фаолиятга доир харажатларга киритилади?

- а) Дебиторларнинг воз кечилганган қарзлари
- б) Бепул беришдан кўрилган зарарлар
- в) Ходимларнинг воз кечилган қарзлари
- г) Тўланган фоишлар

5. Валюта курсларидаги салбий фарқлар?

- а) Молиявий фаолиятдан олинган харажатларга киради
- б) Кўшилган капитални камайтиради
- в) Асосий фаолиятга доир харажатга киради
- г) Фавқулотдаги зарарларга киради

XVI БОБ. ТУРИЗМ СОҲАСИ ВА МЕХМОНХОНАЛАРДА ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИ

16.1. «Стандарт-кост» тизимининг хусусияти ва моҳияти

Иқтисодий рақобатбардошлик муҳитини шаклланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг илғор тизимларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради.

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корxonанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифани бажаришда «Стандарт-кост» ҳисоб тизими корхона харажатларини бошқаришда самарали куруллардан бири ҳисобланади. Унинг асосида белгиланган нормалар доирасида ҳамда улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритиш ва назорат қилиш тамойиллари ётади.

«Стандарт-кост» атамаси икки сўздан ташкил топган: «стандарт»- маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарурий бўлган молиявий, моддий ва меҳнат харажатлари учун олдиндан ҳисоблаб қўйилган харажатларни нормативини аниқлаш, «кост» сўзи эса маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни билдиради. Шундай қилиб, «Стандарт-кост» сўзи тўлиқ маъносидан стандарт харажатларни аниқлатади.

Стандартлар - энг аввало, ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатларидан фойдаланиш устидан назоратни ўрнатишга қаратилган ва бир-бирига боғлиқ, сметалар эса тақсимланадиган харажатлар назорати учун мўлжалланган.

«Стандарт-кост» тизими - бу харажатлар ҳисоби ва таннарх аниқлаш тизими бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи аввалдан пухта, обдон ҳисоблаб чиқилган норматив харажатлар ёрдамида баҳоланади, кейин эса ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади. Норматив ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ четланиш деб аталади. Харажатларни самарали бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири четланишлар таҳлили деб юритилади.

«Стандарт-кост» тизимининг таркиби моддалар бўйича харажатларнинг қуйидаги дастлабки (ишлаб чиқариш жараёни бошлангунча) нормаларидан ташкил топади:

- асосий материаллар;
- асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқаришдаги тақсимланадиган харажатлар (ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ходимлар иш ҳақи, ёрдамчи материаллар, ижара ҳақи, жиҳозлар

амортизацияси ва ҳ.к.)

- сотиш харажатлари (маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар).

«Стандарт-кост» ҳисоб тизими бўйича фойда қуйидаги тартибда аниқланади:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад;
2. Маҳсулотнинг стандарт таннархи;
3. Ялпи фойда (1к-2к);
4. Стандартлардан четланишлар;
5. Фойда (3к-4к).

Стандартлар ва нормалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган калькуляциялар ишлаб чиқариш ва харажатларни тезкор бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Харажатларнинг белгиланган стандарт нормаларидан четланиш даражаси мазкур четланишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун таҳлил қилинади. Бу эса маъмуриятга ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тезкор бартараф этишга, келажакда ҳам уларнинг олдини олишга имкон яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, «Стандарт-кост» ҳисоб тизими хориж амалиётида норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилмаган, шу сабабли бу тизим стандартларни белгилашни ва ҳисоб қайдномаларини юргизишнинг ягона усулига эга эмас, натижада биргина корхона ичида ҳам базисли, жорий, мутлақ, тахминий ва энгиллаштирилган каби турли нормалар амал қилади.

Нормаларни белгилашда маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хомашё, ишчи кучи ва хизматлар харажатини табиий ҳолда ифода этишга имкон берувчи миқдорий стандартлардан кенг фойдаланилади.

Тақсимланадиган харажатлар. Тақсимланадиган харажатлар назорати учун маҳсулотнинг тахминий ҳажмидан келиб чиқиб маълум давр учун ставкалар белгиланади. Тақсимланадиган харажатлар сметалари доимий тавсифга эга, бироқ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришида тақсимланадиган харажатлар назорати учун ўзгарувчан стандартлар ва сирпанчиқ сметалар тузилади.

Тақсимланадиган харажатларнинг сирпанчиқ сметалари маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорига боғлиқ равишда доимий, ўзгарувчан ва ярим ўзгарувчан харажатларга бўлинади. Сўнгилари ўз навбатида, доимий ва ўзгарувчан таркибий унсурларга бўлиб чиқилади. Бундай усулда тақсимланадиган харажатларнинг смета ставкаси (нормаси) маҳсулот ишлаб чиқариш ва доимий харажатлар бирлигига олдиндан белгиланган нормалар улушининг ўзгарувчан қисми сифатида аниқланади.

Маҳсулотнинг стандарт таннархини аниқлаш учун хомашёнинг норматив

харажатлари, ишчи кучи ва тақсимланадиган харажатлар умумлаштирилади.

“Стандарт-кост” ҳисоб тизимидан фойдаланадиган корхоналар одатда, куйидаги харажат моддалари бўйича ҳисобни ташкил этадилар: (3.1.-жадвал).

- хомашё харажати бўйича четланишлар;
- меҳнат ҳақи бўйича четланишлар;
- умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича четланишлар;
- давр харажатлари бўйича четланишлар.

Зарурат туғилганда (масалан, жавобгарлик марказлари бўйича бўлинмаларда четланишларни акс эттиришда) бу харажат моддаларининг ҳар бири бўйича аналитик ҳисоблар очилиши мумкин.

“Стандарт-кост” ҳисоб тизимидаги асосий талаб - бу харажатларнинг белгиланган нормаларидан четланишлари устидан назорат бўлиб, у харажатлар стандартларини такомиллаштиришга имкон беради. Агар бундай назорат қўлланилмаса, у ҳолда “Стандарт-кост” тизимининг қўлланиши шартли бўлиб қолади ва ижобий натижа бермайди.

«Стандарт-кост» ҳисоб тизими куйидаги афзалликларга эга:

– «Стандарт-кост» тизими харажатларни оператив бошқаришга кўмаклашади. Четланишларни ўрганишда эътибор режа ва нормативлар мос келмайдиган объектларга қаратилади. «Стандарт-кост» тизимида четланишлар бошқа тизимлардан кўра тезкор ва анча аниқ ҳисобланади;

– ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш ва қўллашга кўмаклашади. Инвестициялар асосан тежамли технологияларга йўналтирилиши лозимлиги сабабли, ишлаб чиқариш технологиялари доимо қайта кўриб борилади. Зарур пайтда фойдаланилаётган айрим элементларгина эмас, балки бутун технология ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин;

– харажатларни қаттиқ ва аниқ назорат қилишни таъминлайди.

«Стандарт-кост» ҳисоб тизими тайёр маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари аниқ баҳоланишини назарда тутди. Норматив харажатлар бу тизимда нафақат ўртача норма, балки аввалги йиллар тажрибаси асосида синалган комплекс баҳолаш мезонларидир.

16.1-жадвал

“Стандарт-кост” ҳисоб тизимида харажат моддалари бўйича четланишларни туркумлаш

Четланиш турлари	Четланишларни тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳисоб-китоби
------------------	---

1	2	3
I. Хомашё		
1	Хомашё қийматидаги четланишлар	- хомашё бирлигининг норматив таннархи; - ҳақиқий баҳо; - сотиб олинган хомашё қиймати.
2	Хомашё миқдори бўйича четланишлар	- маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган хомашёнинг норматив миқдори; - хомашё учун сарбланган ҳақиқий харажат.
3	Хомашё бирлигига сарбланадиган харажатлар бўйича четланишлар	- хомашё бирлигига сарбланган норматив харажатлар; - хомашё бирлигига сарбланган ҳақиқий харажатлар.
II. Ишчи кучи		
1	Меҳнат ҳақи ставкалари бўйича четланишлар	- иш ҳақининг норматив ставкаси; - иш ҳақининг соатбай ставкаси; - ҳақиқий ишланган вақт.
2	Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича четланишлар	- маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун норматив вақт; - маҳсулот бирлигига сарфланган ҳақиқий вақт; - меҳнатга ҳақ тўлаш норматив соатбай ставкаси.
III. Қўшимча харажатлар		
1	Доимий қўшимча харажатлар бўйича четланишлар	- маҳсулот бирлигига сарфланадиган доимий қўшимча харажатлар меъёри; - маҳсулот бирлигига сарфланадиган ҳақиқий доимий қўшимча харажатлар; - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми.
2	Ўзгарувчан қўшимча харажатлар бўйича четланишлар	- маҳсулот бирлигига сарфланадиган ўзгарувчан қўшимча харажатлар меъёри; - маҳсулот бирлигига сарфланган ҳақиқий ўзгарувчан қўшимча харажат; - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми.
IV. Ялпи фойда		
1	Сотиш баҳоси бўйича четланишлар	- маҳсулот бирлигининг норматив таннархи; - маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархи; - сотилган маҳсулот ҳажми.

2	<i>Сотиш ҳажми бўйича четланишлар</i>	- <i>смета бўйича сотиш ҳажми;</i> - <i>ҳақиқий сотилган маҳсулот ҳажми;</i> - <i>маҳсулот бирлигига тўғри келган меъёрий фойда.</i>
3	<i>Ялти фойда ҳажми бўйича четланишлар</i>	- <i>норматив фойда;</i> - <i>ҳақиқий олинган фойда.</i>

Юкоридаги ижобий томонлар билан биргаликда «Стандарт-кост» тизимининг куйидаги камчиликлари ҳам мавжуд:

- «Стандарт-кост» тизимини қўллаш ва уни такомиллаштириш кўп вақт ва харажатлар талаб қилади. Аммо амалиёт кўрсатишича, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиши ҳисобига бу харажатлар тезда қопланиб кетади;

- «Стандарт-кост» тизими иқтисодиётда баҳолар, фоиз ставкалари, ишлаб чиқариш технологиялари ва усуллари интенсив ўзгариб турадиган, беқарор шароитларда ижобий самара бермай, ўз долзарблигини йўқотади. Ўз навбатида, бундай шароитларда тизим харажатларни оператив назорат қилишдаги устувор вазифаларни бажармай, самарали бошқариш дастаги ролини ижро этмай қолади;

- хусусан, бозордаги рақобат натижасида шаклланган баҳонинг ўзгариши ва инфляцияни, омордаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини ҳисоблашни мураккаблаштиради;

- стандартларни барча ишлаб чиқариш харажатларига қўллаб бўлмайди, шу сабабли уларни назорат қилиш сусаяди;

- корхона қисқа муддат ичида тавсиф ва типи бўйича турли буюртмаларни катта миқдорда бажараётганда стандартларни ҳар бир буюртмага ҳисоблаб чиқиш имкони чегараланган. Бундай ҳолларда илмий асосланган стандартлар ўрнига ҳар бир маҳсулотга ўртacha қиймат белгиланади, у маҳсулотга баҳо белгилаш учун асос (базис) бўлиб ҳисобланади.

Ушбу камчиликларга қарамай корхоналарнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш, шунингдек, бошқариш, режалаштириш ва зарурий қарорлар қабул қилиш учун назорат ўрнатишнинг ишончли қуроли сифатида «Стандарт-кост» ҳисоб тизимидан фойдаланадилар.

Норматив усул ва «Стандарт-кост» тизимини ўрганиш улар ўртасида умумийликлар мавжудлигини тасдиқлайди. Демак, ҳар иккала тизим учун куйидагилар умумий тамойил бўлиб ҳисобланади:

- харажатларни қатъий нормалаштириш;

- харажатларни алоҳида моддалари бўйича норматив калькуляцияни олдиндан (ҳисобот даври бошлангунча) тузиш;

- четланишларнинг пайдо бўлиши ва жавобгарлик марказларидаги четланишлар ва жорий нормалар бўйича харажатларнинг бўлиниш ҳисоби ҳамда назорати;

- ишлаб чиқариш жараёнида ва харажатларни бошқаришдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун ахборотдан фойдаланиш мақсадида пайдо бўлган четланишларни тизимли умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва харажатлар ҳисоби усулларининг ҳар тарафламалиги ҳамда имкониятларини инобатга олиш.

- Шунини таъкидлаш лозимки, қайд қилинган умумий тамойиллар ўртасида куйидаги айрим тафовутлар мавжуд:

- норматив усулдан фарқли равишда «Стандарт-кост» ҳисоб тизимида харажатлар нормалари ўзгаришларининг алоҳида ҳисоби олиб борилмайди;

- харажатларнинг дастлабки ҳисобланган нормалари ҳақиқий харажатларни стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш учун қатъий белгиланган ставкалар сифатида кўриб чиқилади;

- четланишлар пайдо бўлганда стандарт нормалари ўзгармайди;

- улар бутун ҳисобот даврига нисбатан барқарор бўлиб қолади.

«Стандарт-кост» ҳисоб тизимидан фарқли ўларок, норматив ҳисоб ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, сотиш жараёнига мўлжалланмаган. Бу эса маҳсулотнинг сотиш баҳосини белгилаш ва асослашни ўйинлаштиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш жараёни бормоқда. У бозор иқтисоди ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига тобора кўпроқ мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли БҲМСига кўра корхоналарга ҳақиқий ва норматив таннарх бўйича бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш ва акс этириш, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг шакл ва усулларини мустақил белгилаш ҳукуқи берилган. Масалан, норматив таннарх бўйича тайёр маҳсулотларнинг синтетик ҳисобини ташкил этувчи корхоналар янги счетлар режасига мувофиқ (2002й.) 2800-«Тайёр маҳсулотлар ҳисоби» счетларини қўллашлари мумкин. Бу счет ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва уларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини норматив (стандарт) таннархидан четланишларини аниқлаш учун мўлжалланган.

16.2. “Директ-костинг” тизимининг моҳияти ва аҳамияти

Хўжалик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими ҳам республикамиз бухгалтерия ҳисоби учун янги тизимлардан ҳисобланиб, бугунги кунда иктисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Германия ва Австралияда мазкур усул “қисман харажатлар ҳисоби” деб аталади. Британияда у “маржинал харажатлар ҳисоби”, Францияда - “маржинал бухгалтерия” ёки “маржинал ҳисоб” деган номларни олган. Ўзбекистонда эса “чекланган, тўлиқ бўлмаган ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби” тушунчалари қўлланилиб келмоқда.

Ғарб мамлакатларида маржинал даромад усулидан ишлаб чиқаришни (экстенсив) ривожлантириш модели ўрнига янги модел - интенсив ривожланиш модели сифатида фойдаланила бошланди. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни талаб қилади.

Шуни назарда тутиш кераки, “Директ-костинг” тизимининг пайдо бўлиши соф бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ эди. Ҳисоб ходимлари ўша даврда шундай хулосага келишдики, барча харажатлар мазкур ҳисобот даврига ва шу даврдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ яъни улар маҳсулот сотилгандаги ҳисобот даврига тегишли бўлиши лозим.

“Директ-костинг” тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат.

Дастлабки босқичда таннархга фақат ўзгарувчан харажатлар киритилар эди, доимий харажатлар эса корхонанинг молиявий натижаларига ҳисобдан чиқарилар эди. Direct-Costing-System (бевосита харажатлар ҳисоби тизими)нинг номи ҳам шундан келиб чиққан, кейинроқ “Директ-костинг” тизими шундай ҳисоб тизимига айландики, унда таннарх фақат бевосита ўзгарувчан харажатлар қисмида ҳисоб қилинадиган бўлди. Мазкур номдаги бир қатор шартлиликлар ана шундан келиб чиққан.

Амалиётда “Директ-костинг” тизимини турли вариантларда қўллаш имконияти мавжуд. Бевосита харажатлар бўйича калькуляциялашни кўзда тутувчи классик “Директ-костинг” тизимида харажатларни калькуляциялаш ўзгарувчан харажатлар бўйича амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона ва тўлиқ қуввати бўйича фойдаланиш харажатларини

калькуляциялаш жараёнига барча ўзгарувчан харажатлар ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми киради. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициентига мувофиқ аниқланади.

“Директ-костинг” ҳисоб тизимида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тизими қуйидаги кўринишда акс эттирилади (16.2.-жадвал).

16.2-жадвал

“АБС” корхонаси маълумотлари асосида “Директ-костинг” ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархини ҳисоблаш тизимлари бўйича корхона молиявий натижасини аниқлашнинг қиёсий кўриниши

№	“Директ-костинг” тизими бўйича	Сумма	№	Тўлиқ таннарх усули бўйича	Сумма
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	358357	1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	358357
2.	Ўзгарувчан харажатлар (сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи)	288916	2.	Сотилган маҳсулотларнинг	334484
3.	Маржинал даромад (1ў-2ў) (маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялли фойдаси (зарар))	69441	3.	тўлиқ таннархи Асосий (операцион) фойда (зарар)	23873
4.	Доимий харажатлар (давр харажатлари)	45568			
5.	Асосий (операцион) фойда (зарар)	23873			

Жадвал маълумотлари молиявий натижани аниқлаш тартибидан келиб чиқиб “Директ-костинг” ҳисоб тизими ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ўртасидаги фарқли жиҳатларни ифода этади.

Шундай қилиб, “Директ-костинг” ҳисоб тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

- ҳисобни биринчи навбатда маржинал даромад яъни оралиқ молиявий натижани аниқлашга йўналтирилиши;
- маҳсулотни фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи-назаридан ҳисобга

олиш ва ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш;

– корхона бўйича доимий харажатлар ҳисоби ва уларни якуний молиявий натижани аниқлаш учун операцион фойдани камайтиришга қаратиш;

– баҳони тезкор бошқариш жараёни асоси сифатида маржинал даромадни аниқлаш;

– сотиш ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш;

– зарарсизлик нуқтасини белгилаш.

“Директ-костинг” ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари қуйидагилар:

– маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги соддалаштириш ва аниқлик (чунки, таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади);

– маҳсулот турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслиги (улар маҳсулот таннархи таркибига киритилмайди ва молиявий натижалар ҳисобидан қопланади);

– рентабеллик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), маҳсулот баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имконияти;

– маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича рентабеллик даражасини киёсий таҳлил қилиш имконияти;

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш имконияти;

– ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танлов имконияти.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими раҳбарларга корхона миқёсида ва турли маҳсулотлар бўйича маржинал даромаднинг ўзгаришига эътиборни кучайтиришга имкон беради, бунда юқори рентабелли маҳсулотни аниқлашда сотиш баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги тафовут алоҳида маҳсулотлар таннархига доимий харажатларни киритиш натижасида яшириниб қолмайди, мазкур тизим бозор шароити ўзгаришига жавобан харидоргир маҳсулотларни тез илғаб олиш имконини беради. Эркин бозор рақобати шароитида “Директ-костинг” ҳисоб тизими корхонани бошқариш тизими - маркетингнинг таркибий қисмига айланади.

Бундан ташқари, “Директ-костинг” ҳисоб тизими доимий харажатлар устидан тезкор назорат ўрнатишга қўмаклашади, чунки таннархни назорат қилиш жараёнида стандарт (норматив) харажатлар (“Директ-костинг” ҳисоб тизими «Стандарт-кост» тизими билан биргаликда ташкил этилади) ёки мослашувчан сметалардан фойдаланилади. Модомики, “Директ-костинг”

тизимда стандартлар қўлланилар экан, бунда ўзгарувчан ва доимий харажатларга нормалар белгиланади. Шуни назарда тутиш керакки, тўлиқ таннарх ҳисоби тизимида қўшимча харажатлар тақсимланмаган суммасининг бир қисми бир ҳисобот давридан бошқасига ўтади, шу боис, уларни назорат қилиш сулшлашади. Бундай ҳолда “Директ-костинг” тизими қўшимча харажатлар тақсимланишининг меҳнатгалаблигини камайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, “Директ-костинг” тизимининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш унга хос бўлган қуйидаги камчиликларни аниқлашга имкон беради:

– рақобат курашида баҳоларни сунъий равишда пасайтириш кузатилса, доимий харажатлар маржинал даромад ҳисобидан ўопланиши мумкин бўлмайди яъни корхона зарар кўра бошлайди.

– “Директ-костинг” тизимини муҳолифларининг фикрича, бу тизим ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархини счотлар тизимида аниқлаш мушкул. Шу боис, тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тўлиқ таннархини аниқлаш зарур бўлганда шартли-доимий харажатларни қўшимча тарзда тақсимлаш талаб этилади.

– фақат ишлаб чиқариш таннархи яъни моддаларни қисқартирилган номенклатура нуқтаи-назаридан ҳисоб олиб бориш ҳисоб талабларига жавоб бермайди, чунки бунда зарурий маҳсулотнинг тўла таннархи ҳисоб-китоб қилинмайди.

“Директ-костинг” тизимини Ўзбекистон корхоналарини бошқаришда қўллашнинг имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш тадқиқотнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади.

Мустақиллик йилларигача маҳсулотнинг тўлиқ таннархини калькуляция қилиш Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби учун анъанавий ҳисобланган. Ундаги ҳисоб маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ҳақида маълумотлар олишга қаратилган. Бу вариантда маҳсулот таннархи доимий ва ўзгарувчан, асосий ва қўшимчаларга, бевосита ва билвосита, узлуксиз ишлаб чиқариладиган ва даврийга бўлинишидан қатъий назар, унга корхонанинг барча харажатлари киради. Бевосита маҳсулотга тааллуўли бўлмайдиган харажатлар ҳисобот даври мобайнида йиғиб-тақсимловчи счотларда тўпланади, сўнгра ҳисоб сийёсати бўйича тасдиқланган базага мутаносиб равишда маҳсулот таннархига ўтказилади, бироқ бу вариантда маҳсулот бирлиги таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгариши ҳисобга олинмайди.

Агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтирса маҳсулот бирлиги таннархи пасаяди, агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини

қисқартирса, таннарх ўсади. Бундай шароитда Ўзбекистон корхоналарида “Директ-костинг” тизимини қўллаш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги долзарб бўлиб қолади.

“Директ-костинг” тизими элементларини республикамиз амалиётига қўллашда 1994 йил бурилиш даври бўлди. Бунда корхоналар аста-секин таннархни калькуляция қилишнинг Ўзбекистон ҳисоби учун ноанъанавий бўлган усулини ўзлаштира бошладилар. Бу усул “Директ-костинг” тизими асосида жорий қилина бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартда 164-сонли «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счетлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш бўйича бир неча қадамлар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва БМТнинг халқаро экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Низом (1995 йил 27 январ) қабул қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17-02/28-сонли Йўриқномаси тасдиқланиб, унда маъмурий бошқарувга оид харажатлар «Давр харажатлари» деб аталиши ва улар «Фойда ва зарарлар» сметиға ҳисобдан чиқарилиши белгилаб қўйилди. Албатта, бу тарихға айланган ҳақиқат, бироқ шу даврдан бошлаб Ўзбекистонда «Директ-костинг» тизими ва маржинал даромад концепциясига асос солинди, десак, муболаға бўлмайди. Мазкур қонда 21-БҲМСға асосан, бухгалтерия ҳисобида қўшимча харажатлар 9000-“Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби” счетларининг дебети ва 9400-“Давр харажатлари ҳисоби” счетларининг кредити бўйича қайд этилишини назарда тутган.

16.3. «ЈТ», «АВС» ва «SCA» тизимлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш

Хўжалик субъектлари фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларини оптимал даражада камайтириб, бозорбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишда ривожланган мамлакатлар

амалиётида фойдаланилаётган илғор усуллардан бири саналган “ЈТ” (“Just-in-time” яъни “Аниқ муддатда”) тизимини қўллаш ижобий самара беради.

Амалий бошқарув ҳисобини юритишнинг “ЈТ” тизими ХХ асрнинг 70-йилларида Японияда “Тойота” компаниясида жорий қилинди ва “Канбан” яъни “Карточка” ёки ёзувнинг визуал тизими маъносида қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда бу тизимдан жаҳоннинг саноати ривожланган кўпчилик мамлакатларида муваффақиятли фойдаланилмоқда.

“ЈТ” тизимининг муҳим хусусияти маҳсулотларни йирик туркумларда ишлаб чиқаришдан воз кечиш, бунинг ўрнига узлуксиз, буюртма олинган вақтдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади. Мазкур тизимнинг асосий мақсади барча ортиқча харажатларни бартараф қилиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишни таъминлашдир.

Ушбу тизим «маҳсулотни унга талаб бўлгандагина ишлаб чиқариш», «фақат харидорнинг буюртмаси бўйича ишлаб чиқариш» каби тамойилларға асосланади, бу эса маҳсулот (иш ва хизмат)ларға бўлган талабни ҳар доим тақлиф билан таъминлашға хизмат қилади.

“ЈТ” тизимида ишлаб чиқариш цехлари ва бўлинмалари майда-майда туркум буюртмалар билан таъминланади ҳамда доналаб маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади. Бу тизим қўлланилганда корхонада товар-моддий захираларининг меъёридан ортиқчасини мавжуд бўлиши салбий ҳолат ҳисобланади. Сабаби, уларни сақлашға ортиқча харажатлар талаб этилади, шунингдек, моддий захираларнинг тўпланиб қолиши ва молиявий ресурсларнинг ҳаракатсиз туриши корхона фаолияти самарадорлигини сўндиради ва рақобатбардошлигини сусайтиради.

Бу тизимда ишлаб чиқариш жараёнида муомалаларнинг қатъий кетма-кетлиги таъминланиб, деталлар, қисмлар ва материаллар фақат фойдаланиш зарурияти туғилгандагина харид қилинади.

“ЈТ” ҳисоб тизими ишлаб чиқарилаётган туркум миқдорини, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини камайтириш, товар-моддий захиралари ҳажмини энг кам даражаға келтириш ва ишлаб чиқариш буюртмаларини ойлар ва ҳафталар бўйича эмас, балки кунлар ва соатлар бўйича бажаришни кўзда тутади.

Ушбу тизимни қўллаш вақтида корхона харажатларининг бир қисми бевосита доимий харажатлар гуруҳидан ўзгарувчан харажатлар таркибига ўтади. Натижада, маъмурий харажатлар камайиб, бўлинмаларнинг ўз фаолиятлари натижалари учун жавобгарлиги, ўз навбатида эса моддий манфаатдорлиги ҳам ортади. Масалан, “ЈТ” тизими бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитида ишлаб чиқариш линияларида ишчилар

техник хизмат, таъмир ва созлаш ишларини ҳам бажаришлари керак бўлади, аслида буларни бошқа ишчилар бажаришлари ва билвосита харажатларга киритишлари лозим эди. Бу ҳолат маҳсулот бирлиги таннархининг аниқлигини оширишга имкон беради.

“JT” тизимини қўллаш хизмат сифатини кўтаришга ва баҳони аниқ белгилашга имконият туғдиради, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш жараёнини соддалаштиради, маҳсулот сифатини яхшилаш, анъанавий бошқаришда менежерларга ёрдам беради. Бу жараённинг соддалашиши ишлаб чиқариш ҳисоби тизимини баҳони бошқариш тизимига айлантиради. “JT” ҳисоб тизимида материаллар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби битта яхлит ҳисобда олиб борилади. Бундай шароитда материаллар, омбордаги захиралар устидан назорат учун алоҳида ҳисобдан фойдаланиш ўз долзарблигини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартига биноан моддий бойликлар ҳаракати бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидаги тарзда амалга оширилади:

1. *Пудратчилардан моддий захираларнинг келиб тушиши:*

Дебет - “Материаллар ҳисоби” ҳисоблари

Кредит - “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисоблар” ҳисоби.

2. *Товар-моддий захиралар омборхонадан ишлаб чиқаришга берилди:*

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисоби

Кредит “Материаллар ҳисоби” ҳисоблари.

3. *Тайёр маҳсулотлар омборга қабул қилинди:*

Дебет «Тайёр маҳсулотлар ҳисоби» ҳисоби

Кредит «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисоби.

4. *Тайёр маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш:*

Дебет - “Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоби” ҳисоби

Кредит “Тайёр маҳсулотлар ҳисоби” ҳисоби.

Кўплаб фирмалар сотиб олишни ташкил этишда материалларни харид қилиш баҳосидан четланишлар ҳисобига асосий эътиборни қаратадилар. Тегишли чегиришлар билан катта миқдордаги материалларни сотиб олиш ёки паст сифатли маҳсулот сотиб олиш ҳисобига, одатда, ҳисоб-китоб баҳосидан мақбул тарзда четланишларга эришилади. “JT” ҳисоб тизими шароитида эса фақатгина сотиб олиш баҳолари даражасига эмас, балки материалларнинг сифатига, нафлилигига ва умумий қийматига катта эътибор берилади.

Ишлаб чиқариш анъанавий ташкил этилган кўплаб корхоналарда бошқарув ҳисоби соҳасидаги муаммоларнинг аксарият қисми меҳнат ва бошқа харажатлар бўйича норматив харажатлар ҳисобини жорий этиш, шунингдек, улар бўйича четланишлар ҳисобини юритишни ташкил қилади. “JT” ҳисоб тизими бўйича ишлайдиган компанияларда “ишчи кучи ва қўшимча харажатлар бўйича четланишлар ҳисобига эътибор сусаяди. Четланишлар таҳлилидан фойдаланиш корхона даражасида сақланиб қолади, бироқ ҳар бир муайян ҳодиса учун четланишларнинг мутлақ аҳамияти нуктаи-назаридан асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришнинг маълум тенденциялари ҳисобига ўтади”.

Ҳисобнинг анъанавий тизимида билвосита харажатларга киритиладиган кўпгина харажатлар “JT” ҳисоб тизимида бевосита харажатлар таркибига киритилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш самарадорлигининг эътирофи этилган анъанавий кўрсаткичлари (масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш нормасининг бажарилиши ва ускуналардан фойдаланиш коэффициенти) “JT” ҳисоб тизимидаги баҳони бошқариш тамойиллари доирасига киритилмайди.

16.3-жадвал

Бевосита ва билвосита харажатларнинг таснифланиши

№	Харажатларнинг турлари	Харажатлар турлари	
		Ҳисобнинг анъанавий тизимида	“JT” ҳисоб тизимида
1.	Меҳнат харажатлари	Бевосита	Бевосита
2.	Моддий харажатлар	Бевосита	Бевосита
3.	Материалларни қайта ишлаш	Билвосита	Бевосита
4.	Таъмирлаш ва техник хизмат	Билвосита	Бевосита
5.	Энергия таъминоти	Бевосита	Бевосита
6.	Жорий харажатлар	Билвосита	Бевосита
7.	Сифат кузатуви	Билвосита	Бевосита
8.	Бинолар ва иншоотлар амортизацияси	Билвосита	Билвосита
9.	Суғурта тўловлари, солиқ ва йиғимлар	Билвосита	Билвосита
10.	Бинолар ижараси	Билвосита	Билвосита
11.	Технологик жиҳозлар амортизацияси	Билвосита	Бевосита
12.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш	Билвосита	Билвосита

Бундай номувофиқлик:

1) корхонанинг режалаштирилган зарурий эҳтиёжларини инобатга олмасдан моддий бойликлар захираларини ортиқча тўпланишига сабаб бўлади;

2) меъёрий кўрсаткичлар асосида самарадорликни баҳолаш натижасида сотиш ҳажми ва маҳсулот сифатига қараганда ишлаб чиқариш ҳажмининг устуворлигига бўлган эътиборни кучайтиради.

“JT” ҳисоб тизими қуйидаги кўпгина афзалликларга эга:

– уни қўллаш товар-моддий захираларининг ортиқча тўпланишиб қолишини олдини олади.

– корхона фаолиятида “JT” ҳисоб тизимидан фойдаланиш олинган буюртмаларни бажарилиш имкониятларини оширади, чунки бунда материалларни харид қилиш ва сақлашга кам вақт сарфланади. Буюртмаларни бажариш жараёнининг соддалашиши айланма маблағларни ҳам анча тежалишини таъминлайди. Бундай шароитда ишлаб чиқариш графиги бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми қисқаради. Бу ҳолат эса корхонага бозор конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда вақтдан ютишга имкон беради.

Бунда корхонага фойдали бўлган ва бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тезкор ўтиш муносабати билан майда туркумли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳам юқори мослашувчанлигига эришилади.

Мазкур тизимни жорий этишда маҳсулот сифатининг яхшиланиши кузатилади. Буюртма берилган маҳсулот миқдори катта бўлмаганда сифат билан боғлиқ муаммо тез ҳал бўлади ва тузатишлар зудлик билан киритилади.

Юқоридагилардан ташқари “JT” ҳисоб тизимининг бошқа афзалликлари ҳам мавжуд:

- товар-моддий захираларининг тўпланиб қолиш хавфи камаяди;
- материаллар ва тайёр маҳсулотлар захиралари учун омборхоналарни сақлашга сарфланадиган маъмурий харажатлар қисқаради;
- маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига асосий материал харажатлари қисқаради;
- яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли зарар кўриш эҳтимоли ва қайта ишлаш харажатлари камаяди.

Шу билан бирга, “JT” ҳисоб тизими ишлаб чиқариш ҳисоби хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади. Уни қўллаш орқали билвосита харажатларни камайтиришга эътибор кучаяди. Бундай ҳол харажат турлари ўртасида турли тақсимот базаларидан фойдаланиш заруратини камайтиради, шу билан бирга харажатлар калькуляциясининг аниқлиги ортади.

Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот таннархига киритилади, улар ишлаб чиқариш харажатларини акс эттиради. Доимий харажатлар маҳсулот таннархига киритилмайди, балки маъмурий-бошқарув харажатлари сифатида молиявий натижалар ҳисобидан қопланади, бироқ амалда корхона фаолиятини юритиш учун бозорни тадқиқ этиш, маҳсулотларни узоқ муддат билан ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш талаб этилади. Шу боис, ҳисоб-китобларда маржинал харажатлар ва даромадлар яхши натижа беришига қарамай, “Директ-костинг” тизимини қўллаш фақат қуйидаги шароитлардагина самара бериши маълум бўлди:

Биринчидан, корхонанинг бевосита харажатлари умумий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этиши зарур.

Иккинчидан, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ассортиментни ва буюртмаларнинг сонини ошириб юборилмаслигини назорат қилиш лозим. Бундай талаблар қўйилганда харажатлар ҳисобининг аввалги тизими корхонанинг янги стратегик бошқарув сиёсатига жавоб бера олмай қолди.

Бозор талаби ва рақобат муҳитига мослашиш учун маҳсулот ассортиментни ва сифатини кескин ошириш лозим бўлади. Натижада, корхонада устама харажатларнинг иккита тури: ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва бошқарув бўлинмаларини асраш билан боғлиқ харажатлар асосий ўринни эгаллайди.

Бунда буюртмаларни ва маҳсус компонентларни ишлаб чиқариш харажатларига эътибор қаратилади.

Буюртмаларни ишлаб чиқариш харажатлари шартномалар тузиш бўйича музокаралар олиб бориш, буюртмалар қабул қилиш, ҳисоблар ёзиб бериш, юқларни жўнатиш ва қайта ишлаш каби харажатларни ўз ичига олади.

Маҳсус компонентлар ишлаб чиқариш харажатларига маҳсулотнинг янги турини ишлаб чиқариш учун харид қилинадиган ёрдамчи материаллар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотларни келтириш бўйича шартномалар тузиш, ишлаб чиқаришни назорат ва экспертиза қилиш, нарядлар ёзиш харажатлари киритилади. АКШнинг EMW компанияси мисолида кўрадиган бўлсак, маҳсус компонентларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир компонент учун алоҳида наряд тўлғазиш талаб қилинган. Натижада йил давомида ўндан ортиқ ишлаб чиқариш циклида 30000та турли хил маҳсус компонентга 325000 долларлик нарядлар тўлғазилган.

Агар корхона бундай шароитда бозорни чуқур ўрганмаса, таннарх ва баҳо кўрсаткичларининг номутаносиблиги муқаррар тусни олади яъни майда туркумли маҳсулотга паст баҳо, йирик туркумларга юқори баҳо белгиланади, натижада технологик оддий маҳсулотга қараганда мураккаб ва

инновация талаб қиладиган маҳсулотларнинг фойдалилиги юқори бўлиб кўринади.

Биобарин, бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларини ҳал этиш учун харажатларни доимий ва ўзгарувчанга бўлиш усулини кўллаш ҳамма соҳада ҳам самара беравермагач, харажатлар ҳақида ишончли ахборотни олишнинг янги усулларини қидириб топиш ABC ҳисоб тизимининг пайдо бўлишига олиб келди.

ABC тизимида корхона ишчи операциялар тўплами деб қаралади. Иш жараёнида ресурслар истеъмол қилинади (материаллар, иш ҳақи, жиҳозлар) ва муайян натижа юзага келади. Ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда параллел равишда мураккаб ишчи операцияларини энг оддий қисмларга бўлиб чиқиш йўли билан корхонадаги ишлар миқдори ва кетма-кетлигини аниқлаш “ABC”ни қўллашнинг *бошланғич босқичи* ҳисобланади.

ABC доирасида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига қараб ишлар тўртта таркибий қисмга ажратилади: Unit Level (донали иш), Batch Level (тўпلامли иш), Product Level (маҳсулотли иш) ва Facility Level (умумишлаб чиқариш харажатлари). Бундай тасниф харажатлар ва турли ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасидаги қуйидаги боғлиқликни ўрганишга асосланади: маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш, буюртмани ишлаб чиқариш, маҳсулотни ишлаб чиқариш.

Бунда харажатларнинг ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлган яна бир муҳим категорияси ҳисобга олинмайди - бу бутун корхона фаолиятини таъминловчи харажатлардир.

Бундай харажатларни ҳисобга олиш учун ишларнинг тўртинчи тоифаси - Facility Level (умумишлаб чиқариш харажатлари) киритилади.

Дастлабки уч тоифа, аниқроғи, уларга сарфланган харажатлар бевосита маълум бир маҳсулотга тегишли бўлиши мумкин, бироқ умумишлаб чиқариш харажатлари натижаларини бирон-бир маҳсулот турига тегишли қилиб кўрсатиб бўлмайди, шу боис, уларни тақсимлаш учун турли арифметик ҳисоб-китоблардан фойдаланишга тўғри келади.

Фаолият турига сарфланган ҳамма ресурслар унинг қийматини ташкил этади. Корхонанинг барча фаолият турлари уларни бошқариш учун сарфланган харажатлар билан солиштириб чиқилиши керак. Кўпинча харажатлар моддаси қайсидир бир фаолият турига мос келади. Масалан, “Таъминот бўлими иш ҳақи” “Таъминот” иши жараёни қийматига киради.

Шу билан бирга “Бошқарув биноси ижараси” харажат моддаси мутаносиб равишда “Таъминот”, “Ишлаб чиқариш”, “Маркетинг” ва ҳ.к. харажат моддалари бўйича тақсимлаб чиқилиши керак.

ABC тизимида кўра фаолият турининг натижаси - кост-драйвер индекс ўлчамига яъни тақсимот базасига эга бўлиши муҳимдир.

Масалан, «Таъминот харажатлари моддаси учун» “Сотиб олишлар миқдори” кост-драйвер бўла олади, “Созлаш” моддаси учун - “Созлашлар миқдори”.

ABCни қўллашнинг *иккинчи босқичи* кост-драйвер ҳисоб-китоби ва уларнинг ҳар бир ресурсларини истеъмол қилиш кўрсаткичларидан иборат. Бу кўрсаткич иш бажарилиши бирлиги қийматига кўпайтирилади.

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш жараёни – ABC тизимини амалиётга қўллашнинг *учинчи босқичини* ташкил этади.

Корхонани фаолият турлари ва функционал хизматларини ABC тизимида ҳисобга олиш, шунингдек инвестициялаш, ходимлар ҳисоби, кадрларни бошқариш каби соҳалар фаолиятини сифатли баҳолашга имкон беради.

«SCA» тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш

SCA (Strategic Cost Analysis) - харажатларни стратегик таҳлил қилиш тизими бошқарув ҳисобининг муҳим элементи сифатида 90-йилларда пайдо бўлди. Мазкур ҳисоб тизимининг асосий таркибий қисми ва марказий объекти - истеъмол қийматини шакллантириш занжири (value chain) ҳисобланади.

Истеъмол қийматини шакллантириш занжири усулида ҳар бир таркибий бўлинма олдида истеъмол қийматини ҳозирги даражада сақлаган ҳолда харажатларни камайтириш ёки харажатларни кўпайтирмаган ҳолда истеъмол қиймати (даромад)ни ошириш имкониятини қидириш вазифаси қўйилади.

Занжирнинг ҳар бир халқаси ишлаб чиқариш жараёнида зарурлиги, шунингдек истеъмол қилинадиган ресурслар нуқтаи-назаридан таҳлил қилинади, шундан сўнг аниқ муомалани бажариш қийматини тавсифловчи ўлчам – Cost Driver (кост-драйвер) аниқланади. Кост-драйвер ва қийматни шакллантириш занжирини қайта қуриш натижасида рақобатчилар устидан барқарор мавқега эга бўлишга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари бошқарув ҳисоби корхонани кескин рақобат шароитида маркетинг мақсадларига бўйсунушига олиб келади.

Анъанавий бошқарув ҳисобида ягона кост-драйвер бўлиб маҳсулот ҳажми ҳисобланса, харажатларни стратегик таҳлил (SCA) қилиш усулида иккита: таркибий ва операцион кост-драйверлар кўриб чиқилади. Таркибий кост-драйвернинг бешта мезони мавжуд:

– ишлаб чиқаришнинг кўлами (ишлаб чиқаришга, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ва маркетингга йўналтирилган

инвестициялар ҳажми);

- таъсир доираси (вертикал интеграция даражаси);
- тажриба (кутилаётган муомалаларни амалга оширишнинг аввалги иқтисодий тажрибаси натижаси қандай бўлган?);
- технологиялар ва уларнинг хусусиятлари;
- мураккаблик (маҳсулот (иш, хизматлар) номенклатурасининг кенглиги).

Операцион кост-драйверлар корxonанинг таркибий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиши билан тавсифланади. У ҳам ўз навбатида қуйидаги бўлақларга бўлинади:

- ходимларни жалб этиш – корxonанинг умумий мақсадига эришиш учун ходимлар қай даражада бу ишга жалб этилган;
- умумий сифат назорати (TQM – Total Quality Management);
- қувватлардан тўлиқ фойдаланиш даражаси;
- маҳсулотларнинг конструкцияси;
- мол юборувчи ва харидорлар билан алоқалар.

Агар анъанавий баҳони шаклланишини асоси қилиб, маҳсулот таннархи олинса, корxonанинг маҳсулот ҳажми ва чакана баҳоси базасида - «мақсадли таннарх» номли бизга нотаниш бўлган янги категория туғилади. Шундай қилиб, харажатларни стратегик бошқаришга ишлаб чиқариш ҳажмини назорат қилиш, харажатларни иқтисод қилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, сотиш ва реклама харажатларини минималлаштириш орқали эришилади.

XVII БОБ. ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МЕХМОНХОНАЛАРДА ДАРОМАДЛАРИ ХИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛДАВР ТУГРИСИДАГИ ХИСОБОТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ТАРТИБИ

17.1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромадларининг таснифи, тавсифи ва улар ҳисобининг вазифалари.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар қатори туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фаолиятининг асосий мақсади мижозларга турли сервис хизматларни кўрсатиш ва уларнинг натижасида даромад олиш. Даромад, маълумки, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Даромад, бир томондан, корxonанинг сотиш ва бошқа фаолият турларидан тушган соф тушум ҳажмини ягона пул бирлигида ифодалайди, иккинчи томондан, барча харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи ҳамда корxonаларни ривожлантириш воситаси.


Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромади - бу маҳаллий ва хорижий мижозларга турли сайёҳлик ва меҳмонхона хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари ҳамда шу каби турли сервис хизматларининг пулдаги ифодасидир.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида даромадлари уларни фаолият турлари, солиққа тортилиши бўйича ҳамда «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» бўйича турли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромадлари уларни фаолият турлари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- Туризм фаолиятдан олинган даромадлар
- Меҳмонхона хизматларидан олинган даромадлар
- Савдо фаолиятдан олинган даромадлар
- Инвестиция фаолиятдан олинган даромадлар
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар
- Бошқа умумхўжалик фаолиятдан олинган даромадлар

Туризм фаолиятдан олинган даромадлар бу бевосита маҳаллий ва хорижий туристларга кўрсатилган туристик хизматларининг пулдаги ифодасидир. Ушбу даромадлар туристларга меҳмонхона хизматлари, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, экскурсия хизматлари ва шу каби турли хизматларни кўрсатиши натижасида олинган даромадлар.



17.1. расм. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари даромадларининг таснифи

Меҳмонхона хизматларидан олинган даромадлар бу бевосита маҳаллий ва хорижий туристларга дам олишлари, тунашлари учун кўрсатилган меҳмонхона хизматларининг пулдаги ифодасидир.

Савдо фаолиятдан олинган даромадлар - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг турист бўлмаган шахсларга ўз савдо шахобчалари орқали кўрсатилган савдо ва умумий овқатланиш хизматлари натижасида олинган даромадлари.

Инвестиция фаолиятдан олинган даромадлар - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик шахсларга киритган инвестициялари натижасида олган даромадлари.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида даромадлари «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда

молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаем Низом» бўйича қуйидагича гуруҳланади:

- Хизматларни сотишдан олинган даромадлар;
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
- Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар
- Фавкулотда даромадлар

Хизматларни сотишдан олинган даромадлар – бу маҳаллий ва хорижий мижозларга туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари низомида кўрсатилган турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромадларнинг пулдаги ифодасидир. Хизматларни сотишдан олинган даромадларни кўрсатилган хизматлар бўйича тушимнинг кўрсатилган хизматлар таннархи ўртасидаги ижобий фарқ ташкил этади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар – бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан корхона фаолиятида фойдаланилмаётган асосий воситалар, номоддий активлар, материал ва товарлар ва шу каби активларнинг сотилиши натижасида ҳамда ўндирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар, қисқа муддатли ижарадан, кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқариш, инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча активларнинг кирим қилиниши натижасида олинган даромадларнинг ҳамда олинган беғараз молиявий ёрдамларнинг пулдаги ифодаси.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинган фоизлари чет эл валютаси курс фарқлари бўйича даромадлари бошқа молиявий даромадлар. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни қуйидагилар ташкил этади:

- Фоиз кўринишидаги даромадлар;
- Дивидентлар кўринишидаги даромадлар;
- Роялти кўринишидаги даромадлар;
- Валюта курси(ижобий фарқи)дан олинадиган даромадлар;
- Узок муддатли ижарадан олинадиган даромадлар;
- Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;
- Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Ушбу даромадларни фоизлар ва дивидендлар ҳисобланганлиги тўғрисида авизо(хабарнома)лар, шартномалар, ККО, Банк кўчирмаси, , счёт-фактура ва шу каби ҳужжатлар билан тасдиқланади.

• **Фавкулотда даромадлар** - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ўз фаолиятини амалга ошириши давомида кўзда тутилмаган, тасодифий тарздаги ходиса ва воқеалар натижасида яъни конуннинг ўзгариши натижасида корхонада қолдирилган даромадлар, фавкулотда ходисаларни бартараф этишда аниқланган ортиқча активларни қирим қилиш натижасида олинган даромадлар.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида даромадлар ҳисобининг тўғри ташкил этилиши, даромадларнинг тўғри ҳисобланишига, солиқ тўловларининг тўғри ҳисобланишига ва ўз вақтида тўланишига ҳамда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларини самарали бошқарувига замин яратади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида даромадлар ҳисобининг асосий мақсади ушбу хўжалик юритувчи субъектлари даромадларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган № 2 “Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар” БХМС¹⁵, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»¹⁶ ва шу каби бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шаклланганлигини ҳамда молиявий ҳисобот шаклларидаги жумладан «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш.

Даромадлар ҳисобининг вазифаси қуйидагиларга қаратилган:

- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш натижасида олинган даромадларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;
- туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш натижасида олинган даромадларни ҳисоблаш тамойилига асосан акс эттириш;

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда рўйхатга олинган, № 483 (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан)

¹⁶ ЎзР ВМ 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгариш ва қўшимчалар билан)

• туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш натижасида олинган даромадларни тўғри гуруҳлаш ва туркимларга ажратиш;

• туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан хизматлар кўрсатиш натижасида олинган даромадларни бухгалтерия ҳисоби счётларида тўғри акс эттириш;

• Келгуси давр даромадлари ўз вақтида ва тўғри тегишли харажатлар счётларига ўтказиш;

17.2.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида туристик хизматлардан олинадиган даромадлари фойда олишнинг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизнинг 2-сон БХМС ««Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар»га мувофиқ туристик хизматлардан олинган даромадларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун улар қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан даромадга эгаллик қилиш ҳуқуқи туристик хизматларни ҳақиқатда кўрсатилганлигига гувоҳлик берувчи тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши;

иккинчидан, олинадиган даромаднинг суммаси аниқ бўлиши;

учинчидан, кўрсатилган хизматлардан келиб тушган ёки келиб тушадиган тушум туристик ташкилотнинг активларини қўпайишига ёки унинг мажбуриятларини камайишига олиб келишига тўлиқ ишонч бўлиши;

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари асосий фаолиятдан олинган даромадлар кўрсатилган хизматлар учун ёзилган счёт-фактуралар ва кўрсатилган хизматлар далолатномалари, қирим касса ордерлари билан тасдиқланади Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида кўрсатилган хизматларга махсус ҳужжат «счёт-фактура» расмийлаштирилади. «Счёт-фактура»ни тузишга асос бўлиб кўрсатилган хизматлар ҳисоби журнали маълумотлари ҳисобланади. Ушбу журнал туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ҳар бир гуруҳ (турист ва

турист бўлмаган шахс) бўйича юритилади. Журналда хизматларнинг кўрсатилишининг бошланиш ва якунланиш саналари, уларни бориш жараёни, кетма-кетликда бажарилган ишлар, уларнинг келишилган шартномалар бўйича қиймати ва бошқа жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар жамланади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун «счёт-фактура» икки нусхада ёзади. Ҳар иккала нусха ҳам хизмат кўрсатувчи (туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари) ва истеъмолчи (харидор) томонидан имзоланади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадларнинг ҳисоби уларни тан олишнинг танлаб олинган усулига бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу усуллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Тўлиқ тугалланиш усули;
2. Тугалланиш фоизи усули;

Тўлиқ тугалланиш усулида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар хизматлар тўлиқ якунланган сўнг счёт-фактура асосида тан олинади. Кўрсатилган хизматлардан олинган даромад суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4010 «Олинган счёти»

Кредит 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан даромад»

Тугалланиш фоизи усули кўпинча хизматлар иккита ҳисобот даврига тўғри келиб қолганда қўлланилади. Масалан, хизматлар 15 кун ичида 23 декабрдан 6 январгача бўлган даврда кўрсатилган, жами шартнома қиймати 30 млн.сўм, дейлик. Кўриниб турибдики, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ушбу турувчи кўрсатилган хизматлардан олинган даромад, мос равишда, иккита ҳисобот даврида тузилган молиявий ҳисоботларга киритилиши лозим. Айнан шундай ҳолатларда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўз ҳисоб сисъатига ҳамда тузилган шартномаларга мувофиқ кўрсатилган хизматлардан олинган даромадни тугалланиш фоизи усулида ҳисоблашлари мумкин. Тугалланиш фоизи усулида ҳар бир ҳисобот даврига тўғри келадиган даромад суммаси жами шартнома суммасини жами хизмат кўрсатиш кунларининг сонига бўлиш ва топилган суммани ҳисобот даврида ҳақиқатда кўрсатилган хизмат кунлари сонига кўпайтириш йўли билан топилади. Юқорида келтирилган шартли маълумотларга кўра:

(1) хизматлар бўйича ўртача бир кунга тўғри келадиган даромад суммаси 2 млн. сўм (30 / 15);

(2) декабрь ойида кўрсатилган хизмат кунларига (9 кунга) тўғри келадиган даромад суммаси - 18 млн. сўм (2 * 9);

(3) хизматларнинг тугалланиш фоизи – 60,0 % (18 / 30);

(4) хизматларнинг декабрь ойида тугалланган қисмига тўғри келувчи даромад – 18 млн. сўм (30 * 60 % / 100 %);

(5) декабрь ойида кўрсатилган хизмат кунларига (6кунга) тўғри келадиган даромад суммаси – 12 млн. сўм (30 * 40%) ёки (6 * 2).

Даромадларни тугалланиш фоизи асосида тан олиш усулида буюртмачига тақдим этиладиган счёт-фактура ҳисобот даврлари бўйича алоҳида-алоҳида тузилади ва тасдиқланади. Ушбу ҳужжатлар асосида кўрсатилган хизматлардан олинган даромад суммаларига ҳар ойда юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувлари бериллади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадларнинг аналитик ҳисоби 16- ишлов қайдномасида юритилади. Ушбу ишлов қайдномасида тахлилий маълумотлар буюртмачилар ҳамда улар учун кўрсатилган хизматларнинг турлари бўйича мужассамлаштирилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида кўрсатилган ва ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар бўйича ўз буюртмачилари билан икки турдаги ҳисоб-китобларни олиб боришлари мумкин. Булар:

- (1) бўнак сифатида олинган пул маблағлари бўйича ҳисоблашишлар;
- (2) кўрсатилган хизматлар учун якуний ҳисоблашишлар.

Хизматларни кўрсатиш олдидан шартнома қийматининг камида 15 фоиз миқдорини бўнак сифатида ўтказиб беришлари лозим. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида буюртмачилардан олинган бўнақлар бўйича ҳисоблашишлар 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётида ҳисобга олинади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари счётига буюртмачилардан келиб тушган бўнак суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» ёки 5210 «Валюта счёти»

Кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»

Хорижий валютада олинган бўнақлар бўйича ҳар ойнинг охирида курс фарқлари ҳисоб-китоб қилинади. Ушбу фарқ суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9620 «Валюта курслари фарқидан зарарлар»

Кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»

Олинган бўнақлар бўйича қарз суммаси буюртмачилар томонидан ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар учун якуний ҳисоб-китоблар қилинишида камайтиришга олиб борилади. Унга бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида буюртмачилар билан ҳисоб-китобларининг аналитик ҳисобига доир маълумотлар турли регистрларда ўз аксини топади. Чунончи, буюртмачилар билан якуний ҳисоб-китоблар тўғрисидаги барча тахлилий маълумотлар 5- ва 16- қайдномаларда, олинган бўнақлар 8- журнал-ордер ва 2-қайдномада келтирилади.

17.3. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлари ва уларнинг ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари томонидан ўз фаолиятлари даврида жисмоний ва юридик шахсларга турли хизматларни кўрсатишдан ташқари бошқа фаолиятларни ҳам амалга амалга оширишлари мумкин. Яъни:

- мавжуд, лекин фойдаланилмаётган асосий воситалар ва бошқа активларни сотиши;
- мавжуд асосий воситалар ва бошқа активларни ижарага бериш;
- молиявий инвестицияларни амалга ошириш;
- ортиқча маблағларни вақтинчалик қарзга бериш ва шу кабилар бундан ташқари туристик-меҳмонхона мажмуалари:
- кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш;
- ўз вақтида тўланмаган дебитор қарзлар бўйича жарима ва пенялар ўндириш;
- қайтариб бермаслик шarti билан бепул молиявий ёрдам олиш;
- мавжуд қимматли қоғозларни қайта баҳолаш;

• қонунларнинг ўзгариши ёки бошқа фавқулотда ҳодисалар натижасида даромадга эга бўлишлари мумкин. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ушбу фаолиятлар натижасида олинган даромадлари асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ташкил этади.

БХМС №21 «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га асосан туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида молиявий ва бошқа фаолият олинган даромадлар ҳисобга олиб бориш учун қуйидаги счётлар мўлжалланган:

- 9310 «Асосий воситаларининг сотилиши ва турли чиқимидан олинган даромадлар»
- 9320 «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган даромадлар»
- 9330 «Ўндирилган жарима, пеня ва устамалар»
- 9340 «Ўтган йиллар даромадлари»
- 9350 «Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар»
- 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар»
- 9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари»
- 9380 «Бепул олинган қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»
- 9390 «Бошқа операциялар даромадлар»

• **9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»** счётининг кредитида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига тегишли бўлган асосий воситаларининг сотилиши ва турли чиқимларидан олинган фойда суммаси акс эттирилади.

Мисол : Бухгалтерия бўлими компьютери сотилди:

Сотиш қиймати – 600000 сўм,

Бошланқич қиймати – 780000 сўм,

Жамланган амортизация суммаси – 300000 сўм,

Корхона ягона солиқ тўловчи.

Ушбу хўжалик операцияси корхона бухгалтериясида қуйидагича ёритилган:

Хўжалик операцияси мазмуни	Д-Т	К-Т	Сумма
Асосий воситанинг бошланғич қийматига	9210	0150	780000
Жамланган амортизация суммасига	0250	9210	300000
Компьютерни сотиш қийматига	4010	9210	600000
Компьютерни сотишдан олинган даромад	9210	9310	120000

• **9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»** счётининг кредитида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида мавжуд, лекин хўжалик фаолиятида фойдаланилмаётган материаллар, хўжалик инвентарлари ва номоддий активларни сотишдан ҳамда бошқа чиқимларидан олинган фойда суммаси акс эттирилади. 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти дебетланади.

Мисол учун: Номоддий активларни сотилишидан олинган фойда қуйидагича акс эттирилади.

Операция мазмуни	Д-Т	К-Т	Хужжат номи
Сотилган номоддий активнинг бошланғич қиймати хисобдан чиқарилиши	9220	0400	Далолатнома
Сотилган номоддий активга тўғри келадиган жамланган эскиришни хисобдан чиқариш	0500	9220	Далолатнома
Номоддий активни сотиш қийматига	4010	9220	Далолатнома
Сотишдан олинган даромад	9220	9320	Далолатнома, счет-фактура

• **9330 «Ундирилган жарималар, пеня ва устамалар»** счётининг кредитида турли хўжалик шартномалари шартларининг бузилиши натижасида, шунингдек кўрсатилган зарарларнинг қопланиши эвазига олинган даромад (фойда) суммаси акс эттирилади. Бунда мос равишда жаримани келиб тушганлиги, ушланганлиги ёки хисобланганлигини акс эттирувчи счётлар, масалан 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан хисоблашишлар», 4860 «Даъволар бўйича олинган счётлар» дебетланади.

• **9340 «Ўтган йиллар фойдаси»** счётининг кредитида ҳисобот йилда аниқланган ўтган йилларнинг фойдаси акс эттирилади. Бундай фойда бўлиб,

масалан, муддатидан олдин ҳисобдан чиқариб юборилган дебиторлик қарзларнинг тикланган ёки келиб тушган суммаси, ортиқча ҳисоблаб юборилган харажатларни камайтирилиши ва бошқалар ҳисобланади. Бунда мос равишда ўтган йиллар фойдасини тикланганлигини кўрсатувчи счётлар, масалан 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 4000 «Олинган счётлар» дебетланади.

• **9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар»** счётининг кредитида қисқа муддатли ижарадан олинган даромад суммаси 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинган тўловлар» счёти билан корреспонденциялашган ҳолда акс эттирилади.

• **9360 «Кредитор ва депонент қарзларни хисобдан чиқаришдан даромадлар»** счётининг кредитида муддатида (3 йилдан ошқ муддатда) ундириб олинмаган қарзларни туристик ташкилот фойдасига ўтказишдан олинган даромадлар мос равишда кредиторлик қарзларни акс эттирувчи счётлар (6010,6110,6710,6720,6900 ва бошқалар) билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

• **9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари»** счётининг кредитида асосий фаолиятга хизмат кўрсатишга қаратилган ва мазкур солиқ тўловчининг мақсади бўлган хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган хўжаликлардан (соғлиқни сақлаш бўлими, сарторошхона, кутубхона, болалар боғчаси, сауна, ва бошқалар) олинган даромадлар акс эттирилади. Бунда олинган ёки хисобланган даромадларни акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счётлари дебетланади.

• **9380 «Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»** счётининг кредитида турли юридик ва жисмоний шахслардан қайтариб бермаслик шarti билан олинган молиявий ёрдам суммалари акс эттирилади. Бунда олинган ёрдамнинг турини акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 0100 «Асосий воситаларни хисобга олувчи счётлар счёти», 1000 «Материалларни хисобга олувчи счётлар» ва бошқа счётлар дебетланади.

• **9390 «Бошқа операцион даромадлар»** счётининг кредитида юқорида келтирилган счётларга олиб борилмаган бошқа операцион даромадлар, масалан инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, турли қоплама суммалар ва

бошқалар акс эттирилади. Бунда мос равишда ТМЗ ва пул маблағларини акс эттирувчи счётлар (0100, 1000, 2800, 2900, 5000 ва бошқалар) дебегланади.

17.4. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий бўлмаган фаолиятдан олинган бошқа даромадлари ва уларнинг ҳисоби.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ортқча пул маблағларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга қарз сифатида беришлари, моддий ва номоддий активларни ижарага беришлари, бошқа юридик шахсларга таъсисчи бўлишлари ҳамда қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашлари ва хорижий мижозлар билан чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга оширишлари натижасида даромадга эга бўлишлари мумкин. Бундай даромадлар молиявий фаолиятдан олинган даромадлар деб аталиб, улар куйидагилардан ташкил топади:

- Фоиз кўринишидаги даромадлар;
 - Дивидентлар кўринишидаги даромадлар;
 - Роялти кўринишидаги даромадлар;
 - Валюта курси(ижобий фарқи)дан олинадиган даромадлар;
 - Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар;
 - Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;
 - Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.
- 21-сон БҲМСга мувофиқ молиявий фаолиятдан олинган даромадлар куйидаги счётларда ҳисобга олинади:

- **9510** “Роялти кўринишидаги даромадлар”
- **9520** “Дивидентлар кўринишидаги даромадлар”
- **9530** “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”
- **9540** “Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар”
- **9550** “Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар”
- **9560** “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар”
- **9590** “Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар”

Ушбу пассив ва вақтинчалик счётларнинг кредитида номлари юқорида зикр этилган даромадларнинг турлари ҳисоблаш тамойилига мувофиқ акс эттирилади.

Роялти кўринишидаги даромадлар деганда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг номоддий активларини, масалан компьютерлар учун дастурлар таъминотини, лицензиялар ва бошқаларни ижарага беришдан ва ҳамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромадларни ҳисобланиши 4850 “Олинадиган роялти” счётининг дебетида ва 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9510- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетида ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счётининг кредитида ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Дивидендлар – бу акцияларга киритилган молиявий инвестициялар учун ҳисобланган даромад. Ушбу даромадни ҳисоблашга асос бўлиб акционерлик жамиятининг дивиденднинг ҳисобланганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси ҳисобланади. Ушбу хабарномада жами ҳисобланган дивиденд суммаси, ундан ушланган дивиденд солиғи суммаси ва тўланадиган дивиденд суммаси акс эттирилади. Агар хабарномада дивиденд солиғини ушланмаганлиги уқтирилган бўлса, у ҳолда ушбу солиқни дивиденд олган корхона тўлаши лозим. Ҳисобланган дивиденд кўринишидаги даромадлар 4840 “Олинадиган дивидендлар” счётининг дебетида ва 9520 “Дивиденд кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9520- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетида ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счётининг кредитида ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар деганда бошқа юридик шахсларга берилган қарзлар ва кредитлар учун ҳисобланган фоизлар тушунилади. Ушбу фоизларнинг миқдори тузилган шартномалар асосида ҳисобланади. Фоиз кўринишидаги ҳисобланган даромадлар 4830 “Олинадиган фоизлар” счётининг дебетида ва 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9530- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетида ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счётининг кредитида ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар деганда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг валюта счётида сақланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича ҳисобланган ижобий курс фарқлари тушунилади.

Ушбу даромад ҳар ойнинг охирида 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет элдаги валюта счётлари», 4000 «Олинадиган счётлар», 6000 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ҳамда бошқа чет эл валютасида ҳисоби юритилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар счётлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки эълон қилган курслар асосида ҳисобланади. Ҳисобланган ижобий курс фарқлари юқорида келтирилган счётларнинг дебитида ва 9540 «Валюта курслари фарқларидан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9540-счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебитида ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар деганда мулкни бир йилдан кўп муддатга ижарага беришдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромаднинг суммаси тузилган лизинг (ижара) шартномаси асосида ҳисобланади. Ҳисобланган даромад суммаси 4830 «Олинадиган фойзалар», 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» счётларининг дебитида ва 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9550-счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебитида ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар деганда узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар қийматини ошириш натижасида вужудга келган даромадлар тушунилади. Бундай даромадлар қайта баҳолаш далолатномалари асосида ҳисобланади. Ҳисобланган даромад суммаси 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари», 5800 «Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари»нинг дебитида ва 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9560-счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебитида ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Фавқулотдаги даромадларнинг ҳисоби. 21-сон БҲМСга мувофиқ фавқулотдаги даромадларнинг ҳисоби 9710 «Фавқулотдаги фойда» счётининг кредитида ҳисобга олинади. Бунда фавқулотда олинган ёки ҳисобланган фойданинг турини кўрсатувчи счётлар (0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа счётлар) дебетланади. Йил охирида 9710-счётнинг кредитида тўпланган сумма

унинг дебитида ва 9900 «Охириги молиявий натижа» счётининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида молиявий ва бошқа фаолият олинган даромадлар ҳисобот давр давомида юқорида қайд этилган счётларнинг кретида тўпланади ва ҳисобот даври сўнгида 9900 «Якуний молиявий натижалар» счётининг кредити билан коореспонденцияланиб ёпилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотда даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши тартиби 17.1. жадвалда келтирилган.

17.1-жадвал

Даромадларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Асос бўлувчи ҳужжат
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар				
1	Асосий воситалар сотилиши ва бошқа чиқимидан олинган даромад	9210	9310	Шартнома, счёт-фактура
2	Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа чиқимидан олинган даромад	9210	9320	Шартнома, счёт-фактура
3	Ўндирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар	5010, 5110	9330	Далолатнома, ККО, банк кўчирмаси
4	Ўтган йиллар фойдасининг аниқланиши	4730, 6410, 4010, 4890	9340	
5	Кредитор ва депонент қарзларнинг ҳисобдан чиқарилиши	6010, 6310, 6990, 6720	9360	
6	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромади	5010, 5110	9370	ККО, банк кўчирмаси,
7	Кайтариб бермаслик шarti билан олинган молиявий ёрдам	0100, 0400, 0700, 1000, 2800,	9380	Шартнома, ККО, Банк кўчирмаси, , счёт-фактура ва х.к

		2900, 5000, 5100, 5200, ва х.к		
8	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча активлар даромадга олинди	0100, 0400, 0700, 1000, 2800, 2900, 5000, 5100, 5200, ва х.к	9390	Д алолатнома
Молиявий фаолиятдан олинган даромад				
1	Дивидентлар кўринишидаги даромадлар	4840	9520	Авизо
2	Фоиз кўринишидаги даромадлар	4830	9530	Шартнома
3	Роялти кўринишидаги даромадлар	4850	9510	
4	Валюта курси(ижобий фарқи)дан олинадиган даромадлар;	5000, 5100, 5200, 5500, 4010, 4310, 6010, 6310	9540	Ҳисоб-китоб
5	Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар	4830	9550	Шартнома
6	Қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар	0610, 5810	9560	Ҳисоб-китоб
Фавкулотда даромадлар				
1	Табиий офатлар натижасида товарлар, материаллар ва шу кабилар кирим қилинди	0700, 1000, 2900	9710	Далолатнома

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Қуйидагинин қайси бири тўғри

- а) Даромад –бу мажбуриятларни ошиши
- б) Даромад –бу харажатларни ошиши
- в) Даромад – бу олинадиган счётларнинг камайиши
- г) Даромад –бу активларни кўпайиши

2.Қуйидагиларнинг қайси бири тўғри

- а) Сотишдан олинган даромад – бу молиявий фаолитдан олинган даромад
- б) Фоизлар –бу асосий фаолиятдан олинган даромад
- в) Устав капиталига киритилган маблағ –бу фавкулотдаги даромад
- г) Материални сотишдан олинган фойда – бу асосий фаолиятдан олинган қўшимча даромад

3.Қуйидагиларнинг қайси бири асосий фаолиятдан олинган даромадга олиб борилади?

- а) Таъсис бадали
- б) Инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар
- в) Товари сотишдан олинган даромад
- г) Мулкни қайта баҳолашда вужудга келган қўшимча қиймат

4.Қуйидагиларни қайси бири молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади?

- а) Кредиторларнинг воз кечган қарзлари
- б) Бепул келиб тушган мулк
- в) Ходимларнинг воз кечган қарзлари
- г) Ҳеч қайсиси кирмайди

5. Валюта курсларидаги ижобий фарқлар?

- а) Молиявий фаолиятдан олинган даромадга киради
- б) Қўшилган капитални вужудга келтиради
- в) Резерв капиталига олиб борилади
- г) Юқоридаги жавобларнинг биронтаси ҳам тўғри эмас

6. Даромадларни акс эттирувчи счётлар

- а) актив счётлардир
- б) доимий счётлардир
- в) транзит счётлардир
- г) балансдан ташқари счётлардир

XVIII БОБ. ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МЕҲМОНХОНАЛАРДА СОЛИККА ТОРТИШ ТАРТИБИ

18.1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида молиявий натижани аниқлаш тартиби ва ҳисоби

Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятининг охири молиявий натижаларининг кўрсаткичлари, уларни шаклланиши ва ҳисобга олиниши «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да, шунингдек 1,2,3,21- сон БҲМС ларда, атрофлича очиб берилган.

Ушбу меъерий ҳужжатларга мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг якуний молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб улар олган фойда (ёки зарар) ҳисобланади.

Якуний молиявий натижалари ҳисобининг мақсади туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг якуний молиявий натижасини (фойда ёки зарарни) тўғри аниқлаш ҳамда ушбу корхоналарда олинган даромадлари ва амалга оширилган харажатлари Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатларга мослигини ва молиявий ҳисобот (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот) шаклларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш. Ушбу мақсад туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фаолиятининг охири молиявий натижалари бўйича бухгалтерия ҳисобига қуйидаги асосий вазифалари белгилайди:

- молиявий натижалар кўрсаткичларини уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;
- корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;
- корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини солиқ объекти сифатида тўғри шакллантириш;
- молиявий натижалар кўрсаткичларини ҳисоблаш тамойилига мувофиқ улар юз берган вақтдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш;
- молиявий натижалар кўрсаткичларини молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да, шунингдек 1,2,3,21- сон БҲМС га мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари фаолиятининг якуний молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

1. Сотидан фойда (Фс) ёки зарар (Зс). Бу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$\text{Фс (Зс)} = \text{Ст} - \text{Тс}$$

Бу ерда: **Ст** – соф тушум, **Тс** – сотиш таннари.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг соф тушуми улар томонидан кўрсатилган туристик ва меҳмонхона хизматлари, шунингдек савдо ва умумий овқатланиш хизматларидан олинган даромадлардан иборат бўлади.

2. Асосий фаолиятдан фойда (Фаф) ёки зарар (Заф). Ушбу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$\text{Фаф (Заф)} = \text{Фс (Зс)} - \text{Дх} + \text{Бод}$$

Бу ерда: **Дх** – давр харажатлари; **Бод** – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

3. Умумхўжалик фаолиятдан фойда (Фух) ёки зарар (Зух). Ушбу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$\text{Фух (Зух)} = \text{Фаф (Заф)} + \text{Фмф} - \text{Змф}$$

Бу ерда: **Фмф** – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф - молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар.

4. Солиққача фойда (Фст) ёки зарар (Зст). Бу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$\text{Фст (Зст)} = \text{Фух (Зух)} + \text{Фф} - \text{Фз}$$

Бу ерда: **Фд** – фавкулотдаги фойда; **Фз** – фавкулотдаги зарарлар.

21-сон БҲМСга мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида фавкулотдаги даромадларнинг ҳисоби 9710 “Фавкулотдаги фойда” счётининг кредитида, фавкулотдаги зарарларнинг ҳисоби 9720 “Фавкулотдаги зарарлар” счётининг дебитида ҳисобга олинади. Фавкулотда олинган ёки ҳисобланган фойданинг турларини кўрсатувчи счётлар, масалан 0100, 0400, 0700, 1000, 2800, 2900 ва бошқа счётлар дебетланади. Фавкулотдаги ходисалардан

кўрилган зарарларнинг аниқ моддаларини кўрсатувчи сўётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа сўётлар кредитланади.

5. Соф фойда (Сф) ёки соф қопланмаган зарарлар (Сз).

$$\text{Сф (Сз)} = \text{Фсг (Зсг)} - \text{Дс} - \text{Аж}$$

Бу ерда: **Дс** – даромаддан олинадиган солиқлар (фойда солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови);

Аж – фойдадан бошқа ажратмалар.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га мувофиқ юқорида келтирилган фойда (зарар) кўрсаткичларидан ташқари солиқга тортиш мақсадида яна иккита куйидаги фойда кўрсаткичи ҳисоблаш йўли билан топилади:

• Солиқга тортиладиган даромад (Стд)

$$\text{Стд} = \text{Фсг (Зсг)} + \text{Стх} + \text{Сбх} - \text{Счх} - \text{Д} - \text{Ф}$$

Бу ерда: **Стх** –солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар;

Сбх –ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекин келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар;

Счх –солиқ базасидан ҳисобот даврида чегириладиган харажатлар;

Д –олинган дивидендлар;

Ф- олинган фойзалар

• **Солиқга тортиладиган фойда (Стф)**- бу солиқга тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни:

$$\text{Стф} = \text{Стд} - \text{И}$$

Бу ерда: **И**-имтиёз сифатида солиқга тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар.

Солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар деганда «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га мувофиқ молиявий

натижаларни шакллантиришда солиқгача фойда суммасини камайитиришга олиб борилган, ҳисоботда сотиш таннархи, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибида акс эттирилган харажатлар (масалан, меъёрдан ортиқ ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар, меъёрдан ортиқ реклама ва ваколатлик харажатлари, моддий ёрдам ва компенсациялар, уяли алоқа харажатлари, корхонанинг асосий воситалари ва бошқа активларидан кўрилган зарарлар, кўрсатилган хомийлик суммалари ва бошқалар) тушунилади. Бундай харажатларнинг тўлиқ рўйхати Низомнинг 1-илоvasида келтирилган. Солиқ қонунчилига асосан корхоналар солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатларни Низомда келтирилган тартибга мувофиқ мустақил ҳисоблашлари, уларнинг суммасини фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобининг алоҳида сатрида (020-сатр) кўрсатишлари лозим.

Ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекин келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар деганда 9430 “Келгусида солиқ базасидан чегириладиган харажатлар” сўётда акс эттирилган харажатлар тушунилади. Ушбу харажатлар фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобининг алоҳида сатрида (030-сатр) кўрсатилади.

Солиқ базасидан чегириладиган харажатлар деганда Низомга келтирилган 2-иловага мувофиқ ўтган ҳисобот йилида солиқ базасидан чегирилмаган, лекин кейинги ҳисобот давридан бошлаб 10 йил муддат ичида солиқ базасидан чегирилиб бориладиган харажатлар тушунилади. Солиқ қонунчилига асосан корхоналар солиқ базасидан чегириладиган харажатларни Низомда келтирилган тартибга мувофиқ махсус ҳисоб-китоб ёрдамида мустақил ҳисоблашлари ва маълумотнома билан тасдиқлашлари, уларнинг суммасини фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобининг алоҳида сатрида (040-сатр) кўрсатишлари лозим.

Олинган дивидендлар ва фойзалар Солиқ қонунчилигига мувофиқ алоҳида 15 фойзлик дивиденд солиғига тортилиши муносабати билан фойда (даромад) солиғини ҳисоблашда чегириб ташланади. Шунинг учун уларнинг суммалари фойда (даромад) солиғи ҳисоб-китобининг алоҳида сатрида (060-сатр) кўрсатилади. Ушбу даромадлардан дивиденд солиғини ўндирилганлиги тўғрисида маълумотлар уларни берган юридик шахсларнинг маълумотномалари (хабарномалари) билан тасдиқланиши лозим.

Фойда (даромад) солиғи бўйича имтиёзлар сифатидаа солиқга тортиладиган даромад суммасидан чегириб ташланадиган харажатлар нинг турлари, имтиёз меъёрлари Солиқ Кодекси ва фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича Йўриқномада очиб берилган.

21-сон БҲМСга мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ҳисобот йилнинг фойдаси (зарари)ни топиш барча даромад ва харажатларни 9900 «Яқуний молиявий натижа» счётида акс эттириш ва ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотлари суммасини таққослаш йўли билан амалга оширилади. Жумладан, даромадларни акс эттирувчи барча счётлар (9010-9030, 9310-9390, 9510-9590, 9710)нинг кредитида тўпланган сумма йил охирида 9900 «Яқуний молиявий натижа» счётнинг кредитига, харажатларни акс эттирувчи барча счётлар (9110-9130, 9410-9440, 9610-9690, 9720)нинг, шунингдек фойданинг ишлатилишини акс эттирувчи счётлар (9810-9820)нинг дебетида тўпланган сумма йил охирида 9900 «Яқуний молиявий натижа» счётининг дебетига ўтказилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисобот йилида эришган соф фойдаси йил якуни билан ҳисобот йилнинг тақсимламаган фойдасини акс эттирувчи счётга қуйидагича ўтказилади:

Дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа»

Кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси қопланмаган (зарари)».

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ҳисобот йилида кўрган зарарига юқорида келтирилган ёзув тескари тарзда берилади.

18.2.Ҳисобот давр фойдасини тақсимлаши ва унинг ҳисоби

21-сон БҲМС га асосан ҳисобот йилнинг фойдасини ишлатилиши 9800 «Фойдани солиқлар ва тўловлар учун ишлатилиши ҳисоби счётлари» да (мос счётларда) акс эттирилади. Ушбу актив счётнинг дебетида йил мабойнида фойда (даромад)дан ўндирилган солиқлар, жумладан фойда (даромад) солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ, ялпи тушумдан ягона солиқ акс эттирилади. Бунда ушбу солиқлар бўйича бюджет олдидаги қарзларни ифодаловчи 6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби счётлари» (мос равишдаги счётлар) кредитланади.

Фойда (даромад) солиғи (Нф) суммаси корхонанинг солиқга тортиладиган фойдаси суммасини (**Стф**) солиқ меъёрига (**См**) кўпайтириб ва 100% га бўлиш билан топилади, яъни:

$$\text{Нф} = \text{Стф} * \text{См} : 100\%$$

Инфраструктурани ривожлантириш солиғи (Нинф) суммасини топиш учун солиқгача фойда суммасидан (**Сфт**) фойда солиғи суммаси (**Нф**) чегирилади, топилган сумма ушбу солиқ меъёрига (**См**) кўпайтирилади ва 100% га бўлинади, яъни:

$$\text{Нинф} = (\text{Сфт} - \text{Нф}) * \text{См} : 100\%$$

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари солиқ тўлашнинг ихчамлаштирилган тизимида (ягона солиқ, ялпи тушумдан ягона солиқ) ишлатган бўлган ҳолларда ушбу солиқларнинг суммаси Солиқ Кодекси ва ҳаракатдаги йўриқномаларга мувофиқ ялпи тушум (ялпи даромад) суммасини ушбу солиқларнинг белгиланган меъёрларига кўпайтириш йўли билан топилади.

Йил охирида 9800-счётнинг дебетида тўпланган солиқ тўловларининг суммалари унинг кредитида ва 9900 «Охирги молиявий натижа» счётининг дебетида акс эттирилади ва шу асосда фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари ёпилади.

9900 «Охирги молиявий натижа» счётига фойдани ишлатилиши ҳисоби счётини, яъни 9800 – счётни, ёпилиши билан корхонанинг ҳисобот йил якуни бўйича соф фойдаси (қопланмаган зарари)ни аниқлаш имкони бўлади. Бунинг учун 9900 –счётнинг дебет ва кредит обороти таққосланади. Ушбу счётнинг кредит оборотини дебет оборотдан катта бўлиши корхонанинг соф фойдасини, кредит оборотдан дебет оборотини катта бўлиши корхонанинг қопланмаган соф зарарини билдиради.

Аниқланган соф фойда суммаси 9900 –счётнинг дебетига ва 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг кредитига ўтказилади. Йил якуни бўйича зарар билан чиқилган бўлса, ушбу зарар суммаси 9900- счётнинг кредитига ва 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг дебетига ўтказилади. Ушбу ёзув билан 9900 «Охирги молиявий натижа» счёти тўлиғича ёпилади.

Ҳисобот йили охирида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида акс эттирилган соф фойда (қопланмаган зарар)

тақсимланиши ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимотни амалга ошириш корхонанинг мулкӣй ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари маъсулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар шаклида ташкил этилган ҳолда, уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобот йилнинг соф фойдаси (қопланмаган зарари) таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан тақсимланиши ёки тақсимланмасдан корхона ихтиёрида жамланган фойда (қопланмаган зарар) ҳисобига қолдирилиши мумкин. Бу типдаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ҳисобот йилнинг соф фойдасини тақсимлаш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

• *Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида бўлинган соф фойда суммасига*

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 6610 «Тўланадиган дивидендлар»

• *Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг резерв капиталига ажратма суммасига*

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 8520 «Резерв капитали»

• *Ҳисобот йилнинг тақсимланмай қолинган соф фойдаси ўтган йилларнинг жамланган фойдасига қўшилса*

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)»

Агар туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳисобот йили якуни бўйича зарар билан чиққан бўлса, ушбу зарар суммаси 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)» счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

Дебет 8720 «Жамланган фойда (қопланмаган зарар)»

Кредит 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Шундай қилиб, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида ҳисобот йилнинг охирига 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти тўлиғича ёпилади ва ушбу вақтинчалик (транзит) счёт қолдиқга эга бўлмайди.

Акционерлик жамиятлари шаклидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида тўпланган фойда ёки зарар суммасини акционерлар йиғилиши қарорисиз тақсимлаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ акционерларнинг умумий йиғилишлари келгуси йилнинг 1 май ойигача ўтказилади. Шу сабабли акционерлик жамиятларида 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида тўпланган фойда ёки зарар суммаси келгуси йилга қолдиқ сифатида ўтказилади, у фақат ҳисобот йили фойдаси (зарари) тақсимлангач ёпилади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Сотишдан фойда (зарар) –бу маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум ва сотилган бу маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархи ўртасидаги ижобий (салбий) фарқ

Асосий фаолиятдан фойда (зарар) асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва асосий фаолиятга доир харажатлар ўртасидаги ижобий (салбий) фарқ

Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар) бу молиявий фаолиятдан олинган фойда ва кўрилган зарарларнинг ижобий (салбий) фарқи ва асосий фаолиятдан фойда (зарар)нинг йиғиндиси.

Солиққача фойда (зарар) бу фавқулотдаги фойда ва фавқулотдаги зарарлар ўртасидаги ижобий (салбий) фарқ ҳамда умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)йиғиндиси.

Мавзу бўйича назорат саволлари

1.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида молиявий натижани аниқлаш тартиби ва ҳисобии

2.Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида сотишдан фойда (зарар)ни аниқлаш тартиби

3. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий фаолиятдан фойда (зарар)ни аниқлаш тартиби

4. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)ни аниқлаш тартиби.

5. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида солиқга тортиладиган даромадни аниқлаш тартиби

6. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида солиқга тортиладиган фойда аниқлаш тартиби

7. Ҳисобот давр фойдасини тақсимланиши ва унинг ҳисоби

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1. Фойда ва зарарларни акс эттирувчи счётлар

- а) Актив счётлардир б) Доимий счётлардир
в) Пассив счётлардир г) Балансдан ташқари счётлардир

2. Хизматларни кўрсатишдан даромад –10000000 сўм, хизматлар таннари 5000000 сўм, давр харажатлари –3000000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар –1000000 сўм, дивидендлар –400000 сўм, тўланган фоизлар –300000 сўм, ижобий курс фарқи 200000 сўм, солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар – 600000 сўм, солиқ бўйича имтиёзлар –100000 сўм. *Асосий фаолиятдан олинган фойда суммасини топинг*

- а) 2000000 сўм б) 3000000 сўм в) 3400000 сўм г) 2600000 сўм

3. 1-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг молиявий фаолият натижаси нимадан иборат ва унинг суммасини топинг

- а) Фойда, 1100000 сўм б) Фойда, 100000 сўм
в) Зарар, 300000 сўм г) Фойда, 300000 сўм

4. 1-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг сотишдан олинган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси қанча?

- а) Зарар, 5000000 сўм б) Фойда, 1100000 сўм
в) Фойда, 10000000 сўм г) Фойда, 5000000 сўм

5. 1-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг умумхўжалик

фаолиятдан олинган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси қанча?

- а) Фойда, 3300000 сўм б) Зарар, 3300000 сўм
в) Фойда, 2700000 сўм г) Фойда, 2800000 сўм

6. 1-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг солиқга тортилгунча бўлган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси қанча?

- а) Фойда, 3900000 сўм б) Фойда, 3300000 сўм
в) Фойда, 3800000 сўм г) Фойда, 4000000 сўм

XIХ БОБ. ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МЕХМОНХОНАЛАРДА БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

19.1. Бюджет тузилиши ва унинг ифодаланиши

«Бюджет» атамаси кенг маънода, давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ялпи ички маҳсулотнинг қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳукумат ихтиёрида марказлашган пул фондларининг, корхоналар ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларининг шаклланиши ва улардан оқилона фойдаланишни англатади.

Тор маънода эса, «бюджетлаштириш» атамаси ҳали бизнинг иқтисодий адабиётларда атрофлича ёритилмаган, чунки корхонанинг доимий асосга қўйилган комплекс режалаштириш, назорат ва ҳўжалик фаолияти таҳлили тизими шу пайтгача фақатгина бизнес-режалаштириш билан чекланган эди.

Тараққий этган мамлакатлар бошқарув ҳисобида режалаштириш жараёнини таърифлаш учун «бюджетлаштириш» атамасидан кенг фойдаланилади.

Бюджетлаштириш корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-ҳўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади.

Бюджетлаштиришнинг афзаллиги корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини узоқ, қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозор талабларини ўрганишда ўз ифодасини топади. Бюджетлаштиришда асосий эътибор маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинadиган даромад (фойда) ҳажмини тахминлашга қаратилади.

Бюджетлаштиришнинг қуйидаги ижобий жиҳатлари мавжуд:

- 1 корхонанинг асосий мақсадини таъминлашда хизмат киладиган жараёнларни режалаштиради;
- 2 алоҳида бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- 3 корхона бўлинмалари раҳбарларини ўз вазифаларини самарали амалга оширишларига кўмаклашади;
- 4 корхона ходимларини ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини таъминлашга хизмат қилади;
- 5 корхона алоҳида бўлинмалари раҳбарларини белгиланган режаларнинг бажарилиш даражасини баҳолашларида асос бўлади.

Бюджетлаштириш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

- 1 корхонанинг мақсадларига эришишини таъминловчи ҳўжалик муомалаларини режалаштириш;

- 2 барча даражадаги раҳбарларни ўзлари жавобгар марказлар мақсадига эришишларида рағбатлантириш;

- 3 турли хил бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш. Бунда бўлинмалар ходимларининг манфаатлари эътиборга олинади;

- 4 корхона жорий фаолиятини назорат қилиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш;

- 5 жавобгарлик марказлари ва улар менежерлари олдига қўйилган режаларнинг бажарилишини баҳолашда асос вазифасини ўташ;

- 6 менежерлар малакасини оширишда кўмаклашиш.

Қуйида ушбу вазифаларга батафсилроқ тўхталамиз.

Режалаштириш. Қўпчилик ҳолларда, бошқарув қарорлари бўйича режалар ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш жараёнида шакллантирилади ва бюджетларни тузишда мазмунан аниқлаштирилади.

Мувофиқлаштириш. Корхонанинг ҳар бир жавобгарлик маркази бошқа жавобгарлик марказлари иш жараёнига таъсир этади ва уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Бюджетларни тайёрлашда алоҳида фаолият турлари ўзаро мувофиқлаштирилади, бунда барча бўлинмалар келишув асосида, корхона умумий мақсадидан келиб чиқиб фаолият кўрсатади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш режасини маркетинг бўлими режаси билан мувофиқлаштириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини режалаштирилган сотиш ҳажми ва тайёр маҳсулотлар қолдиғи билан таққослаш асосий талаблардан ҳисобланади. Хомашё ва материалларни сотиб олишни режалаштиришда ишлаб чиқариш бюджетида ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган талаб таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқилган режалар барча қатнашчилар уларнинг шартлари билан тўлиқ танишиб олмагунча амалга оширилмаслиги лозим.

Режалар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- 1 қанча маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқарилади;
- 2 ишлаб чиқаришда қатнашадиган ходимлар, фойдаланиладиган усуллар ва асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- 3 қанча хомашё ва материаллар сотиб олинади;
- 4 сотиш баҳоси қандай белгиланади, келгусида қандай чекловларга риоя қилинади ва ҳ.к.

Ушбу маълумотлар реклама, техник хизмат кўрсатиш, маъмурий ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини режалаштириш ҳамда маҳсулот сифатини самарали бошқаришга имкон беради.

Рағбатлантириш. Бюджетларни тузиш жараёни жавобгарлик марказлари раҳбарлари мақсадини амалга оширишда муҳим рағбатлантириш воситаси бўлиши мумкин.

Бюджетларнинг рағбатлантириш роли кўпроқ менежерларни ўз бўлинмаларида бюджетларни тузиш жараёнида фаол қатнашишларида намоён бўлади.

Назорат. Пухта тайёрланган бюджетлар ҳақиқий эришилган кўрсаткичларни таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади, шунингдек, улар бюджетларни тузиш жараёнида кутилган барча ўзгаришлар натижаларини баҳолашни ўз ичига олади.

Ҳозиргача корхоналар амалиётида жорий натижалар ўтган йил натижалари билан таққосланиб келинган. Кўпгина корхоналар айни пайтда ҳам таққослашнинг асосий воситаси сифатида ушбу усулдан фойдаланмоқда. Аммо, бу тарихий усул жорий йил учун режалаштирилган ривожлантириш дастуридаги ўзгаришларни акс эттирмайди.

Ҳақиқий кўрсаткичларни бюджет маълумотлари билан таққослаш бошқарув фаолиятида асосий эътиборни қайси жиҳатларга қаратиш зарурлигини белгилаб беради.

Ҳақиқий эришилган натижалар билан бюджет маълумотлари ўртасидаги четланишлар таҳлили қуйидаги афзалликларга эга:

1 корхона фаолиятидаги энг аввал ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоли жиҳатларни аниқлашга кўмаклашади;

2 бюджетларни тузиш жараёнида ўрганилмаган янги имкониятларни юзага чиқаришга ёрдамлашади;

3 бош бюджетдаги мавжуд номувофикликларни очиқ беради.

Баҳолаш. Ҳар ойда бюджетлардаги четланишларни аниқлаш бутун ҳисобот даври учун назорат мақсадларига хизмат қилади. Ҳисобот даври ҳақиқий натижалари билан бюджет маълумотларини таққослаш йил охирида жавобгарлик марказлари ва улар раҳбарлари фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни баҳолаш имконини беради.

Малакани ошириш. Бюджетлар менежерларнинг малакасини оширишда ҳам ижобий самара беради яъни менежерлар бюджетларни тузишда ўз бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларга, шунингдек, жавобгарлик марказлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқур таҳлил қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Бу эса корхона жавобгар марказларига маъсул шахсларни тайинлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланган ва бошқарув назоратини таъминлашда муҳим бўлган режалаштириш жараёни қуйидаги

тамойилларга таянади:

1 корхона томонидан ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш учун ўрта ва узоқ муддатли режаларни амалга ошириш учун махсус дастурлар тузиш;

2 зарур бюджет (смета)ларни ишлаб чиқиш. Бюджетларни ишлаб чиқиш зарурати корхона тузадиган режалар асосли бўлиши ва уларни амалга ошириш етарли моддий маблағлар мавжуд бўлиши белгиланади.

Одатда, режалаштириш жараёни амал қилиш вақтига мувофиқ узоқ, ўрта ва қисқа муддатли, қўйилган мақсадга кўра эса оператив, тактик ва стратегик режалаштиришга бўлинади.

Тезкор ёки қисқа муддатли режалаштириш тизими кун, ҳафта, декада, ой, чорак ёки бир йил давомида амалга оширилади. Бу режалар бош дастур асосида ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлади, уларни бажаришда турли хил усуллар қўлланилади. Тезкор режалар корхона асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тактик режаларни ифода этади. Улар жумласига ишлаб чиқариш режаси, умумишлаб чиқариш харажатлари режаси, моддий техника таъминоти режаси кабилар қиради.

Тактик ёки ўрта муддатли режалаштириш 3-5 йил муддатни камраб олиб, корхонанинг узоқ муддатли мақсадларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади. Мазкур режалаштиришда корхона мақсадининг ресурслар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади ва турли хил молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликлар аниқланади.

Стратегик ёки узоқ муддатли режалаштиришда корхонанинг 5-10 йил муддатга белгиланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Бу концепция корхонани бозорда барқарор ҳолатни сақлаш ва ўз сегментига эга бўлиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, тўлов қобилиятини яхшилаш, фойдани энг юқори даражага олиб чиқиш ва рентабелликни ошириш каби стратегик мақсадларига эришишини таъминлайди. Стратегик режалар бизнесни ва ташкилий тузилмани белгилаш, аниқлаб олиш бўйича тузиладиган бош режалар ҳисобланиб, алоҳида эҳтиёж бўлмаса қайта тузилмайди. Уларга янги технологияларни жорий этиш, янги бозорларни ўрганиш ва харидорларни жалб қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Узоқ ва ўрта муддатли режалар корхона стратегиясини, қисқа муддатли режалар эса тактикасини амалга оширишга кўмаклашади.

Бизнес-режалаштиришни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- бизнес-режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- қўйилган мақсадга эришиш йўлларида энг мақбулини танлашга имкон

берувчи кўп вариантлилиқ;

- корхона ходимларини режалаштиришга тўлиқ жалб этилишини таъминловчи иштирок этишлилиқ.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнеснинг қисқа ва тушунарлилигини, белгилаб олинган асосий вазифаларнинг тўғри ечимларини топишга имкон берувчи муҳим курулдир.

Бизнес-режа қуйидаги тузилмага эга:

1. Бизнес концепцияси;
2. Ҳозирги вақтдаги вазият ва корхона ҳақидаги қисқача ахборот;
3. Бизнес объекти тавсифи;
4. Бозорни тактик таҳлил этишнинг мавжудлиги;
5. Ташкилий режа, шу жумладан ҳуқуқий таъминот;
6. Ходимлар фаолияти ва бошқарув;
7. Ишлаб чиқариш режаси;
8. Маркетинг режаси;
9. Йирик таваккалчилик ва хавф-хатарлар;
10. Молиявий режа ва молиявий стратегия.

Бизнес-режа кўзда тутилган бизнесни асослаш ва муайян вақт мобайнидаги натижаларни баҳолаш учун мўлжалланади.

Бизнес-режа фаолият йўналишини белгилаб олишга ва бизнес бошқаришга имкон берувчи ҳаракат ҳисобланади. Шу сабабли, уни ички хўжалик режалаштирилишининг узвий қисми ёки ижро ва назорат учун амалий қўлланма сифатида эътироф этиш мумкин.

Корхоналарда бизнес-режа инвестицияларни юқори даромад келтирадиган соҳаларга йўналтиришда ижобий самара беради. Шу жиҳатдан у инвесторлар учун бизнесни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнес муваффақиятини кафолатлаши ва корхонанинг таваккалчиликка тайёрлигини таъминлаши керак.

Юқорида таъкидланганидек, бизнес режалаштириш - бу маҳорат ва санъатни талаб қилувчи жиддий жараёндир.

Бизнес режалаштиришни жараён сифатида амалга ошириш учун қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш лозим:

- корхона фаолият кўрсатаётган муҳитдаги ўзгаришларга доимий мослашувчанлик;
- режалаштиришнинг мослашувчанлик хусусиятларини назарда тутувчи узлуксизлик;
- манфаатлар мувофиқлиги ва интеграциясига асосланган алоқадорлик;

- бизнес-режанинг аввал тузилган бўлимларини умумлаштириш асосидаги такрорланувчанлик;

- қўйилган мақсадга эришишнинг муқобил имкониятлардан энг маъқулини танлаб олишга имкон берадиган кўп вариантлилиқ ;

- корхона барча ходимларини режалаштиришга жалб этиш нуқтаи-назардан жараёни муҳимлигини назарда тутувчи иштирок этиш тамойили;

- режалаштириш жараёнида реал муаммолар ва ўз-ўзига баҳо беришни акс эттиришнинг айнан бир хиллиги.

Бизнес-режаларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари мавжуд:

-ўзаро боғлиқлик муносабатлари бўйича: бунда иккита мустақил бизнес-режа қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади ва улардан муқобил ҳамда юқори даромад келтирадигани танлаб олинади;

-кутилмаётган даромад бўйича: харажатларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва технологияларни янгилаш ҳисобига қўшимча даромад олиш, бозорда муносиб ўринга эга бўлиш, бизнеснинг янги соҳаларини ўзлаштириш, ижтимоий самара ва сифатга эришиш;

-ташқилий ишлар бўйича: аниқ мақсадни белгилаш, бозорни тадқиқ этиш ва юқори имкониятга эга лойиҳалар асосида ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Таъкидлаш лозимки, техник-иқтисодий асосланиш (ТИА) ҳам кўп жиҳатдан бизнес-режага яқин туради. Ундан бизнес-режанинг асосий фарқи стратегик йўналиши ва тадбиркорлик хусусиятида ҳамда корхона ички имкониятларини ташқи муҳит таъсиридаги ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятнинг бозор хусусиятлари билан ўзаро бирикувида намоён бўлади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда бизнес режалаштириш асоссиз равишда ички хўжалик режалаштирилиши билан бир хил деб қаралади. Аммо, улар орасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

1 ички хўжалик режалаштиришидан фарқли ўларок, бизнес-режалаштириш корхона умумий мақсадни эмас, балки фаолиятнинг янги турини режалаштириш ёки бизнес-режанинг мазмунини аниқловчи энг муҳим вазифаларни қамраб олади. Бизнес-режа, асосан, корхона ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга мўлжалланади, ички хўжаликни режалаштириш эса юқоридагилардан ташқари жорий ва истиқболли фаолиятнинг хилма-хиллигини ҳам ўз ичига олади;

2 бизнес-режа, одатда, бажарилиши муайян муддатлар билан белгиланган инновацион лойиҳаларга ишлаб чиқилади, бу муддатлар тугаши билан лойиҳа устидаги олиб борилаётган иш тугалланади. Ички хўжалик

режалаштириши корхонани бошқаришнинг барча даврларида узлуксиз амалга оширилади. Бунда даврий ва йиллик режани бажариш мобайнида тегишли тузатишлар киритилгандан кейин навбатдаги режани амалга оширишга ўтилади ва ҳ.к. Бизнес-режа нафақат аниқ, балки янада торроқ чегараларга эга, ҳар қандай ички хўжалик режаси эса бундай аниқ чекловларга эга бўлмайди;

3 бизнес-режа тадбиркорларни янги фаолиятни бошлаши ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар, авваламбор молиявий ресурсларга эга бўлиш, шунингдек, ишончли шериклар қидириб топиш, асосий молиявий кўрсаткичларни пухта таҳлил қилишни талаб этади, бунда нафақат ички хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти, балки кредит, молиявий ва банк тизимларида таваккалнинг мавжуд даражаси ҳисобга олинади. Ички хўжалик режалари кўпроқ хусусий равишда фойдаланиш учун бизнес-режалар эса инвесторлар ва кредитлар олиш учун зарур, ҳолос;

4 бизнес-режалар корхона раҳбарияти иштирокида ишлаб чиқилади. Ички хўжалик режалаштиришини амалга ошириш билан эса корхонанинг тажрибали менежерлари ва бўлинмалар мутахассислари шуғулланиладилар.

Ички хўжалик режасини ишлаб чиқишда ҳар бир тадбиркорнинг шахсан иштироки нафақат реал стратегик ва тезкор мақсадни ишлаб чиқишга имкон туғдиради, балки келажакда харажатлар ва даромадларни солиштириш асосида бизнес-лойиҳани бажаришнинг энг мукамал шаклини ташкил этишни ҳам таъминлайди.

19.2. Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларда бюджетлаштириш жараёни бош бюджетни тузишдан бошланади. Уни тузиш қуйидаги тўртта асосий босқичга ажратилади (6.1.-чизма):

Бош бюджет корхонанинг раҳбарлари учун муҳим бўлиб, режалаштирилган ҳисобот даврида улар олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, даромадлар ва харажатларнинг шаклланиш жараёни, ҳисоб-китоб ва тўловлар ҳолатини доимий равишда кузатиб боришга имкон беради.

Бош бюджетни тузиш инвестиция қилинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда корхона мулкдорлари учун ҳам зарур ҳисобланади.

Бюджетларни тайёрлашда қуйидаги сметалар тузилади:

- а) моддий харажатлар сметаси;
- б) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи харажатлари сметаси;
- в) ишлаб чиқариш хусусиятига эга устама харажатлар сметаси;

г) маъмурий-бошқарув харажатлари сметаси.



19.1-чизма. Корхонада бюджетлаштириш босқичлари ва уни амалга ошириш

Операцион бюджетнинг асосий мақсади молиявий маблағларнинг тахминий манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаб беришдир. Уни ишлаб чиқиш сотишлар режасини тузишдан бошланади. Ишлаб чиқариш ҳажми, таннарх, фойда каби корхонанинг бошқа барча иқтисодий кўрсаткичлари сотиш ҳажми ва таннархига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг алоҳида тамойиллари ва босқичларини тавсифловчи махсус техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТИК) ҳам операцион бюджет орқали акс эттирилади. Бунда маркетинг бўлимининг маълумотлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Корхонанинг операцион бюджетига даромадлар ва харажатлар миқдор ҳамда қиймат кўринишида ифодланади.

Операцион бюджетни тузишда қуйидаги бюджетлардан фойдаланилади:

Бош бюджетни тузишнинг якуний босқичи кутилаётган фойда ёки зарар тўғрисидаги умумлаштирилган сметани тузиб чиқиш ҳисобланади. Мазкур смета қуйидаги кўрсаткичларни ўзида акс эттиради:

а) маҳсулотлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

б) ишлаб чиқаришга сарфланадиган хомашё ва материаллар харажатлари;

в) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;

г) ишлаб чиқариш хусусиятидаги устама харажатлар;

д) сотилган маҳсулотлар таннархи;

е) сотиш ва маъмурий-бошқарув харажатлари;

з) ишлаб чиқаришдан кутилаётган фойда ёки зарар.

Корхонанинг бош бюджети операцион, инвестиция ва молиявий бюджетлардан ташкил топади.

1. Ишлаб чиқариш бюджети;

2. Товар-моддий захиралар ва асосий воситаларни сотиб олиш бюджети;

3. Тайёр маҳсулотлар захиралари бюджети;

4. Давр харажатлари бюджети:

а) сотиш харажатлари бюджети;

б) маъмурий харажатлар бюджети.

Сотиш харажатлари бюджети стратегик режалаштириш асосида харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузилади. Кўпгина ҳолларда сотишлар ҳажми мавжуд ишлаб чиқариш қуввати билан белгиланади.

Сотиш харажатлари бюджетини тузиш бюджетлаштиришнинг мураккаб босқичи ҳисобланади. Бунинг сабаблари қуйидагилардир:

а) маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ эмас;

б) бозорда назорат қилиб бўлмайдиган ҳамда сотув бюджетига бевосита ва билвосита таъсир қиладиган омиллар жуда кўп. Бу омилларга қуйидагилар киради:

1 ракобатчиларнинг фаолияти;

2 миллий ва жаҳон бозоридаги умумий ҳолат;

3 харидорлар ва мол етказиб берувчиларнинг молиявий барқарорлиги;

4 реклама ва бошқа ҳамкорлик хизматларининг самарадорлиги;

5 баҳо сиёсати;

6 маҳсулотнинг рентабеллиги.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда сотиш бюджетини тузишда қуйидаги икки усулдан фойдаланилади:

1 статистик прогноз (умумиктисодий шароитлар, бозор конъютураси кабиларнинг графикли математик таҳлили);

2 экспертлар баҳоси (сотиш бўлими мутахассислари ва менежерларнинг фикрларини умумлаштириш асосида).

Сотишларнинг режалаштириладиган ҳажми белгиланганидан кейин ишлаб чиқариш бюджети, унинг асосида товар-моддий захиралари ва асосий воситаларни сотиб олиш, маъмурий харажатлар бюджетлари тузилади.

Инвестиция бюджети корхонанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси ҳисобланади. Ушбу бюджет тури жорий даврдаги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (асбоб-ускуналар сотиб олиш ва х.к.) ҳамда бюджет давридан четга чиқувчи узоқ муддатли харажатлар (капитал қурилиш, корхонани модернизация қилиш ва шу каби)ни ўз ичига олади. Инвестиция бюджетида корхонанинг бюджетлаштириш давридаги капитал қўйилмалари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режалаштирилади.

Корхона бош бюджетининг муҳим таркибий қисми **молиявий бюджет** ҳисобланади. Унинг ёрдамида сотишлар ҳажми ва таннархи, даромадлар ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати ва бошқалар ҳақида тўлиқ ахборот олинади.

Молиявий бюджет амалиётда «Пул маблағлари ҳаракати бюджети» деб ҳам номланиб, унинг таркибига корхонанинг бюджет давридаги пул маблағларининг кирими ва чиқими, айланма маблағлар ҳаракати бюджети, шунингдек, тахминий бухгалтерия баланси (корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот) киради.

19.2-жадвал

Пул маблағлари бюджети кўрсаткичлари, *минг сўмда*

Моддаларнинг номлари	йилга	Шу жумладан чораклар бўйича			
		I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6
1. Ҳисобот даври бошига пул маблағлари	1500,0	600,0	440,0	320,0	140,0
2. Ҳисобот даврида пул маблағларининг келиб тушиши	4340,0	975	1200	1200	965
шу жумладан: маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан	4000,0	900,0	1100,0	1100,0	900,0
Асосий воситаларни сотишдан	-	-	-	-	-
Бошқа жиҳозларни сотишдан	-	-	-	-	-
Қимматли қоғозлар	60,0	-	30,0	30,0	-

муомалаларидан					
Мулкни бошқа корхоналарга ижарага беришдан	160,0	40,0	40,0	40,0	40,0
Олинган дивидендлардан	-	-	-	-	-
Бошқа тушумлардан	120,0	35,0	30,0	30,0	25,0
Пул маблағлари жами (1қҚ2к)	5840,0	1575,0	1640,0	1520,0	1105,0
3. Ҳисобот давридаги жами тўловлар, шу жумладан:	4550,0	1070,0	1110,0	1430,0	940,0
Хомашё ва материаллар сотиб олишга	2000,0	400,0	500,0	700,0	400,0
Меҳнат ҳақи харажатларига	1000,0	280,0	240,0	240,0	240,0
Солиқлар, йиғимлар ва чегирмаларни ўтказиш тўловларига	200,0	50,0	60,0	40,0	50,0
Маъмурий харажатларга	800,0	200,0	150,0	300,0	150,0
Қурилиш харажатларига	450,0	100,0	100,0	150,0	100,0
Ускуналар ва номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатларга	100,0	40,0	60,0	-	-
Қимматли қоғозлар муомалалари бўйича харажатларга	-	-	-	-	-
Бошқа тўловларга	150,0	80,0	-	20,0	50,0
4. Пул маблағларининг етарлилиги (етишмовчилиги) (1қҚ2к-3к)	1290,0	505,0	530,0	90,0	165,0
5. Кредит ва бошқа қарзлар олиш	-	-	-	-	-
6. Кредитлар ва бошқа қарзларни қайтариш	100,0	100,0	-	-	-
7. Ҳисобот даври охирига пул маблағлари қолдиғи (4қ-6қ)	1190,0	405,0	530,0	90,0	165,0

Жадвал маълумотларидаги ҳисобот даври охирига пул маблағларининг ижобий қолдиғи 1740,0 минг сўми ташкил этганлиги корxonанинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Тахминий бухгалтерия баланси корхона активлари ва пасивларининг

ҳисобот давригача бўлган ҳолатини акс эттиради. Мазкур баланс шаклини тузиш билан бош бюджетни тайёрлаш жараёни якунланади. “Тошкентсўт” акционерлик жамиятининг 2004 йил учун бюджетлаштирилган тахминий баланси 9-иловада келтирилган.

Корхоналарда бюджетларни тузиш ўтган йилларнинг ҳақиқий харажатлари асосида амалга оширилади. Бунда режавий ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослашда аниқланган четланишлар келгуси давр учун тузиладиган бюджетда инобатга олинади.

Бюджетларни тайёрлашда куйидаги талабларга риоя қилинади:

- 1 эҳтиёткорлик ва аниқлик тамойилларига асосланиш;
- 2 мувозанатланган ҳолда тузиш қондасига риоя қилиш;
- 3 моддий, меҳнат ва пул birlikларида баҳоланиш;
- 4 бюджетни тузишда жавобгар қилиб тайинланган ходимнинг масъулият билан ёндашиши талаб қилинади.

Шунингдек, бюджетларни тузиш уларни тайёрлашда қатнашувчи барча бўлинмалар келишуви асосида амалга оширилиши, кейин эса тасдиқлаш учун корхона раҳбариятига тақдим этилиши лозим. Корхона раҳбарияти маъқуллағач бюджет ҳақиқий ҳисобланади. Тасдиқлаган бюджетга асосланиб харажат ва даромадларнинг ойлик режалари тузилади. Мазкур режалар корхонада харажатларни бошқариш ва иқтисодий кўрсаткич (сотишлар ҳажми, соф фойда, активлар рентабеллиги, фойда меъёри ва х.к.)ларнинг зарурий даражасига эришишга хизмат қилади.

6.3. Мослашувчан ва статик бюджет, уларни тузиш асослари

Бюджетлар олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ, мослашувчан ва статик турларга ажратилади.

Статик бюджет корxonанинг ишчан фаоллигини муайян даражасида ҳисоб-китоб қилинади. Унда даромадлар ва харажатлар сотишлар даражасидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Статик бюджет корхона молиявий натижаларининг ҳақиқийлигини ифодалайди ҳамда пул ва фоиз нисбатларидаги кўрсаткичларнинг мутлақ рақамларини таққослашга имкон беради.

Статик бюджет кўрсаткичларини мослашувчан бюджет кўрсаткичлари билан таққослашда сотишнинг ҳақиқий ҳажми эътиборга олинмайди яъни натижаларнинг қиёсий таҳлили келтирилади.

Хўжалик субъектининг статик бюджети, минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқий	Четланишлар ¹⁷ («с», «и»)
1.	Сотиш ҳажми, дона	150	200	50 (и)
2.	Сотишдан олинган тушум	45000	60000	15000 (и)
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	35000	41000	6000 (с)
4.	Маржинал даромад	10000	19000	9000 (и)
5.	Давр харажатлари: <i>шу жумладан:</i>	6000	8000	2000 (с)
	- <i>сотиш харажатлари;</i>	2000	3000	1000 (с)
	- <i>маъмурий харажатлар</i>	4000	5000	1000 (с)
6.	<i>Операцион фойда (4қ-5қ)</i>	4000	11000	7000 (и)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш корхонаси статик бюджетда назарда тутилган кўпгина кўрсаткичларга эришмаган.

Статик бюджетда кўрсаткичларни режалаштириш амалга оширилса, мослашувчан бюджетни тузишда натижаларнинг омили таҳлил усулидан фойдаланилади.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми тузатиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Унда сотиш ҳажмини ҳисоблашнинг бир қанча муқобил вариантларидан фойдаланилади.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқариш харажатлари учун аввал маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меъёрлар белгиланади, кейин ушбу меъёрлар асосида ҳақиқий сотиш ҳажмига мос келадиган ишлаб чиқаришни режалаштириладиган ҳажми аниқланади (6.3.-жадвал).

¹⁷ *Изоҳ:* «(и)» - белгиси ресурслар иктисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, «(с)» - белгиси салбий четланишни ифода қилади.

Хўжалик субъектининг мослашувчан бюджети, минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқий бажарилгани	Ҳақиқий бажарилганга мослаштирилган бюджет	Ҳақиқий бюджетнинг мослаштирилган четланиши («с», «и»)*
1.	Сотиш ҳажми, дона	3000	3000	-
2.	Сотишдан олинган тушум	300000	445000	145000 (с)
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	210000	350000	140000 (и)
4.	Маржинал даромад	90000	95000	5000 (с)
5.	Давр харажатлари: <i>шу жумладан:</i>	55000	58000	3000 (и)
	- <i>сотиш харажатлари;</i>	33000	33500	500 (и)
	- <i>маъмурий харажатлар</i>	22000	24500	2500 (и)
6.	Операцион фойда	35000	37000	2000 (с)

Корхонада жавобгарлик марказлари бўйича мослашувчан бюджетлар тузиш харажатлар ва даромадларни самарали бошқаришга, четланишлар бўйича тезкор чоралар қабул қилишга, ижобий ва салбий четланишларни режалаштирилган фойда суммасига мос равишда тузатиб боришга имкон яратади.

Шундай қилиб, корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда бюджетлаштириш айланма ва молиявий ресурслар, инвестиция фаолияти учун молиялаштириш маблағларини жалб этиш, харажатлар ва даромадлар, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида зарур маълумотлар олиш имконини беради.

19.4. Бюджетлаштиришда ишлаб чиқариш дастури

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш дастурини тузиш корхона фаолиятини бюджетлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бюджетлаштиришда ишлаб чиқариш дастури маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори

талаби асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режани ўзида намоён этади.

Буюртмачиларнинг талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида товарларга бўлган эҳтиёжи, тузилган шартномалар ва буюртмаларнинг мавжуд портфели, шунингдек, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таклифи корхона ишлаб чиқариш дастурининг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш дастурини тузишда турли усуллар: даражали тахминлаш, вазиятли режалар тузиш, чизикли дастурлаш, маҳсулот (иш ва хизмат)лар турларини диверсификациялаш (кенгайтириш) қўлланилади.

Даражали тахминлаш сотишлар ва фойданинг қутилган ҳажмини учта: максимал, эҳтимол, минимал нукталари бўйича аввалдан режалаштиришни назарда тутаяди.

Вазиятли режалаштириш корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш жараёни билан бир қаторда беқарор бозор шароитларида уни амалга оширишда ҳам бир қанча қулайликлар туғдиради.

Ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатда, уч босқичда амалга оширилади:

- 1) бутун корхона учун йиллик ишлаб чиқариш режасини тузиш;
- 2) режалаштириладиган ҳисобот даври учун устувор мақсадларни аниқлаш;
- 3) йиллик ишлаб чиқариш режасини корxonанинг алоҳида бўлинмалари ёки иштирокчилар бўйича тақсимлаш.

Амалиётда ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришнинг «қуйидан юқорига» ёки номарказлаштирилган ҳолда, «юқоридан қуйига» ёки марказлаштирилган ҳолда ва такроран режалаштириш қўринишлари қўлланилади.

Қуйидан юқорига режалаштириш шунинг асосида, бунда ишлаб чиқариш режаси бошқаришнинг қуйи даражасида яъни корхона бўлинмаларида ва функционал хизматлар бўйича тузилади.

Юқоридан қуйига режалаштирилганда режалар бутун корхона бўйича ишлаб чиқилади ва бўлинмалар учун тезкор режалаштириш асос бўлиб хизмат қилади.

Такроран режалаштириш корхона раҳбарияти билан барча бўлинмалар ва функционал хизматлар ўртасидаги узвий ўзаро ҳамкорликни назарда тутаяди.

Корхона ёки унинг бўлинмасининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми маҳсулот бирлигини мос тахминий бозор баҳоларига қўпайтириш орқали қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$M_0 = \sum_n M_n B_n + \sum_p M_p B_p + \sum_y M_y B_y$$

бу ерда:

M_0 - корxonанинг умумий ишлаб чиқариш дастури, сўм;

M_n, M_p, M_y - маҳсулот (иш ва хизмат)лар йиллик ҳажми, дона;

B_n, B_p, B_y - маҳсулот (иш ва хизмат)лар бирликларининг тахминий бозор баҳолари, сўм/дона;

19.5-жадвал

Хўжалик субъектининг бозор сегментлари бўйича режалаштириладиган савдоси ҳажми

Истеъмолчи р бўйича бозор сегментлари	Ўлчов бирлиги	20xx				20xx		й
		I ч.	II ч.	III ч.	IV ч.	1 я/й.	2 я/й.	
А маҳсулот:	тонна							
- X истеъмолчи	тонна	200	300	350	250	500	100	1050
- У истеъмолчи	тонна	150	200	250	200	350	450	850
- ва ҳ.к.	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами:		500	850	1100	750	1550	1900	3700
В маҳсулот:	тонна							
- Z истеъмолчи	тонна	1400	1150	2150	2150	4050	5500	11000
- ва ҳ.к.								
Жами	тонна	4300	3450	6500	5050	12500	15050	30500
Ҳаммаси	тонна	4800	4300	7600	5800	14050	16950	34200

Маъсумий тебранишларга хос беқарор ишлаб чиқаришда сотишлар режаси, одатда, ҳар ойга тузилади. Корхона маҳсулот сотишининг йиллик режасига товарлар ва хизматларнинг қуйидаги турлари киритилади: ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажми, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳажми, товарларнинг экспортга жўнатиш ҳажми, тайёр маҳсулот захиралари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлар ва хизматлар миқдори ва ҳ.к.

Корxonаларни маҳсулот турлари бўйича бозордаги мавқеини баҳолашда 5.5.-жадвалдан фойдаланилади.

19.6-жадвал

Товар бозорида ишлаб чиқариш
корхонаси иштирокининг тавсифи

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш ҳажми, (минг сўм)	Бозорга чиқарилган маҳсулот (минг сўм)	Барча ҳўжалик юри-тувчи субъектлар томонидан бозорга чи-қарилган маҳсулот-ларнинг умумий ҳажми, (минг сўм)	Ишлаб чиқариш корхонасининг бозорга етказиб берган маҳсулоти улуши, %да
Творог	2900	2635	23960	11,0
Сметана	3100	3898	25991	15,0

Жадвал маълумотлари бир вақтнинг ўзида бозор сиғими ва унда ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари ҳиссасини акс эттиради. Унга асосланиб келгусида сотишлар ҳажми моддий ва қиймат кўринишида режалаштирилади.

Сотишлар режаси асосий стратегик ва тезкор ҳужжат ҳисобланади. Сотишлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш режалари ўзаро узвий боғлиқдир.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси маркетинг тадқиқотлари натижаларини корхона ишлаб чиқариш имкониятлари билан таққослаш асосида ишлаб чиқилади.

Сотишлар ҳажми каби ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган ҳисобот йилининг охирида номенклатура нуқтаи-назаридан даврлар бўйича бюджетлаштирилади: биринчи йили - кварталлар бўйича (зарурат туғилганда - ойлар бўйича); иккинчи йили - ярим йилликлар бўйича; кейинги йилларда эса йиллик истиқболли режалар тузилади.

Мавжуд ва талаб этиладиган захираларни солиштирма таҳлили менежерларни ҳисобот даври давомида ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланиш имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Корхона ишлаб чиқариш захираларига бўлган талабини қуйидаги шартли мисолларда ифодалаш мумкин (6.6.-жадвал).

19.7-жадвал

Товар-моддий захираларга бўлган талабнинг ҳисоб-китоби

Товар моддий захираларнинг турлари	20xx йилги ишлаб чиқариш дастури бўйича моддий захираларга талаб		20xx йилги ишлаб чиқариш дастури бўйича моддий захираларга талаб		Мол етказиб берувчилар
	миқдори	қиймати (млн. сўм)	миқдори	қиймати (млн. сўм)	
Материаллар - хаммаси	12300	485	15400	450	Савдо акционерлик жамиятлари, фермер хўжаликлари
шу жумладан:					
А – тури	4200	262	4890	264	
Б – тури ва х.к.	3650	148	4760	190	
Сотиб олинмаган ярим тайёр маҳсулотлар - хаммаси	10550	625	11430	870	АЖ «Браво-сут» «Nestle» қўшма корхонаси
шу жумладан:					
В - тури	3310	245	4315	305	
С - тури ва х.к.	2040	172	3150	435	
Жами					

Шундай қилиб, мазкур жадвал маълумотлари асосида корхонанинг товар-моддий захираларга бўлган талабини аниқлаш мумкин. Бу эса, келгусида ишлаб чиқариш режасини тузишда муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Меҳнат, умумишлаб чиқариш, маъмурий ва сотиш харажатларидаги талаб ҳам худди шу тарзда аниқланади. Кейин ўтказилган ҳисоб-китоблар асосида инвестициялар - асосий воситаларни сотиб олиш ва айланма капитал ўсишига бўлган умумий талаб аниқланади.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатдагидек, ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини режалаштириш билан яқунланади.

19.5. Режалаштириш ва унинг хусусиятлари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида харажатларни режалаштириш харажатлар таркиби ва маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархини дастлабки баҳолашдан бошланади.

Режалаштириш ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган товар-моддий захираларнинг қиймати ва қутилаётган фойда ҳажмини аниқлашда юқори самара беради.

Харажатларни дастлабки баҳолаш эса бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. У қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- 1 Ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ белгилаш;
- 2 Маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси;
- 3 Материалларни алмаштириш вариантлари;
- 4 Материаллар ва чет корхоналар хизматларининг қулайлигини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида асосан смета ва норматив усулдан фойдаланилади.

Смета усулида корхонанинг барча бўлинмалари режалари асосида корхона миқёсида харажатларнинг йиғма режаси шакллантирилади.

Республикамызда смета усули анча кенг тарқалган усул ҳисобланади. Унинг қўлланилиши комплекс режалаштиришни ягона тизимга келтиришни таъминлайди.

Норматив усул асосида ишлаб чиқариш харажатлари бюджети тузилади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини инobatта олиб, алоҳида маҳсулотлар таннархини харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калькуляция моддалари бўйича сметасини тузиш учун шахматли жадвал ишлаб чиқилади (6-илова).

Харажатларни шахматли жадвали тузилгандан сўнг, корхонанинг фаолият даври учун режалаштириладиган харажатларнинг йиғма сметаси ишлаб чиқилади.

Халқаро амалиётда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни режалаштиришда норматив усулдан кенг фойдаланилади. Норматив харажатлар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$H_x = H_{mx} + H_{mc} + H_{ux}$$

бу ерда:

H_x - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг норматив харажатлари;

H_{mx} - норматив моддий харажатлар;

H_{mc} - норматив меҳнат харажатлари;

H_{ux} - норматив устама харажатлар.

Норматив устама харажатлар норматив бевосита меҳнат харажатлари бўйича фоизларда ифодаланади. Норматив меҳнат харажатларидан ишчи кучи харажатларини режалаштириш мақсадида фойдаланилади, уларнинг ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Икх = Нмм \cdot Сс$$

бу ерда:

$Икх$ - ишчи кучининг режалаштириладиган харажатлари;

$Нмм$ - нормалаштирилган маҳсулот миқдори;

$Сс$ - меҳнатга ҳақ тўлаш соатбай ставкалари (мукофотларсиз).

Норматив харажатлардан четланишни баҳолаш ва қуйидаги унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарур:

- 1 бевосита ва билвосита харажатларни ўзгариши, сотиб олинган материаллар қийматидаги четланишлар натижасида;
- 2 маҳсулот сифатини таъминлашга сарфланган харажатлар натижасида;
- 3 нормалар ва нормативларни ўзгаришлари натижасида;
- 4 ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, талаб, баҳо таъсири ёки бошқа омиллар натижасида.

Харажатларни дастлабки баҳолаш таннархи юқори ва фойда келтирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш имконини беради.

Харажатларни баҳолашнинг сўнгги босқичида режалаштириш жараёни стандарт маҳсулот тайёрлаш учун барча зарурий харажатларни ҳисобга олишни назарда тутати, чунки янги маҳсулот ишлаб чиқариш катта миқдордаги моддий, меҳнат ва қўшимча харажатларни талаб этади.

$$И_{хт} = \frac{И_о : (1 + K_{тиж}) - И_м}{1 + K_{цв\phi} + K_{уст}}$$

бу ерда,

$И_{хт}$ - ходимларни асосий меҳнат ҳақида сарфланадиган тахминий харажатлар;

$K_{тиж}$, $K_{уст}$, $K_{қўш}$ - тижорат, устама харажатлар ва қўшимча меҳнат ҳақи харажатларини маҳсулот таннархига қўшиш ставкалари.

Агар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган тахминий харажатлар ҳажми қутилган фойдадан ошиб кетса, бу ҳолат маҳсулотни иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош эмаслигини англатади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш талаб қилинади.

Маҳсулотни алоҳида турлари таннархини режалаштириш хомашё ва материаллар, технологик мақсадлар учун фойдаланиладиган ёнилги ва энергия, меҳнат ҳақи харажатлари нормативларига риоя этишни назарда тутлади. Шунингдек, режалаштириш билвосита умумишлаб чиқариш, давр харажатлари ва сотиш харажатлари нормативлари учун ҳам зарур.

Маҳсулот бирлиги тўлиқ таннархи режаси бевосита ва билвосита харажатларни куйидаги формула бўйича умумлаштиради.

$$T_n = M + I_0 \left(1 + \frac{K_1 + K_2}{100}\right) + I_0 \frac{d}{100} + (I_0 + I_{ик}) \frac{e}{100}$$

бу ерда,

T_n - маҳсулотнинг режа таннархи, сўм;

M - бевосита материал харажатлари, сўм;

I_0 - бевосита меҳнат ҳақи, сўм;

$I_{ик}$ - қўшимча меҳнат ҳақи, сўм;

K_1 - умумишлаб чиқариш харажатлари, %;

K_2 - давр харажатлари, %;

d - ходимларнинг қўшимча меҳнат ҳақи ва мукофотлар фоизи;

e - ижтимоий таъминотга чегирмалар фоизи.

Маҳсулот таннархи режасини ишлаб чиқишда техник, ташкилий ва бошқа омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш манбалари аниқланади.

Бундай ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатураси бўйича ўртача таннарх (T_y), маҳсулот таннархининг ҳақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмига кўпайтмаси сифатида куйидаги формула орқали топилади:

$$T_y = \sum_1^n (T_1 - T_2) \cdot M$$

бу ерда:

T_1 - маҳсулот бирлигининг базавий таннархи;

T_2 - маҳсулот бирлигининг режалаштириладиган таннархи;

M - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми.

Режалаштириш жараёнида, одатда, жами ва бир бирлик маҳсулот харажатларини аниқлаш зарурияти туғилади. Шу мақсадда барча харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлиш қабул қилинган.

Жами таннархга маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатлар киради, бир бирлик маҳсулот таннархига эса маҳсулот (иш ва хизмат)лар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади. Бир бирлик маҳсулот таннархи - бу харажатларнинг ўртача катталиги бўлиб, у жами харажатларни маҳсулотни ишлаб чиқариш йиллик режасини ташкил

этувчи умумий бирликлар миқдорига бўлиш билан белгиланади. Жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи билан уларни ташкил этувчи доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги аналитик боғлиқлик куйидаги формулалар билан ифода этилади:

Жами таннарх:

$$T_{ж} = Y_x + D_x \cdot M$$

Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи:

$$T_б = \frac{Y_x + D_x}{M}$$

бу ерда,

Y_x - ўзгарувчан харажатлар;

D_x - доимий харажатлар;

M - маҳсулотлар миқдори.

Келтирилган формулалардан кўриниб турибдики, жами таннарх - бу маҳсулотни йиллик ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси, бир бирлик маҳсулотни таннархи - бу жами ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотлар миқдорига бўлиш орқали аниқланган таннархдир.

Жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатлар суммасига тенг, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи ўзгарувчан ва доимий харажатларга алоҳида ҳисоб-китоб қилинган. Ўзгарувчан харажатлар бевосита моддий ва меҳнат харажатлари суммасига тенг. Доимий харажатлар маъмурий-бошқариш ва маҳсулотни сотиш, шунингдек, бинолар ижараси, умумкорхона аҳамиятидаги биноларнинг эскириши, ходимларнинг меҳнат ҳақини ўз ичига олади. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатларни ҳисоблаш учун жорий даврдаги жами харажатлар суммасини базис даврдаги жами харажатлар суммасига бўлиб, уни шу даврдаги маҳсулот ҳажмига кўпайтирилади.

Режалаштириладиган харажатлар динамикасини омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш 6.7.-жадвалда кўрсатилган.

19.9-жадвал

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини жорий йил учун омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш тартиби, минг сўм

Ойлар	Маҳсулот ишлаб чиқариш дона	Жами таннарх			Харажатлардин амикаси	Бир бирликнинг таннархи		
		Доимий	Ўзгарувчан	Жами (Т _ж)		Доимий	Ўзгарувчан	Жами (Т _{бир})
1	15	420	8	428	0,0	28,00	0,53	28,53
2	25	420	14	434	15,21	16,80	0,56	17,36
3	35	420	18	438	15,14	12,00	0,51	12,51
4	45	420	20	440	15,07	9,33	0,44	9,77
5	55	420	26	446	15,20	7,64	0,47	8,11
6	65	420	36	456	15,34	6,46	0,55	7,01
7	75	420	45	465	15,30	5,60	0,60	6,20
8	85	420	84	504	16,26	4,94	0,99	5,93
9	95	420	136	556	16,55	4,42	1,43	5,85
10	105	420	206	626	16,89	4,00	1,96	5,96
11	115	420	282	702	16,82	3,65	2,45	6,10
12	125	420	375	795	16,99	3,36	3,00	6,36

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йил давомида маҳсулот ҳажми 10 бирликка ошиб борган. Жами доимий харажатлар 420000 сўм даражасида сақланиб қолган.

Жами ўзгарувчан харажатлар ойлар бўйича ўсиб борган. Омилли таҳлилнинг занжирли боғланиш усулини қўллаб, харажатлар динамикаси базавий ойга нисбатан ҳисоблаб топилади. Мисол, феврал ойида жами харажатлар 434000 сўм бўлса, уни январ ойидаги 428000 сўм жами харажатларга бўлиб, топилган суммани январ ойининг режалаштирилган маҳсулот (15 дона) миқдорига кўпайтирилади ва натижада бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатлар топилади. $((434000:428000) \cdot 15) = 15,21$.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, корхонада бир бирлик маҳсулот таннархини ойлар бўйича пасайиши кузатиш мумкин. Бунинг сабаби маҳсулот

ҳажмининг ортиш интервали билан харажатларнинг ўсиш динамикаси бир текисда бўлмаганлигидир.

Корхона 9-ойда 95 дона маҳсулот ишлаб чиқарганда 556000 сўмлик жами харажатлар ҳажмида энг катта даромад олади. Демак, бу ҳолатда корхона 95 бирлик миқдоридида маҳсулот ишлаб чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Режалаштирилган жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини 3.5.-чизма ёрдамида таҳлил қилиш мумкин.

XX-БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАРНИ КАБУЛ КИЛИШ

20.1. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида устав капиталининг ҳисоби

Барча хўжалик юритувчи субъектлардаги каби туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида хўжалик мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига мувофиқ активлар ва уларнинг манбалари қуйидаги тенглик кўринишида ифодаланади:

$$\text{АКТИВ} = \text{ХУСУСИЙ КАПИТАЛ} + \text{МАЖБУРИЯТЛАР}$$

Юқоридаги тенгликка мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хусусий капитали қуйидагича аниқланади.

$$\text{ХУСУСИЙ КАПИТАЛ} = \text{АКТИВ} - \text{МАЖБУРИЯТЛАР}$$

Демак, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хусусий капитали деганда барча активлардан мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активлари тушунилади.

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг хусусий капиталини шаклланишининг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ	
Устав капитали (УК)	бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси.
Кўшилган капитал (ҚК)	бу акцияларни сотиш ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарқлар суммаси.
Резерв капитали (РК)	бу корхонанинг соф фойдасидан ташкил этилган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан олинган қўшимча қиймат ва бепул келиб тушган мулклар қийматининг мажмуаси.
Тақсимланмаган фойда (ТФ)	бу корхонанинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмай қолган соф фойдасининг суммаси.
Резервлар (Р)	Келгуси харажатлар ва тўловлар учун олдиндан ҳосил қилинган резервлар, масалан капитал таъмирлаш, меҳнат таътилини ҳисоблаш учун резервлар.
Мақсадли тушумлар (МТ)	корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар).

Хусусий капиталнинг умумий миқдори юқоридаги унинг элементлари суммаларининг йиғиндисидан иборат бўлади, яъни:

$$\text{ХК} = \text{УК} + \text{ҚК} + \text{РК} + \text{ТФ} + \text{Р} + \text{МТ}$$

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хусусий капиталининг муҳим тури бўлиб устав капитали ҳисобланади.

Устав капитали деганда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари таъсисчилари томонидан унга киритиладиган маблағлар мажмуаси, шунингдек чиқарилган акцияларнинг номинал қийматидаги суммаларининг йиғиндиси тушунилади. Устав капиталининг хусусиятларига қуйидагилар киради:

- Устав капиталининг миқдори туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари устави ва таъсис шартномасига мувофиқ белгиланади ва нисбатан доимий характерга эга бўлади. Унинг бирламчи миқдорини ўзгариши фақат корхона уставини давлат қайдномасидан қайта ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

- Устав капиталини ҳақиқатда шакллантириш вақт бўйича чегарланади. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ барча корхоналар каби, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари устав капиталини шакллантиришнинг охири муддати бўлиб таъсис этилган санадан бошлаб бир тавқим йил ҳисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган корхоналар юридик статусини йўқотади ва тугатилади.

- Устав капитали туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва мулк шаклларига боғлиқдир. Давлат корхоналарида устав капитали унга давлат томонидан биркирилган мулклар мажмуасидан ташкил топади. Хусусий ва коллектив ўртоқчилик мулклари асосида ташкил этилган корхоналарда устав капитали таъсисчиларнинг пай ва бадалларидан иборат бўлади. Акционерлик жамиятларида устав капитали чиқарилган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал қийматидаги суммаларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари устав капиталининг миқдори энг камида 150000 АҚШ доллари миқдорида бўлиши лозим. Маҳаллий таъсисчилар иштирокида ташкил қилинган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари устав капиталининг миқдори ташкил этилган санадаги энг кам иш ҳақининг 400 бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

• Устав капиталига таъсисчиларнинг ҳиссалари узоқ ва қисқа муддатли активлар билан, яъни асосий воситалар, номоддий активлар, капитал ва молиявий инвестициялар, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари билан киритилиши мумкин.

• Таъсисчиларнинг устав капиталидаги ҳиссалари туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг соф фойдасини ҳиссали усулда тақсимлашга, акцияларнинг сони эса соф фойдани уларнинг ҳар бирига мос равишда тақсимлашга асос бўлиб ҳисобланади. Агарда, туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари устав капитали тўлиқ давлат томонидан шаёлантирилган тақдирда соф фойда тақсимланмайди ва устав капиталининг миқдорини оширишга йўналтирилади.

Устав капитали бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Устав капиталини корхоналарнинг таъсис этилган қунига акс эттириш;
- Таъсисчилар томонидан ўз улушларини белгиланган муддатларда киритилиши устидан назорат ўрнатиш;
- Устав капиталидаги ўзгаришларни ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиш;
- Чет эл инвесторлари томонидан чет эл валютасида киритилган маблағлар бўйича валюта курслари ўртасидаги фарқларни тўғри ҳисобга олиш;
- Таъсисчилар билан олинадиган дивидендлар ва уларнинг ҳиссалари бўйича ҳисоб-китобларни тўғри олиб бориш;
- Устав капиталига доир маълумотларни молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

21- сон БҲМС га мувофиқ устав капиталининг ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

- **8300** «Устав капитали» – *давлат корхоналарида;*
- **8310** «Оддий акциялар», **8320** «Имтиёзли акциялар» – *акционерлик жамиятларида*
- **8330** «Пай ва бадаллар» – *хусусий ва коллектив ўртоқчилик корхоналарида*
(*хусусий савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарида, маъсуляти чекланган жамиятларда, қўшма корхоналарда, хорижий корхоналарда, шўъба корхоналарида, қарам хўжалик жамиятларида*).

Ушбу счётларнинг барчаси пассив счётлар бўлиб, уларнинг кредитида устав капиталини вужудга келиши ва қўпайиши, дебитида эса унинг камайиши акс эттирилади.

Устав капитали туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари таъсис этилган санада, яъни давлат рўйхатидан ўтган санада, вужудга келади ва у бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига ҳиссалари бўйича қарзи»

Кредит 8300 «Устав капитали», 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар», 8330 «Пай ва бадаллар».

Кейинги даврларда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг устав капиталини қўпайиши таъсисчилар сафини кенгайтириш ёки олдинги таъсисчиларнинг ҳиссаларини оширилиши, акционерлик жамиятларида эса янги акцияларнинг чиқарилиши ёки олдинги акцияларнинг номинал қиймати оширилиши эвазига юз беради. Устав капиталининг бундай йўллар билан қўпайиши ҳам юқорида келтирилган биринчи ёзув билан ҳисобга олинади

Давлат корхоналари асосида ташкил қилинган туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларда устав капиталини ҳисобот йилнинг соф фойдаси эвазига қўпайиши қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»

Кредит 8300 «Устав капитали»

Устав капиталининг камайиши ўртоқчилик жамиятларида таъсисчиларнинг ҳиссаларини камайтирилиши ёки уларни таъсисчилар сафидан чиқарилиши, акционерлик жамиятларида эса мавжуд акцияларнинг номинал қийматини камайтирилиши ёки акциялар сонини камайиши эвазига юз беради.

Устав капиталини камайиши ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

• Таъсисчиларнинг ҳиссалари камайтирилганда ёки айрим таъсисчилар ўз ҳиссалари билан таъсисчилар қаторидан чиқиб кетганда:

Дебет 8330 «Пай ва бадаллар».

Кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз»

•Акцияларнинг номинал қиймати пасайтирилганда ёки акциялар сони камайтирилганда:

Дебет 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз»

Устав капиталнинг аналитик ҳисоби корхона таъсисчилар ва акционерлари бўйича юритилади.

20.2. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари қўшилган ва резерв капиталнинг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари хусусий капиталнинг муҳим туридан яна бири бўлиб қўшилган капитални ҳисобланади

Қўшилган капитал. қуйидаги иккита ҳолатда вужудга келиши мумкин:

- Корхона акциялари номинал қийматидан юқори қийматга сотилганда
- Устав капитални шакллантириш даврида валюта курслари ўртасида фарқ вужудга келганда.

Акциядорлик шаклидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари акциялари номинал қийматидан юқори қийматга сотилганда. Ушбу ҳолатда сотиш ва номинал қийматлар ўртасида вужудга келган фарқ эмиссия даромади деб аталади. Ушбу даромад қўшилган капитални ташкил этади ва махсус 8410 «Эмиссион даромад» счётининг кредитида пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошқалар) дебети билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Эмиссион даромад туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг солиқга тортиладиган даромадига киритилмайди. Келгусида эмиссион даромад акцияларни номинал қийматидан паст қийматда сотишдан кўрилган зарарларни, шунингдек сотиб олинган хусусий акцияларини бекор қилишдан кўрилган зарарларни қоплаш учун ишлатилади. Ушбу операциялар 8410 «Эмиссион даромад» счётининг дебетида, шунингдек 8610 «Сотиб олинган оддий хусусий акциялар», 8620 «Сотиб олинган имтиёзли хусусий акциялар» счётларининг кредитида акс эттирилади. Эмиссион даромад сифатида тўпланиб қолган қўшилган капитал фақатгина туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг тугатилишида тақсимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади.

Устав капитални шакллантириш даврида валюта курслари ўртасида фарқ вужудга келганда. Бундай қўшилган капитал, одатда, чет эл инвестицияси киритилган хорижий инвестиция иштирокидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида мавжуд бўлиши мумкин. Устав ва таъсис шартномасига мувофиқ чет эл инвесторининг туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг устав капиталига ҳиссаси корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасидаги расмий курс билан баҳоланади. Шунинг учун чет эл инвестори томонидан ҳиссани ҳақиқатда киритилиши вақтида вужудга келган валюта курслари ўртасидаги ижобий ва салбий фарқлар устав капиталига тегишли бўлмайди ва улар хорижий инвестиция иштирокидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида алоҳида 8420 «Устав капитални шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётида ҳисобга олинади. Валюта курслари ўртасида вужудга келган ижобий фарқ, бир томондан, инвесторнинг ҳиссаси сифатида киритилган узоқ ва қисқа муддатли активларнинг (асосий воситалар, номоддий активлар, ТМБ, пул маблағлари) қийматига қўшилади (яъни 0110-0190, 0410-0490, 1010-1090,2810,2910-2990,5010,5110,5210,5210 ва бошқа счётлар дебетланади), иккинчи томондан, қўшилган капитал сифатида тан олинади ва 8420 «Устав капитални шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётининг кредитида акс эттирилади. Худди эмиссион даромадга ўхшаб, валюта курслари ўртасидаги ижобий фарқлар эвазига вужудга келган ушбу қўшилган капитал ҳам солиқга тортиладиган даромадга киритилмайди, у фақатгина туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг тугатилишида тақсимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида тақсимланади. Агар валюта курслари ўртасида салбий фарқ вужудга келса, у ҳолда ушбу фарқ 8420 «Устав капитални шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётининг дебетида ва 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига ҳиссалари бўйича қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади. Курслар ўртасидаги вужудга келган салбий фарқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг зарарига олиб борилади ва унинг умумҳўжалик фаолиятидан олинган фойдасидан қопланади. Ушбу зарар 8420 «Устав капитални шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарқ» счётининг кредитида ва 9620 «Валюта курслари фарқида кўрилган зарарлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

Кўшилган капиталнинг аналитик ҳисоби таъсисчилар ва акцияларнинг турлари бўйича олиб борилади.

Резерв капитали. Ушбу капитал туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг турли мақсадларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталнинг бир тури. Ушбу капитал асосан қуйидаги манбалар ҳисобидан вужудга келади:

• **Мавжуд мулкни қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган янги қиймат эвазига.** Тасдиқланган Низомга кўра туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ҳар йилнинг охирида ўзларининг асосий воситаларини, тугалланмаган қурилиш объектларини қайта баҳолайдилар. Қайта баҳолашда асосий воситаларнинг олдинги бошланғич қиймати ва жамланган эскириши реал бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартирилиши мумкин. Агар ўзгартиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса, ўртадаги ижобий фарқ резерв капитални вужудга келишига сабаб бўлади. 21-сон БҲМС га мувофиқ қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталнинг ҳисоби махсус 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида ва мос асосий воситалар счётларининг (0110-0190) дебитида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг жамланган эскиришини ўсиш томонга ўзгартирилиши 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебитида ва мос асосий воситалар эскиришлари счётларининг (0210-0290) кредитида акс эттирилади. 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредит обороти ва дебет обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарқ балансда қайта баҳолашдан вужудга келган махсус резерв капитали сифатида акс эттирилади. Агар қайта баҳолаш натижасида ушбу счётнинг дебет обороти кредит обороти суммасидан катта бўлса, у ҳолда туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари қайта баҳолашдан зарар кўрган бўлади ва у 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебитида ва 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Мулкни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари тугатилганда таъсисчиларнинг ҳиссаларига мос равишда тақсимланади, бунга дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти ва кредит 6620 «Чиқиб кетган таъсисчиларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарз» счёти кредитланади.

• **Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан.** Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўзларининг соф фойдаси ҳисобидан резерв капитални шакллантиришлари мумкин. Резерв капиталига қилинган ажратмалар дебет 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва кредит 8520 «Резерв капитали» счётининг кредитида акс эттирилади. Шаклланган резерв капитали туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида турли мақсадларда, жумладан акционерлик жамиятлари шаклидаги туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун, ҳисобот йилда кўрилган зарарларни қоплаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Резерв капитални ишлатилиши 8520 «Резерв капитали» счётининг дебитида ва 6610 «Тўланадиган дивидендлар», 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

• **Қайтариб бермаслик шarti билан келиб тушган мулк эвазига.** Бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 «Бепул олинган мулк» счётининг кредитида ва келиб тушган мулкни акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190, 0710-0720, 0610, 0800, 1000, 5810) дебитида акс эттирилади. Солиқ Кодексига мувофиқ бепул келиб тушган мулклар битта тизим корхоналарида юқори ташкилотнинг қарори билан балансдан баланса ўтказиш тарзида амалга оширилган бўлса, даромад солиғига тортилмайди. Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига қиради ва солиқга тортилади.

Резерв капитали счётлари бўйича аналитик ҳисоб унинг турлари ва ташкил топиш манбаларига қараб юритилади.

20.3. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида мақсадли тушумларнинг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларининг хусусий капиталига унга турли манбалардан келиб тушган мақсадли тушумлар ҳам қиради. Мақсадли тушумларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• **Грантлар** - бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига қайтариб олинмаслик шarti билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлардан

аниқ мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина қатъий мақсадларга ишлатилиши лозим. 21-сон БҲМС га мувофиқ грантларнинг ҳисоби 8810 «Грантлар» счётида олиб борилади. Грантларнинг олиниши ва келиб тушуши ушбу пассив счётнинг кредитида маблағларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610, 5810, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210, 4890 ва бошқа счётлар) дебети бўйича корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Олинган грантларнинг ишлатилиши грантлар асосида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотларида 8810 «Грантлар» счётининг дебетида ва харажатлар счётларининг (2010, 2310, 2510, 9420, 9430 ва бошқалар) кредитида акс эттирилади. Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларида олинган грантлар устав капиталига ва резерв капиталига кўшилиши мумкин. Бундай ҳолларда 8810 «Грантлар» счёти дебетланади ва 8300 «Устав капитали», 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади. Грантларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва мақсадлари бўйича юритилади.

• **Субсидиялар**-бу туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларига унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан пул ва моддий активлар кўринишида берилган ёрдам суммаси. Субсидияларнинг ҳисоби махсус 10-сон БҲМС «Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами тавсифи», шунингдек 21-сон БҲМС га асосланиб юритилади. Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ олинган субсидияларнинг келиб тушуши 8820 «Субсидиялар» счётининг кредитида маблағларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610, 5810, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210, 4890 ва бошқа счётлар) дебети бўйича корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Олинган субсидиялар устав капиталига ва резерв капиталига кўшилиши мумкин. Бундай ҳолларда 8820 «Субсидиялар» счёти дебетланади ва 8300 «Устав капитали», 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади.

• **Аъзолик бадаллари** – бу жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ белгиланган аъзолик бадаллари суммаси. 21-сон БҲМС га мувофиқ аъзолик бадалларининг ҳисоби 8830 «Аъзолик бадаллари» счётининг кредитида ва пул маблағлари счётларининг (5010, 5110, 5210) дебетида акс эттирилади. Йиғилган аъзолик бадаллари жамиятнинг фаолиятини ривожлантиришга сарфланади.

Жамият тугатилганда тўпланган аъзолик бадаллари унинг қарзларини қоплашга йўналтирилади.

• **Мақсадли фойдаланиш учун солиқ имтиёзлари**- бу давлат конунлари асосида туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектларини мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқлардан озод этиш натижасида тўпланган маблағлар мажмуаси. Ушбу мақсадли тушумларнинг ҳисоби махсус Низомга, шунингдек 21-сон БҲМС га мувофиқ 8840 «Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари» счётида юритилади. Ушбу имтиёзларга эга туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари солиқларни Солиқ Кодекси ва уларга доир йўриқномалар асосида ҳисоблайдилар. Ҳисобланган солиқ суммаси туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ихтиёрида қолдирилганда қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»

Кредит 8840 «Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари»

Солиқ имтиёзлари маълум муддатга берилган бўлса, ушбу муддат тугагач, бошқа ҳолларда эса ҳисобот йилнинг охирида мақсадли ишлатишга доир берилган солиқ имтиёзлари корхонанинг резерв капиталига кўшилади ва унга қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 8840 «Мақсадли ишлатишга доир солиқ имтиёзлари»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк»

Солиқ имтиёзлари сифатида олинган мақсадли тушумларнинг аналитик ҳисоби солиқ тўловлари турлари бўйича олиб борилади.

• **Бошқа мақсадли тушумлар**- бу турли юридик ва жисмоний жажслардан маълум мақсадлар учун олинган маблағларнинг мажмуаси. Уларга, масалан, ота-оналарнинг болалар боғчаси учун тўловлари, бошқа корхоналардан тушган маблағлар ва бошқалар киради. 21-сон БҲМС га мувофиқ бошқа мақсадли тушумларнинг ҳисоби 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар» счётининг кредитида ва пул маблағлари счётларининг дебетида акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида мақсадли тушумларнинг ишлатилиши акс эттирилади, масалан, хизмат қилувчи хўжаликларнинг харажатларини бир қисми ушбу мақсадли тушумлар ҳисобидан қопланганда 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар» счёти дебетланади ва 2710 «Хизмат қилувчи хўжаликлар» счёти кредитланади. Ишлатилмай қолган бошқа мақсадли тушумлар корхоналарнинг резерв капиталига ёки бошқа даромадларига олиб борилади, яни:

Дебет 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк», 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Бошқа мақсадли тушумларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва манбалари бўйича юритилади.

20.4. Келгуси харажатлар ва тўловлар учун резервларнинг ҳисоби

Туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари ўзларининг яқин келажақда кутилаётган харажатлари ва тўловлари учун, масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, ходимларга меҳнат таътили ҳисоблаш ва бошқа шу каби харажатлар учун, резерв ташкил қилишлари мумкин. Бундай резервни ташкил этишдан асосий мақсад бўлиб кутилаётган харажат ва тўловларни ҳисобот йили ойлари бўйича тенг тақсимлаб бориш ҳисобланади. Резерв ташкил қилишнинг меъёрлари ва тартиби корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган бўлиши лозим. Ташкил этилган резерв туризм ва меҳмонхона бизнеси субъектлари харажатларига олиб борилади ва у қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Дебет 2010,2310,2510,2710,9420,9430 (харажатни акс эттирувчи сётлар)

Кредит 8910 «Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар»

Резервнинг ишлатилиши 8910 «Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар» сётининг дебитида ва қилинган сарфларни акс эттирувчи сётларнинг (1010-1090,6710,6520,6890,2310,2510,2710 ва бошқалар) кредитида акс эттирилади. Ишлатилмай қолган резерв суммаси ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибга кўра келгуси йилга ўтказилиши, шунингдек харажатларни камайтиришга олиб борилиши ёки корхона даромадига олиб борилиши мумкин, яъни:

Дебет 8910 “Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар”

Кредит 2010,2310,2510,2710,9420,9430 ,9390

Резервларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Хусусий капитал-барча активлардан мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активлар

Устав капитали - корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси

Қўшилган капитал- акцияларни сотиш ва номинал қийматлари ўртасидаги ижобий фарк, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарклар суммаси

Резерв капитали бу корхонанинг соф фойдасидан ташкил этилган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан олинган қўшимча қиймат ва бепул келиб тушган мулклар қийматининг мажмуаси

Тақсимланмаган фойда корхонанинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмай қолган соф фойдасининг суммаси

Мақсадли тушумлар корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар).

К.Б.Уразов, Н.У.Худайбердиев, М.С.Тулаев,
С.А.Салохидинов, И.Р.Ибрагимова

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ

Ўқув қўлланма

“IQTISODIYOT” – 2020.

*Муҳаррир:
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусахҳиҳ:
Матхўжаева А.О.*

Лицензия: №10-4286 14.02.2019й. Босишга рухсат этилди 20.02.2020.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times гарнитураси. Шартли босма табоғи 24,6.
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100066. Тошкент шаҳри Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй.